

**Мигел Анхел
Астуриас**



**СЕНЬОР
ПРЕЗИДЕНТ**

Роман

Тошкент
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК 821.111.(7/8=134)-31

КБК: 87(70)6-44

А 85

А 85 **Астуриас, Мигел Анхел.**

Сенъор Президент [Матн]: роман/ М. А. Астуриас; Таржимон О. Абдуллаев. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. – 280 б.

ISBN 978-9943-28-753-2

Рус тилидан Ортиқбояй АБДУЛЛАЕВ таржимаси

Мигел Анхел Астуриас (1899 – 1974) гватемалик ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати, Янги Лотин Америкаси адабиётининг асосчиларидан бири хисобланади. Адіб миллий мустақиллик фойларининг фаол тарғиботчиси сифатида катта шуҳрат қозонган. Унинг «Гватемала афсоналари», «Маккажўҳори одамлари», «Довул», «Мархумларнинг кўзлари» романлари бутун дунёга машҳур.

Доимо ҳакиқатни ёзган хур фикрли адіб қаттиқ таъқиблар остида яшайди: уни Ватанидан кувғин қиласидар, китоблари, кўллётмаларини ёндирадилар, аммо адебнинг мустаҳкам иродасини бука олмайдилар.

1946 йилда эълон қилинган «Сенъор Президент» романи ҳам жаҳондаги жуда кўп тилларга таржима қилинган. Унда мустабид тузум ҳукмронлиги ва зўравонликдан азият чеккан бутун бир ҳалкнинг фожиали ҳаёти катта маҳорат билан ёритиб берилган. Ўз ҳукмронлигини фукароларнинг юрагига вахима ва қўркув солиши орқали ўрнатган зўравон ҳукмдор ҳамда югурдакларнинг инсонийликка зид тубанлик киёфаси асарда ёркин бадиий бўёқларда кўрсатилади.

Муаллиф бошқа асарлари каби бу романнада ҳам ҳалқ оғзаки ижоди ва мифологиясига хос анъаналарни реалистик тасвирлар билан омухта қила олган. Шу туфайли асар катта қизиқиши, завқ ва ҳаяжон билан ўқилади.

УЎК 821.111.(7/8=134)-31

КБК: 87(70)6-44

ISBN 978-9943-28-753-2

© О. Абдуллаев (тарж.), 2016
© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2016



БИРИНЧИ ҚИСМ

21, 22, 23 АПРЕЛЬ

КҮХНА АРК ХАРОБАЛАРИДА

Б ўм-бўм-бўм! Бъем-лбом, бъем-лбом! – били-
били-лбом! – ногоралар ғамгин нидо таратади.
– Били бўм!.. Би-ли-бўм! Бўм-бўм, били, били-лбом...
бўм! Бўм! Бўм!

Барча арzon ошхоналардан олағовур, гавжум қўчаларга судралиб чиккан ғарибу ғураболар қақкайиб турган зимистон шаҳарни тарқ этиб, кўхна Арк харобалари томон имиллаб боришади.

Осмон юлдузларга тўлган паллада ташландиқ Арк остидаги майдонга етиб келиб, эски зинапоялардан қўним топадиган бечора одамларга бошпана бериб, бошини силайдиган меҳрибон қайда дейсиз? Қашшоқлик ва ғарифликдан бошқа мулки йўқ бу баҳтикаро кимсалар ён-атрофга баҳиллик билан кўз олайтиришади, тишлирини ғижирлатиб сўкинишади, итдек ириллашади. Улар бир-бирларига қўшилмасдан, жулдур кийимларини ечмасдан ёлғиз ўтиришади; тунда уйқуга ётганда ҳам кун бўйи қўлга тушган ўлжалари – эски қофозларга ўралган сарқит овқатлар, йиртиқ бошмоқлар, шам қолдиклари, чириган апельсину бананлар солинган тўрваларини ўғриларга ўхшаб бошларига ёстиқ қилиб қўйиб олишади.

Кўпчилиги кенг пиллапояларда чўзилиб ётиб, майда чақаларини санашар, тишлиб қўришар, нималарни дирғўнғиллаб, қайлардандир қўлга туширган матоҳлари (аникроги, турли тошлару ҳатто туморлари)ни саралашар ва ўзгалар кўриб қолмасин деб, тош котган

ушоқларни чала-чулпа ямлаб ютишар эди. Бу зикна, куримсоқ кимсаларда бирон лукмани бирга баҳам кўриш одати йўқ – бировга бергандан кўра итга ташлашни афзал кўришади.

Корни тўйғандан кейин қолган сарқитларни латтага туғиб, белига боғлаб, ёнбошлаб уйкуга кетишади. Уларнинг уйқуси ҳам нотинч, алағда-чалағда бўлар, тушларида ориқ чўчқалар, нимжон кампирлар, кўтирилар, аллақандай филдиракларни кўрар, ой ёруғида муз қотган суюкларни тепкилаб ўтиб, ибодатхонага кириб кетаётган рухоний оталарнинг шарпалари орасида изғиб юришарди. Кўпинча, ярим кечаси алаҳсираб, адашиб қолдим деб нола чекадиган телба боланинг қичқириғидан уйғониб кетишарди. Сиёсий маҳбусларни кечаси турмага ҳайдаб кетаётган миршаб орқасидан қон ютиб йиғлаб қолган аёл фарёди уйқу бермас эди. Яра-чақа босган маймоқнинг баланд хурраги, корни қаппайган соқов хотиннинг пишиллаб йиғлаши, тушида ўзини керагага осилгани ва пашиша талаётган гўшт ўрнида кўрганини айтиб дийдиё қилаётган кўр кампирнинг мунгли ҳасрати уйқуни қочирмасинми? Аммо телба боланинг қичқириғи ҳамманикidan ошиб тушарди. Унинг ох-фигони осмону фалакни тешиб юборгудек бўларди.

Якшанба кечаси бу олакуроқ жамоага бир бадмаст қўшилар ва болалардек уйқусираф, онасини йўқлаб йиғларди. Унинг оғзидан чиқаётган ҳам маъюс, ҳам ҳақоратомуз сўзларни эшитган телба ўрнидан сакраб турар, атрофга олазарак қараб, мастга қўшилиб нола кўтарар ва ҳаммани жонидан безор қилиб юборар эди.

Итлар увлашар, қашшоқлар сўкинишарди, кимдир ўрнидан туриб тартиб ўрнатишга уринарди. «Хой, жим бўлинглар, полиция чақираман!» – деб қўйишарди. Аммо бу ёққа кечаси полиция ўлиб қолса ҳам келмасди. Жарима солишдан наф йўқ. Ниҳоят, оқсоқнинг ҳайқириғи телбаникidan ўтиб тушарди: «Яшасин Франция!»

Қашшоқлар бора-бора бу ахволга кўнишиб кетишли: деярли ҳар оқшом ярамас чўлоқ кўринмай қолган бад-

мастга тақлид қилиб бақирап, хар бир қаттиқ товуш телба Пелелени даҳшатга соларди, жулдур кўрпачаларга ўралган одамлар жунуни қўзиб кетган бола бечорани тинимсиз мазах қилишарди. У эса бу даҳшатли қиёфаларга қарамас, ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани эшитмас, ҳеч нарсани англамас, фингшиб, инграб-инграб, тинка-мадори қуриб кўзи илиниб қолар, айни шу дамда чўлоқнинг «Она-а!» деган қичқириғидан яна уйғониб кетарди.

Пелеле қўрқа-писа қўзларини уқаларди, тушида жарликка қулаб кетаётганини кўрган одамлар шунақа безовта ухлашади. У ғужанак бўлиб олар, яра-чақа босган бадани тиришиб-тортишар, кўзларидан дувдув ёш тўкиларди. Аста-секин у тинчланар, ёнбошига ағдарилиб ухлашга уринар, аммо жунбушга келган мисидаги ғалаёнлар алламаҳалгача ҳаловатини бузар эди. Нихоят, кўзи илинай деганда бошқа бир:

– Онажон! – деган товушдан уйғониб кетарди.

Ярим телба мўлат Сўққабош қичқиришга тушади. У оғзидан кўпик сочиб, кампиirlарга ўхшаб бидиллади:

– Онажон, онагинам, азиз авлиёлар, мадад беринглар. – Телба ҳикиялларди. Балки у ҳам ўзининг забун, оч-юпун ахволини ўйлаб кўз ёши тўкармикан? Ҳаммаси тинмай хохолашарди: ха-ха-ха... хо-хо-хо... Қорни қаппайган, узун мўйлови осилиб қолган гадо гердайиб юарди; ғилай ётган жойида сийиб, деворни тепарди, кўрлар ғўнғиллашарди, Искабтопар лақабли бир оёғи йўқ сўқир ҳаммадан баланд товушда валдиради. Бекорчи эрмаклар эркак кишига ярашмайди, деб хисобларди у.

Кўрларнинг овози ҳеч кимнинг қулогига кирмас, айниқса, Искабтопарни эшитадиган кимса йўқ эди. Мақтанчоқлигидан ҳаммани безор қилганди. Нукул мен, мен деб, кўкрагига уради. Мен казармада катта бўлганман, хачир тепиб мени чўлоқ қилган, мени зобитлар қамчи билан савалаган, қийналиб одам бўлганман, кўчаларда шарманка чалиб юрганман, муштлашувда бир кўзим, ўнг оёғимдан ажралганман,



чап оёгимни машина мажақлаб кетган, аммо бу фожиалар қачон бўлгани эсимда қолмаган...

Гадолар орасида «Она» десанг Пелеленинг жунуни кўзийди, деган гап тарқалди. У шахардаги майдонлар, бозорлар, черковлар эшигию жин кўчаларда дайдиб юрганда бу хитоб шарпага айланиб, уни таъқиб қиласр эди. У уйларга қочиб беркинмоқчи бўлар, аммо итлар талар, хизматкорлар уриб ҳайдашарди. Саждагоҳлардан, дўконлардан – ҳамма ердан кувиб чиқаришарди. Ҳеч ким унинг силласи қуриб бораётганини сезмас, шафқат сўраб жавдираб турган кўзларида қанчалик мунг, ҳасрат яширганини ҳис қилмас эди.

Мадори қолмаган Пелелега шаҳар катта, чексиз-чегарасиз туюларди, Пелеле кезиб чиқиши учун у ниҳоятда улкан эди, ғам-ғуссаларини кўтариш учун ниҳоятда тор эди. Одамлар уни кўрди дегунча бақиришарди: «Хой жинни!.. Телба!.. Онанг келаяпти!.. Онанг!.. Она! Она!» Уни уришарди. Яғир кўйлагини йиртишарди. У болалардан қочиб камбағаллар маҳалласига яширинмоқчи бўлар, аммо аввалгидан бешбаттар ҳақоратларга дуч келар эди. Бу ердаги шафқатсиз ғарибу ғураболар ҳимоясиз телбага ўлик каламушларни отар, тош, темир-терсаклар билан урар эдилар.

Бир куни у санғиб-санғиб яна Кўхна Арк тагига келиб қолди. Пешонаси ёрилган, бошида шапкаси йўқ, орқасида эрмак учун ёпиштириб кўйилган қофоз илон судралиб келарди. Уни ҳатто биноларнинг сояси, митти кўпраклар, хазон япроқлари, тебраниб кетаётган файтонлар ҳам ваҳимага соларди... Коронғи тушди. Арк пиллапояларидағи қашшоклар майдонга орқа ўгириб ўлжаларини юзинчи марта санаб ўтирад эдилар. Маймоқ ва Искабтопар жанжал чиқариш илинжида эди. Соқов тобора катталашиб бораётган қорнига ҳайрон тикиларди. Кўр кампир ўзини керагага осилган ва пашша талаб ётган гўштга қиёс қилиб безовта тебранарди.



Телба пиллапояга қулади. У аранг нафас оларди. Анча кундан бери күзини юммаган эди. Бит ва канага ем бўлган қашшоқлар ғирчиллатиб қашинишар, уйкусизлик азобида тўлғонишарди. Хира ёғду тушиб турган майдонда жандармлар кезарди. Йўл-йўлакай панчо кийган сокчилар – тунги шарпалар деразалар тагида қиличларини шарақлатиб юриб, Республика Президентини қўриқлашади. У қаерда ором олаётганини ҳеч ким билмайди. Бирорлар шаҳардан ташқарида деса, бошқалар шу ерда – уйлардан бирида, деб гапини маъқуллайди. Қандай ухлаши ҳам номаълум, кимдир телефон ёнида узун қамчи ушлаб ётади, деб башорат қиласди; қай пайтда ухлаши ёки бутунлай ухламаслиги ҳам номаълум.

Арк олдига бир киши келди. Қашшоқлар ҳаша-ротлардек ғимирлашди. Чеки йўқ зулмат қўйнида увиллаётган бойқушнинг ёқимсиз товуши этиклар ғижирига қоришиб кетди...

Маймоқ кўзини очди. Осмонга даҳшатли суратлар осиб қўйилгандай эди. У чор-ночор бойўғлига илтижо қилди:

– Бойўғлижон, бойўғли, бу ердан тез кета қол, ғам-ҳасратларимизни кўк денгиздан нарига олиб кет...

Искабтопар юзини қашиди. Шарпалар ҳавода сузуб юргандек кўринади. Сўқирлар орасида Сўққабош тентириарди. Факат Пелеле ўликдек донг қотиб ётарди. Нихоят, у ухлаш баҳтига эришган эди.

Номаълум киши тўхтади. У телбани кўргач, қулгидан зўрға ўзини тийиб, уни оёғи билан туртиб қичкирди:

– Она!

Тамом. Пелеле чақмоқ ургандек сакраб турди-ю, унга ёпишиб кетди: бармоқларини кўзига санчди, қимирлашига кўймай, юзини тишлади, тиззасини қорнига тираб, номаълум одамнинг нафаси чиқмай қолгунча босиб турди. Гадолар кўркувдан қотиб қолдилар. Бойўғли ув тортди. Пелеле қоронғу кўчалар бўйлаб елдек ғизиллаб чопиб кетди, у ҳали ўзига келмаган, даҳшатли тутқаноқдан халос бўлмаган эди.


Ёвуз куч Чавандоз лақаби билан машхур полковник Хосе Парралес Сонриентенинг бошига етди.



ИСКАБТОПАРНИНГ ЎЛИМИ

Куёш нурлари полициянинг Иккинчи бўлими томларини (кўчаларда якка-ёлғиз йўловчилар пайдо бўлди), протестантлар ибодатхонаси гумбазини (бирин-кетин дарвозалар очилди) ва ниҳоят, қурилиб битмаган ғиштин бинони олтин рангига бўяди. Хўмрайган полиция ҳовлиси ва қоронғу йўлакларда маҳбусларнинг ялангоёқ хотинлари бир тўда болалари билан (гўдакларни кўтариб олишган, каттароқлари полда юмалаб ётишарди) ғамгин ўтиришарди. Уларнинг кенг кўйлаклари остида, тиззалири орасида нарсалар солинган саватлар турарди. Аёллар хўрсиниб, кўз ёшлиарини рўмол учиди артиб, бошига тушган мусибатлар ҳақида пичирлашарди. Кўзлари ичига чўкиб, изтироб оташида адо бўлган кампир дунёда она тортаётган ғам-ғуссадан оғир нарса йўқлигини намойиш этаётгандек унсиз йиглар эди. Бу хосиятсиз жойда, сўлиган дараҳтлар, куриган фонтан, тупуги билан оҳорли ёқасини бепарво тозалаб ўтирган навбатчи полициячи олдида ҳеч кимга ёрдам бериш ёки бирон нарсага эришиш мумкин эмас. Худодан нажот кутишдан бошқа илож йўқ.

Эпчил жандарм уларнинг олдидан Искабтопарни судраб ўтди. Уни пиёдалар ўкув юрти бурчагида қўлга олишган, ҳозир қўлини бураб, ҳар қадамда туриб, маймундек эзгилаб бормоқдалар. Аёллар унга бурилиб қарашга улгурмадилар – эшик очилиб, навбатчи нарсаларни қабул қиласидиган ва маҳбуслар ҳақида маълумот берадиган вақт бўлиб қолган эди. «Сиз, – дейишади, – акасига ҳамма нарсани айтиб берган деган гапга ишонманг, бу ёлғон гап». «Сиз, – дейишади, – пулни камроқ шиладиган адвокат топишиб келинг». «Сиз, – дейишади, – рашқ қилиб ўтиранг. Биттасини олиб келишган эди, дарров тил топишиб олди». «Сиз, – дейишади, – икки реалга дори олиб келинг, уни тоби қочиб турибди». «Сиз, – дейишади, – пулдан қийналсангиз, шкафни сотинг».



– Ҳой, сен, – дағдаға қилди Искабтопар, – нега мени туртасан? Камбағал деб хүрламоқчимисан? Камбағалман, аммо виждоним тоза! Сени ўғлинг эмасман, билдингми? Мени құғирчоқ қылмокчимисан? Судраса кетаверадиган тентак эмасман! Сенга ўхшаганларни америқо худойихонасида құрганман. Уч кун овқат еманғанмиз, деразасига оппоқ чойшаб тутилган сариқ уйда ўтирганмиз! Чидаганмиз!

Қамоққа олинган гадоларни «Уч Мария»га – хоналари ниҳоятда тор ва қоронғу турма шундай аталади – жүннатишади. Искабтопар шу ёққа тушди. Темир түсіклар ғижирлайды, тамаки ҳиди анқийди, нам ички кийимлар бадбүй ис таратади, турма қўриқчилари сўқинади, бу тало-тўп ичида ютилиб кетган овоз яна жаранглаб қолади:

– Вой-бўй! Шунча полициячи-я! Э-ҳа, буларнинг қанчаси исковуч экан?!

Махбус гадолар ўлат теккан итга ўхшаб ғингшийдилар. Улар қоронғуликдан безиб қолишиган, ёруғ дунёни кўришдан аллақачон умид узилган; ёмон жойга тушиб қолганини билиб қўркиб-қалтирашади; бу ерда қанчадан-қанча одам очлик ва ташналиқдан ўлиб кетган; уларнинг жасадларидан совун қилишади, айниқса, ана шундан қўрқишиади. Ёки этини нимталаб жандармларга едиришиади. Қоронғуликда бу одамхўрларнинг думалоқ, йўғон юзлари хира кўринади, узун мўйловлари жигарранг сўлак билан ёпишириб қўйилганга ўхшайди.


Ана шу хонада талаба билан пономар¹ учрашиб қолди.

– Агар янглишмасам, сиз бу ерга мендан олдин келдингиз-а? Аввал сиз, кейин мен, шундай эмасми?

Сукунатдан безиб кетган талаба томогига қадалиб колган тугундан кутулиш умидида гап бошлади.

– Ҳа, тахминан ана шундай... – жавоб берди пономар қоронғида суҳбатдошининг юзини яхшилаб қўриш учун тик қараб.

¹ Пономар – православ мазҳабидаги энг кичик унвон.



— Кечирасиз... нимага қамашганини... билсам бўладими?

— Сиёsat учун дейишади...

Талаба титраб кетди, қийналиб аранг гапирди:

— Менга ҳам...

Гадолар қоронғуликда тимирскиланиб қимматли матоҳлари – тугунларини излашади. Полиция бошлигининг хонасида чўнтакларидағи ҳамма нарсани – ҳатто гугуртгача тортиб олишган эди. Энг қаттиқ чоралар белгиланганди.

— Қандай иш очиши? – Яна қизиқди талаба.

— Ҳеч қандай иш йўқ. Мен Президентнинг шахсий топшириғи билан қамалдим!

Пономар оқланган деворга суркалди – битлар таламоқда эди.

— Сиз балки...

— Ҳеч қандай! – жаҳл билан гапни бўлди пономар. – Ҳеч қандай гуноҳим йўқ!

Шу дақиқада эшик ҳалқаси ғижирлаб, бир табақаси очилди. Яна бир гадо ичкарига кирди.

— Яшасин Франция! – Маймоқ қийқириб хонага қадам қўйди.


— Мени қамоққа олишди, – гапни якунлади пономар.

— Яшасин Франция!

— ...менга тўнкалган айбга алоқам йўқ. Ҳаммаси хатодан бошланди. Тасаввур қиляпсизми, мен деворга кечаги мотам ўрнига Сенъор Президентнинг онаси туғилган кун ҳақидаги хабарни осиб қўйибман.

— Буни қаердан билишди? – ҳайратда қолган талаба пичирлади. Пономар бармоғининг учи билан гўё кўз ёшларини ситиб чиқараётгандек авайлаб артди.

— Ўзим ҳам билмай қолдим... Омад юз ўгириди... Кимдир етказган-да, ғизиллаб келишди. Бошлиқка рўпара қилишди, у ўзимга мушт туширди ва бу ёқقا жўнатди. Олдин бир кишилик хонага қўйишиди, сабаби, мени инқилобий ҳаракатларда айблашмоқда.



Қоронғуликда ғуж бўлиб олган гадолар қўркув, совуқ, очликдан қийналиб йиғлашади. Баъзан кўз илиниб қолади. Қорни қаппайган Соқов бирон нафи тегадигандек деворга бурнини тираб нафас олади.

Вақт қанча бўлгани Худога маълум – ҳар ҳолда тун яримлаганда уларни қаергадир олиб боришиди. Улар сиёсий қотилликнинг гувоҳига айланган эдилар. Қориндор киши шундай деб айтди. Унинг заҳил юзларини ажин босган, ўрдакбурун, қуюқ мўйлови йўғон лабига ёпишган, кўзлари оғир қовоқлари ичига ботиб кетган эди. У ҳаммаларидан аввал бирма-бир, сўнг баравар кеча тунда Кўхна Арк майдонида юз берган қотилликдан хабарингиз борми, деб сўради.

Хонадаги пилиги узун керосин чироқ нури қабариқ линза орасидан ўтаётгандек атрофни хира ёритар эди. Стол қани? Девор қани? Йиртқич йўлбарс тишларини эслатадиган герб қани? Полиция камари қани?

Гадоларнинг жавобини тинглаб, ҳарбий прокурор ўрнидан сакраб турди. У кўзойнаги устидан бакрайиб қараб, столга мушт тушириб, қаҳрини сочди:

– Қани, гапирмай кўринглар-чи!

Аммо гадолар бир овоздан полковникни Пелеле ўлдириди, деб жавоб бердилар ва ўzlари гувоҳ бўлган воқеа тафсилотларини оқизмай-томизмай қайта-қайта такрорладилар.

Эшик олдида турган полициячилар прокурор ишораси билан гадоларни уриб-суриб бўм-бўш хонага киргизишиди. Ғира-шира қоронғуликда шифтга осилган арқон аранг кўриниб турар эди.

– Уни Пелеле ўлдириди! – қичкирди соддалик килиб, тўғрисини айтсан, қийноклардан кутуламан деб ўйлаган гадолардан бири. – Пелеле! Пелеле! Исо пайғамбар ҳаки – Пелеле! Телба! Телба! Пелеле! У! У! У!
Ҳаммамиз кўрдик! Пелеле – Телба!

– Шундай жавоб бер, деб ўргатишдими? Менга бундай найрангингиз кетмайди! Йқор бўлмасангиз – ўлдираман! Билмайсизми? Билиб олинг! Эшилдин-гизми? Билиб олинг!

Прокурор овози ва осиб қўйилган гадонинг бош бармоғидан томчилаётган қон томчилари қоришиб кетди. У тўхтамай қичқиради:

– Пелеле ўлдирди! Пелеле! Ё, худо! Пелеле! Пе-леле!
Пелеле! Пелеле!

– Ёлғон! – бўкирди прокурор ва яна такрорлади:

– Ёлғон гапирайсан, ит! Ўзим айтаман. Рози бўлмай кўринглар-чи! Ким ўлдирганини ҳозир айтаман!. Генерал Эусебио Каналес билан абраҳ Абелъ Карвахаль! Кимлигини энди билдингми?

Совуқ сукунат. Кейин... кейин аянчли инграш, иккинчи, учинчи... ва ниҳоят: «Ҳа...» Арқонни бўшатишади, Сўққабош ерга ағдарилади. Ёш томчилари ва тер босган қорамтири юзи ёмғирда қолган кўмир бўлагидек ялтирайди. Гадолар полициячилар қувиб бораётган дайди итлардек қалтирашади, ҳаммаси бирмабир прокурор сўзларини такрорлашди. Искабтопардан бошқа ҳаммаси. Уни тирсагидан осишга тўғри келди, сабаби ярим оёги йўқ, у қийноқларга чидаб, бошқалар кўрқанидан Пелеленинг айбини бировга ағдармоқда, деб мардона туриб берди.

– Бекорларни айтибсан! – ўшқирди прокурор. – Ёлғон гапирди дейишга қандай ҳаддинг сифди, муттаҳам? Ёлғонни ямламай ютишини қаранг! Ёлғон гапиришдими?! Ҳали менга ақл ўргатадиган бўлиб қолдингми?

– Ана ўzlари айтсин!

– Ақлинни киритиб қўйиши керак! – полициячилардан бири йўл кўрсатди. Бошқаси қариянинг башарасига қамчи туширди.

– Гапир! – бақирди прокурор. – Бўлмаса кечаси билан осилиб турасан.

– Кўзим кўрмайди-ку!

– Пелеле ўлдирмаган деб айт!

– Айтольмайман. Мен тўғрисини айтдим. Хотин эмасман.

Бука терисидан тўқилган қамчи икки марта оғзига тарсиллаб тегди.

– Кўр бўлсанг ҳам кар эмассан. Менга тўғрисини айт. Шерикларингга ўхшаб гапир...

– Хўп, майли, айтаман, – бўғиқ хиркиради Искабтопар. – Прокурор ғалабадан яйради. – Қулоқ сол, тўнғиз. Уни Пелеле ўлдирган!

– Аблах!

Яримжон одам прокурорнинг сўкишларини эшитмасди. Арқон бўшатилганда унинг жасади кесилган дараҳтдек ерга афдарилди.

– Қари ёлғончи! Кўрнинг кўрсатмаси ҳисобга ўтмайди, – деди прокурор, – мурда ёнидан ўтар экан.

Президент Ҳазрати Олийларига дастлабки тергов натижаларини маълум қилиш керак. У шоша-пиша ташқарига чиқди ва ориқ қирчангни отлар қўшилган извонгга ўтириб, фонарлар хира нур сочаётган кўча бўйлаб кетди. Жандармлар Искабтопарнинг мурдасини ахлат аравасига ташлаб қабристонга йўл олишди. Гадолар ҳар тарафга тарқалишди. Соқов қаппайган қорнидаги тебранишларга паришон қулоқ солиб, афтодаҳол инграган кўйи қадам босар эди.

ПЕЛЕЛЕНИНГ ҚОЧИШИ

Пелеле шаҳар чеккасидаги тор, эгри-бугри, хароб кўчаларда чопиб бораради. Унинг ёввойи қичқириклари на сокин осмонга, на шаҳарликларнинг осойишта уйқусига халақит берди. Ўлим олдида теппа-тeng бўлсада, тонг отгандан кейинги уқубатли ҳаёт ичиди бирбиридан осмону ер қадар узоқ одамлар хотиржам ором олишарди. Бирорларда ҳеч вақо йўқ, бир бурда нонини оғир меҳнат қилиб топади. Бошқалар қўлини совук сувга урмаса ҳам даромади ошиб-тошиб ётибди. Сенъор Президентнинг дўстлари – ижарахўрлар (кирқ уй, эллик уй...), судхўрлар (ойига тўққиз фоиз, тўққиз яrim, ўн...), катта мансабдорлар (олтига мансаб, еттига, саккизта...) хорижий шартномалар, ломбардлар, унвонлар, қиморхоналар, фохишахоналар, хўроз уриширишлар, хиндулар, ароқхўрлик, қовоқхоналар ва сотқин газета-

лардан келадиган даромадлардан бўкиб ётганларнинг ҳисоби йўқ...

Тонгнинг қизил шуъалари тоғларга туташ қияликларга сочилган шаҳарни қон рангига бўяди. Ер ости йўлига ўхшаш қоронғи қўчаларда ҳар тонгда кўланкадек овоз чиқармай қадам босадиган хунармандлар пайдо бўлди. Улардан кейин амалдорлар, мирзалар, ўкувчи болалар кўринади. Соат ўн бирда, қуёш тепага кўтарилиганда юқори мартабали савлатдор кишилар иштаҳани очиш ёки нуфузли дўстлари билан бирон муҳим масалани ечиш мақсадида сокин сайр қилиб юрадилар. Хароба кўчаларда каллайи саҳардан ишқорланган юбкасини ҳилпиратиб, оиласма гадад берай деб елиб-югурадиган, ичак-чавоқ сотадиган камбағал қизалоқлар одам қаторига қўшиладими? Ҳаво оқиш, пуштиранг гуллар тусига кирган паллада озғин ҳарф терувчи қизлар чопқиллаб қоладилар, ниҳоят, ўзларини қуёшга солиб ҳозиргина кўрган тушларини оқсоchlарга сўзлаб бериш, ўткинчилар устидан кулиб роҳатланиш, мушукласини силаш, газета ўқиш, ойнага бокиб ўтириш учун семиз ойимтиллалар болохоналарга чиқадилар. Пелеле туши ёки ўнги эканини билмай қочиб борарди, орқасидан итлар қувлар, майда ёмғир томчилари аёвсиз саваларди. Кўркувдан ўзини йўқотиб, қўлларини қанотдек кенг ёзиб, нафаси тиқилиб, осилган тилидан сўлаклари оқиб, дуч келган томонга қочиб борарди. Атрофидан эшиклар, яна эшиклар, ойна ва эшиклар, эшиклар ва ойналар липлип ўтади... Телеграф устуни. У телеграф устунидан ўзини ҳимоя қиласман, деб кўлинини чўзиб тўхтади, ундан ўзига ҳеч қандай зиён етмаслигига ақли етгач, беихтиёр кулиб юборди ва орқасидан бирор қувиб келаётгандек яна ғизиллаб чопиб кетди. Тезлаб чопди, тез чопди, тезлаб чопди, назарида туман босган турма деворларидан жуда узоқлашиб кетгандек бўлди.

Шаҳар далага туташган жойга етганда силласи куриб, чиқиндилар устига йиқилиб тушди-ю, худди ўзининг ўрин-тўшагига киргандек, маст уйқуга кет-

ди. Чиқиндихона тепасида ўргимчак тўрига ўхшаган новдалар осилиб туради, бутоқларда калхатлару кора қарғалар тизилишган. Улар юқоридан кўкимтири совук кўзларини тикиб пойлаб ўтиридилар, сўнг одам қимирламай қолганига ишонч ҳосил қилгач, ерга учиб тушиб, уни ўраб олдилар ва гоҳ тепасида учиб, гоҳ ёнига кўниб, чўқилаб, ўлим рақсини, кора қушлар рақсини бошлаб юбордилар. Ўлаксахўрлар ҳар бир шарпа, шамол эпкинидан чўчиб, қанотини ёзиб, бир кўтарилиб, яна қўнап, сакраб-сакраб, доирани торайтириб Пелелега яқинлашар эдилар. Тумшуғининг тагигача етиб боришиди. Ёвуз бир қичқириқ хужумга чорлади. Ана шундагина у хушига келди ва ғайришуурый равишда сакраб туриб ҳимояга ҷоғланди...

Довюрак калхатлардан бири унинг лабига ёпишли, найзадек тумшуғини шахт билан оғзига тиқиб, тишигача етиб борди; бошқалари кўзини, юрагини нишонга олди. Биринчи калхат қурбон ҳали тириклигига қарамай лабини юлиб олишга уринди, аммо ниятига етолмай қолди, Пелеле ҳеч кутилмагандан сирғаниб, ахлатхона чукурига тушиб кетди ва қофозлар, латта-путталар орасига кўмилиб қолди, чанг-тўзон кўтарилди.

Фира-шира. Кўкимтири осмон. Яшил дала. Олис казармаларда трубалар чалинди, бу ўрта аср шахар қальъаларида доимий кўркув, хавф-хатар ичидаган ахолининг қон-қонига сингиб кетган азалий одат... Турмаларда маҳбусларнинг кечқурунги ўлим талвасаси бошланди. Одамлар расмий қабуллардан қайтишмоқда, бирорлар хафа, бирорлар хурсанд. Ярим коронги ишратхоналардан тушган нур ерга ханжардек санчилади.

Телба қузғунларнинг соялари билан олишади. Йикилганида лат еган оёғи оғрийди, ниҳоятда қаттиқ, жонини олгудек қаттиқ оғрийди. Пелеле тишини-тишига босиб, оҳиста инграйди, калтакланган итдек ғингшиб инграйди:

– Ув!.. Ув!.. Ув!..

Атрофда ғовлаб ўсган ёввойи ўтлар ахлатхонани

шинам боғчага айлантирган, ариқда сув жилдирайди; бу митти оламда унинг боши қақшаб оғриб, бўрон кўзгатади:

— Ув... ув... и-и-и-и...

Харорат темир тирноққа айланиб пешонасига ёпишади. Мияси алағда. Оlam қийшиқ ойнада кўрингандек чайқалади. Шакллар ғалати алфозда қоришиб кетган. Пелеле чарх уриб, гоҳ баландлаб, гоҳ паствлаб қаергадир учиб кетмоқда.

Ло-та-ло-та-лото-ло-та-лотанинг хотини. (Балки у лотереяни ўйлаб топгандир?) Кўнкани судраб бораётган хачирлар Лотанинг хотинига бурилиб қараб, тўхтаб қоладилар. Кучирлар сўқинадилар – тошбўрон қиладилар, қамчи билан савалайдилар – жойидан қимирламайди, ёрдам берворинглар, деб йўловчилардан илтимос қиласадилар. Улар ёрдамлашадилар – хачирларни савалайдилар, хачирлар кўзгалади...

— И-и-и-и-и!

— Ув-в-и-и-и!

— Т-т-телба! Т-т-т-телба!

Пичноқлар, қайчиларни қайрайман, тишлиарни қайрайман, кулишни хоҳлайман! Ойи!

Маст қичқиради: «Ойи!»

Илма-тешик булутлар орасидан ой нур сочади. Оппоқ ой хўл барглар устида чиннидай ярақлайди.

Ол-иб ке-тиш-япти!

Авлёлар уларни кўмиш учун олиб кетишяпти!

Қандай яхши, оҳ, кўмишади, кўмишгани қандай яхши, оҳ!

Қабристонда ўйин-кулги, шаҳардагидан кўра хуррамлик, шаҳардагидан кўра озодалик. Оҳ, қандай яхши, оҳ кўмишяпти!

Та-ра-ра! Та-ра-ра!

Тит-и-и!

Бим-бўм-бим-бўм-бўм!..

У тушида ва ўнгига вулқондан вулқонга, юлдуздан юлдузга, осмондан осмонга сакрайди, чор-атрофи иржайган жағларга тўлиб кетган, катта ва кичкина тиши-

ли ва тишсиз, лабли ва лабсиз, тиртиқ, пахмоқ, икки, уч тилли жағлар, ҳаммаси «Ойи» деб қичқиришади.

Пуф-үф! Шаҳар ташқарисига қатнайдиган поезддан кечикмаслик керак, тезрөк шаҳардан чиқиб кетиш керак, тоғда вулқонлар бор, телеграф устунлари, құшхоналар, артиллерия истеҳкомларидан, сомса тушираётган аскарларнинг қайиқларидан нари кетиш керак.

Афсуски, поезд әндигина жүнаб кетибди, бирор арқон билан тортгандек шартта орқасига бурилди, бекатда тарақ-туруқ – соchlари мажнунтол новдасидек түзғиган манқа сотувчи аёлга дуч келди. «Отажон, манави тентаквойга нон берамизми? – қичқирди у. – Тентаквойга сув беринг! Тентаквойга сув беринг!»

Сотувчи аёл қовоқ идишини силкитиб орқасидан қувлаб кетди: «Тентакчага сув беринг!» Ундан қочиб Арқostonасига бориб қолди, у ерда эса... Ойи! Қичқириқ... сакраш... одам... тун... олишув... ўлим... қон... қочиши... телба... «Тентаквойга сув беринг! Тентаквойга сув беринг!»

Оёғидаги қаттиқ оғриқдан уйғониб кетди. Оғриқ суяқларини қақшатди. Оқиста тебраниб турған чирмовуқлар соясида дам олиш роҳат, күпикланиб оқаётган ирмок шивирлайди, қирқбүғимлар орасига кумушранг олмахон яшириниб олганга ўхшайди.

Хеч нарса, хеч ким йўқ.

Коронғи тун яна кўз олдини тўсиб кўйди. Яна оғриқ билан курашмоқ, лат еган оёғига малҳам топмоқ, шалвираб қолган лабини кафти билан беркитмоқ керак. Аммо қайноқ мижжалари юмилган заҳотиёқ кўзига қон қуюлди. Чакмоқлар орасида учиб юрган чирилдоқлар капалакларга айланди.

У алаҳсираб ёнбошига ағдарилди, карнайгул садо берди. Жон бераётганга кор келтириング. Муз, муз соғаман! Малҳам беринг! Жон бераётганга кор, қор энг яхши малҳам!.. Ўлаётганга кор беринг! Ти-лин, ти-лин! Малҳам сургани келишмоқда! Шляпангни йўқот, тентаквой! Қор, ўлаётганга кор келтириинг!

ФАРИШТА

Пелеле ифлос қоғозлар, чарм қийқимлар, латтапутталар, бузук зонтиклар, йиртиқ шляпалар, чинни буюмлар, занглаган кастрюлкалар, сочилган суратлар, ийифи чикқан муқовалар, шиша бўлаклари, тешик бошмоқлар, эски кўйлаклар, тухум пўчоқлари, увада пахталар, сарқитлар орасида алаҳсираб ётар эди. Ҳозир ўзини катта саройда кўрмокда, ён-атрофида ниқоблар ўтиришибди; уларга синчиклаб тикилди ва бу башаралар хўролар жангини томоша қилишаётганини кўрди. Очигини айтганда бу оддий жанг эмас, росмана гулхан – қоғозлар ёнмоқда. Жангчилардан бири томошабинларнинг жонсиз нигоҳлари остида товуш чиқармай ўлди, қон доғлари қотиб қолган қийшиқ оёқларни кўриш жуда мароқли. Ароқ хиди. Тамакининг кора тупуги. Каллапоча. Даҳшатли ҳордик. Ўтмаслашасан. Телбалашасан. Қуёш қовуради. Шиппак кийган кимдир уни уйготиб юбормаслик учун авайлаб тушига киради.

Бу – онаси. У ароқхўр билан яшайди. Эри хўроздуришиб тирикчилик қиласди. Гитарани яхши чалади. Тирноқлари худди чақмоқтошдек. Онасини кўп қийнайди, рашк қиласди. У билан яшаш оғир, аммо чидайди, ўғли ногирон бўлиб туғилди. Фийбатчи хотинлар (бошқа ким ҳам билсин) бу ойга боғлик дейишади. Қийналиб кўзи ёриди, кўз олдидаги чақалоқнинг ойга ўхшаган икки ғуррали боши айланиб турибди, ҳолдан тойган аёл, ароқхўр бакиради, тупуряди, ҳиқиллайди, йиғлайди, кекиради.

Пелеле онасининг оҳорланган юбкаси шилдирашини, орқасидан увлаб чопаётган шамол ва барглар шивирини эшигади.

Онасининг сийнаси юмшагандай бўлди. Унга ҳаёт берган вужуд худди босма қоғоз сингари баданидан жароҳатларни сўриб ола бошлади. Қандай роҳат, жимжитлик, ҳеч ким безовта қилмайди! Ҳеч ким фашига тегмайди. Оқ гул! Оппоқ гул! Уни силайди. Эркалайди...

Олисдаги жарликдан ароқхўрнинг қўшиғи таралади:

– *Наҳотки йўқ бўлса...*

Наҳотки йўқ...

Наҳотки йўқ конфет, конфетжон.

Урушқоқ хўроzman мен, болажон,

Агар чангаль солсам болажон,

Қанотини юлиб оламан, болажон!

У бошини кўтарди, товуш чиқармасдан:

– Кечир, онажон, кечир! – деди.

Соя юзларини силади, нолишларини тинглаб майин жавоб қайтарди:

– Кечираман, болам, кечираман!

Ичкилик йўлдан урган ароқхўр отаси олис-олисларда куйлар эди:

Мен яшайман...

Яшайман бугун...

Бабоқ товуқ билан яшайман;

Агар юкка¹ яхши бўлса,

Хузур топар юрагим, жисмим!

Пелеле эркаланади:

– Ойижон, дилим оғрийди!

Соя юзини оҳиста силаб, нолаларига ҳамдард бўлади:

– Болажоним, дилим оғрийди!

Овозида баҳтиёрлик нашидаси сезилмайди.

Шундок ёнгинасига қарағайнинг ёқимли, жилғадек майин сояси тушади – тупроқни ўпади. Қарағай шохидагушча сайрайди, қушча эмас – олтин қўнғироқ.


– Мен ҳаёт гулиман, жаннат қушларининг олмасиман, ярмим – ёлғон, ярмим – чин. Мен атиргулман, мен – олмаман, ҳаммага кўзимни бераман, бир кўзим – чинакам, бир кўзим – шиша. Шиша кўз билан қараганлар ифлос нарсаларни қўрадилар, чинакам кўз билан қараганлар – беғубор нарсаларни қўрадилар. Чунки улар ҳақиқий кўз билан қарайдилар. Мен ҳаёт гулиман, жаннат қушларининг олмасиман, барча ҳақиқатларнинг уйдирмасиман, барча эртакларнинг мағзи – моясиман.

¹ Юкка – доим ям-яшил ўсадиган дараҳт; баргидан каноп, чипта, қофоз тайёрланади.

Шунда у онасини қўйиб, дорда ўйнаётган раққосаларга қараб югуради. Ялтироқ қўйлакли аёллар ёлла-ри узун учкур аргумоқларда елдек учадилар, ёл эмас – йифлоқи мажнунтол. Гуллар ва хитой фонарлари билан безатилган аравачалар тош йўлда маст одамга ўхшаб чайқалиб боради. Масҳарабозлар мунчалар ифлос! Турли-туман ноғорачилар, сурнайчилар, созандалар. Қизиқчилар гулдор дастурномаларни тарқатадилар. Республика Президенти, Ватан Қаҳрамони, Улуг Либерал Партия Доҳийси, Ёшлар ҳомийси шарафига улуғвор Тантана.

...У довдираб баланд устунларга тикилади. Дор раққосалари уни қандайдир бино ичида оч яшил бўшлиққа ташлаб юборадилар. Пардалар қоқилган ўриндиклар осма кўпприк сингари чайкалади. Тавба қабул қилувчилар лифтга ўхшаб бир юқорига, бир пастга тавбахоналар тиним билмай руҳларни ташийдилар. Юқорида олтин шар устида фаришта, куйида етти шохли шайтон. Токчадан Биби Марям чиқиб келади, у деразадан тушган нур каби зални айланади ва нима учун келганини маълум килади. Пелеле у билан – мана шу уй bekasi, фариштлар сарвари, худо суйган малоикаларнинг ақл-заковати, камбағал одамларнинг мурувватпаноҳи билан мамнун сухбат куради.

Юксак нуфузли хонимнинг бўйи бир метр ҳам келмайди, аммо илоҳий хилқат экани ҳаммага маълум. Пелеле қўли билан имо-ишоралар қилиб, мум шимгиси келаётганини билдириди, у майнин жилмайиб, меҳробдаги шамлардан бирини олишга руҳсат берди. Кейин кумуш ёқасини тўғрилаб – бўйи униқидан паст эди – Пелелени қўлтиғидан олди ва ирмоқ ёқасига етаклади. Сувда тилла балиқлар сузарди. Шимиб ўтири деб қўлига камалакни ушлатиб қўйди. Қандай роҳат! Тилидан товонигача лаззат оғушига чўмди. Умрида бунакаси бўлмаган: мум шимаяпти, хушбўй камалакни сўраяпти, балиқчаларга қарайди, онаси эса лат еган оёгини уқалаб мулоийим гапиради: «Вақир-вуқир курбақа, бечора кампирни қўлла, болагинамни тузатиб, олис-олисига йўлла». Бахтиёр дамлар келди – ахлатхонада ухлаб қолди.



Бахтнинг умри қисқа. Сутранг сўқмоқдан ит етаклаган ўтинчи тушиб келди: елкасида бир қучоқ ўтин, ўтинни курткасига ўраб олган, кўлида ёш боланинг ўйинчогига ўхшаган узунчоқ пичоқ. Ўра чуқур бўлмасада, ғира-ширада жуда катта кўринади; тубини соя босган. Ўтинчи атрофга аланглади. Изидан келишяпти! Кимдир борга ўхшайди. Ит жунини хурпайтириб, худди шайтонга дуч келгандек ғингшиди. Шамол гижимланган қизғиши қофозларни айлантириб ўйнайди. Осмон жуда узоқ, кўм-кўк, гулчамбарлар билан безатилган баланд қўргонни эслатади; кузгуналар эриниб учиб юради. Ит Пелеле ётган чуқур ёнига чопиб келди. Ўтинчи қўркувдан котиб қолди. Ит орқасидан аранг юриб борди – ўликдек чўзилиб ётган ким ўзи? Оёги билан оҳиста туртди – шунча шиша синиклари кириб кетмаганини қаранг. Бу бадбўй, сассиқ ўрага қоронғида йиқилиб тушганмикан?..

Елкасидаги шоҳ-шаббаларни ерга қўймай (қўркувнинг кучини кўринг!) оёги билан туртиб кўриб, ўрадаги одам тирик эканини сезди. Юкорида, қарагайзорлар орасидан қадам товушлари эшитилди. Ўтинчи ўзини йўқотиб қўяёзди. Э, парвардигор, қўриқчилар бўлмасин!.. Ҳа... Фақат шу етмай турганди...

– Жим ёт! – қичкирди у. Ит тинчимади, бикинига бир тепди. – Мана сенга!.. Йўқол!

Қочиш керак!.. Йўқ, тутиб олишади – нега қочдинг деб қийин-қистоққа солишади. Нима деганда ҳам қўриқчи-да... У ярадорга юзланди.

– Ўрнингдан тур, ёрдам бераман!.. Вой сен-ей, ўлдиришмаганига шукур қилавер. Мендан кўрқма, доддла-ма, сенга ёмонлик қилмайман... Ўтиб кетаётиб кўриб қолдим, аҳволинг бу...

– Кўриб турибман, сен уни кўтараяпсан, – ногоҳ орқадан овоз эшитилди:

– Мен ҳам кўриб қайтиб келдим. Бу таниш одам эмасмикин? Уни бу ёққа чиқар...

Ўтинчи орқасига ўгирилди ва кўрққанидан чайқалиб кетди, нафаси бўғзига тиқилди, ярадорни қўлидан ту-

шириб юбораёзди. У билан фаришта гаплашмоқда эди – бадани мармардек оқ, соchlари тилларанг, оғзи кичкина, юzlари аёлларникideк нафис, кўзлари тимкора. Бошдан-оёқ кулранг кийимда. Булатга ўхшайди, қарамасанг кўрмайсан. Жажжи бармоқлари ингичка, бир қўлида хасса, бир қўлидаги шляпаси худди каптарнинг ўзи.

– Фаришта!.. – Ўтинчи бақрайиб қолди. – Фаришта... – тақрорлади у, – фаришта.

– Кийимларингизга қараганда камбағалга ўхшайсиз, – деди фаришта. – Сизларга осон эмас!

– Нима десам экан?.. Мисолга олсак, мана мен, тўғриси, бой эмасман, аммо ишим бор, хотиним ҳам, кулбам ҳам бор, худога шукр, яшаб турибман, – фаришта ҳозир уни тахтга ўтказиб кўядигандек тилёғламалик қилишга тушди ўтинчи. У олтинга ботиб юради, қизил ридо кияди, олтиндан тишлар кўяди, ҳассаси олмосдан бўлади. Чиқиндиҳонада тургани бир лаҳза хаёлидан чикиб кетди.

– Азоб тортяпти, – Пелеленинг алаҳлашлари эши-тилмасин, деб баланд овозда гапирди фаришта.

– Буни нимаси азоб. Биз камбағал бўлсақ ҳам жуда итоаткор ҳалқмиз. Қисматимиз шундай! Ўқимишли одамларнинг йўриғи бошка. Кампирим ҳеч бўлмаса якшанба кунлари қанотим бўлса-ю, учуб юрсам деб орзу килади.

Тик сўқмоқдан юқорига кўтарилиб чиққунларича ярадор икки-уч марта хушидан кетди. Дараҳтлар хитой раққосаларининг қўллари каби гоҳ юқорига кўтарилаар, гоҳ пастга тушар эди. Уни судраб бораётган одамлар ўзаро гаплашишар, сўзлар полда эмаклаётган маст одамлар сингари бир-бирига қокилиб, айланиб юрар эди. Қандайдир катта кора нарса юзини тирнайди. Күйиб кул бўлган тушларини совуқ шамол сидириб кетди.

– Хотининг якшанба кунлари қанотли бўлишни хоҳлайдими?.. – сўради фаришта. – Агар қанот берсам, уни нима қилишини билмай қоларди.

– Буниси түгри. Дарҳақиқат, у сайрга чиқардим, дейди. Ёки бўлмасам, мен билан ғижиллашиб қолганида сендан қочиб, учиб кетардим, дейди.

Ўтинчи тўхтаб, курткасининг этаги билан терларини артди.

– Уҳ, оғир экан!

Фаришта таъкидлади:

– Сайрга чиқишга оёқнинг ўзи кифоя қиласди. Қочиши учун... қаноти бўлгандаям ҳеч қаёққа кетмаган бўларди.

– Рост айтасан, қаергаям кетарди. У қисматидан сира норози бўлмаган. Фақат аёл зоти шунаقا кушки, қафасга солмаса, тутиб туролмайсан. Бошида таёқ синиши керак, ҳа... – Шу чоқ фаришта билан гаплашаётгани эсига тушди ва шоша-пиша хатосини тўғрилашга уринди. – Фақат худонинг хоҳлагани бўлади... шуниси аниқ...

Фаришта жавоб бермади.

– Ким бу бечорани шу аҳволга солдийкин? – ўтинчи ғамгин оҳангда, гапни бошқа ёкка бурди.

– Ёмонлар тўлиб ётиби...

– Тўгри айтасан, бунақа ишларга устаси фаранглар ҳамма жойда топилади... Ҳа... Шунчалик шафқатсизлик қилишганки...

– Юзига пичоқ санчиб, ахлатхонага ташлаб кетишиби...

– Шубҳасиз, бошқа яралари ҳам бор.

– ...Ўйлайманки, устарадек ўткир пичоқ билан лабини кесишган. Кейин чуқурга ташлашган, сувга ботиб ўлсин деб...

– Ҳа, осмон билан ер ўртасида...

– Шуни айтаман-да...

Жарлик тугади, кузгуналар дарахтларга тизилишган. Қўрқув оғриқдан кучли. Пелеледан садо чиқмас, танаси шалпайиб қолганди.

Шаҳардан текисликка қараб ёқимли, майин, сарин шамол эсади.

Фаришта соатига қаради, ярадорнинг чўнтағига бир неча танга солиб қўйди-да, ўтинчи билан мулойим хайрлашиб, тез жўнаб кетди.

Ҳаво ёришди. Қоронғи театр залида гугурт чақылгандек атрофда электр чироклари ёнди.

Ғира-ширада илондек буралиб бораётган сүкмоқ сомон ҳиди уфуриб турган гувала деворли омборлар, кишлок уйлари, бадбўй отхоналар ва пичан сотиладиган, қоронғи бурчакларида майхўрлик қилинадиган қовоқхоналарга бориб тақалди.

Ўтинчи дуч келган биринчи уйга ярадорни олиб кирди ва касалхонага қандай боришни тушунтириди. Пелеле лоақал ким ёрдам берганини кўриш учун киприклари-ни кўтарди, мадорсиз нигоҳи бўм-бўш кўчадаги ёпик эшикларга тикандек қадалди. Узокдан бурғу чалинди; қаердандир қўнгироқнинг ибодатга чорловчи ғамгин садоси тараплар эди: Жим-жим! Жим-жим!..

Қаноти синган қузғун қоронғиликда судралар эди. Пелелени кўрқув босди. Ярадор күшнинг аччиқ ноласи унга ёмон аломат бўлиб туюлди. У зўр-базўр ўрнидан туриб, деворни, кўзгалмайдиган, лиқиллаб турган деворни ушлаб, инқиллаб-синқиллаб судралиб қадам ташлашга уринди. Тун совуғи билан тўйинган муздек шамол юзига урилди. Инграш ҳам азоб бермоқда эди.

Ўтинчи ҳовлисига кириб, ҳар галгидек ўтинни ерга ташлади. Анча олдин етиб келган ити эркаланиб унга суйкалди. Уни итариб юборди вaa шляпасини ҳам ечмай, курткасини елкасига ташлаган кўйи кўршапалакдек овоз чиқармай ичкарига кирди, ўчоқ олдида ивирсиб қотирма пишираётган хотинининг олдига келиб, бугунги саргузаштини сўзлаб берди:

– Ахлатхонада фариштани кўрдим...

Аланга сомон деворда, қамиш шифтда фариштанинг қаноти янглиғ титраб кўринар эди.

Мўридан буралиб-буриқсиб оппоқ тутун кўтариладарди.

«МАНА БУ ҲАЙВОН»

Президентнинг котиби доктор Барренъони тинг-ламоқда эди.

– Жаноб котиб, ҳарбий жарроҳ сифатида мен шуни айтишим лозимки, мана, ўн йилдан бери ҳар куни ка-

зармаларни бориб кўраман. Сизга айтишим лозимки, мен чидаб бўлмайдиган ҳақоратларга дуч келдим... Ҳа, маълум сабабларга кўра қамалиб чикдим ҳам. Сизга айтишим лозимки, ҳарбий шифохонада номаълум касаллик пайдо бўлди, ҳар куни эрталаб ўн киши, пешинда ўн киши, кечқурун ўн киши ва тунда ўн киши ўлмоқда. Сизга айтишим лозимки, Санитария хизмати бошлиғи ва бошқа ҳамкаслар ҳарбий шифохонага келганда соғлиғи мутлақо қониқарли ахволда бўлган аскарларнинг ўлим сабабларини аниқлаш ва зарур чоралар кўриш ҳақида мурожаат қилиш ваколатини менга топширдилар. Сизга айтишим лозимки, бешта мурдани ёриб кўрганимдан кейин ўлим ошқозон тешилиши натижасида содир бўлган, деган хulosага келдим. Сизга айтишим лозим, текширишлар шуни кўрсатадики, тешилиш сабаби шифохонада сурги дори сифатида ишлатилаётган сульфат содага боғлиқ. У маъданли сувлар тайёрланадиган фабрикадан олинган, аммо ниҳоятда заарали, уни ишлатиш мумкин эмас. Сизга айтишим лозимки, ҳамкасларим хulosаларимни рад этдилар ва ўлим сабаби ҳали етарлича ўрганилмаган касалликка боғлиқ деган фикрни илгари сурдилар. Шу туфайли улар қамалмай қолицди. Сизга айтишим лозимки, бир юз кирқ аскар нобуд бўлган, яна икки ёғоч бочка сульфат бор. Сизга айтишим лозимки, Санитария хизмати бошлиғи ўз шахсий бойлигини кўпайтириш мақсадида бир юз кирқ йигитни ўлимга маҳкум этди, яна неча киши ўлади – бу ёғи ёлғиз худога аён. Сизга айтишим керакки...

– Доктор Луис Барренъо! – Президент ёрдамчиларидан бири қабулхона эшигидан қичқирди.

– ...Жаноб котиб, у нима деганини сизга айтишим керак.

Котиб доктор билан бирга бир неча қадам ташлади. Нафис нутқлар сўзлаб ўрганган бу одам докторнинг бир оҳангдаги қуруқ гапларидан ҳайратга тушди, бундай гаплар оқ сочли, озғин, юзлари қовурилган бифштексни эслатадиган олимларга ярашади.

Республика Президенти тик туриб, бошини баланд кўтарди ва кўришишга ўрин қолдирмаслик учун бир кўлини камзули ичига тиққан, иккинчисини пастга туширган ҳолда докторни қабул қилди.

– Эшитиб қўйинг, дон Луис, мен ҳар қандай докторчалар ҳокимият обрўсига путур етказишига йўл кўймайман. Йўл қўй-май-ман! Билиб қўйишсин! Ҳаммасини боши кетади! Йўқол, бу ердан! Йўқол!.. Анови ҳайвонни чақиринг!

Мурдадек оқариб кетган доктор Барренъо қўлидаги шляпасини фижимлаб эшикка қараб тисарилди.

– Мен тамом бўлдим, жаноб котиб, тамом бўлдим!.. «Йўқол бу ердан, анави ҳайвонни чақиринглар...» деб бақириди.

– Мени шундай чақиради.

Бурчакда ўтирган кичик амалдор ўрнидан туриб, Президент қабулхонасига йўргалади.

– Мени уради деб ўйладим! Уни кўрганингизда эди! – терларини артиб фўлдиради доктор. – Сиз кўрганингизда эди! Аммо вақтингизни олаяпман. Жаноб котиб, ишларингиз кўп. Мен кетаман, кетаман! Сиздан жуда миннатдорман...

– Майли, майли, арзимайди! Омон бўлинг, табиб!

Котиб бир неча сониядан кейин Президент қўл кўядиган коғозларни тартибга sola бошлади.

Юлдузлар сийрак осмонда енгил булатлар қизғиши тусга киритган шуълаларни шаҳар томонга судраб боради. Ялтираб турган кўнғироқхоналардан тараалаётган садо кечки ибодатга чорлайди. Барренъо уйига келди. Бу уйнинг умри қисқа!.. У эшикни ёпар экан, биронта қўл томоғимдан бўғмасмикан, деб атрофга аланглади ва ўз хонасига кириб, шкаф орқасига яширинди.

Нафталин сепилган камзуллар дорга осилган одамлардек тебраниб турибди; доктор бундан кўп йиллар олдин тунда, кимсасиз йўлда отасини ўлдириб кетишганини эслади; расмий терговдан натижа чиқмади; такдирга тан беришга тўғри келди. Аммо ишнинг охири масхара-

бозлик билан якунланди – имзосиз бир хат келди. Унда тахминан шундай ёзилганди: «Мен күёвим билан Вуэльта Грандедан Ла-Каноага кетаётган эдим. Тунги соат ўн бирда олисдан ўқ овози эшитилди, кейин яна бир неча бор ўқ узилди, биз бештасини санадик. Нарироқдаги түқайга яшириндик. Тез орада Вуэльта Грандега қараб от чоптириб кетаётган чавандозлар гурухини күрдик. Атроф тинчигач, йўлда давом этдик. Озгина юрганимиздан кейин отлар орқага тисарилиб, пишқира бошлиди. Биз тўппончаларимизни қўлга олиб тезлаб юрдик ва йўлда чўзилиб ётган мурдага дуч келдик, сал нарида ярадор хачир жонҳолатда типирчиларди (уни күёвим отиб тинчитди). Вакт бекор кетмасин, тезроқ хабар берайлик деб Вуэльта Грандега қайтдик. Комендатурада чавандоз лақабли полковник Хоце Парралес Сокриента оғайнилари билан қадаҳлар тўла катта столда ўтирган экан. Уни бир чеккага чақириб қўрганларимизни айтиб бердик, аввал ўқ овозлари ҳақида, кейин... Полковник гапларимизни индамай тинглаб, елкаларини қисди ва шам ёруғида қамашган кўзларини олайтириб, дона-дона қилиб: «Уйларингизга боринглар ва ҳеч кимга валдираб юрманглар. Нимага ишора қилаётганим – ўзимга яхши маълум!...» – деди.

– Луис, Луис!

Камзуллардан бири ўқ еган қушдек илгакдан тушиб кетди.

– Луис!

Барренъо дарҳол китоб жавони ёнига ўтди ва дуч келган китобни олиб, шоша-пиша вараклашга тушди. Хотини шкаф орқасида кўрганда борми!

– Ўзингга раҳминг келмайди! Ўзингни ўлдирасан-ку, ха, аниқ ўлдирасан! Ё аклдан озасан. Қачон ақлинг киради ўзи: бу илмларингдан ҳеч қандай фойда йўқ! Ҳаётда яхши муомала керак. Ҳа! Сен ўқийсан, ўқийсан. Ўқиб қаерга бординг? Нимага эришдинг? Ҳеч нар-са-га! Иккита пайпоқ, улар ҳам... Энди-чи... Фақат шу етишмай турувди, фақат шу!..

Чироқ нури ва хотинининг овози уни ўзига келтириди.

– Китоблар! Китоблар! Буларинг нимага керак ўзи, биласанми?! Дафн пайтида катта олим эди дейишлари учунми? Оддий шифокорлар бор – майли, улар ўқишин! Сени унвонларинг бор! Кимга унвон беришади? Ҳаммага маълум – билимдон одамга. Афтигни буриштирма! Ҳар бир китобинг ўрнига биттадан яхши мижозинг бўлганда ҳаммамиз хотиржам яшар эдик. Бошқаларни қабулхонаси бор, телефони кечаю кундуз жиринглаб туради, маслаҳат сўрашлар! Лоақал қанийди биронта қўшимча ишинг бўлса!..

– Сенингча бу...

– Биронта фойдали иш!.. Бунинг учун китоблардан ажралиш керак деб ўйлаб ўтирма! Бошқа шифокорларда ярим билиминг ҳам йўқ. Улар аллақачон ном қозонган бўлишарди, ха! Сеньор Президентнинг шахсий шифокори! Шахсий шифокор у ёқقا! Шахсий шифокор бу ёқка. Мен ана шуни «қўшимча иш» деб айтаяпман.

– Ху-у-у.. – Барренъо ўйлаб олиш учун чўзиб гапиди - ... у-у, буни хаёлинггаям келтирма. Мен бугун Президентни кўрдим... ха, Президентнинг ўзини.

– Ё, худо! У нима деди? Сени қандай қабул қилди?

– Ёмон. «Йўқол, бу ердан!» деб бақирди ва яна шунга ўхшаш ғалати гапларни айтди. Яхши англай олмадим. Қаттиқ қўрқиб кетдим.

– Бақирдими? Унда зарари йўқ. Бошқаларни ураг экан. – У жим қолди, сўнг қўшимча қилди: – Доим қўрқиб яшасанг, фалокатга йўлиқасан.

– Эҳ, азизам, бунақа хайвондан қўрқмай бўладими?

– Буни айтмаяпман. Президентнинг шахсий шифокори бўлолмайсан, лекин жарроҳлик қилишинг мумкинку. Қўрқиб ўтирамайсан, дадил бўлсанг, бас. Ха! Тигни ушлаганингда дадил ва қатъий харакат қилсанг етади, менга ишонавер. Агар тикувчи шойини бузиб қўйишдан қўрқса, хеч қачон кийим тиколмайди. Шойи қиммат туради. Сен ҳиндуларни даволасанг бўлади. Президент ҳақида ўйламай қўяқол. Яхшиси, тушлик қилайлик. Ал-

батта, у анави даҳшатли қотилликдан кейин жазавага тушади, бақиради-да...

– Бас қил! Бас қил, бўлмаса шундай қиласманки!.. Бир тарсаки тушираман. Ўлиб қолмайсан! Ҳеч нарса бўлмайди. Уни йўқ қилганлари яхши бўлди. У разил! Жаллод! У отамни ўлдирди! Кекса одамни ўлдирди! Ёлғиз кетаётгандা, тунда, ҳеч ким йўқ жойда!..

– Имзосиз хатга ҳалиям ишонасанми? Худо асрасин. Бу эркак одамга ярашмайди! Унга ким ишонади?

– Агар имзосиз хатга ишонганимда...

– Эркак одамга ярашмайди...

– Гапимни бўлма! Агар имзосиз хатга ишонганимда сен бу уйда қолмас эдинг. – Барренъо изтироб ичиди чўнтакларини кавлади. – Менинг уйимда қолмас эдинг. Мана. Ўки.

Аёлнинг ранги оқариб кетди – юзида фақат кимёвий бўёқларнинг изи қолди, холос. Қоғозни олиб, тез қўз югуртириди:

«Доктор, хушёр бўлинг, хотинингизни тинчланти-ринг, чавандоз бокий дунёга кетгани ёдингизда турсин. Садоқатли дўстларингиз».

У қоғозни эрига узатди. Асабий қулги бўлаклари текширишга мўлжалланган номаълум заҳар зарралари сингари Барренъонинг кичик лабораториясидаги пребиркалар ва бўғзи қайирилган шишаларни тўлдирди. Остонада оксоч кўринди:

– Овқат тайёр!

Президент саройда қофозларга қўл қўймоқда, ёнида доктор Барренъодан кейин ичкарига кирган – «анави ҳайвон» – кичкина қария турарди.

«Бу ҳайвон» ғариб кийинган, бадани сичқончани-кидек пушти, сийрак соchlари оқарган кўкимтир кўзлари хира, ранги тухум саригига ўхшаган катта кўзойнак таққан эди.

Президент охирги қофозга қўл қўйди. Қария шошиб либ сиёҳшимгични босаётгандা сиёҳ чапланиб кетди.

– Лаънати, ҳайвон!
– Сенъ-ор Пре...зи...
– Ҳайвон!

Қўнғироқ... яна... учинчи марта... Қадам товуши. Ёрдамчи оstonада.

– Генерал, бунга икки юз дарра. Тез! – хириллади Президент ва емакхонага йўл олди. Тушлик қилиш керак.

«Анави ҳайвон» эзилиб йиглади. Аммо шафқат сўрамади, фойдаси йўқ. Сенъор президент полковник Парралес Сонриенте ўлимидан қаттиқ дарғазаб бўлган. Кўз ёшлари аро у нола чекаётган оиласини – ҳасратдан адо бўлган кекса хотини-ю, ҳолдан тойған олтида боласини кўрди. Чангак бўлаёзган бармоқлари камзул чўнтагини титиб, дастрўмол излади. Юзига босиб йиглаш керак – овоз чиқариш мумкин эмас. Бехуда жазоланаётгани хаёлига ҳам келмайди, ҳатто тўғри деб билади. Иш пайтида сиёҳни тўкиб юбориш даражасида латта бўлиш, овоз чиқариб йиглаш мумкин эмас. Мумкин бўлганда, анча енгиллашарди!..

У лабларини тишлади, тишлари аррадек ботди, юзлари тортишиб қолди, башарасига қараб бўлмайди, худди ўликнинг ўзи! Тер босган кўйлаги елкасига ёпишиб қолди. Умрида бунчалик терламаган эди. Овоз чиқариб йиглаш мумкин эмас. Даҳшат, даҳшат, кўнгли айнимоқда, тишлари та-та-та-киллайди...

Ёрдамчи қўлидан ушлаб судради, қария бир зум ўзини йўқотди, букилиб қолди. Кўзлари бакрайди, қулоғи битди, оғир, нақадар оғир, ёмон. Оҳ, нақадар ёмон...

Бир неча дақиқадан кейин ошхонада:

– Рухсат беринг, сенъор Президент, – деган овоз эшитилди.

– Киринг, генерал.

– Сенъор Президент, гапиришга рухсат беринг, «анави ҳайвон» икки юз даррани кўтаролмади.

Оқсоchnинг қўлидаги ликопча титраб кетди, Президент ундан қовурилган картошка олаётган эди.

– Нега қалтирайсиз? – кескин сўради хўжайин ва генералга ўғирилди. – Яхши. Кетишингиз мумкин.

Оқсоч ликопчани кўтартган ҳолда «ҳайвон» нега икки юз даррани қўтаролмаганини сўраш учун орқасидан югурди.

– Нимага бўларди? Ўлди.

Оқсоч қўлидаги ликопчани қўймай, ошхонага қайтиб кирди.

– Сенъор Президент, – у йифидан ўзини зўрга тийиб, хотиржам овқатланаётган хўжайнинг мурожаат қилди:

– У ўлиб қолди дейишипти...

– Нима бўпти. Кейинги овқатни беринг!

ГЕНЕРАЛНИНГ БОШИ

Тушлик тамом бўлай деганда Президентнинг ишончили одами Кара де Анхел келди.

– Минг бор узр, Сенъор Президент! – деди у ошхона ичига қараб (у чиройли ва иблисдек маккор эди). – Минг бор узр, Сенъор Президент, мен бир оз кеч-и-и-киб қолдим... бир ўтинчига ёрдам беришга тўғри келди, ярадор кишини чукурдан олиб чиқдик. Зоти номаълум бир одам. Нимадир бўлиб...

Президент одатдагидек оғир мотам кийимида – кора бошмоқ, кора костюм, кора галстук, кора шляпа – уни хеч қачон бошидан олмас эди, – оппоқ осилган мўйлови тишсиз милкларини яшириб туради, қизил юзларини тук босган, киприклари тўқилиб кетган эди.

– Керакли жойга элтиб қўйдингизми? – у ажиндор пешонасини силаб туриб сўради.

– Сенъор Прези...

– Нималар деяпсиз? Республика Президентининг шахсий дўсти номаълум одамлар жароҳат етказган баҳтсиз ярадорни кўчада ташлаб кетмайди!

Ошхона эшигига енгил ҳаракатлар сезилди.

– Киринг, генерал.

– Сенъор Президентнинг рухсати билан...

– Ҳаммаси тайёрми?

– Худди шундай, сенъор Президент.

– Сиз хам бирга боринг, генерал. Марҳаматли бевага таъзиямни етказинг ва қадрдон дўстимизни дафн этиш маросимига сарфлаш учун ажратилган уч юз песони Республика Президенти номидан топширинг.

Ўнг қўлида фуражка ушлаган бақалоқ генерал кимир этмай, деярли нафас олмай эшиитди ва таъзим қилди, сўнг дадил қадам ташлаб чиқиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг у «канави ҳайвон»нинг тобути ортилган автомобилда йўлга чиқди.

Кара де Анхел тушунтиришга маҳтал эди:

– Мен уни касалхонага элтиб қўйишим лозим эди, лекин «Сенъор Президентнинг номи айтилса, уни зудлик билан қабул қилишади», деб ўйладим. Бундан ташқари мен сизнинг буйруғингизга мувофиқ ярамас қўрқоклар қўлида ҳалок бўлган марҳум қадрдонимиз Парралес Сонриенто хотирасига таъзия билдириш учун шошилаётган эдим.

– Мен буйруқ бераман.

– Бу мамлакатни фақат шу одам бошқариши керак деб ҳамма ишонч билдираётган кишидан фақат шуни кутган эдим...

Президент илон чаққандек сакраб турди:

– Ким гапирияпти?

– Биринчи бўлиб ўзим. Мен, Сенъор Президент, барча фуқаролар сингари самимий ишонч билдираманки, сиздек одам кам деганда Франция ёки озод Швейцария ёки меҳнатсевар Бельгия ёки гўзал Данияни бошқармоги лозим. Йўқ, фақат Францияни... Франция! Сиз шундай одамсизки, Гумбетти ва Виктор Гюго мансуб бўлган халқ ўз тақдирини сизга ишонч билан топшириши керак!

Президентнинг мўйлаби остида билинар-билиннис табассум жилва қилди. У кўзойнагини оқ шоҳи дастрўмол билан артди, хаёлга толиб турди ва маҳрамдан кўзини узмасдан гапни бошқа томонга бурди:

– Мен, ниҳоятда муҳим топшириқ учун сени чақирдим, Мигел. Ҳукумат қари мунофик, генерал

Эусебо Каналесни қамоққа олишга қарор қилди. Сен уни биласан. Кечаси соат бирда ўз уйида қамоққа олишлари керак. Албатта, у Парралес Соnриентени ўлдиришда қатнашган, аммо баъзи сабабларга кўра, ҳозир қамоққа олиш мумкин эмас. Мен у қочиб кетишини хоҳлайман. Зудлик билан уни излаб топиб, ҳамма гапни тушунтириш ва ўз номингдан бугун кечаси қочиб кетишига кўндириш. Унга ёрдам бер. У эски жанжалкаш, аммо ўз қадрини билади. Ўйлайманки, ўлишни хоҳламайди, агар қамоққа олишса, эрталаб қатл этишга мажбурман. Сен билан мендан бошқа ҳеч ким, жумладан, у орамиздаги сухбатдан хабардор эмас... Эҳтиёт бўл, полициянинг қўлига туша кўрма. Сени тутиб олишмасин. Майли, у – қари тулки қочиб кета қолсин. Кетишинг мумкин.

Махрам кора шарф билан юзини беркитиб (у чиройли ва иблисдек маккор эди) ташқарига чиқди. Ошхона олдида турган зобитлар унга чеъз бердилар. Башорат! Балки ҳаммаси генералнинг қисмати ҳақида огоҳлантириб қўйилгандир?

Арзга келган олтмишдан ортиқ аламзадалар қабулхонада Сеньор Президент қачон бўшашини кутиб ўтиришибди. Сарой атрофидаги кўчалар гулларга бурканган. Аскарлар бош қўмондон раҳбарлигига казармаларнинг олд томонини қофоз гуллар, байрокчалар, оқ ва кўк занжирлар билан безамоқдалар.

Кара де Анхел байрам тадорикларига эътибор бермади. Қочиш режасини тузиш, генералга учрашиш ва ёрдам бериш лозим. Сеньор Президентни рақибларидан ажратиб турувчи боғдаги кўпраклар хуриши эшитилгунча бу нарсалар жуда осон битадигандек туюлган эди. Бу боф мўъжизалар кони. Ҳар бир дараҳтнинг қулоғи бор. Бу динг қулоқлар бир мил нарида тиқ этган товушни очкўзлик билан ютади. Кўпраклар тиним билмайди. Телеграф симларидан ҳам ингичка кўзга кўринмас иплар ҳар бир барг шивирини Сеньор Президентга етказиб туради. У ўзига тобе фуқароларнинг юрак зарбларини тинимсиз эшитиши лозим.

Полицияни чалғитиб қочишни ташкил этиш учун шайтон билан тил топишса бўлмасмикин?.. Аммо шайтон эзгу ишларга аралашмайди. Айниқса, генералнинг боши ва яна баъзи ишларга. У худди генералнинг боши ва яна баъзи нарсаларни кўтариб бораётгандек завқланиб кетди.

Мерсед маҳалласига ҳам етиб келди. Генерал Каналес бир бурчакда – юз йил аввал қурилган уйда яшайди. Кўчага қараган саккизта болохонаси бор, тор кўчага туташган кенг йўлкадан кирилади; эски танга каби бу уй ҳам алоҳида фазилатларга эга. Кўчада кузатиб туриш керак, ҳовлида товуш эшитилганда, эшикни тақиллатса бўлади.

Аммо йўлкаларда жандармлар изғиб юришибди. Мулозим қадамини тезлатиб, ойнага назар солди. Ҳеч ким кўринмайди. Тўхташ мумкин эмас, шубҳа уйғотади. Қаршисидаги хароб қовоқхонага разм солди, у ерга кириб ўтирса бўлади; бирон нарса – масалан, пиво ичиш ҳам мумкин. Бека келтирган пивони хўплаб, хонани кўздан кечирди. Деворга тақалган ўриндиқда ўтирган нотаниш одам кирган заҳотиёқ уни кўрди, аммо эътиборсиз қаради. Соябони кенг, сербар шляпасини кўзигача бостириб олган, юпқа мато билан бўйини ўраган, ёкаси кўтарилган, почалари кенг, оёғида пошнаси резинали сариқ ботинка, қатор тутгмалири қадалмаган. Ҳақиқий ишратпараст! Маҳрам унга бепарво кўз югуртириди ва электр ёғдусида ялтираб турган қатор шишаларни, испан винолари рекламасини, ёғоч бочка ёнида – қориндор монахлар ва ялангоч аёллар қуршовидаги Бохус ҳамда Сеньор Президентнинг навқирон пайти тасвирланган портретни кўрди. Погонида рельсга ўхшаган иккита узун чизик, боши узра фаришта гулчамбар кўтариб турибди. Ажойиб портрет! Маҳрам гоҳ-гоҳ генералнинг уйига қараб кўяди. Бека билан мана бу йигит бирон нарсани пайқаб қолса худо урди деяверинг. У пештахтага суюлиб оёқларини чалкаштирган ҳолда ўзини фирт бекорчи қилиб кўрсатишга уринди. Яна пиво сўрасамикин?

У бекани чақирди ва вақтни чўзиш мақсадида юз пепсолик пул узатди. Қайтими бўлмаса тағин яхши. Бекаччиқ қилиб кутини очди, ичини кавлаштириб кўриб, копқоқни тарақлатиб ёпиб қўйди. Майда пул йўқ. Доим шундай! У пешбанди билан ялангоч қўлларини бекитиб, кўчага югурди. Бояги йигитчага мижозни имлаб кўрсатишни унумади: яна бирон нарсани шилиб кетмасин. Хавфсирашга ҳожат қолмади: айни шу дақиқаларда генералнинг уйидан бир қиз (худо қўллайман деса хеч гап эмас) чиқиб қолди; маҳрам фурсатни бой бермади.

– Сенъорита, – деди у қизга етиб олиб, – мана шу уй хўжайнинг айтиб қўйинг: унга ўта муҳим маълумотни етказишим керак...

– Отамгами?

– Сиз генерал Каналеснинг қизимисиз?

– Ҳа...

– Унда... Йўқ, тўхтаманг, кетаверинг, кетаверинг. Мана менинг манзилим... марҳамат қилиб унга айтинг, мен уни уйимда кутиб ўтираман. Иложи борича тезроқ келсин. Ҳозир мен уйимга бориб, кутиб ўтираман. Унинг ҳаёти хавф остида. Ҳа, ҳа, тез меникига келсин.

Шамол унинг шляпасини учириб кетди, орқасидан югурди. Тутолмади. Ниҳоят, бир амаллаб ушлади. Ҳовлида уй паррандаларини шундай тутадилар.

Кейин у қовоқхонага қайтиб кирди – қайтимни олиш, бирданига чопиб кетганини ҳалиги йигит қандай тушунганини билиш лозим, у нозик бир иш устидан чиқиб қолди: йигит бекани деворга тақаб, ўпишга харакат килар, аёл эса жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатар эди.

– Шайтон малайи, сени бекорга чўчқа дейишмаган экан!.. – деди бека. Қадам товушини эшитган йигит уни қўйиб юборди.

Кара де Анхел ишқал чиқармасдан бу ишга дўстона нуқта қўймоқчи бўлди, буни қойиллатиб уддасидан чиқди ҳам. У беканинг қўлидан сал бўлмаса совук куролга айланаётган шишани тортиб олиб, йигитга синовчан разм солди.

— Ҳой, ҳой, сенъор! Сизга нима бўлди? Қайтим сизники бўла қолсин, тинч битим тузайлик. Жанжал кимга керак – полиция келади, агар мана бу дўстимиз...

— Лусио Васкес хизматингизга тайёр.

— Лусио Васкес? Наҳотки! Ифлос чўчқа экан-ку у. Полиция келса... ҳаммаёқда полиция!.. Тумшуғини тикиб кўрсинг-чи! Қани, бу ёқка бир тумшуғини тикиб кўрсинг! Кўрқадиган жойим йўқ. Мен қаердаги ҳинду аёли эмасман, сенъор. Сенинг янги уйингдан ким қўрқар экан?

— Хоҳласам, ана шу уйга тикиб қўяман! – тўнғиллади Васкес ва полга тупуриб, бурнини қоқди.

— Яна нима дейсан!

— Етар энди, ярашинглар!

Васкеснинг овози табиийлиқдан йироқ, ёқимсиз, хотингчалиш, чийиллаган эди. Бекага ошиқи бекарор бўлиб қолган Лусико ҳар куни бўса олишга уринар, Бека эса ёнига йўлатмасди. Ялиниш, қўрқитиш, совғалар, ишқий қўшиқлар, ёлғон ёки ростдан тўкилган кўз ёшлилар – ҳаммаси кучли қаршиликка учраб, тўзгиб кетарди. У ҳали бирон марта ён бермаганди. «Билиб қўйисин, – дер эди у. – мени севиш – ёв билан олишишдай гап».

— Мана, ярашинглар, – деди Кара де Анхел, – гўё ўзига гапиргандай. У пештахтага қоқилган никель тангани кўрсаткич бармоғи билан черта бошлади, – энди мен қаршингиздаги уйда яшайдиган қиз ҳақида гаплашаман.

Бир дўсти ёзган хат қўлига тегдими-йўқми, шуни билмоқчи бўлгани, аммо ойимқиз гапини эшитишниям хоҳламаганини айтди.

— Омадингиз келади! Кўрдим, кўрдим, ўзингиз кўнглини овламоқчисиз!..

Миясида ажойиб фикр чақнади. Унинг ўзи... оиласи қарши...

Ўғирлаш саҳнаси ўйналса... Ўғирлаш... Олиб қочиш!

У ҳамон тангани чертар, ҳаракатлари тобора тезлашиб борар эди.

– Топдинглар... – деди у, – фақат отаси күнмагани чаток.

– Қари шайтон! – гап қүшди Васкес. – У меъдамга тегди! Ўзим хоҳлаган эмасман-ку! Боғлаб қўйишиди. Мана, кузатиб юрибман.

– Бойларни ҳоли шу, – минғиллади бека.

– Мен қарор қилдим, – тушунтириди Кара де Анхел, – уйидан олиб кетаман. Қиз рози бўлди. Ҳозир шу ҳақда гаплашдик, бугунги тунни белгиладик.

Васкес билан бека кулимсирашди.

– Бир қултум ичинг, – деди Васкес. – Буни биз уддалаймиз. – У сигарета узатди. – Чекасизми?

– Йўқ, ташаккур... Ҳа, майли... шерикчилик учун...

Улар чекишиди, бека учта қадаҳ тўлдириди.

Нафас ростлаб олишгач, арок ўткир экан, Кара де Анхел максадга кўчди:

– Демак, мен сизларга суюнаман. Тўғрисини айтсам, мен ёрдамга муҳтоҗман. Фақат – бугун, кейин фойдаси йўқ.

– Соат ўн бирдан кейин бандман, биласиз-ку, хизматчилик... – узрини айтди Васкес. – Аммо мана бу...

– Яна қанақа гап чиқарасан? «Мана бу» ким ўзи у?!

– Ҳа, майли, бизнинг хўжайнинчамиз, лақаби Бўғма илон, – у бекага қараб қўйди, – ана шу тўғрилайди. Гавдаси икки кишига teng келади. Ёрдамчи керак бўлса юбораман. Бир оғайним бор, айнан у билан ҳиндулар маҳалласида учрашувимиз белгиланган.

– Ҳамма нарсага ана шу лимонад шишаси Хенаро Родасингни тиқиширасан!

– «Лимонад шишаси» деганинг нима? – қизиқди Кара де Анхел.

– Ўлимтик бир тавия, биласизми, иштаҳаси... тфу, еб тўймас одам!

– Нима бўпти?

– Менимча, уни қоралашга...

– Асослар етарли! Сиз кечириласиз, сенъор, гапингизни бўлдим. Айтмоқчи эмасдим-у, лекин индамай турсам бўлмайди. Ана шу Родас хотиндан куйган. Хоти-

ни Федина генералнинг қизи боламни чўқинтирмоқчи деб ҳаммаёққа жар солиб юрибди... Шунинг учун, дўстингни бу ишга аралаштириб бўлмайди.

– Уҳ, сен вайсақи!

– Ўзинг телбасан!

Кара де Анхел ёрдамга тайёрлиги учун Вассесга миннатдорчилик билдириди, аммо бу ишга «климонад шиша»си қўшилмагани маъқул, у хисобда турадиган одамга ўхшайди, деб таъкидлаб қўйди.

– Ўзингиз иштирок этмаганингиздан афсусдаман, дўстим Вассес...

– Мен ҳам афсусдаман, аввалдан билганимда...

– Пул зарур бўлса...

– Йўқ, нима деяпсиз! Мен унақалардан эмасман, – Вассес қулоғини қашиб қўйди.

– Нима ҳам деймиз, мумкин бўлмаса, майли...

Демак, мен кечаси чоракам икки ёки бир яримда шу ерда бўламан.

Мухаббат кутиб ўтиrmайди.

У хайрлашиб, соатини қулоғига тутди. Шафқатсиз зарбалар тиқ-тиқ уриб турибди; қора шарф билан оқарган юзини ўраб, тезда фойиб бўлди. Қўлида генералнинг боши ва яна нималардир бор эди.

АРХИЕПИСКОП ИЛТИЖО ҚИЛАДИ

Хенаро Родас сигарет чекиш учун девор тагида тўхтади. Гугурт чақаётган эди, Луисо Вассес келиб қолди. Эҳром панжараси орқасида ит вовуллар эди.

– Шамолни қара! – мингиллади Родас.

– Ҳей, ишларинг қалай? – саломлашди Вассес. Улар бирга кетишиди.

– Ўзинг қалайсан?

– Қаерга кетаяпсан?

– Нега сўрайяпсан? Сен билан шартлашган эдик-ку..

– Унутиб кетгансан, деб ўйлабман. Ҳозир ишларни бир бошдан гапириб бераман. Қиттак отайлик, кейин гаплашамиз. Ўзим ҳам ҳайронман, озгина ичгим кела-

япти. Майдонга қараб борайлик-чи, нима борлигини күрамиз.

– Нимаям бўларди? Албатта, хоҳласанг – борамиз. Ҳозиргина гадоларни ҳайдаб юборишиди, у ерда зоғ ҳам йўқ.

– Худога шукур. Кетдиқ, демак, Арк ёнидан ўтамиз.

Полковник Парралес Сонриенте ўлимидан кейин маҳфий полиция муқаддас Арк ҳаробаларини бир дақиқа ҳам назоратдан қочирмади. Таъқиб ашаддий калла-кесарларга топширилди. Вассес билан дўсти архиепископ саройи томонидаги пиллапоялардан кўтарилишиди, Аркни кесиб ўтиб, Юз Дарвозадан чиқишиди. Арк сахнидаги гадолар ўрнини соялар эгаллаган. Деворга тақалган бир неча зина бўёқчилар таъмирга киришганидан дарак беради. Дарҳақиқат, муниципалитет қарорларида ваҳший қотиллик содир бўлган муқаддас Арк ҳаробаларини таъмирлаш ва оқлашга ижозат берган Сенъор Президентга миннатдорчилик руҳи етакчи ўрин тута бошлади, бунинг устига бутун харажатлар Арк де-ворлари остига бадбўй дўкончалар куриб олган турклар зиммасига тушди. «Харажатларни турклар қоплайдилар, сабаби, улар полковник Парралес Сонриентенинг ўлимида маълум даражада айбордир, қотиллик улар истиқомат қиласиган жой яқинида рўй берган» деб қайд этилган эди даҳшатли қарорда. Обрўли дўстлар орасига тушиб, муқаддас Аркни таъмирлаш ва оқлашга кетадиган чиқимларни давлат хазинасидан ярим баҳосига ҳарид қилинган векселлар билан тўлашни ўз зиммасига олмагандан, бечора турклар бу ерни маскан қилиб келган гадолардан баттар аҳволга тушиши аниқ эди.

Аммо ҳар куни изғиб юрган маҳфий полиция уларга тинчлик бермай қўйди. Нима учун бунчалик шубҳага боришмоқда, деб бир-бирларидан пицирлашиб сўрашади. Сўндирилмаган оҳакка тўланган векселлар куйиб кетмаганми? Авлиёларнинг соқолидек қуюқ бўёқчўткалар сотиб олинмадими? Турклар ҳар эҳтимолга қарши эшикларига янги қулфлар, панжаралар, тумбалар ўрнатиб қўйдилар.

Луисо ва Хенаро Юз Дарвозадан ўтиб (сукунат билан қадам товушлари қоришиб кетди), күча охиригача боришиди ва «Үйғонган арслон» қовоқхонасига бурилишди. Васкес хўжайин билан саломлашиб, икки ҳиссадан ароқ буюрди: улфатлар тўсиқни четлаб, столга ўтиришди.

– Хўш, қани айт-чи. Ишларимиз қандай кетаяпти? – сўради Родас.

– Соғлигинг учун! – Васкес қадаҳ кўтарди.

– Сен учун, оқсоқол!

Стол ёнига келган хўжайин беихтиёр тилак билдириди:

– Соғликларингиз учун, сенъорлар!

Иккаласи қадаҳни бўшатишди.

– Ҳеч бало чиқмади... – Васкес бу сўзларни сўлакларига кўшиб туфуриб ташлади. – Бошлиқ ўринбосари ўзи чўқинтирган одамини тиқишириди. Мен сени айтдим, унга ваъда бериб қўйган экан. Рости ни айтсам, ахлатдан баттар одамни олмоқчи.

– Қоронгида топишди десанг-чи!

– Бошлиққа ким қарши чиқади? Мен ким бўлибман... Ўзингга маълум-ку, узоқни кўзлайди у, махфий хизматга олмоқчи.

– Аввалги таклиф нима бўлди?

– Банд қилинди, чўқинтирганини олади. Мен сенга айтсам, олдин осон эди. Кўнғироқ қилишарди – сердаромад жой, дейишарди, силлиқина битиб кетарди.

Родас елкасини қисиб, нималарнидири ғўлдиради. Умиди катта эди-да.

– Қўй, қайғуриб ўтирма, ўйлашга арзимайди! Бошқа жой топамиз. Ўзим жойлаб қўяман! Яқинда шундай ишлар бошланадики... Жой тўлиб кетади! Сенга айтдимми, йўқми, эсимда йўқ... – Васкес аланглади. – Йўқ, айтмайман!

– Нима бўпти? Айтмасанг айтма, кераги йўқ!

– Бу ерда ғалати гаплар бор.

– Кўй, керак эмас, менга нима? Биروف тилингдан суғуриб оляптими? Ўзинг валакладинг...

– Майли, сенга нима бўлди?.. Кайфинг ошдими?

– Яхшиси, жим бўл, кўзим учиб тургани йўқ. Ишон-масанг, ундан нари! Жифимга тегаверма! Сендан гап сўрадимми?

Васкес ўрнидан турди – бирон жойдан кузатишмаяптими – Родоснинг ёнига келди, у аччиқ қилиб, ўгирилиб олди – қулогига шивирлаб:

– Сенга айтдимми, йўқми, ёдимда йўқ. Арк тагида ётиб юрган гадойваччалар бор-ку, ана ўшалар кўрсатма беришди, полковникни ким саранжомлагани аниқланди... – Овозини кўтарди: – Ким, ким дейсанми? – Яна секин, давлат сирларидан хабардор одам сингари шивирлади: – Генерал Эусебио Каналес билан аниви хуқуқшунос Абелъ Карвахаль...

– Сенга валдираб юр деб ижозат беришдими?

– Бугун улар ҳақида буйруқ чиқди, қамоқقا олишади, демак, гапирса бўлаверади.

– Иш бу ёқда дегин! – Родас бир қадар тинчланди. – Шу полковник бутун ёз бўйи пашша қўриб ўтириди, дейишарди. Куруқ кўл билан олишарканда, а? Товукдек бўйнидан бўғишади! Ҳаётда ҳамиша шундай – муҳими қатъиятли бўлиш. Одамлар олим бўлиб кетишли!

Васкес ароқни ютди ва хўжайнини чақирди:

– Яна икки юз грамм, дон Лучо!

Қора тасмалари яраклаган Дон Лучо иккита қадаҳ келтирди.

– Қани, яна биттадан олдик! – Васкес қичкирди, тупуриб, тишларини қисиб: – Ўзинг биласан-ку, тўла қадаҳларни кўришга тоқатим йўқ... Агар билмасанг – билиб кўй... Сенинг соғлиғингга! – деди.

Чехраси очилган Родас чўқиширишга шошилди. Бўш қадаҳни столга қўяр экан, жўшиб кетди:

– Агар қотил ақлдан озган бўлса, Аркка қайтиб келади!

– Улар келади деб сенга ким айтди?

– Нима?

– Ҳа, буни қара-я! Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳудо ҳақи, кулгили, а?!

– Қўйсанг-чи! Мен нимани айтмоқчиман, бу ишга бош-қош бўлганларни майдонда кутишдан фойда йўқ. Улар сенга келиб бўпти! Ҳар қалай сен туркларни деб майдонда сандираклаб юрмагандирсан. А?

– Билмасанг – бурнингни тиқма! Ҳадеб лоф ураверма! Аҳмогингни топибсан!

– Махфий полиция фақат қотилни деб Арқда юргани йўқ. Бу ифлос ишни кавлаб нима қиласан?..

– Балки бу ифлос иш менга муносибдир?..

– Овора бўлма! Мен жиддий гапирайпман! Бу ерда қотиллик ҳақида гап йўқ. Ҳудо ҳақи! Кимни излаётганимизни ўлсанг ҳам билолмайсан... Бир кичкина телбани кутаяпмиз.

– Ёлғонни ямламай ютавер!

– Тинимсиз чопиб юрадиган соқов эсингдами, унга «Оий» деб қичқиришарди. Бўйи новча, ориқ, оёғи маймоқ... Эслайсанми, а? Бўлмаса-чи! Ана шуни кутаяпмиз. Уч кун бўлди қочиб кетганига...

Васкес револьверини ушлаб қўйди.

– Мени мазах қилима!

– Мазахинг нимаси? Рост айтаяпман, ҳудо ҳақи, рост! Қанча одамни тишлаган! Дўхтирлар ҳам бир парча кўрғошинни тавсия қилишди!

– Мени чалғитиб нима қиласан! Сени полициянг полковникни гум қилган қотилни изляяпти-ку, бошқани эмас!

– Ё, ҳудо! Роса эздинг! Соқовни кутаяпмиз, билдингми? Соқов тентакни, қанча гапириш керак?

Пелеленинг нолалари қўчада чувалчангдек тўлғониб боради. Гоҳ қўлларига, тирсакларига таяниб, гоҳ оёгини тираб, гоҳ қорни билан судралиб, гоҳ тиззалиб эмаклаб абжақ гавдасини аранг судрайди. Ниҳоят, майдон кўринди. Боғдаги шамол тебратиб турган дарахтлар шохида қузғунлар шовқин солмоқдами? Пелелени кўрқув босди, анча вақт хушсиз ётди; тоқат

қилиб бўлмайдиган ташналиқдан тили қақраб, куриб, ёрилиб, ўлган балиқдек шишиб кетган; хўл сонлари узун яримта қайчини эслатади. У зинама-зина эмаклаб кўтарилади, жон бераётган мушукдек типирчилаб зинама-зина юқорилайди, соя жойларда буралиб қолади. Кўзлари хира тортган, оғзи ланг очиқ, кийган жандалари қон ва лойдан қотиб қолган. Сукунат ичида охирги йўловчиларнинг қадами сузид боради, жандармларнинг қиличлари шарақлайди, сувқ излаб изғиган кучукча енгил югуради, шамол Арк қирғоқларига учирив келган қоғоз парчалари ва япроқлар шилдирайди.

Дон Лучо яна «икки қават» қилиб икки юз грамм ароқ чақирди.

– Буниси қандоқ бўлди? – деди Вассес беўхшов чи-йиллаб, одатдагидек полга тупуриб. – Сенга айтганимдек, бугун соат тўқизида... тўғрироғи, тўқиз яримда, бу ёқка келишга шайландим... Дилдорим бўғма илон олдида ўтирган эдим, бир нусха кириб пиво сўради. У пивони келтириб қўйди. Яна сўради ва юзалик узатди. Албатта қайтимга пули камлик қилди, майдалаш учун кўчага чопди. Мен бу нусхани кўришим биланоқ иш чатоқ деб ўйладим. Худди фол очгандай. Қаршимизда катта уй бор эди, у ёқдан ойимтилла қиз чиқиб қолди – нусха изидан югурди. Шунда, биласанми, бекамиз қайтиб келди, мен унга ёпишдим, у бўй бермади...

– Юзалик-чи...

– Шошилма, демак, мен унга тегина бошладим, у қаршилик кўрсатди. Яна бояги нусха. Суйкалаётганимни кўриб қолди, парво қилмай, ўз дардини айтди, генерал Каналесни қизини севар экан, қочиб кетишга кўндирияпти, айни шу бугун, кечаси. Бояги қиз шу экан, демак, тил бириктиришипти. Хўш, у мендан ёрдам бер, деб илтимос қилди, мен нима қила олардим? Майдонга боришим керак – хизматчилик!..

– Сени қара-ю! Ёлғон тўқимаяпсанми?

Родас тупугини ютди.

– Бу нусхани саройда – Президент ёнида бир неча марта кўрганман...

– Қариндоши эмасми?

– Қанақа қариндош?! Фақат нега шу бугун тунда олиб қочмоқчи – шунга ақлим етмади. Генерал ҳақида эшиг-ганга ўхшайди, демак, аскарлар қарияни қўлга олишаётганда пайтдан фойдаланиб, қизни ўғирлаб кетмоқчи.

– Бу гапга ичмаса бўлмайди.

– Хўп, яна биттадан. Кейин кетамиз.

Дон Лучо қадаҳларни тўлдирди. Дўстлар ичишли. Эски туфлонга арzon сигарет қолдигини ташлаб, тупуриб, қўзғалишиди.

– Қанча бўлади, дон Лучо?

– Ўн олти песо, тўрт...

– Ҳар биримизданми? – ҳайрон бўлди Родас.

– Нега энди? Иккалангиздан, – жавоб берди хўжайнин. Васкес санаб, бир неча қоғоз ва тўртта тангани унга тутқазди.

– Соғ бўл, дон Лучо!

– Кўришгунча, дон Лучо!

Уларни эшиккача кузатиб борган хўжайнин жўр бўлди.

– Уҳ, шайтон, совуқни қара! – қўлларини шимининг чўнтағига тиқиб, хитоб қилди Родас.

Бурчаккача оҳиста юриб боришиди, Васкес муқаддас Арк остонасида бир оз тўхтаб қолди, у ҳузурбахш кайфият давом этишини хоҳламоқда эди.

– Нега бурнингни жийирасан, – деди у. – Бугун мен учун байрам! Сенга айтдим-ку, бугун менинг байрамим!

У молдек пишқирди ва бамисоли ногорани – олтин ҳалқалар осилган тун ногорасини муштлаган бўлди, шамолни ғижимлади, Арк зинапояларига жойлашган кўғирчоқ театри қаҳрамонларини майна қилиш учун шеригини судради. У хоҳолаб қулди, қўлини курткаси чўнтағига тиқиб ўйинга тушди, кулаётиб инграган овозни эшиди ва бирдан ҳушёр тортди, икки букилиб шолворини ушлади-да, зўрға ёнбошига ўгирилди. Қотиб қолди. Томогига гипс бўлаги қадалгандек кул-

гиси бўғилди. У Пелелени кўриб қолган эди. Дук-дук қадам товушлари. Эски пиллапоя уларни икки, саккиз, йигирмага кўпайтириди. Тентакча яраланган итдек тинимсиз ғингшиб инграмоқда. Шу аснода қичқириқ сукунатни бузди. Пелеле револьверли одамни пайқаб қолди. Вассес синган оёғидан ушлаб, архиепископ саройига қараб судради. Дами ичига тушиб кетган Родас совуқ терга ботиб, карахт туриб қолди. Биринчи ўқдан кейин Пелеле тош зиналардан юмалаб туша бошлади. Турклар ин-инига кириб кетди. Иккинчи ўқ уни ер тишлатди. Ҳеч ким ҳеч нарсани кўрмади; фақат архиепископ саройидаги бир деразадан буни кўриб турган авлиё отанинг кўзлари мархум қийналмай жон берсин, деб дуо қилди, Пелеленинг жасади зинапоялардан ағдарилиб тушаётган паллада олмос узук таққан кўл чўкиниш учун юқори кўтарилди.

МУҚАДДАС АРК ЗИНАЛАРИДАГИ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Ўқ товушлари, Пелеленинг аянчли ноласи, Вассес ва дўстининг шошилинч қадам товушларини эшитган кўчалар жулдур ой нури остида жонсарак югуришга тушдилар; майдондаги дараҳтлар мунгли хўрсишиб, бармоқларини қарсиллатдилар – мудҳиш воқеани қуруқ хаво орқали кимга етказасан! Кўчалар бурчак-бурчакларга тикилдилар, нима гап деб сўрадилар, ҳеч нарсани била олмагач, турли тарафга – бири шахар марказига, бири атрофдаги қишлоқларга қараб тарқалиб кетдилар. Йўқ, маст қурувчилар кургандек эгри-буғри, тор Яҳудий кўчалари ҳам; ўткир қиличларини муттаҳам жандармаларга саншиб, мушкетёрлар жасоратини такрорланган кадетлар номи билан шуҳрат топган Эскинтилья торкўчалари ҳам; бадқовоқ ва нишаб Қирол торкўчаси ёки Муқаддас Тереза торкўчалари ҳам; Қуёнчалар, Гаван, Беш йўл, Хаёл кўчалари ҳам машъум қотиллик ҳакида гувоҳлик бера олмайди.

Бу воқеа жамоат ҳожатхоналарининг сувлари ҳар доим шовуллаб турадиган, соқчилар узун қиличларини жаранглатиб юрадиган, совук фалак пештоқида осмонга кўшилиб кетган Арк ҳам, кеча ва кундуз ҳам сокин айланадиган шаҳарнинг Бош Майдонида юз берди.

Яраланган шамолнинг заиф иплари аранг қалтирайди, хаёлга ботиб турган дараҳт баргларини узиб туширишга мадори етмайди.

Ногоҳ Муқаддас Арк майдони яқинидаги эшиклардан бири қия очилиб, қўғирчоқ театрининг хўжайини сичқондек қўрқа-писа бошини чиқарди. Қизиқкон хотин эллик яшар қари қизга ўхшаб уни ташқарига итарди. Нега ўқ отиши? Эр Доњя Бенхаминнинг истаги деб, ич кўйлакда кўчага чиқишдан истиҳола қилди. Албатта, у ҳам турклар отилмаганини билишга қизиқади. Бўйини чиқариб караши учун ўнта ўткир тирноқ биқинига санчилди, буниси энди ўта одобсизлик эди!

– Ё, парвардигор, ҳеч нарсани кўрмаяпман. Нимани айтай? Мендан нимани хоҳлайсан?

– Нима, нима? Турклар дейсанми?

– Ҳеч нарсани кўрмаяпман дедим. Нимани хоҳлайсан ўзи?

– Худо ҳақи, тўнғиллама!

Эри ясама тишларини суғуриб олиб қўйган эди, гаплари тушунарсиз бўлиб қолди.

– Тўхта, кўряпман, кўряпман!

– Нима деб минғиллайсан? – хотин озорланган оҳангда дакки берди: – Эшитяпсанми? Мен ту-шун-маяп-ман!

– Ана, ана, кўряпман! Оломон бурчакка йиғилди, архиепископ саройи ёнига!

– Яхчиси мени ўтказиб юбор, сендан тайнинли гап чиқармиди? Биттаям сўзингни тушунмадим! Нима деб фўнғиллаганингни ўзинг билмайсан!

Дон Бенхамен хотинига йўл берди, у соchlари ёйилган, бир кўкраги сариқ сатин кўйлагига, иккинчиси тумор боғичига ўралиб қолган ҳолда эшик олдига ўтди.

– Қара, замбил келтиришди! – деди орқада турган Бенхамен.

– Шу ерда деганлари бежиз эмас экан-да!.. Мен турклар деб ўйлагандим! Сен нега индамаган эдинг? Шундай ёнимизда ўқ узилди-ку!

– Замбил келтиришганини ҳозир кўрдим, – такрорлади қўғирчоқбоз; хотинининг орқасида тургани учун товуши ер остидан чиққандек бўғиқ эшитилди.

– Нима, нима?

– Айтяпман-ку, ҳозиргина замбил келтиришди деб.

– Яххиси, жим бўл, гапингни англааб бўлмаяпти. Тишингни қўйиб ол, овозинг дўриллаб қолди...

– Ҳозир замбил...

– Бекор айтибсан, уни энди туширишди.

– Йўқ, азизам, ўзим кўрдим-ку!..

– Ҳозир олиб келишди деяпман! Кўр эмасман-ку!

– Мен-чи, мен ҳам ҳозиргина...

– Ҳа, нима бўйти? Замбилми? Сен тушунсанг-чи...

Дон Бенхамин бўйи бир метрга яқин, қилтириқ, сержун, кўршапалакка ўхшаган киши эди, хотини доня Бенхаминнинг кенг елкалари туфайли жандармларни ҳам, йифилган оломонни ҳам кўролмасди; барваста, бўлиқ хоним трамвайга тушса икки кишилик жойни эгалларди, кўйлак тиктирганда саккиз метр газлама гавдасига камлик қиласди.

– Кўчани факат сен кўрасанми? – деди Бенхамин юрак ютиб.

Худди қуёш тутилгандек, хотини уни ёруғ дунёдан бутунлай ажратиб қўйган эди. Айни шу дамда кимдир, «Сезам, нарирок тур!» деб буюорди, доня Бенхамин орқасига ўгирилди ва бўйи-басти билан эрини босиб тушди.

– Эй, худойим-ей, Онажоним Биби Марям! – деб қичқирди у ва эрини даст қўтариб эшик олдига тақаб қўйди.

Қўғирчоқбознинг кўзидан ранг-баранг саноқсиз учкунлар сачради. У жони борича типирчилаб, хоти-

нининг сандиқдек йўғон қорнига тепа бошлаган пайтда тўртта маст жасад солинган замбилни майдондан олиб ўтди. Доня Бенхамин чўқиниб қўйди. Мархумга аза тутиб хожатхонада шариллаб оқаётган сув йиглади, шамол кулранг дарахтлар устида чарх уриб айланәётган қузгуларнинг қанотида шитирлади.

– Никоҳ кунимизда фотиха берган руҳоний: «Сенга қул эмас, энага бераяпмиз», дейиши керак эди, – қўғирчоқбоз мингирилаб заранг ерга тиз чўқди.

Хотини индамади (булар ғалати жуфт эди, зоро, қўғирчоқбоз кичкина мандарин бўлса, аёл йўғон апельсинни эслатарди) – майли, валдираиверсин, тишини жойига қўймагунча гапига ким тушунарди.

Чорак соатдан кейин доня Бенхамин хуррак отар, унинг оғирлигига бас кела олмаган томоғи билан ўпкалари бамисоли жон талашиб жанг қилишар, зардаси қайнаган дон Бенхамин тўй кунини лаънатлаб сўкинарди.

Шунга қарамай ҳамма нарса қўғирчоқ театрининг фойдасига хизмат қилмоқда эди. Қўғирчоқлар фожеа сахнасига киришга журъат этдилар. Ҳозир уларнинг картон кўзларидан маҳсус хуқна воситасида ингичка ичакчалар орқали юбориладиган сув эмас, чинакам кўз ёшлари оқмоқда эди. Аввал қўғирчоқлар факат кулишарди, йиглашга тўғри келганда эса уни беозор қиликлар билан кўрсатишарди. Энди улар сахнада кўз ёши тўкиш машқини росмана эгаллаган эдилар.

Дон Бенхамин болалар бундай томошаларни кўриб йиглашади деб ўйлар эди; аксинча, йиглаш ўрнига қотиб-қотиб, юмалаб кулаётганини кўрганда ҳайратдан лол қолди. Болалар бегоналарнинг кўз ёшларидан куладилар... болалар калтаклашлардан куладилар...

- Бу табиий эмас, – эътиroz билдиради дон Бенхамен.
- Жуда табиий, – қарши чиқади доня Бенхамен.
- Табиий эмас! Ўта нотабии!
- Табиий! Табиий! Ўта табиий!
- Кел, баҳслашмаймиз!
- Майли, – рози бўлади хотин.
- Аммо, барибир, табиий эмас...

– Табиий деяпман! Табиий – ўта табиий, ўта-ўта таби-и-ий!

Дона Бенхамен эри билан айтишганда ёрилиб кетмаслик учун құшимча бўғинлардан фойдаланади.

– Та-та-та-ба-ий! – ғазаби тўлиб-тошган кўғирчоқбоз бошини чанглаб чийиллади.

– Табиий! Ўта табиий! Ўта-ўта табиий! Ўта та-та-та-би-и-ий!

Нима бўлганда ҳам Муқаддас Арк остонасидаги кўғирчоқ театрни қўғирчоқларни йиғлатиш ва болаларни кулдириш учун анча пайтгача хуқнадан фойдаланди.

ШИША КЎЗ

Қош қорайганда дўконлар ёпилди; сўнгти харидор билан ҳисоб-китоб қилган бека тушган фойдани сабаб, кечки газетани ўқишига тутинди. Болалар бурчакда электр ёргугига учиб кирган май қўнғизларини эрмак қиласилар. Қўлга тушган қўнғиз даҳшатли қийнокларга дучор бўлади; қаҳри қаттиқ болалар раҳм-шафқат кўрсатиб бечора жониворни босиб ўлдириб, азобдан куткариш ўрнига баттар қийнайдилар. Битта ёш жуфт панжарали дарча тагида ошиқ-маъшуқлик қиласи, ханжарлар билан қуролланган сокчилар ва резина таёқча кўтарган тунги кўриқчилар етакчилари билан бирга сокин кўчаларда айланиб юради. Баъзан тескариси бўлади. Қўнғизларни қийноққа солувчилар ўзаро бирлашиб олиб, снарядлар, яъни тошлар тугаб қолгунча жангга киришиб кетадилар. Дераза остидаги лаззатли учрашувни сезгир она барбод қиласи, омадсиз ошиқ шляпасини чанглаб, шайтонга дуч келгандек, жуфтакни ростлайди. Соқчи ҳам бўш турмайди. Қандайдир йўловчини ушлаб, бошидан-оёғигача тинтиб чиқади ва турмага етаклайди, сирасини айтганда, унда қурол йўқ, аммо кечаси сандирақлаб юргани шубҳали, балки фитначидир, бошлиқ айтгандай, таникли одамга ўхшайди...

Ана шундай бемаҳал паллада қашшоқ маҳаллалар ниҳоятда ғариб, кимсасиз, итоаткор кўринади. Ой

акси оқава сувга тұла ариқларда паришон сузади, қувурлардаги ичимлик сувлар ўзини қуллик ва зўравонликка маҳкум деб ҳисобловчи халойиқнинг умр дақиқаларини санаб оқишдан чарчамайди.

Шундай маҳаллалардан бирида Лусио Васкес дўсти билан хайрлашди.

– Хўп, хайр Хенаро! – деди валақлаб қўйма дегандек кўзига тик қараб.

– Бориб кўрай-чи. Балки генерал қизининг ошиғи ёрдам сўраб келиб қолар.

Хенаро кўнглидаги гапларини оғайнисига айтганига пушаймон бўлгандек жим туриб қолди, сўнг уйига жўнади – у дўконда яшар эди. Эшикни тақиллатди.

– Ким, ким у? – товуш эшитилди эшик орқасидан.

– Мен... – Хенаро паст бўйли одамнинг кулогига шивирлаётгандек эшик томон эгилиб жавоб берди.

– Кимсан? – сўради хотин эшикдан мўралаб.

Сочлари тўзғиган, ич кўйлақда, шам кўтарган хотини Федина дахлизни ёритди.

У ичкарига киргач, аёл шамни пастга тушириб, тамбани шарақлатиб сурди-да, каравот томон йўналди. Санғи эр қай пайтда келганини кўрсинг, деб хотини шамни атайлаб соат олдига қўйди. Эр сандиқ олдида туриб қолди, мушукни силаркан, аста ҳуштак чалиб, кувноқ бир куйни хиргойи қилди.

– Нега ҳуштакбозлик қиласын? – оёғини уқалай туриб бақирди Федина.

– Шундай, ўзим, – дарҳол жавоб қайтарди Хенаро. У дўкондаги қоронгилик қаърига сингиб кетаётгандек эди. Ўзига қандай балони илаштириб келганини хотини пайқамаса бўлди!

– Яна шу чийилдоқ исковуч билан санғидингми?

– Йўқ! – деди кескин Хенаро ва кенг соябонли шляпасини кўзигача бостириб, ички хонага кириб кетди.

– Нега ёлғон гапирасан, ҳозиргина хайрлашдинг-ку! Гапимга ишонавер, хотинга ўхшаб чийиллайдиганлардан яхшилик чиқмайди. Одамлар сени у билан кўриб,

махфий хизматчи-я! Қойил! дейишиңин деб унга суйкаласан. Бекорчиларга боп иш, уялмайсанми?

– Манави нима? – қути ичидағи янги юбкани күриб сүради Хенаро гапни чалғитиши ниятида.

Федина оқ байроққа ўхшаган юбкани құлиға олди ва бириңчи чақалогини генерал Каналеснинг қизи چүқинтиришга рози бўлиб, буни совға қилганини ҳаяжонланиб гапира бошлади. Родас беланчак орқасига тушаётган сояға юзини яширмоқчи бўлди; маросимга тайёргарлик қўриш ҳақида хотини айтаётган гаплар қулоғига кирмас эди, кафти билан қўзига тушаётган шам ёругини тўсди, шу заҳотиёқ қўлини тортиб олди ва ёпишган қон юқини сидириб ташламоқчикдек бармоғини силкитди. Кўзига бешик ичидан ўлим шарпаси чиқиб келаётгандек қўринди. Ўликларни ҳам янги чақалоқлардек тебратиш керак. Шарпанинг ранги тухум оқига ўхшайди, сочи, киприклари, тиши йўқ, нихоятда кичкина ликиллаб турган нурсиз кўзлари дағн идорасидаги суратларни эслатади. Хотинининг овози олислардан эшитилади. У ўғли, генералнинг қизи, چүқинтириш маросими, кўшнилар, бурчакда турадиган бақалоқ кўшнини ҳам, дўкончи, қассоб, булкачини ҳам чақириш лозимлиги ҳақида гапирмоқда эди. Рона яйрайдиган бўлдик!

Аёл бирданига гапдан тўхтаб, кичкириб юборди:

– Хенаро, сенга нима бўлди?

Эри сапчиб тушди.

– Ҳеч нарса!

Хотини қичқирғандан кейин бояги шарпада кора доғлар пайдо бўлди, бу доғлар склетга айланиб, хотининг коронғи бурчагига сингиб кетди. Аёл скелети... Тўгри, фақат шалвираган, қовурғалардан ясалган қафасга тушиб қолган ўлимтиқ сичқонни эслатадиган куришган кўкрагигина аёлникига ўхшар эди.

– Хенаро, сенга нима бўлди?

– Ҳеч нарса.

– Қаерларда санқиб юрасан! Дайдиб, дайдиб, жин чалғанга үхшаб қайтасан, балога йўлиққур! Уйда ўтиранг ўласанми!

Хотинининг овози шарпани ҳайдаб юборди.

– Рост айтаяпман, ҳеч нарса кўринмайди.

Ўнг бармоқлари орасидан электр лампочкаси ёруғига үхшаб қандайдир кўз сирпаниб чиқди. У жимжилогидан бошлаб барча бармоқларига бирма-бир тегиб ўтди. Кўз... Айнан кўз... бармоқларига урилади, урилади. Уни мажақлаб ташлаш учун муштини сикди – жуда қаттиқ. Тирноқлари кафтига санчилди. Йўқ, бўлмади. Қўлини ёзди, қушчанинг юрагидек келадиган кўз ҳамон кафтида турибди, ваҳимаси дўзахдан баттар. Қовоқларига иссиқ шўрва қўйилди. Мотам садолари остида бармоқлари орасида думалоқ чамбаракка үхшаб айланиб турган кимнинг кўзи?

Хотини уни чақалоқ ухлаб ётган сават олдига олиб келди.

– Хенаро, сенга нима бўлди?

– Ҳеч нарса!

У оғир хўрсинди.

– Ҳеч нарса, қандайдир кўз менга ёпишиб, таъқиб қилмоқда! Мана, кафтимга қарайпман... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Бу менинг кўзларим... бу кўзлар...

– Яхшиси, чўқиниб, дуо ўқисанг-чи! – унинг сўзларини эшитмай бидиллади хотини.

– Кўз... ҳа, мана бундай думалоқ, қора, киприклари бор, шишага үхшайди!..

– Ўлгудек ичибсан!..

– Йўқ, бугун сира ичмаган эдим!..

– Ҳе, ичмаган эмиш! Ҳиди бурқсиб ётиби-ку!

Тўсиқ орқасидаги кичкина ётоқхонада Родас ўзини чуқур ертўлада, ҳар қандай таскин ва умиддан узокда, кўршапалак, чаёнлар ва илонлар қуршовида қолгандек ҳис қилди.

– Биронта ярамас иш қилганга үхшайсан, – деди Федина узоқ эснаб. – Мана, парвардигорнинг ўзи сени кўриб турибди.

Хенаро ўринга қараб интилди ва этигини ҳам, кийим-бошини ҳам ечмасдан чойшабга бурканиб олди. Кўз ёшлари, чироили хотинининг баданига қуилди. Федина чироқни ў chirди; аввалгидан ҳам ёмон бўлди – коронгида кўз жуда тез катта бўлиб, бутун хонани – полни, шифтни, уйни, ҳаётини, ўғлини эгаллади...

– Йўқ, – жавоб берди Хенаро. – Кўркиб кетган хотини чироқни ёқиб, йўргак билан совуқ тер босган пешонасини артаётганда яна такрорлади: – Йўқ, бу парвардигорнинг кўзлари эмас, иблиснинг кўзлари...

Федина чўқинди. Хенаро чироқни ўчиришни илтимос қилди. Кўз эгилиб-букилиб, қоронгиликка чекинди, у бирон нарса тегиб кетгандек бўлди – нимадир тарақлади, кўчани гурсиллатиб кетаётганда ёрилиб кетди.

– Арк тагида! Арк тагида, – бақирди Хенаро. – Ҳа! Ҳа! Чироқни ёқинг! Гугурт! Чироқни ёқинг! Худо ҳақи, Худо ҳақи!

Хотини гугурт олиш учун қўлини чўзди. Олисдан ғилдиракларнинг овози келди. Хенаро кафти билан оғзини тўсиб, бармоқларини тишлаб, хотинини чакирди, ваҳима босяпти, хотини ёнида йўқ. У эрини тинчлантириш учун қаҳва қайнатай деб куймаланмоқда эди.

Қути учган Федина эрининг олдига югуриб келди.

– Э худо, ақлингдан озгунча ичсанми, а? – деди у қалтираб турган алангана тилига қора кўзларини тикиб. Ногоҳ театрда доня Энрикетининг ошқозонидан капалак қуртини чиқаришгани; касалхонада бир ҳиндунинг бошидан мия ўрнига моҳ толаларини топишгани; ҳиндуларнинг ёвуз рухи Кадехо кўрқитиши учун кечалари келишини эслади. Ҳудди калхатни кўрган товук беихтиёр жўжаларини қанотлари остига бекитгани сингари чақалоги кўксига авлиё Блас суратини қўйиб, баланд овозда дуо ўқий бошлади: «Парвардигор ва унинг садоқатли ўғли, азиз авлиёлар ҳақи!..»

Дуонинг дастлабки сўзларидан Хенаро калтак еганадек сесканди. Кўзларини юмиб беланчак ёнидаги хоти-

ни олдига судралиб келди, тиз чўкиб оёгини қучоқладида, барча кўрганларини оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

– Биринчи ўқ теккандәёқ пиллапоялардан пастга думалаб кетди, қон оқиб ётибди, кўзлари очик, оёқлари керилган, қорачиги бир нуктада қотиб қолган... Шундай совуқ, шилимшиқ кўзлар... Нега бундайлигини худо билади... Худди яшин чараклагандай... тўғри менга қадалган!.. Мана шу кўзлар... ҳозир ҳам қўлимда. Ё парвардигор, қўлимдан кетмаяпти!

Ногоҳ чақалоқ йиғлаб қолди. Федина йўргакланган болани қўлига олиб, кўкрагини тутди, эри эса (уни нақадар ёмон кўриб қолди!) оёқларини қўйиб юбормай инграр, хўнграб йиғлар эди.

– Ҳаммадан ёмони Лусио...

– Шу чийилдоқни Лусио дейишадими?

– Ҳа, Лусио Васкес...

– Лақаби духоба латтами?

– Шундай...

– Уни нега ўлдирди?

– Буюришган экан, ўзиям қаҳри келиб турганди. Буниси ҳеч нарса эмас... Энг ёмони, Лусио менга айтдики, генерал Каналесни қамашга буйруқ бор эмиш, яна қандайдир бир нусха бугун кечқурун сеньоритани олиб кочмоқчи.

– Сеньорита Камиланими? Мени васийимни?

– Шундай.

Совуқ хабардан кейин Федина ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. Қайноқ кўз ёшлари кампирлар черковга олиб борадиган илиқ сувдек чақалоқнинг бошига томчилай бошлади. Бола ухлар эди. Тун адо бўлиб борарди, улар тонг нурлари эшик тирқишлиридан олтин ипдек сирғалиб ўтгунча лолу карахт ўтиридилар. Дўкондаги сукунатни нон тарқатувчиларнинг қичқириғи бузди:

– Ис-сиқ нон! Ис-сиқ нон!

АРМИЯ САРДОРЛАРИ

Лақаби Эски Мундир бўлган генерал Эусебио Каналес гўё саф олдидан ўтаётгандек ҳарбийчасига шахдам юриб мулозим ҳузуридан чиқди, аммо эшик ёпилиб, кўча ўртасида ёлғиз қолганидан кейин бояги кўргазмали хатти-ҳаракатлари бозорга товуқ сотгани кетаётган хиндунинг майда қадам босишига ўхшаб қолди. Орқасидан жосуслар таъқиб қилишаётгандек туюлди. Биқинида кўзғалган оғриқ томогини қакратди, қўли билан эски чуррасини пайпаслади. Узуқ-юлуқ нидо, айтилмаган арзу додлари томогида оғир нафасга айланиб ташқарига интилар эди, юраги эса ҳалкумига қадалиб, ёқимсиз таъм чиқарар, сакрар, сикилар, тўхтаб қолар эди; уни қовурғалари орасидан тутиб олиб, тахтакачга солинган синик қўл сингари ушлаб, ҳеч нарсани ўйламасдан бир жойда анча вақт қимирламай туриб қолди, ниҳоят секин-аста ўзига кела бошлади. Енгиллашди. Бурчакка қараб бурилди – бир дақиқа олдин бу бурчак накадар олис эди! Мана, иккинчи бурчак, аммо олға юришга энди мадор йўқ. Генерал тупурди. Оёқлари бўйсунмайди. Мана, қатқалоқ. Кўча охирида фойтун судралади. Ҳозир қатқалоқка тушиб кетади. Ҳамма нарса: фойтун, уйлар, чироқлар сузиб бораради... Қадами тезлашди. Шошилиш зарур! Зарари йўқ. Бир дақиқа олдин қўл етмас нукта бўлган бурчакка етиб олди. Яна бошқаси – анча олисдагиси ҳам кўринди, фақат етиш қийин... У лабини тишлади, оёқлари қалтирайди. Сўнгти кучларини тўплаб тупурди. Тиззалири букилмайди, белидан пастидаги ва томогидаги оғриқка чидаб бўлмайди. Тиззалири. Ана, йўлкага ётиб ол, уйгача эмаклаб, тирсакларингга, кафтларингга таяниб, ўлимга бўй бермай курашаётган аъзойи-баданинг билан судралиб боравер. У жуда секин юрди. Бўм-бўш бурчаклар ёнидан гўё сузиб ўтди. Улар иккита бўлди, уйқусиз тун қўйнида доим очиқ турадиган қўш табақали эшиклардек кўпайиб кетди. У ўзини ўзи, ўзгалар, кўрганлар ва кўрмаганлар олдида нокулай аҳволда қолдирмоқда.

Мүмкин эмас, ахир у қандайдир бекорчи одам эмас – генерал, хар доим, ҳатто кечаси, ҳатто ёлғиз қолганда ҳам фуқаролар унга қарашида. «Нима бўлса бўлар, – ғўлдиради ўзича. Агар бояги дангаса тўғри айтган бўлса – менинг бурчим – омон қолиш».

Бир неча қадам юргандан кейин:

«Қочиш – айбини тан олиш демакдир». Ҳар қадамидан акс-садо қайтади: «Қочиш – айбини тан олиш демак... Аммо қолиш!..» Қадамидан акс-садо қайтади: «Айбини тан олиш!.. Аммо қолиш!..» Қадамидан акс-садо қайтади.

У кўкрагини чанглайди. Бу ёпишқок қўркув матоҳни тезроқ шилиб ташлаш керак!.. Ҳозир орденлари йўқлиги ёмон бўлди. «Қочиш – айбини тан олиш демак, аммо қолиш-чи... Арзанда мулозим бармоғи билан энг тўғри йўлни кўрсатди. «Вакт борида қочиб қолинг, генерал». У ким эди, баҳоси қанча эди, худди ёш боладек юракдан севган юрти, хонадони, хотиралари, ўртоқлари, севган машғулотлари, Камила – ҳаммаси машъум бармоқ атрофида айланар, уларга қўшилиб бутун эътиқодлари-ю, борлик олам кунпаякун бўлиб совурилмоқда эди.

У яна бир неча қадам юрди, тиник хаёллари йўқолиб, ўрнига тўкилмаган лойқа кўз ёшлари қолди.

«Генераллар – армия сардорлари». Мен бир нутқимда шундай деган эдим. Тентак. Бу таъриф ўзимга кимматга тушди. Ана шу сардорлар учун Президент мени кечирмайди. Аллақачон унинг томоғига тиқилиб қолган эдим, мана энди қутулиш учун яхши баҳона топди. Мени қотилликда айлади. Марҳум полковник эса мени ҳар доим хурмат килар эди!»

Оппоқ мўйлаблари остида аянчли табассум қўринди. Бирданига бошқа генерал Каналесга – қовоқ палагидек оёқлари остида ўралашиб ётадиган, тавба-тазарру қилаётган, ёввош, бечора, бахтсиз қари генералга айланиб қолди, энди отилган ракетадек ундан пороҳ ҳиди бурксиб туради. Эски мундир деганларича бор! Мулозимнинг уйидан намойишкорона қадам ташлаб чиқкан ана шу генерал Каналес, шавкатли хизматларини Искандар,

Цезар, Наполеон, Боливарлар қаторида ҳисоблаб юрган күшин сардори, ҳеч кутилмаганда тилла погон, зар уқа, олтин жига, ярқироқ эполет, тилларанг шпорлари йўқ генералнинг ҳажвий суратига айланиб қолди. Гадоларнинг дафн маросимига келган қора кийимли номаълум одам!.. Ҳакикий генерал Каналес асасаю дабдаба билан олий табакага мансуб юлдузлар даврасида ҳаммани ўзига маҳлиё қилиб савлат тўкиб юрар эди. Арслон келбатли жангчи мағлуб бўлди, бунақасини ҳали тарих кўрмаган – уч бурчак шапкаси қийшайиб кўзигача тушган, қиличи синган, муштлари тугилган, кўкрагида жанговар нишонлари жаранглайди. Каналес қадамини секинлатмади, аммо дарвоза пештоқидаги портретидан кўзини олиб қочди. У маънавий мағлуб бўлганини ҳис қилди. Хорижда аҳволи нима кечади? Эшик оғаларига ўхшаб шим ва узун камзул кийиб юришини ўйлаш қанчалик азоб! Камзул узун ёки қисқа, кенг ёки тор бўладими – барibir ярашмайди. У тош йўлда хотира синиклари устидан юриб, генерал либосларини топтаб ўтди.

«Аммо айбим йўқ-ку! – У ишонч билан такрорлади: – Айбим йўқ! Нимадан қўрқишим керак?..»

«Ана шуниси ёмон! – мулозимнинг овози эшитилди. – Ана шуниси. Агар айбингиз бўлганда бошқа қўшиқлар куйланарди. Улар жиноятчиларни яхши қўришади – ҳаммаси ҳамтовоқ. Ватан дейсизми? Қочиб қолинг, генерал! Мен билиб гапирайпман. Қайси ватанни айтасиз? Конунларми? Шайтон малайлари! Қочинг, генерал, сизга ўлим таҳдид қилиб турибди».

«Аммо айбим йўқ-ку!» – «Айбингиз борми-йўқми, хозир буни ўйлаб ўтирунг, генерал. Хўжайин сизга шафқат қиласидими – йўқми, ана шуни ўйланг. Ғазабга учраган одам айбдордан ёмон!»

У эшитишни хоҳламасди, қасос иштиёқи ёндиради, юраги нафас олишга қўймасди. Камилани ҳам ўйлади. Кейин чакириб олади. Мерсед минорасидаги соат бонг урди. Осмон тиник, нихоятда тиник эди, юлдузлар ялтироқ михлар билан қоқиб қўйилгандек... У бурчак-

дан ўтиб, ойналари чараклаб турган уйини кўрди. Кўчага ёруғлик тушиб турарди. Ана шу нур ўзига тортар эди!

«Уни укам Хуаннида қолдираман, кейин имкон бўлганда одам юбораман. Кара де Анхел уни бугун кечаси ёки эрталаб олиб бориб кўйишга ваъда берди».

У калитини чикарди, аммо ундан фойдаланишга хожат қолмади, дарвоза шу заҳотиёқ очилди.

– Дада!

– Жим бўл! Бу ёқка кел... сенга тушунираман. Вақтдан фойдаланиш керак... Мен сенга ҳаммасини тушунираман... Хизматкор хачирни тайёрласин... пул... револьвер... кийимлар учун одам юбораман... Ҳозирча бир жомадон энг керакли буюмларни оламан. Худойим, нималар деяётганимни ўзим билмайман... Сен ҳам яхши англамаяпсан... Хачирни эгарлаб юкларимни ортсинлар. Мен бошқа кийимларимни кийиб, укаларимга мактуб ёзаман. Сен шу кунларда Хуаннида турасан.

Генерал Каналеснинг қизи ҳозир шайтонга дуч келса, бунчалик кўркмаган бўларди. Отаси жуда мулоим одам эди. Ҳозир-чи?.. Овози чиқмай қолди. У гоҳ оқарап, гоҳ қизараради. Уни бундай ҳолатда ҳеч қачон кўрмаган эди. Кўрққанидан шоша-пиша, деярли ҳеч нарсани эшитмай, «Худойим! Худойим!» деб такрорлаганча хизматкорни уйғотишга югурди, қайтиб келиб буюмларни жомадонга жойлаштириди (сочиқ, пайпоқ, ширин булка... ҳа, сарёқни ҳам унутмади... туз эсидан чиқди) ва ошхонага – энагасининг олдига чопди. Кампир одатдагидек ўчоқ ёнида, кўмир яшиги устида тиззасидаги мушук билан мудраб ўтиради. Олов ўчай деб қолган, мушук кўркиб, гўё шарпаларни ҳайдайдигандек қулоқларини чимириди.

Генерал шошилиб ёзди. Хизматкор аёл хонадан-хонага ўтиб, дераза панжараларини бутунлай беркитди.

Уйни сукунат чулғади. Аммо у шойи қоғоздек нафис, гулнинг хаёлидек енгил, сувдек юмшоқ, баҳтиёр, осуда оқшомларда, қоронғи бурчакларда тушларнинг шарпалари ғивирлайдиган ёқимли сукунатга ўхшамасди. Уйда бошқа сукунат хукмрон, бу бошқа суку-

натни генералнинг йўталиши, қизининг олазарак югуриши, хизматкорларнинг хўрсиниқлари, ғадир-будир эшик ва яшикларнинг кўрқа-писа ғижирлаши, бирорнинг кўйлагини кийгандаги нокулайликларга ўхшаб кетадиган дилсиёхликлар бузмоқда эди.

Кекса бўлмаса-да, юзларини ажин босган, нимжонгина бир киши ўргимчак тўр тўкиётгандек овоз чиқармасдан, тўхтамасдан жумла тузар эди:

Республика Президенти

Ҳазрати Олийларига.

Шу ерда.

Ҳазрати Олийлари!

«Берилган топшириқка мувофиқ генерал Эйсебио Каналес мунтазам кузатиб борилмоқда. Эҳтиром билан маълум қиласманки, уни Ҳазрати Олийларининг шахсий дўстларидан бири дон Мигел Кара де Анхел уйида кўришган. Сўнгги шахсни кузатиб келаётган кир юувучи ҳамда уни ва оқсоchnи кузатиб борувчи иккинchi оқсоch хабар берадики, хўжайин генерал Каналес билан ичкарида тахминан чоракам учгача гаплашиб ўтирган, кейин генерал қаттиқ ҳаяжон ичида чиқиб кетган. Кўрсатмага мувофиқ генерал уйи атрофидаги маҳфийлар сони икки баробар кўпайтирилган ва қочиб кетишига йўл кўймаслик чоралари кўрилган.

Оқсоch маълумотларга аниқлик киритди. Ҳозиргина у кир юувучи аниқлаши мумкин бўлмаган хабарларни етказди. Президент хузурида ҳимоя қилгани учун Каналес уни куёв қилишга розилик берибди. Хўжайин бунга очиқдан-очиқ шама қилган эмиш.

Кир юувучи ҳам оқсоch билмаган маълумотларни етказди. Унинг айтишича, хўжайин генерал кетгандан кейин мамнунлигини яшириб ўтиргмаган ва дўконлар очилиши билан ноёб ширинликлар, ликёр, печенеҳа-рид қилишни буюрган ва тез орада бу ерга аслзода ёш хоним ташриф буюради, деб айтган.

Мана шулар ҳақида Республика Президенти Ҳазрати Олийларига хабар беришни бурчим деб биламан».

У сана күйди ва ёш бола чизган суратларга ўхшаган ажи-бужи имзо чекар экан, ногоҳ бир нарсаны эслаб қолди ва перони қириллатиб ёза бошлади (аслида бурнига тиқиши лозим эди):

«Эрталабки маълумотга қўшимча:

Доктор Луис Барренъо кун давомида уч кишини қабул қилди: улардан иккитаси, шубҳасиз, мижозла-ридан бўлса керак; кечкурун хотини билан боғда сайр қилди. Аблаҳ Абел Карваҳал бугун Америка банкига борди, Капуцин черкови рўпарасидаги дорихонага кирди ва ниҳоят, немис клубига ташриф буюриб, мистер Ромст билан (ўз навбатида бу киши ҳам доимий назоратда) узоқ вақт гаплашиб ўтирди, уйига кечкурун соат саккиз яримда қайтди. Кейин ташқарига чикмади; кўрсатмага мувофиқ унинг уйи ёнидаги маҳфийлар икки баравар кўпайтирилди».

Имзо. Сана.

Қочиш

Лусио Васкес оғайниси билан хайрлашгандан кейин оёгини қўлига олиб ўз Бўғмаилони олдига чопиб кетди; қизни олиб қочиш тадбирига илиниб қолиш керак. У Мерсед майдони ва ҳар доим сувга чиққан хотинлар гап сотиб ўтирадиган кўрқинчли ва ёқимсиз Фавворалар ёнидан яшин тезлигига ўтиб кетди.

Бахтсиз Пелеленинг қотили: «Ух, жуда зўр бўлдида!» – деган хаёл билан югуриб бораарди. Мана буни иш деса арзиди! Худога шукур, силлиққина битирди, энди хурсандчилик қилиш ҳам керак-да, нимани хоҳласанг – ўз ихтиёринг, бунинг устига – қизни ўғирлаш! Зўр иш бўлади-да!

Мана қовоқхона. Ибодатхона олдидан чопиб ўтаётуб, Васкес соатга қаради ва қичқириб юбораёзди. Салкам икки... Балки, нотўғри кўргандир? Каналеснинг уйини кўриқлаётган жандармлар билан сўрашди ва оёқ остидан қуёндек бир сакраб оstonада пайдо бўлди.

Бўғмаилон соат иккигача мизғиб олай деб ёнбошлиган эди. Аммо, қаттиқ ҳаяжонланганидан уйқуси қочиб кетди, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағдарилди, оёқларини типирлатди, тер босди, чойшабга бурканди, сўнг очиб ташлади, қўлларини чўзди – фойдаси йўқ, уйқу келмади.

Эшик тақиллагач, каравотдан туриб, пишиллаб осто-нага йўналди.

– Ким у?

– Бу менман, Вассес. Эшикни оч!

– Сира кутмагандим.

– Соат неча бўлди? – кириши билан сўради йигит.

– Бирдан ўн бешта ўтди, – соатга қарамасдан тез жавоб берди у. Дақиқаларни беш дақика, ўн дақика, ўн беш, йигирма... интизор санаб кутган одамлар шундай жавоб берадилар. – Ҳозиргина минорадаги соат ўн бештакам икки эди, ўзим кўрдим-ку...

– Кўй, гапирма! Бу попларнинг соати шошилгани-шошилган!

– Бояги йигит келмадими?

– Йўқ.

Вассес, яна дакки еб қолмай деб ҳадиксираб бекани кучоқлади. Омадни қаранг! Бўғмаилон қўлга ўрганган каптардек қаршилик кўрсатмади, бир-бирига ёпишган лаблар севги ахдини мустаҳкамлади – бўладиган иш шу тунда битади. Хона қоронги, мадонна сурати олдиди, қофоз гуллар ёнида турган шам илиқ нур таратади. Вассес шамни пуфлаб ўчириб, бекани полга ётқизди. Мадонна қоронгуликка сингиб кетди, бир-бирига чирмашган икки вужуд полда юмалай бошлади.

Кичкина тўдани бошлаб келаётган Кара де Анхел мўлжалдаги манзилга шошилмоқда эди.

– Қизни олиб чиқишим билан, – тушунтириди у, – уйни остин-устун қиласизлар. Ҳеч ким қуруқ қолмайди. Фақат эслатиб қўйай – кейин валдираб юрманглар! Бефаросат айиқнинг ишига ўхшамасин!

Күча бошида соқчиларга дуч келди. Бошлиқ мулозим билан гаплашаётганда аскарлар бошқаларни ўраб турди.

– Ишк қўшигини куйлашга кетяпмиз, лейтенант.

– Сўрашга рухсат берсангиз. Бу қаерда бўлади? –
Бошлиқ қиличини ерга уриб кўйди.

– Узокда эмас, Исо торкўчасида.

– Кўлингизда на гитара, на маримба¹ кўринмайди?

Кара де Анхел юз песолик қофоз узатган эди, соқчилар бир зумда ғойиб бўлди.

Улкан тошбақага ўхшаган Мерсед ибодатхонаси кўчага туртиб чиққан жойда мулозим қовоқхонага навбатма-навбат киришни буюрди.

– Ёдингизда бўлсин, «Тустеп» қовоқхонаси, – деди у. – «Тустеп». Эслаб қолинг, йигитлар, яна чалкаштириб кўйманглар! «Тустеп!» – тўшак устахонаси ёнида.

Каллакесарлар турли томонга тарқалиб кетишидди. Қадам товушлари тинди. Қочиш режаси шундай тузиленганди: Мерсед ибодатхонасидаги соат иккига занг урганда бир неча қароқчи томга кўтарилиши, тарақтурукни эшишган генералнинг қизи деразани очиб шовқин кўтариб жосуслар ва жандармларни чалфитиши, тўс-тўполондан фойдаланган Каналес катта дарвозадан чиқиб кетиши керак эди.

Ақлини еган телба-ку, ўз йўлига, ҳатто ёш бола ҳам бундай режа хақида эшилса, қулиши аниқ. Генералу мулозим ҳам бу амалга ошмайдиган хомхаёл эканини сезиб туришибди. Шунга қарамай, бу ишга қўл урмоқдалар, сабаби, муваффакият уларга боғлик эмас. Каналес мулозимга суянади, мулозим эса Президентга – у телефон қилиб, қочиш тафсилотлари-ю, вақтигача аниқ белгилааб берган.

Иссиқ иқлимдаги ғамгин, йиғлоқи, совукқа чидамсиз апрель оқшомлари илиқ март кунларидан қолган бевалардир. Кара де Анхел чорраҳагача бориб, атрофни кузатди, кўриқчиларнинг сояларини санади, бурчак

¹ Маримба – хиндуларнинг чангта ўхшаган мусиқа асбоби.

орқасига оҳиста бурилиб, қовоқхона эшигига суюниб турди. У оғир қайғуга ботган эди – ҳар бир йўлакни жандарм кузатмоқда, жосуслар эса кўчада қайнаб-тошиб ётибди. Бирдан умид-ишончини йўқотди. «Жиноятга иштирок этмоқдаман, – ўйлади у, – уйдан чиқиши билан уни ўлдиришади». Ўйлаган сари ўлимга маҳкум одамнинг қизини олиб қочиш қабиҳлик эканини ҳис қила бошлади. Салгина олдин, муваффақият қозонишга ишончи комил пайтида қиз ўғирлаш мардлик, тантлиқ, олийжаноблик бўлиб туюлган эди! У тошюрак эди, ҳимоясиз, ҳамма нарсага кўнадиган, Президентнинг шахсий дўстига тақдирини ишониб топширган одам бирданига ўзига нисбатан шафқатсиз ҳазил қилишганини, ўз жиноятларини ниқоблаш учун ҳаётининг энг сўнгти дақиқаларини ҳам захарлашаётганини сезиб қолган киши учун шаҳарнинг қоқ марказида кўйилган қопқонга ўзи тушиб қолишидан кўркиб-қалтираётгани йўқ. Лабларини тишлаб турган мулозим фақат шуларни ўйлаётгани, шафқатсиз, ифлос фитна-фасод устидан фақат шуларни деб нафратланаётгани йўқ. У ҳомий сифатида қўл узатар экан, генерал олдида ҳам, қизи олдида ҳам оғир масъулият, қарздорлик бурчини бўйнига олганини англаб етган эди. Мана энди, қарздорлик ҳаки-хуқуки топталган, ўзи эса ҳар доимгидек оддий куролга, жаллод, ёлланган қотилга айланган эди. Но маълум шамол дилидаги симсиёҳ сукунатни сахро кенгликлариға олиб кетди. Чидаб бўлмайдиган ташналиктан силласи куриган кактуслар, сувсизлик қақшатган дараҳтлар тортган барча азоблар бошига тушган нотаниш ёввойи гиёҳларнинг киприклари остидаги намлик сари интилмоқда. Бу ташналиктни қондиришга самовий намликлар ҳам қодир эмас. У дучор бўлган ташналик, накадар кучли! Нега кучли жала остида ҳам дараҳтлар куриб-қақшайдилар?

Орқага қайтиш, генерал хузурига кириб огохлантириш фикри миясида чакнади... (Миннатдор бўлиб жилмайиб турган қизини кўрди). Аммо у оstonадан

ўтди – мана қовоқхона, мана Васкес, мана унинг одамлари. Яхшиямки, улар шу ерда; яхшиямки, Васкес гапириб қолди:

– Мана, мен шу ердаман. Айни вақтида етиб келдим! Ха, менга тўла ишонаверинг. Жони қаттиқ одамман, кўрқоқлардан эмасман, бир билак йигитман!

Васкес чийиллаб чиқмасин деб паст овоз билан гапирав эди. – Сиз менга омад келтирдингиз, – вишиллади у. – Шунинг учун сизга ёрдам бераман. Бўлмаса бу ишга бош қўшармидим? Сирам бош қўшмас эдим! Сиз кўринганингиздан кейин бека билан ишларимиз юришиб кетди. Энди хаммага ўхшаб баҳтиёрмиз.

– Етиб келганингиз ва курашга тайёрлигингиздан хурсандман. Шунақаларни яхши қўраман! – хитоб қилди Кара де Анхел баҳтиқаро Пелеле қотилининг қўлини қаттиқ қисиб. – Сизнинг сўзларингиз, дўстим Васкес, менга журъатимни қайтариб берди, жуда умидимни узиб тургандим – жандармлар кўплигини қаранг!

– Қиттак-қиттак олайлик, ҳаммаси ўтиб кетади.

– Ўзимдан хавотирланаётганим йўқ – шундай деб ўйламанг! Биринчи марта эмас. Қизни ўйлаб қўрқаяпман. Дарвоза олдидаёқ тутиб олиб, турмага жўнатишса, яхши иш бўлади дейсизми? Ўёғи ўзингизга маълум.

– Буни ўйламанг, ўғрининг исини олишса бас, ҳаммаси уйга ёпирилади. Сиз менга ишонаверинг! Ўлжани сезганда югургилаб қолишади.

– Бир гаплашиб кўрсангиз бўлмасмикан? Шу ерда турибсиз – ҳаммаси сизни танишади...

– Ниманиям гаплашардим улар билан?! Очиқ дарвонзани кўришса бўлди – биронтасиям кўчада қолмайди! Мени кўришсами?.. Бир оғайним Ниначи Антонио билан – балки уни танирсиз? – попникига кирганимиздан бери мени ҳамма танийдиган бўлди. Юқори қаватдан осилиб тушиб, чироқни ёққанимиздаёқ юмшаб қолди: пулларини яширган шкаф калитини олдимизга ташлади, рўмолга тутиб қўйган экан, жарангламасин деган-да! Ўзи эса худди ухлаётгандек хуррак отади денг! Ҳа... йигитларим жуда садоқатли, – дея бармоғи билан тўсиқقا

сүяниб, устма-уст қадаҳ күтараётган қовоғи солиқ ваз-мин ўсмирларни күрсатди. Улар ҳар бир қадаҳдан кейин полга туплашарди. – Уялтириб қўйишмайди!

Кара де Анхел муҳаббат учун қадаҳ күтарди. Бека хам ўзига ширин ликёр қўйди. Уччаласи ичишди.

Ҳар эҳтимолга қарши чирок ёқишимади, фақат мадонна ҳайкалчаси олдидаги шам илиқ нур таратарди, ярим яланғоч қароқчиларнинг гавдасидан хира, куриган пи-чанга ўхшаган хона деворларига узунчоқ ғалати соялар тушади, шишалар гулдор шуълалар сочиб яраклайди. Ҳамма соатга тикилади. Тупуклар нишонга теккан ўқдек полга санчилади. Кара де Анхел бир чеккага ўтиб, деворга суюнди. Унинг паришон йирик қора кўзлари хонада тентирайди, миясида шундай оғир дақиқаларда пайдо бўладиган хилма-хил хаёллар ғужғон ўйнайди: у хотини ва болалари бўлишини хоҳлаб қолди. Ўлимга ҳукм қилинган давлат жиноятчиси ҳақидаги латифани эслаб ўзича жилмайиб қўйди. Қатлга ўн икки соат қолганда Президентнинг топшириғига мувофиқ маҳбус олдига прокурор кириб, ўзига хос қувнок усулда, хоҳлаган истаги, ҳатто ҳаётини сақлаб қолиш ҳам бажо келтирилиши мумкинлигини маълум қиласди. «Мен орқамдан ўғил қолдиришни истар эдим», – жавоб беради жиноятчи. «Яхши», – дейди қораловчи ва маълум муддатдан кейин унинг олдига кўча қизларидан бирини юборади. Маҳкум унга қайрилиб қарамайди ҳам. Қораловчи қайтиб келиб сабабини сўраганда «Итдан бўлган болалар бусиз ҳам тўлиб-тошиб ётиби», – дейди.

У яна мийигида кулиб қўйди. «Мен газетада муҳаррир, дипломат, депутат, алькальд ҳам бўлдим, аммо ҳеч нарса ўзгармади, кейин қароқчиларга етакчилик қилдим. Ҳа, ҳаёт – шайтоннинг ҳазили. That is the life in the tropic.»¹

Ибодатхонанинг тош устунларидан қаттиқ садо чиқди. Кейин иккинчиси...

¹ Иссик иқлимда ҳаёт шунаقا. (инглз.)



– Ҳамма кўчага! – қичқирди Кара де Анхел револьверини қўлига олиб. – Ҳозир қимматбаҳо хазинамни олиб келаман! – чопиб кетар экан бекага гап уқдирди у.

– Қани. Кетдик! – буйруқ берди Васкес ва қалтакесак сингари генерал уйининг деворига тармашди. Икки-уч қароқчи унга эргаши.

Генералнинг уйидаги соат ҳали жирингламаган эди.

– Кетаяпсанми, Камила?

– Кетаяпман, дада!

Каналес маҳсус шим ва қўқ куртка кийган эди. Оқсоч боши ағдарма қорамтири кийимларидан ажralиб турибди. Камила кўз ёши тўқмай, бир оғиз сўз айтмай отасига ўзини отди. Шу пайтгача қалби баҳт нима-ю, қайғу нималигини фарқига бормаган эди. Ҳозир кўз ёшидан шўр бўлган рўмолчасини тишлаши, йиртиб, тишлари билан парча-парча қилиб ташлаши керак! Буларнинг ҳаммаси Камила учун ҳамон ўйин ёки кўрқинчли тушга ўхшаб кўринар, булар чинакамига ҳақиқат эканлигига ишонгиси келмасди. Отасининг бундай аҳволга тушиши асло мумкин эмас. Генерал уни кучоклаб хайрлашди.

– Ватан учун урушга кетаётганимда онанг билан шундай хайрлашган эдим. У тирик қолишимга ишонмаган эди – қайтиб келганимда онанг йўқ эди.

Томда тарақлаган овоз эшитилди. Қари жангчи Камилани чеккага суриб, ҳовлига чиқди. Яшил буталар ва улкан гултуваклар орасидан дарвоза томон юрди. Ҳар бир яшил бута, ҳар бир ёронгул, ҳар бир атиргул унга бош эгиб хайрлашди, хоналардаги катта гултуваклар, иссиқ ёғдулар у билан салгина олдин видолашган эдилар. Бошка бинолардан ажралгандек бўлиб турган уйи бир зумда зулматга айланди. Қочиш – аскарга номуносиб иш! Ҳали ўз юртига ғолиб ҳалоскорлар бошлиғи сифатида қайтади...

Режага мувофиқ Камила деразани ланг очди.

– Ўғрилар! Ёрдам беринглар! Ўғрилар!

Овози тун бағрига сингиб улгурмасдан туриб жандармлар – айнан уйни қўриқловчи жандармлар хоналарга ёпирилиб кирдилар. Улар узун панжаларини оғзига

суқиб ҳуштак чалишарди. Металл ва ёғочларнинг ёқимсиз, дириллаган овозлари. Ташки эшиклар ланғиллаб очилди. Шляпасини бостириб, ёқасини кўтариб олган фуқаро кийимидағи махфийлар револьверларини кўлда тутиб, бурчак-бурчакдан чиқиб келишди. Катта очилган дарвоза турли-туман одамларни биттама-битта юта бошлади. Лойка сув... Томга зўр-базўр чиқиб олган Васкес симни қирқиб ташлади; йўлаклар ва хоналарни зулмат қоплади. Одамлар гугурт чақишар, шкафлар, жавонлар, буфетларга қоқилиб кетишарди; бир зарб билан қулфларни бузишар, қимматбаҳо мебелларни чилпарчин қилишар – ерга улоқтиришар, бўкиришар, сўкинишар эди. Баъзилар катта меҳмонхонада тентирашарди: кимдир оромкурсиларни, кимдир столларни, фотосуратлар ўрнатилган кичкина столчаларни полга ағдаришар – бу ноёб буюмлар коронғилик чўйкан хоналарда тўзғиб, сочилиб ётарди. Кимдир кабинетда очик қолган роялга мушт туширди, у бўғизланаётган жонивордек қаттиқ фарёд кўтарди.

Олисроқ хонада сочилиб кетган қошиқ ва санчқиларнинг шақир-шуқури жаранглади. Сўнг бўғиқ нола эшитилди. Энага Камилани ошхонадаги буфетлардан бирига беркитмоқда эди. Мулозим кампирни итариб юборди. Сочи буфет тутқичига ўралиб қолди, санчқилар полга сочилиб кетди. Энага фарёд солди, Васкес бошига бир урди. Кампир худди қопга ўхшаб полга йиқилди. У харакатсиз танани яна бир тепди.



ИККИНЧИ ҚИСМ

24, 25, 26 ва 27 АПРЕЛЬ

КАМИЛА

Үйона олдида соатлаб ўтиради. «Хой, бадбашара маймун! Шайтонга йўлиқкур!» – вайсарди энага. «Ўзим шайтонман-ку», – жавоб берарди у. Сочлари қора аланга тилларига ўхшаб ҳурпайган, какао ёғи суртилган қорамтири териси ялтирайди, қийғоч яшил қўзлари катта-катта. Каналеснинг хиндуваш кизи (дугоналари шундай аташади) тутгалири ёқасигача қадалган кўйлак кийганига қарамай балогатга етгани сезилиб қолган, чиройи гул-гул очилиб, тобора латифлашиб, нозу карашмаси ўзига ярашиб бормоқда эди.

– Ўн бешга тўлдим, ойнага караб гапирарди у. – Ҳалиям ёш болага ўхшайман; холалариму амакиваччаларим исқабтопарга ўхшаб атрофимда ўралашгани-ўралашган.

У соchlарини тортқилади, ўзича нималардир деб кичкирди, афтини бужмайтириди. Энди уларга токат қилолмайди, қачонгача тўдалашиб юришади. Ибодат пайтида ҳам, Қоятошга боргандা ҳам, от миниб сайрга чиққанда ҳам, Мажнунтол оролида ҳам уни ҳоли-жонига қўйишмайди.

Амакилари мўйловли маҳлукнинг ўзи; йўғон бармоқларига қатор-қатор узуклар тақиб олишган. Амакиваччаларининг бари исқирт, лапашанг. Холалари – даҳшатли алвастилар. Уларни шундай қиёфада кўрган; умуман, амакиваччалари қизалоқقا раҳми келгандек конфет узатишганда жирканиб кетади; амакилари тамаки ҳиди бурқиб турган бош ва кўрсаткич бармоқлари билан энгагини кўтариб, бошини ўнгга-чапга буриша-

ди (беихтиёр бўйни таранглашади); холалари ўргимчак тўрига ўхшаган уртуқ¹ ларидан сўлакларини оқизиб чўлпиллатиб ўпишади.

Якшанба оқшомларида у мудраб ўтиради, ё бўлмаса меҳмонхонага кириб оиласвий альбомдаги жонига тегиб кетган суратларни кўришга тутинади; суратлардаги киёфалар унга қизғиш гулдор гиламлар, қора эмандан ясалган столлар, дўнгтепалар, мармар зиналар устидан қараб туришади; отаси мушукка ўхшаб деразадан бўйини чикариб кимсасиз кўчани томоша қиласди; баъзан танишлари билан гаплашиб қолади. Улар эҳтиром билан шляпаларини қўлга олишади. Генерал ҳам шундай қиласди! Генерал гулдурак овозда: «Хайрли тун!..», «Эртагача!..», «Кўрганимдан хурсандман!..», «Соф бўлинглар», – деб кичкиради.

Фотосуратлар. Онасининг ёшлик пайти. Юзи ва бармоқларигина кўринади: табиат ато этган барча неъматлари яширин – кўйлаги тўпигигача тушади, узун қўлқопи тирсагигача чўзилиб келган, лента ва момик парлар тақилган шляпа, буклама соябон. Сочларини баланд турмаклаб, тиллақош таққан семиз холалари ошхонадаги йўғон кутиларга ўхшайди. Онасининг дугоналари – баъзилари нақшли шолрўмол ўраган, қўлида елпигич; бошқалари ҳинди аёллари кийимида – оёғида шиппак, узун кўйлакда, елкасида кўза, учинчиси ясама хол кўйиб, қимматбаҳо зеб-зийнатга бурканган. Фотосуратлар Камилани аллалаб, уйқусини келтиради, ёд бўлиб кетган ёзувлар кўз ўнгидан фира-шира лип-лип этиб ўтади: «Бу сурат соядек бир умр ҳамроҳинг бўлсин», «Сенга чексиз муҳаббатим рамзи сифатида», «Сўзларим унутилади, аммо хотира яшайди». Рангдор тасмачалар билан ёпиширилган куриган бинафшалар остидаги ёзувларни аранг ўқииди: «1898 йилни унутма», «... жондан севганим», «Қабргача», «Сенинг номаълум!..»

Отаси кимсасиз кўчада кетаётган таниши билан гулдурак овозда гаплашиб қолади. Унинг сўзлари ёзувларга

¹ Уртуқ – юзга тутиладиган тўр парда.

жавобдек жаранглайди: «Бу сурат сояга ўхшаб бир умр ҳамроҳинг бўлсин». – «Жуда хурсандман, жуда хурсандман», «Сенга чексиз муҳаббатим рамзи сифатида». – «Раҳмат, саломат бўлинг», – «Сўзларим унутилиб кетади, аммо хотира яшайди». – «Ташаккур, уйдагиларни сўраб кўйинг!»

Баъзи дўйстлари генерал билан валақлашиш учун альбом ичидан қочиб чиқади. Камила парда орқасидан мўралайди. Суратлардаги отаси ёш, келишган, мағур, чиройли катак шим кийган. Камзулининг ҳамма тутгмалари қадалган, бошига қовоқ идишга ўхшаган ғалати шляпа кийган. Ана шу йилларда бу катта шляпани «Жинурсин!» деб аташарди.

Камила жилмайиб, ўзича ғўнғиллаб қўйди: «Суратлар ичida қолсангиз ҳам майли эди. Камзулингиз урфдан чиққан, бунинг зарари йўқ, аммо қоматингиз тик, қорин қўймагансиз, соchlарингиз тўкилмаган, юzlарингиз силлиқ, худди конфет шимаётгандек турибсиз».

Чанг хиди уриб қолган барқут пардалар орасида, ним коронгилик ичida турган Камиланинг яшил кўзлари тиниқ якшанба оқшомини кузатади. Ўткир қорачиқлари кўчадаги барча ҳаракатларни хушёр назардан ўтказади.

Болохонада турган отаси атлас ёстиқчага тирсакларини тираб (кўйлагининг енгларидаги тақинчоқ кўзни қамаштириб ялтирайди), қандайдир яқин таниши билан берилиб гаплашади. Қўлида тутқичи тилларанг ҳасса ушлаган, бурни қармоқдек, эгри мўйловли, баджаҳл жаноб кўчадан ўтиб борарди.

Генерал уни чақирди: «Кўришмаганимизга қанча вақт бўлди-я!» Камила уни альбомда кўрган эди. Дабдурустдан таний олмади. Анча тикилиб қолди. Илгарила-ри бу баҳтиқаронинг бурни ҳам бинойидек эди, думалоқ юзидан нур ёғиларди. Ҳа, шафқатсиз вақтга тараф йўқ! Энди ажин босган юzlари шалвираган, кўзлари ичига ботиб, ияги осилиб қолибди. Овози паст, секин гапиради, худди тиллани ҳидлаб кўраётгандек дам-бадам тутқични юзига тегизиб қўяди.

Йиллар учиб боради. Камила ҳам учаяпти. Ҳамма нарса қаергадир учиб кетмоқда. Денгизни биринчи марта кўрганда ҳайрат сўзлари лабидан учиб чиқкан эди. Аммо холасининг: «Қанақа экан? Қанақа?» – деган саволига: «Уни олдин кўрган эдим. Суратларда!» – деб ўта бефарқ жавоб берганди.

Шамол кўлидаги пушти рангли соябони кенг шляпасини учириб кетган эди. У гардишга ўхшарди. Жуда улкан, думалоқ күшни эслатарди.

Амакиваччаларининг оғзи очилиб, кўзлари бакрайиб қолганди. Қирғокқа урилаётган тўлқин овози холаларининг ҳайратли хитобларини ютиб юборганди: «Оҳ, накадар гўзал!.. Кенгликни қаранглар!.. Қанча кудрат!.. Қаранглар, қуёш ботаяпти!.. Поездда бирон нарсамиз қолиб кетмадими? Жомадон кам кўриняпти! Қайтадан санаш керак!»

Фижимланган кўйлак кийиб (курортчиларнинг доимий либоси), жомадонлар, бананлар шодаси (холалари бекатдан жуда арzon нарҳда олишид!), тугун ва саватларни кўтарган амакилари фоздек тизилишиб меҳмонхонага қараб юришди.

– Мен нима демоқчи бўлганингни ўйлаяпман, – одамшаванди амакиваччаси бехосдан гапириб қолди (Камиланинг буғдойранг юзига қизил югурди). Аммо мен сўзларингни сал бошқачароқ тушундим. Менимча, мана бундай: денгиз юрадиган суратга ўхшайди, факат у жуда катта.

Камила юрадиган суратлар ҳақида эшитганди, уларни Юз Дарвоза ёнидаги Муқаддас Арк бурчагида кўрсатишарди, аммо гап нимадалигини англаш етмаганди. Ҳозир ҳаммаси жуда осон, кўзингни қисиб денгизга қарасанг бўлди. Ҳаммаси ҳаракатда. Лахзалик кўринишлар – манзаралар ўзгаради, айланади, парчаланади, қайта бирлашади, улар суюқ ҳам, қаттиқ ҳам, газ ҳолатида ҳам эмас, тўртинги – денгиз ҳолатида. Булар денгизга айланган, кинематография қиёфасига кирган нурафшон манзаралар.

Оёгининг учиға шиппагини илиб олган Камила қараб тўймайди. Бепоён денгизни сифдириш учун кўзларини катта очди, энди қароқлари тўлиб-тошди. Тўлқинлар кўзларига шовуллаб кириб келди.

Амакиваччаси билан тўлқинлар қархисига югуриб бориши – қумда юриш қийин эди. Тинч океани назокатни билмас экан, у оппоқ, бежирим кўлқопини улоқтириб юборди, йилтироқ сув оёқларига ўралди. Зўрга қочиб қолди. Океан ўлжани олиб кетди. У жажжи нуқтага айланиб, пушти тўлқинлар устида чайқала бошлиди. Камила аччиқланиб қичқирди, у аразлаб, отасига шикоят қилишга чоғланган кизча ҳолатига тушди. Ботаётган күёш нурлари осмонни майин тўқ сариқ рангга бўяб дengiz сувини қорамтири-кўкиш тусга киритди.

Нега у қуёшда қорайиб, шўр дengiz таъмини ўзига сингдириб олган қўлларини ўпишни ёқтириб қолди? Нега ейиш тақиқланган меваларни ўпади, лабларига яқин келтириб ҳидлайди? «Ёш қизчалар нордон нарсаларни ейиши мумкин эмас, холалари ақл ўргатишади – ялангоёқ юриш, сакраш, чопиш қиз болага ярашмайди» деб. Камила ҳар доим отаси ва энагасини ўпар, аммо сира уларни ҳидлаб кўрмаган эди. Аслида ҳидламаса, ўпишдан маъно йўқ экан. Шўр босган, қумдек қорайган қўлини, ананаслар, беҳиларни ўпар экан, уларни ҳидлаб таъмини билиш, лаззатланиш, роҳатланиш нашидасини сурар эди. Шунга қарамай, юрадиган суратларни кўрган ва аргентина тангосини хуштакда чалиб берадиган амакиваччаси хайрлашаётуб ўпган пайтда уни ҳидлашни ҳам, тишлашни ҳам билмай, довдираб қолди.

Шахарга қайтишгандан кейин Камила энагасига кинематографга олиб боринг, деб тикилинч қила бошлади. У Муқаддас Арк бурчагида, Юз Дарвоза ёнида эди. Отасидан яширинча, чўқиниб, дуо ўқиб, хавотир ола-ола зўрга бориши. Катта зал тўла одамни кўриб, қайтиб кетмоқчи ҳам бўлиши. Куёш нурида товланиб турган оқ чойшаб яқинидан жой олишди. Аппаратларни, линзани, электр чироқни кўришди, улар кўча фонарларининг ёғдусига ўхшаб титраб турарди.

Ногох чироқ ўчди. Камилага бекинмачоқ ўйнаша-ётгандек туюлди. Масхарабозларни эслатадиган ғалати одамлар күринди. Қандайдир соялар гаплашишади, ни-маларниидир чайнашади, сакраб-сакраб юришади, имо-ишоралар килишади. Кимдир ип ўтказиб, уларни тортиб турганга ўхшайди. Камила бекинмачоқ ўйинларини эслаб, хурсанд бўлганидан юрувчи суратларни бутунлай унуди. Бир бола билан том тагидаги хонага яширинишган эди. Қоронги бурчакда – Исонинг ярим шаффоф целлулоид – тасвири олдида кичкина чироқ липиллаб ёнарди. Улар ка-равот тагига киришди. Полга ётишга тўғри келди. Эски ка-равот тинмай ғижирларди. Орка ховлида «Кетяпмиз! Кетяпмиз!» – деб қичқиришарди. «Кетяпмиз! Кетяпмиз!» – қичқиришарди боғчадан. Қадам товушлари яқинлашиб қолди. Камиланинг кулгиси қистарди. Бола унга ўкрайди: «Кулиб юборма! Кўрасан!» У зўр-базур ўзини тийди, аммо эшик очилиб, ичкарига қўланса ҳид кирганда барибир пишқириб юборди. Шунда бола бошига бир урган эди.

Ҳозир ҳам, худди аввалгидек, қоқилиб, туртиниб кў-чага талпинди, стулларни суриб, ўзини ташқарига ур-ган одамлар эшик олдида тўдаланиб қолган эди. Савдо қаторларига етиб келгандагина нафас ростладилар. Одам-лар гуноҳга ботишдан кўрқиб қочаётганини Камила шун-да фахмлади. Бояги оқ чойшабда енгил-елпи кийинган аёл мўйловдор эркак билан аргентина тангосига рақс туша-ётгани кўрсатилмоқда эди.

Энагани тинчлантирган тўқмоқни ҳамон ушлаб тур-ган Вассес имо қилди – Кара де Анхел генералнинг қизи-ни ташқарига олиб чиқди. Улар «Тустеп»га етиб келган пайтда полициячилар тарқала бошлиган эди. Мўмай ўлжа қўлга тушганди. Кимдир улкан денгиз тошбақасининг ту-луми, кимдир осма соат, кимдир тошойна, кимдир чормих, кимдир стол, товуқ, ўрдак ёки капттар – худо берган нар-сани кўтариб олган. Эркаклар костюми, аёллар туфлиси, улкан вазалар, авлиёлар тасвири, тогоралар, темир ўчоқ, чироқлар, биллур қандиллар, шамдонлар, дори қутилари, портретлар, китоблар, соябонлар, гултуваклар...

Қовоқхона бекаси тумбани таҳт қилиб, эшик олдида пойлаб турарди.

Камила икки қадам нарида генерал, уни (э, худо, кеча у нақадар баҳтиёр эди!) авайлаб-асраган, меҳрибон энагаси (тани-жонини худонинг ўзи асрасин) ҳар доим ғамхўрлик қилган, анвойи гуллар қулф уриб очилган (хозир улар пайхон қилинди), мушук ва канарейка қафаслари (улар энди йўқ – синдирилди) турадиган уйидан икки қадам нарида мана шундай бадбўй, чириган чўчқахона борлигини тасаввур ҳам қила олмас эди.

Кара де Анхел юзини боғлаб олган шарфни туширди, Камила уйидан жуда узокқа кетамиз, деб ўйлаган эди. Юзларини бот-бот силади, ҳайрат ичида хонага кўз югуртириб чиқди ва ҳамма нарсани эслади. Қўли оси-либ қолди, бағри эзилиб ингради. Йўқ, бу туши эмас.

– Сеньорита, – караҳт вужуди оғирлашиб қолган бўлса-да, кеча уларни фалокатдан огоҳлантирган киши гапираётганини аниқ сезди. – Сеньорита, ҳар ҳолда сиз бу ерда хавф-хатардан узокдасиз. Тинчланишингиз учун нима қилишимизни хоҳлайсиз?

– Хозирча, сув... кўмир! – шоша-пиша хитоб қилди бека ва кўмир қизариб турган катта тоғорага ишора қилди.

Пайтдан фойдаланган Лусио Вакес чаққонлик билан ичимлик солинган графинни кўтариб, ютоқиб ярмисини ичди.

Бека тишлари орасидан «Муҳаббат – оловга ўхшар!.. Олов – муҳаббатга ўхшар...» деб, кўмирни елпий бошлади. Орқасидаги қизил доф-дуғлар тўлиб кетган деворда Вакеснинг сояси тебранар эди. У ички хонага кирди.

– Шу ерда унга айтган эди... – хотинчалиш овозда чийиллади Вакес. – Юз саволга бир жавоб... мингтасига ҳам... Ким ароқни кўп нўш этар, бир кун шундан ўлар-кетар...

Бека косага ёниб турган кўмир бўлакчасини ташлади. Сув бир зумда пуштиранг тусга кирди. Кўмир сўниб, пиёз уруғига ўхшаб сув юзида суза бошлади. Бека уни қисқич билан олиб ташлади.

«Мұхаббат – оловға ўхшар, олов – мұхаббатға ўхшар», – тақидалади у. Камила сувни ичди ва овози тикланаётганини сезди.

– Дадам қаердалар?

– Тинчланинг! Күмир сувидан ичинг... Генерал соғсаломат, – жавоб берди Кара де Анхел.

– Аник биласизми?

– Шундай деб ҳисоблайман...

– Бизнинг қисматимиз...

– Тис-с-с! Бу ҳақда гапириб бўлмайди!

Камила яна унга қаради. Юзига боқиб, кўп нарсанни англаш мумкин эди. Аммо қараплари мулозимнинг ифодасиз қора кўзларига сингиб кетди.

– Ўтирангиз яхши бўларди, сеньорита! – гапга аралашди бека. У мана шу сеньор биринчи марта кирган пайтда Вассес ўтирган ўриндики судраб келди...

Кундузи – шундан бери қанча йил ёки қанча соат ўтди? Мулозим гоҳ генералнинг қизига, гоҳ Биби Марям тасвири олдида турган шамга тикилиб қолди. Аланга тебранади... Кўз олди қорайиб кетди. Боши қотиб қолди. Уни ақл билан ҳам, куч билан ҳам эгиб олиш мумкин. Синчиклаб зехн солди: оқарган юзларидан кўз ёшлари оқиб тушмокда, соchlари тўзғиган, озгин, фариштадек нозик. Оталарча меҳрибонлик билан қўлидан косани олар экан, ичиди: «Бечора!» деб қўйди...

Бека маънодор йўталди: энди уларни ёлғиз қолдириш мумкин, аммо шу заҳотиёқ ётоқхонада масталааст чўзилиб ётган Вассесга кўзи тушиб жиғи-бийрони чиқди. Уй ичи бадбўй ҳидга тўлган эди. Камиланинг ноласи bekанинг қарғиши ва бўғиқ йўталига қоришиб кетди.

– Ҳой, сен қирchanғи ҳайвон! – жаҳли чиқкан бека энагаларга ўхшаб қарғишга тушди. – Ҳой, сен тасқара! Соғлиғингдан бутунлай ажраласан-ку! Рост айтишади, орқангдан пойлаб юриш керак!.. Мана сенинг севгинг! Яхши!.. Жуда яхши!.. Остона хатладим дегунча ярим графикни бўшатибди-я. Башарангга туфураман... ҳеч ким тингаям олмайди... Қани, қорангни ўчириб қол-чи!..

Маст инграйди, боши билан полга гурсиллаб қулади, бека оёғидан судрайди. Шамол эшикни тарақлатиб ёпади. Товушлар тиниб қолади.

— Ҳаммаси ўтиб кетди, ҳаммаси орқада қолди... — тасалли беради Кара де Анхел ҳўнграётган Камилага. Дадангиз хавфсиз жойда, бу ерда ҳеч ким сизга тегмайди. Сизни хафа қилдириб қўймайман. Ҳаммаси яхши бўлади, фақат йигламанг. Ўзингизни азобга қўйманг. Бўлди, йигламанг. Қани, менга қаранг-чи, ҳозир ҳаммасини айтиб бераман... — Кара де Анхел қизнинг бошини силади.

Камила бора-бора тинчланди. У қизнинг рўмолини олиб кўз ёшларини артиб қўйди. Тонгнинг қизғиши пушти ранглари эшик атрофларига ёйилиб, хонани ёритти. Тирик мавжудотлар бир-бирига суюниб, суйкалишади. Япроқлар орасидан қушларнинг тонгги хониши таралади. Қудуклар фижирлаб эснайди. Тонгти ҳаво туннинг қора соchlарини — оқ-сариқ ясама соч кийдирилган марҳумларнинг қора соchlарини тортқилаб тўғрилайди.

— Фақат тинчланинг, акс ҳолда ҳаммамиз нобуд бўламиз. Ўзингизни ҳам, отангизни ҳам, мени ҳам ҳалок қиласиз. Мен тезда қайтиб келаман ва сизни амакингизникига элтиб қўяман. Энг муҳими — вақтдан ютиш. Сабр қилиш керак. Бунақа ишлар бирданига битмайди.

— Менинг ташвишимни тортманг! Энди қўрқмайман, сизга раҳмат. Ҳаммасига тушундим, шу ерда кутиб ўтираман. Фақат отамдан хавотирдаман. Соғсаломатлигини билсан бўлди.

— Мен билиб келаман.

— Ҳозирми?

— Ҳа, ҳозир.

Кара де Анхел унинг юzlарини меҳр билан силади.

Генерал Каналеснинг қизи ёш тўла кўзларини кўтарди.

— Марҳамат, боринг, билиб келинг.

ҚАМОҚҚА ОЛИШ

Тонг шуълалари таралмай туриб Хенаро Родаснинг хотини уйдан қочиб чиқди. Эри тўшакда ётганича (латта кўғирчоққа ўхшаб ечинмасдан ўринга ағнаган эди!) қолаверди, ўғлини саватчага жойлади. Эрталабки соат олти.

Федина генерал эшигини тақиллатган пайтда Мерсед ибодатхонасидағи соат занг чалди. Худо хоҳласа, эрта келганига хафа бўлмасалар керак, кўлидаги болғачани маҳкам ушлаб ўйлар эди у. Уларга нима бўлди? Чиқадими, йўқми? Лусио Вассес анави тентакка, эрига айтган гапларни тезрок генералга етказиши керак.

Тақиллатишни тўхтатиб, қачон чиқишини кутиб турар экан, нималарни гапириш ҳақида тинимсиз ўйлар эди, гўё у Муқаддас Арк тагида бир телбани ўлдирган эмиш... уни қамоққа олиш учун тонг саҳарда келишар эмиш... энг ёмони – сенъоритани ўғирлаб кетишар эмиш...

«Буниси ҳаммасидан ёмон! Буниси ҳаммасидан ёмон!» – такрорлар ва тинмай тақиллатар эди.

Юраги шувиллаб кетди. Наҳотки қамашган бўлса? Майли, у чинакам эркак. Сенъорита бошқа гап... Худоё ўзинг сақла! Қандай шармандалик! Бу беномуслар кўлига тушгандан кўра шу ерда ўлганим яхши... Тўдалашиб келади, ифлослар! Уларга шундай топширик берилган.

Яна эшикни тақиллатди. Уй, кўча, ҳаво – барабанинг ўзи. Э, худо, очишмаяпти! Вактни ўтказиш учун қовоқхона лавҳасини ўқишигга тутинди. «Ту-с-теп», «Яхшиям, кўп ёзишмапти!.. Э, йўқ, ана, ён томонига суратлар солинган!..»

Бир томонда эркак, бир томонда аёл... Аёл: «Рақсга тушамизми?» деб сўраб турибди. Эркакнинг кўлида шиша, елкасида «Ташаккур» деган ёзув бор эди.

Тақиллатавериб чарчади – хеч ким йўқ ёки атайлаб очишмаяпти – эшикни итариб кўрди. Кўли гўё чўзилиб кетгандек бўлди. Нима бало, эшик очик қолганми? Узун

юбкасининг этагини кўтарди ва қандайдир фалокат шарпасини сезиб, йўлакдан ўтди. Даҳлизга кирди, ҳеч ким қархисига чиқмади. Довдира бўлди, баданидан совуқ тер чиққандек бўлди. Юзига қон куйилди, нафаси тўхтади, нигоҳи тўхтади, оёғи юрмай қолди. Ерда юмалаб ётган гултувакларни, тўзғиб кетган қуш патларини, йиртилган пардаларни, синган ойналарни, бузилган шкафларни, сочилган қоғозлар ва кўйлакларни, стуллар, гиламларни кўрди – ҳаммаси оёқ остида кераксиз ахлатга айланиб, ер билан битта бўлиб ётарди...

Боши ёрилган хизматкор аёл Чабелона вайроналар орасида шарпадек кезиб, сенъорани излаб юрарди.

– Ха-ха-ха-ха! – хоҳоларди у. – Хи-хи-хи-хи! Камила, қаердасан? Нега ҳеч ким жавоб бермайди?.. Кетяпман, кетяпман! Кетяпман!

У ўзини Камила билан бекинмачоқ ўйнаётгандек ҳис қиласиди. Уни бурчаклардан қидирар, каравотлар, гуллар тагини пайпаслаб кўрар, эшиклар орқасига қарап, ҳаммаёқни тўзғитиб, тит-питини чиқариб изларди.

– Ха-ха-ха!..Хи-хи-хи-хи!.. Хо-хо-хо-хо! Кетяпман! Кетяпман! Чиқа қол! Камила! Сени излаб тополмаяпман! Қани, бўл энди, Камилита, излайвериб тинка-мадорим қолмади. Ха-ха-ха-ха! Чиқа қол!.. Мен кетяпман! Хи-хи-хи-хи!.. Хо-хо-хо-хо!..

У излаб-излаб фаввора ёнига судралиб келди ва осуда сувда ўз аксини кўриб, яраланган маймундек чинқириб юборди, ҳам кулги, ҳам қўркувдан лаблари қалтиради, кафтлари билан юзларини беркитиб, икки букилиб қолди. Шивирлаб, ким билсин, ўзиданми узр сўради, сўнг бирданига қаримсиқ қўрқинчли, хўрланган кимсага айланди. Яна чинқириди. Сочилган соч толалари ва бармоқлар панжаси орасидан тикилиб, том тепасига сакраб чиқкан қуш ўзига қараб келаётганини, сояси эса ичкарига қочиб кетаётганини кўрди. Газаби қўзиди, қаддини кўтариб ўз соясига човут солди, қўллари билан сувни урди, ерни дўпиллатиб тепди. Супуриб ташламоқчи бўлди. Соя илондек буралди. Калтаклананётган ҳайвонга ўхшаб титраб-қақшади. Аммо қанча деп-

симасин у ўзгарай демасди. Саваланаётган сувдаги акси ҳазин парчаланар; түлқинлар тинчланиши билан яна тебраниб асл ҳолатига қайтарди. У ғазаб ичида итдек ув тортар экан, тош қадамлари устидаги чангни тозалай олмаслигига ақли етди, сувда баликдек ялтираб сузаёт-ган бошқа чанг зарраларини ҳам кўллари билан ушлай олмаслиги, мушти билан ура олмаслигини хис этди.

Товонлари қонга ботди, кўлида қувват қолмади, аммо соя таслим бўлай, демасди.

Ниҳоят, сабр-бардоши тугади, шайтоний ғазаб билан фавворага ташланди.

Иккита атиргул сувга йиқилди...

Атиргулнинг ўткир тикани кўзларини савалади...

У илондек буралиб, соясига кўшилиб сакраб, апель-син дараҳтининг тагига қулади, атиргул тикани санчил-ган бармоқларидан қон сизиб оқди.

Кўчада ҳарбий оркестр пайдо бўлди. Ҳарбий деганича бор! Кудратни, шон-шавкатни кўринг! Улар ғалаба Арки остонасидан ўтдилар! Аммо ҳарбий созандалар қанчалик урингани, карнайчи қанчалик кучанганига қарамай шаҳарликлар уйкудан эринибгина уйғондилар. Бекорчиликдан зериккан аскарларга ўхшаб сакраб туриш қаёқда дейсиз! Байрам бўлса байрам-да!

Улар итоаткорлик билан чўкиниб, Республика Президентига нисбатан турли ёмон хаёлларга боришдан, унга қарши номуносиб хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлашни худодан сўраб илтижо қила бошладилар.

Оркестр садосини эшитган Чабелона ўзига келгандек бўлди. Қоронгилик. Ана, сенъорита Камила оёқ учди юриб келиб, кафтлари билан кўзларини беркитди.

– Кўйвор, Камила, сен эканингни билиб турибман... – норози оҳангда минғиллади ва қовокларини босиб оғритаётган сенъоританинг бармоқларини олиб ташлашга уринди у.

Шамол кўчада жўхори пояларини шитирлатиб учиди. Мусиқа ва кўзини тўсган қора боғич (худди кўз боғлаш ўйини ўйнашаётгандек) кўхна қишлоғидаги ўқувчилик йилларини эслатди, йиллар оша бир сакраб,

ёши улғайиб, манго дарахти тагида ўтиргандек бўлди, яна бир сакрагандан кейин текис йўлда хўқизлар тортиб бораётган аравада ёқимли ҳидлар тарататётган омборлар ёнидан ўтишаётганини кўрди. Ғилдиракларнинг гийқиллаган овози унинг қизлигини олган индамас аравакаш йигит нигоҳига сингиб кетаётгандек туюлди. Итоаткор хўқизлар кавшаниб, никоҳ чимилдиғини тортиб борадилар. Кенг текислик устида осмон маст одамдек чайқалади... ногоҳ хотиралар ҳар томонга сочилиб кетди, қандайдир одамлар ховлига селдек бостириб кирдилар... Ҳайвоний қичқириклар, ёввойи шовқин-сурон, ҳақорат, роялнинг қаҳқаҳаси, тишини олдираётган одамга ўхшаб қичқириши, тумандек ғойиб бўлиб кетган сенъорита, пешонасига урилган зарба, кимнингдир бўкириши, ҳаммаёқни босиб олган соя...

Родаснинг хотини Федина уни ичкаридан қидириб топди – боши қонга беланганд, соchlари тўзғиган, кўйлаги тилка-пора, пашшаларга ем бўлиб ётар; назарида юзларини кўзга кўринмас бармоқлар аёвсиз юмдалаётгандек эди. Фединани кўриб, у беихтиёр бошқа хонага қочмоқчи бўлди.

– Ох, бечора, баҳтиқора! – пиҷирлади Федина.

Бир дераза остида, полда генералнинг укаси Хуанга ёзган хат ётарди. Камилани унга топширмоқчи бўлган эди... Федина охиригача ўқий олмади – Чабелона даҳшат ичиди қичқирап – унга қўшилиб ойналар, синган буюмлар, титифи чикқан оромкурсилар, пачақланган кутилар, йиртилган суратлар қичқирмоқда эди, – бундан ташқари, вақт борида бу ердан кетиши керак. У тўрт буқланган дастрўмолини ғижимлаб терларини, асабий титраётган арzon узуклар тақилган бармоқларини артди, хатни қўйнига тикиб, эшикка қараб шошилди.

Кечикди. Қандайдир зобит қўполлик билан қўлинни ушлади. Уни аскарлар қуршаб олганди. Ичкарида пашшалар талаётган хизматкор фарёд соларди.

Қовоқхона бекаси ва Камиланинг илтимосига кўра «Тустеп» остонасида ўтириб, нималар бўлаётганини кузатиб турган – Лусио Васкес қўрққанидан караҳт бўлиб

қолди. Генерал қамалгани ҳақида валақлаб юрган ошнаси Родаснинг хотинини қўлга олишган эди.

– Ана уни қаранглар! – Фединани ушлашаётганида остона олдига келиб қолган бека қичқириб юборди.

Қовоқхона олдига бир аскар келди. «Генералнинг кизини излашяпти!» – ўйлади музлаб кетган бека. Кўрқувдан соchlари тиккайиб кетган Вассес ҳам шундай деб тусмол қилди. Аскар эшикни ёпинглар, деб буюрди. Эшикни тамбалаб, тирқишлиаридан мўралай бошладилар.

Қоронғилиқда дадиллашиб қолган Вассес ўзини қўрқсанга солиб, бекага ёпишмоқчи бўлди. Аммо у одатдагидек бўй бермади. Ҳатто мушт тушираёзди.

– Вой, тегманозик-ей!

– Қани, қани! Яна нима хоҳлайсан! Суйкалишини кара! Кўрдингми, бугун эрталаб сенга айтган эдим-ку, бу бефаросат генералнинг қизи ҳақида телефонда гапириб...

– Секин гапир! Эшитиб қолишади! – гапини бўлди Вассес. Улар тешикка эгилишиб, шивирлаша бошладилар.

– Майли, секин гапираман!.. Қисқаси, бу эси паст ҳамма ёққа қўнғироқ қилиб, генералнинг қизи чакалоғимни чўқинтиради, деб жар соглан эди... Хенаронинг олдига чоп, у кўрсатиб қўяди!

– Майли, – деди Вассес томоғида туриб қолган балгамини зўрға тупуриб ташлаб.

– Ҳамма ёқни ифлос қилдинг! Туф-э, ярамас! Қачонгача сенга ўргатаман!

– Жуда нозик деб ўйлаганмидинг!

– Тс-с-с!..

Шу дақиқада ҳарбий прокурор экипаждан тушди.

– Прокурор... – деди Вассес.

– У нима қилиб юрипти? – сўради Бўғмаилон.

– Генерални қўлга олмоқчи..

– Олифталигини қаранг! Уҳ! Вой-бўй!.. Генералга келди дегин?

— Ҳамма нарсага қизиқаверсанг – тез қарип қоласан! Нега ясаниб олганини айтайми? Бу ердан түғри Президент олдига боради.

— Мана одамларга баҳт бериш!

— Генерални қамоққа олишмаса, күзларим тешилсин!..

— У барыбир қамалади.

— Оғзингни юм!

Прокурор фойтуңдан чиқди. У шивирлаб буйруқ бергач, капитан бир гурух аскарга бош бўлиб, генералнинг уйига кириб кетди. Бир қўлида қилич, иккинчисида револьвер – рус-япон уруши тасвиrlанган суратларнинг айни ўзи!

Бир неча дақиқадан сўнг – ранги ўчиб кетган Вақесга бир соат ўтгандек туюлди – зобит уйдан чиқиб прокурор олдига келди. У оқариб кетган, қаттиқ ҳаяжон ичиди эди.

— Қандай қилиб?... Нима?.. – ўшқирди прокурор.

Нафаси ичига тушиб, бўғилиб қолган зобитнинг тили калимага келмай қолди.

— Қандай қилиб?.. Қандай?.. Қандай қилиб қочади? – ваҳшат солар эди прокурор. Чаккасида сўроқ белгисига ўҳшаган икки қора томир ўйнаб чиқди. – Қандай?.. Қандай?.. Қандай қилиб... хонадон таланганди?

У дарвозага караб югурди, зобит орқасидан лўқиллади. Ҳамма ёққа кўз югуртириб чиқди-да, семиз қўли билан қилич дастасини маҳкам ушлаб кўчага чопди. Ранги оқарганидан лаблари пашиша қанотидек юпқа тортиб, мўйлабга ўҳшаб қолди.

— Қандай қилиб қочиб қолди? Шуни аниқлаш керак, – бўқирди у. – Тез буйруқ беринг! Телефон нимага ўйлаб топилган? Давлат душманларини қўлга тушириш учун! Эх, қари абллаҳ! Тутсам, дорга осаман! Унинг ўрнида бўлишни хоҳламас эдим!

Прокурорнинг кўзи Фединага тушди. Зобит билан сержант уни прокурор олдига судраб олиб келишди.

— Ху, қ-қ-қанжик! – бўқирди у ва ундан кўзини узмасдан давом эттириди. – Қани гапирмай кўр-чи! Лей-

тенант, ўнта аскар олинг-да, буни тегишли жойга олиб боринг. Каталакка!

Юракни эзадиган, мунгли заиф қичқириқ бўшлиқни тўлдиради.

– У ёқда нима қилишяпти? Чормихга тортишяптими? – зорланди Васкес. Чабелонанинг ноласи юракбағрини ўртаб юборди.

– Ким? – масхаромуз сўради бека. – Эшитмаяпсанми, аёл киши-ку! Ҳамма сенга ўҳшаган йиглоқи деб ўйлайсанми?

– Қўйсанг-чи!..

Прокурор атрофдаги хонадонларни тинтишга буюрди. Бир тўда аскар кичик зобит бошчилигига ҳар томонга тарқалди. Улар ҳовлиларни, хоналарни, омборларни, шийпонлар, қудуқларни титишга тушдилар. Томларга тирмашиб чиқдилар, каравот тагларини, гиламларни, сандиқларни, шкафларни, жомадонларни титкиладилар, ёғоч бочкаларни текширдилар. Ёпик эшикларни милтиқ кўндоклари билан буздилар. Лайчалар ғингшиб, ранги деворга айланган хўжайнинларининг орқасига пусиб олдилар. Ҳамма ёқни кўппакларнинг улиши тутди.

Васкес зўрга тилга кирди:

– Ҳозир бу ёққа киришади!

– Ана энди кўлга тушдик!.. Арзидиган иш бўлсаям майли эди.

Бека Камила олдига югурди.

– Ундей бўлса, – деди Васкес юзини бекитиб, – тез бу ердан чиқиб кетсин.

Жавобни кутиб ўтирамай эшик олдига тисарилди.

– Тўхта! Тўхтаб тур-чи! – қаттиқ шивирлади у тиркишдан мўралаб. – Прокурор бошқа буйруқ бераяпти, тинтуб тамом бўлди. – Худога шукур!

Бека ҳам Лусио нимага хурсанд бўлаётганини ўз кўзи билан кўриш учун эшикка талпинди.

– Чормихга тортилган деганинг анави-ку!... – шивирлади у.

– Ким ўзи у?

— Уларнинг оқсочи. Ўзинг кўрмаяпсанми? — деди у Васкеснинг очкўз кўлларига чап бера туриб. — Ўзингни бос! Ўзингни бос деяпман! Қилинг ярашмаяпти.

— Ўх, бечорани судрашяпти.

— Мажағлаб ташлашибди-ку!

— Ўлай деб қолган одамни шунчалик хўрлашадими?

— Гапирма, кўриб кутим учиб кетди!

Қилич кўтарган капитаннинг буйруғига кўра баҳтиқаро Чабелонани Каналеснинг уйидан судраб чикишди. Прокурор хозир сўроқ қилолмайди. Кеча айни шу вақтларда бу хонадоннинг юраги эди, тўтикуш қафасдан чикиб, фаввора отилиб турганда, генерал картада фол очиб ўтирас, Камила эркалик қиласларди.

Прокурор фойтунга чиқди, зобитлар изидан бордилар. Биринчи бурчакдан ўтиб, чанг ичида ғойиб бўлдилар. Тўртта ифлос эркак Чабелонани «анатомия театри» га олиб бориш учун замбил кўтариб келишди. Аскарлар саф тортиб қалъага қайтишди, Бўғмаилон корхонасини очди. Васкес ҳар доимги жойига ўтди. У, хибсга олинган Родаснинг хотинини ўйлаб изтироб чекаётганини яшира олмай қийналар, боши зиркираб оғир, ҳаммаёқ заҳарга тўлиб кетгандек туюлар, гоҳо сархушлиги голиб келиб, қочиб кетган генерал қисматидан тинимсиз ташвишланарди.

Федина эса турма йўлида аскарлар билан олишиб борарди. Уни йўлкадан катта тош йўлга судраб тушдилар; дастлаб индамай борди, сўнг тоқати тоқ бўлиб, биттасига мушт туширди. У қўндоқ билан урди — буни сира кутмаганди! Бошқаси елкасига туртди. Чайқалиб кетди, тишлари такиллади, кўз олди қоронгилашди.

— Итдан тарқаганлар!... Сизларга милтиқ нимага берилган! Уялсанг бўлмайдими? — аралашди бозордан сабзвот ва меваларга тўла сават кўтариб келаётган бир аёл.

— Оғзингни юм! — дўқ урди аскар.

¹ «Анатомия театри» — тергов жараёнидаги қийноқ усулларига ишопа.

- Ўзинг юм, совуқ башара!
- Майли, майли! Яхшилик билан бу ердан жўнаб қолинг! Қиладиган бошқа ишингиз йўқми? – қичқирди унга сержант.
- Мени-ку ишим кўп, сенлар бекорчилар.
- Жим бўлинг, – аралашди зобит. – Жим бўлинг, йўқса, аяб ўтирумаймиз!
- Шу етмай турувди! Санғиб юришади, пўписа қилишади, ким бўпсан ўзинг! Этинг суягингга ёпишиб қопти-ку! Шимингнинг шалвирашини қара!.. Одамларнинг оғзига урасан! Жанжалкаш битлиқилар! Гуноҳсиз одамларга тирғаласанлар!..

Аммо бу нотаниш химоячи орқада қолиб, қўрқок йўловчилар орасига сингиб кетди. Мусибатга ботган, абжағи чиққан Федина узун этаги билан тош йўлни су-пуриб, қўриқчилар куршовида турмага қараб борарди.

Прокурор фойтунда Абел Карваҳал уйига етиб келган пайтда сюртук ва шляпа кийган ҳуқуқ химоячиси саройга отланмоқда эди. Ташки эшикни ёпиб, оқ қўлқопини шошилмай кияётган пайтда ҳамкаслари куршовга олишди. Уни ана шу бежирим кийимда байроқчалар ва қофоз занжирлар билан безатилган полициянинг Иккинчи бўлимига олиб келишди. Бу ерда бетўхтов талаба ва пономар ўтирган камерага жўнатишиди.

ТАНТАНА ҚИЛ, ЗАМИН!

Ёқимли ҳидларга тўлган тиниқ апрель ҳавоси мавжалиниб турган далалар ва черепицали томлар оралиғидаги кўчаларда жонланиш бошланди. Ана, сут ташийдиган ҳачирлар йўргалаб бормоқда, бидонларнинг қопқоғи шараклайди, камчилар қарсиллайди, ҳайдовчилар ҳарсиллаб нафас олади. Ана, сигирлар, бой хонадонлар оғилхоналарида, камбағаллар ҳовли бурчакларида уларни соғишга киришадилар, ҳали уйқуси ўчмаган баъзи харидорлар энг яхши сигирларни ўзлари танлаб олиб соғадилар ва идишларига кўпик эмас, кўпроқ сут тушириш пайида бўладилар. Мана, нон тарқатувчилар –

ялангоёқ, қорни ичига тортилган, букилмас оёқларини авайлаб, майда қадам ташлайдилар, бошида күтариб бораётган йўғон саватларнинг оғирлигидан бўйни елкала-ри ичига кириб кетган; саватлардан янги ёпилган нон ва қовурилган кунжут ҳиди анқийди. Мана, тонг сахардан мусиқа чалинади, ҳар доимгидек шаҳарни дабдабали, айни замонда ёқимли куйловчи метал шарпалари ва шамоллар уйготади, черковлардан тараалган ҳазин, журъатсиз оҳанглар эрталабки ибодатга чорлайди, уларнинг маъюс ва журъатсизлигига сабаб шуки, оддий байрам кунларида қўнғироқлар товушидан шоколад ва ширин сомсалар ҳиди таралади, миллий байрамларда эса тақиқланган мевалар таъмига қоришиб кетган бўлади.

Миллий тантаналар...

Кўчалар бўйлаб соғлом тупроқ ҳиди билан бирга шаҳарликларнинг қувончлари ҳам сузуб юради. Янги дастрўмол ҳидини таратадиган байроқлар сояси остида дадил қадамлар ташлаб саройга қараб бораётган аскарлар оёғи остидан чанг кўтарилиласин деб одамлар деразалар остига сув сепиб қўядилар; расамади билан кийинган, бошига думалоқ ёки учбурчак шляпа қўндирган юқори мартабали жаноблар, камзуулари ичига доридармон халталарини яшириб олган шифокорлар, савлатдор генераллар тушган фойтуналар; улардан сўнг қадркиммати келажакда дафн маросими учун олийхўммат ҳукумат ажратган маблағ микдорига қараб белгиланадиган амалдорлар йўрга отларини ўйнатиб ўтадилар.

Сеньор, сеньор, ер ва осмон сенинг шаънингга мадхиялар айтади! Мана, ниҳоят одамлардан узокда, ғоят узокда энг яқин кишилари ўртасида Президентнинг ўзи кўринади. У ўз халқидан рози; халқ ҳам тинимсиз кўрсатаётган ғамхўрликлари учун ундан миннатдор.

Сеньор, сеньор, ер ва осмон сенинг шаънингга мадхиялар айтади. Хонимлар уни худонинг суюкли бандаси ўрнида кўрадилар. Семиз руҳонийлар унга мадхусонолар ўқишиади. Қонуншунослар уни Донишманд Альфонс деб биладилар. Нишондор дипломатлар уни кўрганда ўзларини Күёш қирол давридаги Версалда тур-

гандек хис қиладилар. Қайта тирилган Перикл ҳузурида хорижий ва маҳаллий журналистлар булбулигүё бўлиб кетадилар. Шоирлар ўзларини Афинада кўрадилар ва бу ҳақда бутун дунёга жар соладилар! Авлиёлар қиёфасини яратишни касб қилиб олган ҳайкалтарошлар ўзларини Фидий деб биладилар; у жилмаяди, кўзлари чараклайди, халқ ўз буюк ҳукмдорини қанчалик улуғлаётганини кўриб, кўлларини артиб туради. Сенъор, сенъор, ер ва осмон сенинг шаънингга мадхиялар айтади! Мотам куйлари ёзишга мослашган бастакор Бахус муҳлисига ва муқаддас мадхиялар ижодкорига айланади ва помидорга ўхшаган башарасини балкондан осилтириб, ер каерда қолди, деб тикилиб ўтиради.

Агар санъат коҳинлари беихтиёр Афинага келиб қолдим, деб ўйласалар, яхудийлар ўзларини Карфаген саройида ҳукумат бошлиги ишончини қозониб, халқ пулларини ўз хисоб кассаларига ўтказган ва бойиб кетиб, олтин-кумушларни суннат пайтида ўраладиган лахтак ўрнида кўрмайдиган молиячи деб тасаввур қиласар эдилар.

Сенъор, сенъор, ер ва осмон сенинг шаънингга мадхиялар айтади!

Кара де Анхел таклиф қилинганлар орасидан туртимиб-суртиниб (у чиройли ва иблис сингари маккор эди) ўтди.

– Халқ сизни чорламокда, сенъор Президент!

– ... халқ??

Шу сўздан кейин хўжайн сўроқ белгилари қўяди. Ҳамма жим бўлди. Кутилмаган мусибат юкини жаҳл билан улоктириб ташлаган (у кўзларида шу заҳотиёқ акс этди) хўжайн ўрнидан туриб, балонга чиқди.

Яқин кишилар кузатувида у халқка қўриниш берди. Тўғрироғи, халоскорлик байрами муносабати билан уни табриклаш учун йигилган хотинлар тўдаси олдига чиқди. Сўзлаш шарафига мұяссар бўлганлар:

– О, халқ ўғлони!.. – деб сўз бошлар эдилар.

Хўжайн қайноқ тупугини ютди. Ҳеч шубҳасиз, турли қаланғи-қасанғи одамлар тўлиб ётган кичкина бир

шахарчада, қашшоқ кулбада ўтказган ўқувчилик йилларини эслаган бўлса керак. Ҳамма жойда тайёр туришга улгурадиган мулозим шипшиб кўйди:

– Исо сингари халқ фарзанди...

– О-о-о, халқ фарзанди! – тақрорлади нотиқ аёл. – Халқ фарзанди деб айтаман мен! Фалакдаги қуёш бебаҳо хаётингни улуғлаб нурини сочади ва бу илохий нур ҳамиша қора зулмат қўйнида машъум соялар туғдирадиган, сен – Сеньор, ўзинг айтганингдек, буғдой ўрнига юрган йўлларингга қабиҳ бомба уруғларини сепмоқчи бўлган ёвуз қўлларни кўйдириб, йўқ қилиб юборади, европалик билимдонлар қанчалик зўр бериб уринмасинлар, қанчалик тиришиб кучанмасинлар, бизнинг буюк баҳтимиз кулиб, сенинг қимматбаҳо соғлиғингга заррача шикаст етказа олмадилар.

Гулдурос қарсаклар Сигир Тумшуқнинг (нутк сўзлаётган майда савдогарнинг лақаби шундай эди) мадхиясини бўлиб қўйди.

– Яшасин Президент!

– Яшасин Сеньор Президент!

– Яшасин Республиканинг Конституциявий Сеньор Президенти!

– Республиканинг Конституциявий Сеньор Президенти, Ватан халоскори, Улуғ Либерал Партиянинг дохийси, Ҳақиқий Либерал, Ёшлар Ҳомийси бугун ва асрлар оша яшасин!

– Сеньор Президентнинг разил душманларидан мадад олаётган ёвуз кучлар ниятига етганда мана бу байроқ қора шармандалик бўёғи билан бўялган бўларди. Аммо унинг қимматбаҳо хаётини мададкор худо асраб-авайлашини, Миллатнинг Биринчи Фуқароси деб аталмиш бу зотнинг душманлари бутун халқ энг кўрк... кўр-кинч-ли, энг зарур пайтда ҳар доим унга қалқон бўлишини билмас эдилар.

Ха, сеньорлар! Бугун биз ана шу машъум кунда улар мақсадига эришганда барча цивизо... циви-ли-зациялашган мамлакатларнинг, етакчиси бўлган давлатимиз, бизнинг Ватанимиз разил душманлар қўлида етим бў-

либ қолган бўларди. Улар демократияни йўқотиш учун, унинг қоқ юрагига санчиш учун кора зулмат қўйнида, буюк нотиқ Хуан Монтальво айтганидек, машъум ханжарларни қайрамоқдалар.

Ана шу сабабларга кўра байроғимиз бутун шоншавкати билан ҳилпираб турибди ва гербимиздаги муқаддас қушчамиз учиб кетгани йўқ, у худди «фелекс» қушига ўхшаб кул остидан қайта ту-ғи-либ чиқди. Доҳ... бу... доҳийларимиз бир томчи ҳам қон тўкмай Американинг миллий мустақиллигини эълон қилдилар ва ҳалқнинг эркинликка бўлган талабини қон-дир-ди-лар, ҳиндиларнинг доҳ... доҳийлари сўнгги нафасигача эркинлик ва бошқа инсоний ҳуқуқлар учун курашдилар!

Мана шунинг учун ҳам биз бугун муҳтоjlар синфининг буюк ҳомийси, бошимизни силовчи отамиз, юқорида айтганимдек, мамлакатимизни Фультон ўз пароходи билан та-рақ-қи-ёт-га олиб борганидек¹, бизни баҳтли манзилга етакловчи, Хуан Санта Мария² Лемпира³ ерларини озод қилиш учун машҳур порохини ёндиргани каби ҳалоскоримиз. Яшасин бизнинг Ватанимиз! Яшасин Республикамизнинг Конституциявий Президенти, Либерал Партия доҳийси, Ватан ҳалоскори, Болалар, Аёллар ва Маориф Ҳомийси!

Сигир Тумшуқнинг ҳайқириқлари табриклар ёғдусида чараклаб, қарсаклар денгизига кўмилиб кетди.

Президент ўнг қўли билан балконнинг мармар панжарасига таянди, одамларга хиёл ўгирилиб қаради, қўзлари ёниб, хўмрайган ҳолда бир неча жумла сўз айтди. Эркаклар ва аёллар кўз ёшларини артдилар.

Президент бурун қоққанини сезиб қолган Кара де Анхел:

– Хонага қайтадиган вақт бўлмадими, Сенъор Президент, – деб шивирлашга журъят этди. – Бу одамлар сизни ўта ҳаяжонга солиб кўйди.

¹ Хуан Монтальво (1833–1889) – эквадорлик ёзувчи ва файласуф.

² Хуан Санта Мария (1831–1856) – Коста-Рика қаҳрамони, душман қалъасини портлатиш пайтида ҳалок бўлган.

³ Лемпира – Гондурас республикасидаги вилоятлардан бири.

Президент яқин кишилари қуршовида залга кирди. Ҳарбий прокурор генерал қочиб кетганини айтиш ва биринчи бўлиб табриклаш учун унинг ёнига боришга ошиқди. Аммо бошқалар ҳам олдинга ташландилар. Прокурор тўхтади – уни қандайдир номаълум куч – қўркув ушлаб қолди – қўлини узатганча қуруқ қолмаслик учун мулозим билан кўришишни маъқул кўрди.


Мулозим ўгирилиб қаради, ҳамон қўлини узатганча турган прокурор ногоҳ гумбурлаган товушни эшилди – у яна, яна тақрорланди. Одамлар бақиришарди. Қочишар, сакрашар, стулларни улоқтиришарди. Хонимлар дод-фарёд, шовқин-сурон кўтаришарди. Аскарлар осма сумкаларини зўр-базўр очиб, милтиқларини ўқлаб югуришарди. Пулемётлар, синган ойналар, зобитлар, замбараклар...

Қандайдир полковник револьверини силкитиб юқоридаги майдон орқасига чопиб ўтди, бошқаси револьверини силкитиб айланма зинадан югуриб туша бошлади. Ҳеч нарса йўқ. Капитан револьверини силкитиб деразага тирмашди. Иккинчиси револьверини силкитиб эшикларни тепиб очди. Йўқ. Ҳеч нарса. Ҳеч нарса йўқ! Аммо хоналар совуқ эди. Баҳайбат залда ҳайратлар учади. Ҳеч нарса йўқ. Таклиф қилингандар оз-оздан тўпланишди: кимдир қўркқанидан иштонини ҳўл қилиб қўйган, кимдир қўлқопини йўқотган, баъзиларининг юзига ранг кирган, аммо тили калимага келмайди, бошқаси гапиради, аммо қўркувдан оқариб кетган. Президент қачон, қаерга ғойиб бўлганини ҳеч ким айта олмайди.

Бир зинапоянинг қуиي погонасида катта нофора ётарди. У даранг-дурунг қилиб пастга думалади – ҳамма ҳар томонга ўзини урди: жонингни куткариб қол!

АМАКИ ВА ХОЛАЛАР

Мулозим камзул ва цилиндр кийган, болалар чизган расмлардаги сичқонларга ўхшаб кетадиган адлия вазири ҳамда соchlари тўкилиб, қадимги авлиёларга ўхшаб



мункиллаб қолган халқ вакили билан бирга саройдан чиқди. Ноғорани думалатиб юборган бояги тентак уларни қаттқиқ күркитиб қўйган, иложи топилганда ўйлаб-нетиб ўтирумай уни жазо бўлинмаси ёки унданам нарига жўнатиб хумордан чиқкан бўлардилар. Ҳозир «Гранд отел»га ёки яқинроқдаги қовоқхонага кирган маъқулми, деб баҳслашиб боришарди. Халқ вакили – отелга бориш тарафдори, худди жамоат жойларида ўзини қандай тутиш қоидасини баён қилаётгандек (шубҳасиз, гап давлатга тегишли жойлар ҳақида эди), фикрини аниқ ва лўнда килиб айтди. Ҳуқуқшунос гўё ҳукм ўқиётгандек кўтаринки руҳда гапирав эди: «Соҳта дабдабага интилиш ярашмаган нарса, шунинг учун, дўстим, мен улуғвор отелдан кўра камтаргина қовоқхонани афзал кўраман, у ерда ўзингни эркин хис қиласан. Ялтираган ҳамма нарса олтин бўлавермайди».

Кара де Анхел улар билан бурчакда хайрлашди – давлат вакиллари баҳслашаётган пайтда нарироқда юрган маъқул – ва Хуан Каналес яшайдиган Инъсенсо маҳалласига йўл олди. У иложи борича тезроқ қизни «Тустеп»дан олиб кетиши керак. «Ўзи олиб кетадими, ё биронни юборадими, менга нима, ўйлади арзанда. – Тезроқ кетгани яхши – масъулиятдан қутулади. Майли, илгаригидек яшайверсин. Ўтган кунгача уни билмасдим, хаёлимга ҳам келтирмагандим, мен учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди...» Уч киши хурмат билан унга йўл бўшатди. У ким билан саломлашганини ҳам билмай жавоб қайтарди.

Генералнинг укаси Хуан зарбхона яқинидаги Инъенсо маҳалласидаги қорамтири, хунук, баҳайбат, бурчакларига сувоғи кўчган тўсиқлар ўрнатилган уйда яшар эди. Пойдеворига урилган тошлардан сув силқиб турибди, ёввойи ҳайвонларнинг қафасини эслатадиган темир панжарали деразалардан зал яхши кўринмасди. Бу ерга миллионлаб шайтонлар яширинган.

Арзанда тақиллатди. Ит вовуллади. Овозига қарашанда, у занжирлаб қўйилган қопогон итга ўхшарди.

Кара де Анхел шляпасини қўлига олиб (у чиройли ва иблис сингари маккор эди), остонадан ўтди. Генералнинг кизи келадиган уйни кўриш мароқли эди; аммо итнинг вовуллаши ва «Марҳамат қилинг!», «Марҳамат қилинг!» деб жилмайиб турган одамнинг овози – у шубҳасиз дон Хуан Каналес эди – кулогини битириб қўяёзди.

– Марҳамат қилиб ичкарига киринг, бу томонга, сеньор, бу ёкка ўтинг, марҳамат!.. Қандай шамол учирди? – Дон Хуан таомилдаги сўзларни беихтиёр такрорлар, овозидан Президент мулоғозимини кўрганда довдираб қолганини сездирмасликка уринаётгани билиниб турарди.

Кара де Анхел хонани кўздан кечирди. Ярамас ит меҳмонга караб нега бунчалик хуради? Ака-укалар тушган суратлар орасида генерал Каналес йўқ эди. Қарамақарши томондаги катта тошойнада деворга ёпиштирилган тўртбурчак сарғимтири гулқоғозларнинг акси кўринади.

«Ит қайда бўлса ҳам уйнинг юраги, – ўйлади Кара де Анхел, Дон Хуан ўзининг хушмуомалалик дастурини намойиш қилаётган пайтда. – Ибтидоий замонларда ҳам уйнинг юраги эди. Қабиланинг қўриқчиси. Сеньор Президентни ҳам итлар галаси қўриқлайди».

Ойнада хўжайин пайдо бўлди. У қўлларини асабий силкитарди. Дон Хуан Каналес таомилдаги барча сўзларни айтиб бўлгандан кейин яхши сузувчига ўхшаб қатъият билан сувга шўнғиди.

– Сеньора Каналес, – деб гап бошлиди у, – сеньора Каналес ва ожиз бандангиз акамиз қилган ишдан қаттиқ норози бўлдик. Қандай даҳшат! Қотиллик ҳамиша нафратга сазовор, аммо бу!.. Шундай одамни ўлдириш, шундай ҳурматли, обрўли одамни, армиянинг виждони ва номуси, Сеньор Президентнинг энг яқин кишисини ўлдириш!..

Кара де Анхел жим ўтиарди. Чўкаётган баҳти қарони кўриб, ёрдам беролмай югуряётган кишигина шун-

дай мум тишлиб қолади. Одатда меҳмонга борганлар ўринсиз гап айтиб қўймайин, деб шундай тилини тийиб ўтиришади.

Сўзлари бехуда кетаётганини сезган дон Хуан ўзини ўйқотиб қўйди ва қўли билан ҳавони ушламоқчи бўлган ёки оёғини чўзиб, чукур сув тагини босиб қўришга уринаётган одамнинг аҳволига тушди. Бусиз ҳам боши вакир-вуқир қайнаб ётиби. Муқаддас Арк остидағи қотилликка ва барча сиёсий ўргимчак тўрларига ўралашиб қолгандек вахима босди. Тўғри, у айбдор эмас. Аммо бу ҳеч нарсани англатмайди, ҳеч нарсани – аралашгансан, тамом. Лотерея бу, дўстларим, лотерея! Мамлакат рамзи. Кўчада лотерея билетларини сотувчи ашаддий католик ва эскифуруш Фульхенсио амаки шундай дейди. Бирданига у Кара де Анхел ўрнига сужклари ва жағлари асаб толаларига боғлаб қўйилган Фульхенсио амакининг скелетини кўриб қолди. Амаки қоқ сужк кўлида чарм портфелни ушлаб, шимининг орқа томонига уриб кўяр, жағларини ғалати қимирлатиб масҳарабозлик қилар, манқаланиб тамшанар эди: «Бани дўсддарим, бани дўсддарим, бу маблакатда ягода қобун латарея. Бир билетди тортшанг – турма, бошқашиди тортшанг отув. Учиншиди тортшанг – депутат, дипломат, президед, би-дистр. Айар ҳамбаси латарея бўса, нимади ўйнайсан? Латарея – бани дўстим, латарея, латарея белатиди шотиб олинг!» Ғадир-будир, узум токидек эгилиб-букилган скелет тиришиб, энгашиб қолди ва оғзидан ютқизиқсиз лотерея билетлари кулгига айланаб отилиб чиқди.

Бундай хаёллардан узоқда бўлган Кара де Анхел сукутга чўмиб кузатар ва бу жирканч қўрқоқ билан Камила ўртасида қандай умумийлик борлигини ўйлар эди.

– Фийбат қилишмоқда... Аникрофи, қўшниларим хотинимга айтишмоқдаки, мен ҳам полковникнинг ўлимига алоқадор эмишман!.. – давом этди Каналес чўнтагидан зўрға чиқариб олган дастрўмоли билан йирик тер томчиларини артар экан.

– Мен ҳеч нарсани билмайман, – қуруқ жавоб берди мулозим.

— Аммо бу адолатсизлик! Тан оламан, биз хотиним билан Эйсебионинг хатти-харакатларини кўпдан бери коралаб келамиз. Деярли учрашмас эдик. Тўғрироғи, бутунлай учрашмасдик. Бегоналашиб кетгандик. Ассалому алайкум, хайрли кун, хайрли тун, салом ва хайр. Яхши бор, алвидо, алвидо ва бошқа ҳеч нарса.

Дон Хуан ёлғон гапираётгани билиниб турарди. Парда орқасидан кузатиб турган хотини ёрдам беришга шошилди.

— Нега мени таништирмаяпсан? — хитоб қилди у ва арзандага жилмайиб таъзим қилди.

— Тўғри айтасан! — паришон жавоб берди эри. Мехмон билан баравар ўринларидан қўзғалишди. — Хотиним билан таништиришга ижозат этсангиз!

— Худит де Каналес...

Кара де Анхел бу исмни эшитган эди, аммо у тўғри гапиряптими-йўқми, била олмади.

Бу ғалати, чўзилиб кетган ташриф давомида Камилага ҳеч қандай алоқаси йўқ, аммо ҳаётини издан чиқараётган, англаб бўлмайдиган ғайритабиий бир куч таъсирида эр-хотиннинг гаплари қулогига кирмай қолди.

«Нега бу одамлар ўз жиянларининг тақдири билан қизиқмайдилар, — хаёлга ботди у. — Агар Камила ҳақида гаплашганларида мен жон деб тинглаган бўлардим, хавотир оладиган ҳеч нарса йўқ, ҳеч ким сизлардан шубҳаланмаяпти, деб айтган бўлардим. Агар улар мендан сўраганларида... Э худо, нақадар тентак одамман-а! Улар қондош, мен эса бутунлай бегонаман-ку, бу ерда ёлғиз ўзим, унинг дардида ўтирибман-ку...»

Ўзини донъя Худит деб танитган хоним тўрли дастрўмоли билан бурнини артиб, энди нима бўларкин дегандек, жим бўлиб қолди.

— Сиз гапираётган эдингиз. Мен сизга халақит бердим... Кечирасиз...

— Биз...

— Ҳа...

— Сиз...

Айни бир пайтда учаласининг оғзидан чиққан – «Марҳамат, давом этинг!» – «Йўқ, сиз гапиринг» деган фавқулодда мулойим хитоблардан кейин гап яна номаълум сабабларга кўра дон Хуанга тегди. (Хотинининг кўзлари «Аҳмоқ!» деб қичқирап эди.)

– Эусебио полковник Парралес Сонриентени ўлдиришда катнашганини эшиганимдан кейин (файри расмий, мутлақо гайри расмий оҳангда) иккимиз қанчалик ғазабланганимизни дўстимизга айтаётган эдим...

– О, бўлмасам-чи. Бўлмасам-чи!

Доня Худит бўртиқ кўқракларини намойиш қилгандек қаддини кўтариб, гапни илиб кетди. – Менинг қайноғам генерал бундай мудҳиш жиноятга қўл уриб, авлодларини иснодга қолдиришга ҳеч қандай ҳақи йўқ эди! Ўзингиз ўйлаб кўринг, энди унинг касрига эрим ба-лога қоладиган бўлди!

– Мен дон Мигелга худди шуни айтаётган эдим, кўпдан бери акам билан борди-келдини йиғишириб қўйганмиз. Ҳатто ашаддий душманлардек бўлиб қолган эдик. Уйидаги суратларимни ҳам йиғишириб қўйганди, мен эса ундан баттар эдим!..

– Биласизми, оилавий муносабатлар, жанжаллар, гина-кудратлар... – доня Худитнинг чукур нафаси хона бўйлаб сузиб кетди.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим, – деди Кара де Анхел.

– Аммо, оға-иниларни қон-қариндошлиқ иплари боғлаб туришини унутманг, дон Хуан...

– Нималар деяпсиз, дон Мигел? Сиз мени унга шерик қилиб қўймоқчи бўляяпсизми?..

– Рухсат этинг!..

– Сиз нотўғри гапирайапсиз, – гап қўшди доня Худит хижолатдан ерга қараб. – Пул бор жойда ҳар қандай алоқалар узилиб кетади. Бу кўнгилсиз ҳодиса, аммо аслида шундай. Пул қариндошлиқдан устун туради!

– Гапимни тугатишга ижозат беринг!.. Мен оға-иниларни мустаҳкам алоқалар боғлаб туради деб ўйлайман, аммо ҳозир гап бутунлай бошқа масала ҳа-

қида. Орангиздаги келишмовчиликлар мени қизиқтирмайды, ночор ахволда қолган генерал менга айтдики....

— Ярамас! Ўз жиноятига мени шерик қилмоқчи бўлдими? Бу тухмат!

— Мен сизлар билан бутунлай бошқа нарса ҳакида гаплашмоқчиман.

— Хуан, Хуан, сенъорнинг гапини эшит!

— У қизини сизга топширмоқчилигини айтди ва бу ҳақда сиз билан гаплашиб кўришни мендан илтимос қилди, сизнинг уйингизда...

Шу ерга келгандা Кара де Анхел сўзлари беҳуда кетаётганини ҳис қилди. Бир дақиқа бу одамлар испан тилини тушунмайдими, деган хаёлга ҳам борди. Сўзлар ялтираб турган қориндор Хуан ва ҳайкалдек қотиб ўтирган доня Худитга тегмасдан, уларни четлаб ўтиб, ойна ичидаги йўқолиб кетмоқда эди.

— Унинг тақдири нима бўлишини айнан сизлар ҳал қиласизлар...

— Ҳа, албатта... — Кара де Анхел уни қамоққа олмоқчи эмаслигини сезган дон Хуан бир лаҳзадаёқ ўз аслига қайтиб, виқор билан гапиришга ўтди. — Сизга нима дейишини ҳам билмай қолдим... хеч кутмаган эдим... Менинг уйим ҳакида, албатта, гап бўлиши мумкин эмас. Иложимиз қанча, олов билан ўйнашиб бўлмайди! У баҳти қаро бизникида тургани яхши эди... аммо биз баъзи танишларимиздан қаттиқ шубҳа қиласиз... Шу пайтгача ғубор тушмаган хонадонимиз эшигини Сенъор Президентга душман одамнинг қизига очиб берсак, улар ёмон хаёлга боришади. Ўзингизга яхши маълум... бунинг устига... шавкатли акам... нима десам экан... ха, шавкатли акам ўз қизини Халқлар Доҳийсининг шахсий дўстига топширса, у эса ўз навбатида...

— У ўз бошини сақлаб қолиши учун ҳамма нарсага тайёр эди! — доня Худит қўкрагини янги ҳаво билан тўлдириб, гапга аралашди. — Тасавур қилинг. Сенъор Президентнинг дўсти бу ҳақда Президентнинг ўзига хабар етказсин, деб қизини орага тиқиширмоқчи бўлдими?.. Хайриятки, бу қора ният амалга ошмади.

Бизнинг «Армия князи»миз, – машхур нутқидан кейин шундай ном ортирган эди, қочишдан бошқа чора тополмасдан жуфтакни ростлабди-ю, қизини бизга тўғрилапти-да, топган ҳийласини қаранг!

Мундирига доф тушириб, қариндош-уруғларини шарманда қилишдан уялмаган одамдан яна нимани кутиш мумкин? Бизга ишонинг, бундай иснодни кўтариб юриш бизга осон эмас, хўрлик кўравериб, сочимиз оқарган. Бунга худо шоҳид...

Кара де Анхелнинг кўзларидан чиқкан ғазаб чақмоқлари қора тунни парчалаб ўтди.

– Демак, бошқа гапдан фойда йўқ...

– Безовта бўлганингизга ачинамиз... Кўнгироқ қилсангиз ҳам бўларди...

Донъя Худит қўшимча қилди:

– Сиз учун... катта мамнуният билан... бажарган бўлардик... ишонинг... аммо биласиз-ку...

Уларнинг башарасига қарамасдан индамай кўчага йўл олди, занжирини шарақлатиб жонхолатда юлқинаётган ит ҳурганча қолди.

– Мен бошқа оғаларингизниги ҳам бораман, – деди у оstonадан ўтаётганда.

– Маслаҳат бермайман, – шоша-пиша жавоб берди дон Хуан. – Билсангиз керак, мен консерватор сифатида танилганман... Улар бўлса либерал ҳисобланадилар!.. Сизни ақлдан озган ёки шунчаки ҳазил қилаяпти деб ўйлашади...

У меҳмонга эргашиб кўчага чиқди. Сўнг изига қайтди. Дарвозани оҳиста ёпиб, йўғон кўлларини артди... Кимнидир (фақат хотинини эмас!) силаб эркалагиси келди ва ҳамон вовуллаб турган кўппагини силабсийпалай бошлади.

– Ичкарига кирмокчи бўлсанг, итни ўз ҳолига қўй! – шанғиллади донъя Худит. У кечки салқинда роҳатланиб, ховлида атиргул кесмоқда эди.

– Мен ҳозир...

– Унда тез кийин, ҳали ибодат қилишим керак, соат олтидан кейин кўчага чиқиш ярамайди.

«ЯНГИ УЙ»ДА

Эрталаб соат саккизда (сув соатлари хар жихатдан яхши эди; соат миллари ҳам, вақт ҳам сақраб кетмасди), роппа-роса саккизда Фединанинг ҳаммаёгини обдон тинтиб-текшириб, ўзига хос белгиларини ёзид олишгандан кейин гўрдек совуқ ва қоронғи, гитарадек қингир-қийшиқ камерага ўтказишиди. Бошидан-оёғигача, қўлтиқ тагию тирноқ остигача синчиклаб текширишиди, сабаби генерал Каналес ўз кўли билан ёзган ва баҳтиқаро аёл генерал уйидаги хоналарда дайдиб юрганда топиб олган хат енги ичидан чиқиб қолганди.

У тик туравериб толиқди, узунлиги бор-йўғи икки қадам келадиган хонада юриб бўлмасди; ўтирганим яхшироқ деб ўйлади у. Полдан изиллаб совуқ чиқиб турарди, бир лаҳзада оёқлари, кўли, ҳатто қулоқларигача музлаб кетди (совуққа қанча чидаш мумкин экан!) – у ноилож ўрнидан қўзғалди; тик турди, яна ўтиреди, тағин турди, ўтиреди, турди, ўтиреди.

Турма ҳовлисида очиқ ҳавога олиб чиқилган маҳбус аёллар кўшиқ айтишарди. Улар астойдил қуйлаётгандарига қарамай, кўшиқларидан чириган сабзвот хиди анкиётгандек туюлади. Ярим мудроқ ахволда тақрорла-наётган оғир оҳанг занжирини бирдан шиддатли, аммо маъюс қичқириқ узиб юборди. Ҳақоратли куфронга сўзлар... қарғиш... Забур оҳангларини эслатадиган чўзиқ қалтироқ овозни эшитган Фединани ваҳима босди.

*Каталак хона билан
Фоҳшиахона ораси
Бир қадам йўл,
Кўлингни узатсанг
Тегар осмонга;
Сен билан бир жойда турибмиз ҳозир,
Қайнок бўсаларни тўйиб олавер.
Ай-яй-яй-яй!
Мен билан бирга бўл,
Бу ер билан
Фоҳшиахона ораси*

*Ва ёруғ олам
Бир қадам йўл.*

Кўшиқдаги баъзи сўзлар оҳангга мос келмас эди; аммо улар «Янги уй» қамоқхонаси билан исловотхона ораси узоқ эмаслигини аниқ-тиник англатиб туради. Тўғри, оҳангда гап кўп. Аммо бу қовушмаган мисраларда аччиқ ҳақиқат фарёд солмоқда, Фединанинг қути ўчиб, қалтирашга тушди. Авваллари ҳам кўркиб қалтираган вақтлари бўлган, аммо бундай ҳолат қанчалик ваҳимали, қўрқинчли эканлигини, нихоятда даҳшатли эканлигини тасаввур ҳам қилиб кўрмаганди; буни у кейинчалик англаб етди, кўхна пластинка ўз бағрида жуда кўп сир-асорорларни асрагани сингари бу товуш суяқ-суякларигача зиркиратиб юборди. Эрта тонгдан бошлаб фарёд солиб қуйлаш қанчалик оғир! Худди терисини шилиб олишаётгандек бадани тиришиб қолди, бу қўшиқни қуйлашаётган маҳбус аёллар эса фоҳишаларнинг ётоги турмадан кўра совукроқ эканлигини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган бўлса керак, бу қўшиқ улар учун озодлик ва ёруғликка чиқиш учун эҳтимол охирги илинж эканига шубҳа йўқ.

Федина бирдан ўғлини эслади ва шу заҳоти енгил тортгандек бўлди. Уни эмин-эркин кўтариб юрган пайтлари беихтиёр кўз ўнгига келди. Гўдаклар бир умр она юрагида яшайди. Эркинликка чиқса, энг аввало, уни чўқинтириши керак. Ҳозир айни пайти. Кўйлаги ҳали янги, қалпоғи ҳам – уни доня Камила совға қилган! Кейин меҳмонларни чақириш керак: нонуштага шоколад билан бўғирсоқ берса бўлади, тушликка валенсианча гуруч билан чўчқа эти ва бодом тортилади, кечки таомга лимонад, музқаймоқ, вафли... Кўккўз босмахона ходимига таклифнома буюриб кўйган, уларни яқин кишиларига тарқатади. Анави Шумановдан иккита катта извош олинса яхши бўлади, отлари худди паровознинг ўзи, қуюшқонлари кумушдек ярақлайди, кучирлар қора камзул ва ялтироқ шляпа кийиб олишган. Бирдан чалкашиб кетаётганини сезиб қолди. Олдиндан чанг чиқариш

яхши эмас — бирон ишкан чиқиб қолмасин яна, худди анави йигитнинг аҳволига тушиб ўтиrsa нима бўлади? У тўйга бир кун қолганда: «Мана, эртага, айни шу пайтда!..» деб гапираверди. Тўй арафасида эса бошига ғишт тушиб кетса бўладими?

У яна ўғли ҳақида ширин хаёллар суро бошлади ва ўзини тетик ҳис қилди. Ҳамма нарсани унутиб, ярамас расмлар ўргимчак тўрига ўхшатиб чизиб ташланган деворга суюниб ўтириди. Яна хаёли жойига келди ва расмларни кўздан кечира бошлади. Салблар, Инжилдан олинган эркакларнинг исми ёзилган куни, чалкаш саналар ва мисра, булар етмагандек турли ўлчамдаги бетамиз нарсалар тасвири. Бир сурат тагига «Худо» деб ёзилган, ёнига 13-сана ва шамдонга ўрнатилган шайтон қиёфаси, гулбарглар ўрнига бармоқ сурати солингган атиргуллар; ҳакамлар, амалдорларнинг қинғир-қийшиқ башараси, қайиклар, лангарлар, қуёш, шиша идишлар ва туташ кўллар, кўзлар, ёй ўқи тешиб ўтган сурат ва яна узун мўйловли жандармларга ўхшаб кетадиган офтоб ва кампирнинг юзиdek қаримсиқ ой, юлдузлар ва соатлар, сув парилари, қанотли гитаралар ҳамда ханжар тасвири чизилган...

Уни ваҳима босди. Бу ярамас хонадан тезрок қочиб кетиши керак! Орқага тисарилган эди, яна худди шундай расмларга тўла деворга тақалди. Кўркувдан кўзи тиниб, тили танглайига ёпишиб қолди, баландликдан думалаб тушаётгандек бўлди, дераза эмас, тоғлар турли томонга қараб чекинди, осмондаги юлдузлар аралашиб, қоришиб кетди.

Полда бир тўда чумолилар ўлиқ суваракни судраб кетмоқдалар. Федина ажи-бужи расмларга тикилар экан, қандайдир мудхиш, ярамас нарсалар юрагини зирқиратди.

*Каталакхона билан
Фоҳишахона ораси
Ва ҷароғон осмон
Бир қадам йўл...*

мисралари қўшиқнинг бағрига ханжардек санчилди.

Шаҳарда Республика Президенти шарафига тантаналар давом этарди. Марказий Майдонга худди дор ёғочига осилгандек катта сурп ўрнатилган, бу ерда кечкурунлари содик фуқаролар учун саёз фильмлардан парчалар кўрсатилар, томошалар росманасига оммавий қатл манзараларига ўхшаб кетарди. Ёниб-ўчиб турдиган чироклар билан безатилган бинолар қора тун кўйнида яркираб кўринарди. Боғ атрофига тўпланган оломонни найзадор панжаралар тўсиб турар эди. Жамиятнинг гули ҳисобланган казо-казолар байрам молосимида қатнашиш учун боғ ичкарисига бемалол киришмокда. Ўз садоқатини намойиш қилиш учун майдонга оқиб келган оддий халқнинг сукут сақлаш ва фильмлардан парчалар томоша қилишдан бошқа иложи йўқ. Чоллар ва кампирлар, майиб-мажруҳлар, бирбирининг меъдасига уриб кетган эр-хотинлар банкага солинган балиқлардек зич қапишиб, эснаб ўтиришар ва сайрга чиққанларни кузатишарди. Баъзи эркаклар маъсума қизларга кўз қисиб, танишлари билан саломлашиб қўйишни канда қилмасди. Ҳар замон, ҳар замонда осмонда мушаклар чараклаб, шойи камалакдек етти рангда товланар ва бойлару камбагалларни бирдек ўзига маҳлиё қиласи эди.

Турмадаги биринчи кун оғир кечади. Ёруғ оламдан ажralиб коронги зулмат қўйнида колган маҳбус даҳшатли азобларни бошидан кечиради. Деворлар йўқолади, шифт фойиб бўлади, пол кўзга кўринмайди, аммо барибир ўзингни эркин ҳис эта олмайсан! Нак гўрнинг ўзи.

Федина ғўлдираб дуо ўкий бошлади: «Муқаддас авлиё, Онагинам, ўзинг мадад бер, ахир сен мадад сўраб илтижо қилган баҳти қароларни ҳар доим қўллаб келгансан-ку! Сенга сигинаман, кўз ёшларимни тўкиб, оёқларингга тиз чўкаман, илоҳий онажон! Онажоним Мария, дуоларимни қабул қил! Гуноҳкор бандангни ўзинг қўлла! Омин!» Зулмат уни бўғиб ташлади. Дуо ўқишига ортиқ мажоли қолмади. Полга узала тушди ва узун қўллари – тобора чўзилиб, ўсиб бораётган қўллари



билин барча маҳбуслар, ноҳақ қамоққа олингандар, сарсонлик-саргардонликда кезаётганлар, сайёхлар учун совуқ гўристон бўлиб қолган ерни қучоқлаб нидо қила бошлади:

*Ora pro nobis*¹
Ora pro nobis
Ora pro nobis

У секин-аста ҳушига келди. Қорни очди. Чақалоғини ким эмизади? Эшик тагига эмаклаб келди. Тақиллатди. Ҳеч ким эътибор бермади.

Ora pro nobis
Ora pro nobis

Олис-олисларда қўнғирок ўн икки марта занг урди...

Ora pro nobis
Ora pro nobis
Ora pro nobis

Ўғли у ёқда, ёлғиз...

У ўн икки марта яхши санади... Анча енгиллашди. Тутқунликдан халос бўлганини кўз олдига келтирди. Мана, уйига кириб борди, ҳамма нарса жойида турибди. Хуанитега: «Сени кўрганимдан баҳтиёрман», дейди. Габриелитени чакиради, дон Тимотеога таъзим қиласи. У ёқда, шаҳарда тантаналар давом этмоқда, дор ўрнига ўрнатилган экран Марказий майдонни безаб турибди, боғда эса сайрга чиқсан одамлар қулларга ўхшаб дарвоза олдида давра олиб айланардилар.

¹ Ўзинг мадад бер (лот.)

У кута-кута ҳолдан тойганда камера эшиги очилди. Калитлар жаранглаганда у ўзини гүё жар оғзида ўтиргандек ҳис қылди ва оёқларини тез йигиштирди. Икки киши қоронғида тимирскеланиб уни топди ва бир оғиз сүз айтмасдан шамол ғувиллаб турган тор йўлақдан судраб олиб кетишиди, икки қоронғи хонадан ўтишгач, катта ёруғ хонага итариб киргизишиди. Улар кирган пайтда ҳарбий прокурор котиб билан паст овозда гаплашиб ўтирап эди...

«Бу сенъор Кармелидаги Биби Марям ибодатхонасида орган чалади, – ўйлади Федина. – Уни танигандек бўлиб турибман. Черковда кўрганман. У ёмон одамга ўҳшамайди!..»

Прокурор унга диққат билан разм солди. Сўнг расмий саволлар бера бошлади: исми, ёши, табақаси, касби, диний эътиқоди, манзили. Родаснинг хотини барча саволларга аник жавоб қайтарди, котиб сўнгги жавобини қайд этаётган пайтда ўзи ҳам савол берди, аммо унинг сўзлари телефон қўнғироги остида кўмилиб кетди, қўшни хонадаги аёл кишининг кескин хирилдоқ овози қиска сукупнатни бузди: «Ҳа! Хўш қандай экан? Жуда мамнунман!.. Эрталаб у ёққа Кандучуни жўнатган эдим... Кўйлагими? Ярашганда қандоқ, роса келиштириб тикилган эди-да!.. Нима?.. Йўқ, ҳеч қандай нуқсони йўқ... айтаяпман-ку, ҳеч қандай айби йўқ... Фақат кечикмасдан келинглар. Ҳа, ҳа. Ҳа... кечикманглар... Хайр... Хайрли тун... Хайр...»

Айни замонда прокурор Фединанинг саволига масхаромуз оҳангда жавоб қайтарди:

– Асло ташвишланманг! Сизга ўхшаб ҳеч нарсани билмайдиганларга тушунтириш учун биз бу ерда ўтирибмиз-да...

Унинг бақа кўзлари ногоҳ ўз ўрнидан отилиб чиқди. У овозини кўтарди:

– Фақат олдин сиз менга эрталаб генерал Эусебио Каналеснинг уйида нима қилиб юрганингизни айтиб беринг-чи...

– Менми?.. Мен генералникига бир иш билан келган эдим.

— Айнан қандай иш эканини билсак бўладими?..

— Мутлақо ўзимга дахлдор иш! Уларга айтмоқчи эдим... мен... сиз... Майли, ҳаммасини бир бошдан айтиб бера қолай: мен анави полковникнинг ўлими муносабати билан кечкурун уни қамоққа олишмоқчи эканини билдириб қўймоқчи эдим.

— Яна шу ахволда нима учун қамоққа олишди, деб сўрайпизми? Қанчалик сурбетлик бу?! Шунинг ўзи кам деб ўйлайпизми? Шу камлик қиласадими? Камми шу? Камми?

Савол берган сари прокурорнинг ғазаби қўзиб борарди.

— Тўхтант, аввал гапимни эшигинг! Сиз гапни бутунлай бошқа ёққа буриб кетяпсиз! Худо ҳақи, эшигинг, мен келганимда у йўқ эди. Мен уни кўрганим йўқ. Мен ҳеч кимни кўрганим йўқ, ҳамма кетиб қолган экан! Фақат энага бор эди!

— Сизнингча, бу камми? Камми, а? Қай пайтда келган эдингиз?

— Минорадаги соат олтига жом чалган эди!

— Хотирангизга қойилман! Генерални қамоққа олиниади деб кимдан эшигтан эдингиз?

— Менми?

— Ҳа, сиз!

— Эримдан эшидим.

— У кимдан эшидти? Қаердан билади? Ким унга айтиди?

— Бир ўртоғи, Лусио Вассес, у махфий полицияда ишлайди. У эримга айтган, эрим эса...

— Сиз эса генералга, — шошилинч гап қистирди прокурор.

Федина бошини чайқади:

— Йўқ, худо ҳақи, мен ҳеч кимга айтганим йўқ!

— Генерал қаерга кетди?

— Ё худойим-ей, мен уни кўрганим йўқ, неча марта айтаман! Эшиятпизми? Кўрганим йўқ, кўрганим йўқ, кўрганим йўқ! Алдаб нима қиласман? Анавига айтинг, ортиқча нарсаларни ёзиб ўтирасин!.. — у бармоғи би-

лан котибни кўрсатди. Котиб қатор нуқталар шимдирилган босма қоғозга ўхшаб қолган сепкилдор юзини буриб, унга қаради.

– У нимани ёзиши билан ишингиз бўлмасин! Саволларга жавоб беринг! Генерал қаёқка кетди?

Узун сукунат. Яна прокурорнинг болға билан ураётгандек ғаддор товуши эшитилди:

– Генерал қаёқка кетди?

– Билмайман! Мендан нимани хоҳлаяпсиз? Билмайман, уни кўрганим йўқ!.. Ё худойим-ей!..

– Сизнинг ўрнингизда бўлсан, тихирлик қилмасдим, ҳукумат ҳаммасини билади. Генерал билан гаплашганингиз бизга маълум!

– Ёлғон гап бу, чин сўзим!

– Яхшиси, кулоқ солинг. Истеҳзо қилишнинг ўрни эмас. Ҳукумат ҳаммасини билади! Ҳаммасини! Ҳаммасини! – У ҳар гал «ҳаммасини» деганда столга мушт туширас эди. – Агар генерални кўрмаган бўлсангиз, мана бу хат кўлингизга қаердан тушиб қолди?.. Осмондан тушиб, кўлтифингизга кириб қолдими?

– У ерда ётган экан, мен дарвозахонадан топиб олдим! Сизга айтганимдан фойда йўқ, барибир ишонмайсиз, мени ёлғончига чиқараверасиз!

– «Ерда ётган экан!» Қандай саводсизлик! – пишқирди котиб.

– Хўп, майли, эртак сўзлашни бас қилайлик! Яхшиси, бор гапни айтинг. Ёлғон-яшикларингизни тўхтатмасангиз, ўлгунча мени унутмайдиган бўласиз!

– Мен бор гапни айтаяпман. Ишонмасангиз – ишонмай қўя қолинг. Иложим қанча? Сиз ўғлим эмассиз, калтаклормайман.

– Бу сизга қимматга тушади, ҳали эслаб юрасиз! Энди бошқа саволга жавоб беринг. Генерал сизга ким бўлади? Синглisisимисиз? Ёки бирон... мижозимисиз... У сизга нима учун керак?

– Менга... генералдан... ҳеч нарса керак эмас... уни бор-йўғи икки марта кўрганман, холос... Бу ерда шундай бўлиб қолдики... унинг қизи, унинг қизи ўғлимни чўқинтироқчи бўлган эди...

— Бу баҳона бўлолмайди!
— У васий бўлишга розилик берган эди!
Котиб гап кўшиди:
— Роса ёлғон тўқияпти.
— Мен кўркиб кетдим, бутунлай бошимни йўқотиб
кўйдим. Ана шу Лусио кечаси генералнинг қизини
ўғирлашмоқчи деб айтди...

— Ёлғонни йифиштииринг! Генерал қаерда эканини
менга айтиб берсангиз, ўзингизга яхши бўлади. У қаерда
екани сизга маълум, буни мен яхши биламан, бунинг
устига, бу нарса факат сизга маълум, ҳозир у қаерда экан-
ини менга, факат менга айтиб берасиз... Хўш, ингил-
лашни йифиштииринг, гапиринг, мен эшитаман!

Яна секин, худди руҳоний отадек дона-дона гапирди:

— Агар генерал қаердалигини менга айтсангиз...
қулоқ солинг, унинг қаердалигини билишингиз мен-
га маълум, генерал яширинган жойни менга кўрсатиб
берсангиз, мен сизни кечираман. Сизни озод қилишга
буйруқ бераман ва мана шу ердан тўғри уйингизга бора-
сиз... Ўйлаб кўринг, яхшилаб ўйлаб кўринг!

— Э худойим-а, билганимда ҳозироқ айтиб берардим-
ку! Қанийди шуни билсам! Пешонам бунча шўр
бўлмаса! Билмайман дедим-ку! Нега ишонмайсиз?! Бу
чин сўзим ахир!

— Тониб нима қиласиз? Бу ишингиздан ўзингизга
факат зарар келади-ку! Наҳотки шунга ақлингиз етма-
са?!

Прокурорнинг гаплари орасидаги бир лаҳзалик су-
кут пайтида котиб ҳуштак чалиб, тишларини тозалаб
ўтиарди.

— Кўраяпманки, яхшилик билан ҳеч нарсага эришиб
бўлмас экан! Битлиқи халқ! — Прокурор уйғонаётган
вулқондек наъра тортиди. — Куч ишлатишга тўғри кела-
ди. Шуни билиб кўйингки, сиз ўта оғир давлат жинояти-
ни содир этгансиз. Сиз ҳозир конун кўлидасиз, сотқин,
исёнкор, қотил ва Сеньор Президентнинг ашаддий душ-
манини қочириб юборишда айланасиз... Сиз билан
ортиқча гаплашиб ўтиришга ҳожат йўқ!..

Хенаро Родаснинг хотини бутунлай адойи тамом бўлди.

Бу дарғазаб махлуқ ҳозир манфур ишга қўл уриши аниқ, улар даҳшатли, ўлимдан оғир жазони қўллашга шайланиб туришибди... Унинг қўллари қалтиради, оёқлари букилиб, тишлари тақиллай бошлади... Худди суюклари юлиб олинган-у, бармоклари ўрнида куруқ қўлқоплар осилиб тургандек. Тишлари фалокатдан огоҳлантираётгандек, тиззалари қутурган отлар қўшилган чанадан сакраб тушаётгандек букилиб-букилиб кетади.

– Сеньор! – илтижо қилди у.

– Мен билан ҳазиллашиш қандай бўлишини кўрасиз!
Қани тез бўлинг, генерал қаерда?

Олис бир ерда эшик очилиб, мурғак боланинг аччик йигиси эштилди. Қайноқ, ночор, адоқсиз мунгли нола...

– Ўғлингизга ачинмайсизми?!

Унинг гапи тамом бўлмасдан Федина бошини кўтарди. У ваҳимага тушиб, атрофга аланглади – бу фарёд қаердан келяпти?

– У икки соатдан бери фарёд солади. Кўраман деб бехуда овора бўлманг, кўролмайсиз. У икки соатдан бери очликдан йиғлайди, агар генерал қаерга яширинганини айтмасангиз – очликдан тўнгиз кўпади!

Аёл эшикка интилди, аммо учта барзанги йўлини тўсади, учта баҳайбат иблис уни ўйинчоқ қилиб судраб келди. Сочлари тўзғиди, кофтаси ечилиб кетди, юбкаси сирғалиб тушди – бу латта-путталар кимга керак? У деярли ялангоч, прокурор олдига эмаклаб келиб, тиз чўкди ва гўдакни эмизишга рухсат сўраб ялиниб-ёлворди.

– Генерал қаердалигини айтсангиз, барча истагингиз бажарилади.

– Исо алайхиссалом ҳаки, сеньор, илтимос қиласман, – нола кўтарди у прокурор этигини қучоқлаб. – Исо ҳазратлари ҳаки эмизишга рухсат беринг, қандай қийналаётганини кўрмаяпсизми?! Бир эмизиб берай, майли, кейин мени ўлдирсангиз ҳам майли.

— Худони ўртага қўйиб нима қиласиз! Генерал қаердалигини айтмагунингизча ўрнимиздан кимирамаймиз. Ўғлингиз ўлиб кетсин – бизга нима?

У оstonада турганлар олдига тиззалаб бориб, оёқларига тиз чўқди, сўнг яна прокурор этикларини кучоқлаб, ўшишга уринди.

— Сенъор, ўғлимга раҳм қилинг!

— Келинг, ўғлингиз ҳақи, генерал қаердалигини айтинг. Тиз чўкишингиздан фойда йўқ. Майнавозчиликни бас қилинг. Саволга жавоб бермасангиз – болангизни эмизмайсиз.

Прокурор ўрнидан турди – ўтиравериш жонига теккан эди. Перо билан тишини кавлаб ўтирган котиб баҳти қаро аёлнинг гапларини ёзишга чоғланди.

— Генерал қаерда?

Киши чоғларида дамбадаги сувлар нола чекади. Чақалоқ ана шундай нола чекиб, бўғилиб йиғлар эди.

— Генерал қаерда?

Ярадор ҳайвонга ўхшаб қолган Федина лабларини тишлаб, нима қилишини билмай жим турап эди.

— Генерал қаерда?

Шу тарзда беш... ўн... ўн беш дақиқа ўтди. Нихоят, прокурор кора ҳошияли дастрўмол билан лабларини артиб, ошкора пўписага ўтди:

— Айтишни хоҳламасангиз, сўндирилмаган оҳак билан баданингизни артишга тўғри келади. Балки ана шунда генерал қайси йўл билан кетганини айтиб берарсиз!

— Нимани хоҳласангиз шуни қиламан... Фақат беринг менга... беринг... чақалоғимни эмизишга беринг! Сенъор, мени бунчалик хўрламанг, кўриб турибсиз-ку, бу адолатсизлик! Сенъор унинг гуноҳи йўқ. Яхшиси, қанча бўлса мени азобланг, майли!

Эшикни кўриқлаб турган одамлардан бири уни полга ағдарди. Бошқаси оёғи билан тепди, аёл полда тўлғана бошлади. У ҳеч нарсани кўрмай, ҳеч нарсани сезмай қолди, фақат қулоғига биғиллаб йиғлаётган чақалоғининг ноласи эшитилар, фақат шуни сезарди, холос.

Бошқа урмасликлари учун у оҳакни арта бошлагандан соат тунги бир бўлганди. Чакалоғи йиғларди.

Ҳар замон, ҳар замонда прокурор:

– Генерал қаерда? Генерал қаерда? – деб сўраб туради.

Соат... Икки...

Нихоят, уч... Ўғли йиғларди.

Уч, аслида беш бўлиши керак эди...

Ҳали тўрт бўлмапти... Ўғли ҳамон йиғлайди...

Тўрт... Йиғлайди...

– Генерал қаерда? Генерал қаерда?

Қўллари чарсиллайди, бармоқларининг териси шилиниб тушади, тирноқлари тагидан қон оқади. Федина оғриқдан инграйди, ғадир-будир бўлиб қолган қўлларидан оҳакни артиб ўқотишга уринади. Оғриқдан эмас, ўғлини сўраш учун бир амаллаб ўзини қўлга олганда уни яна калтаклашади.

Прокурорнинг овози қулоғига кирмай қолди. Ўғлининг йигиси тобора заифлашиб, ҳа, заифлашиб борарди...

Йигирма дақиқаси кам бешда улар кетишди, у полда ағдарилиб ётар, хушини ўйқотган эди. Шилимшиқ сўлак лабларига ёпишиб қолган, майда-майда яра босган сийнасидағи нозик томирчалардан оҳакка ўхшаган оппоқ сут оқарди. Шамоллаб қизарган кўзларидан сийрак кўз ёшлири томчилайди.

Кейинроқ, тонг отганда уни камерага судраб кирдилар. У шу ерда ўзига келди. Ёнида бадани совиб, латта қўғирчоқдек шалвираб қолган чалажон ўғли ётарди. Она қўксини эмгач, унга салгина жон киргандек бўлди ва очкўзлик билан қўкракка ёпиши; аммо оҳакнинг аччиқ хидига чидай олмади, оғзидан чиқариб юборди, яна чинқириб йиғлашга тушди, қайта эмизишга қанча урин-масин, нафи бўлмади. Уни бир кўлида ушлаб, иккинчиси билан эшикни тақиллатиб, чакиришга тушди... Чакалоқ эса кўкариб борарди... Тобора кўкариб, кўкариб борарди. Наҳотки, бу бегубор, бегуноҳ норасида гўдакни онасининг кўлида ўлсин деб келтириб беришган бўлса?..

У яна эшикни тақиллатиб уриб, ёрдам сўраб бақира бошлади...

— Ҳой, ўғлим ўлаяпти! Ўғилчам ўлаяпти! Вой қадрдоним,вой ширин-шакарим,вой дўмбоғим! Ёрдамга келинглар! Очинглар! Очинглар! Худо ҳақи, очинглар! Ўғлим ўлаяпти! Муқаддас Биби Марям! Авлиё Антоний! Муқаддас Катерина!

Девор ташқарисида байрам давом этарди. Бугун байрамнинг иккинчи куни. Дорга ўхшаган чойшаб осиғлиқ; боғда куллар айланана бўйлаб дарвозани айлантиришади.

МУҲАББАТ ЖАФОСИ

— Келади... Келмайди...

— Гапларим эсингиздан чиқмасин!..

У кечикмоқда. Келса бўлди-да, тўғрими?

— Келмасдан иложи йўқ. Сиз ташвиш тортманг. Агар келмаса, майли, худо мени парча-парча қилиб ташласин!..

— Отам ҳақида бирон-бир гап топиб келармикин? У шунга ваъда берганди...

— Умид қилиш керак...

— Фақат ёмон хабар эшитмасам бўлгани!.. Нима бўлаётганини яхши тушунолмай қолдим. Чамаси, ақлдан озаётганга ўхшайман... У тезроқ кела қолсайди, ҳаммасини билгим келади... агар аҳвол ёмон бўлса, келмасаям майли!

Бека уйдаги ясатилган хос хонада каравотда ётган Камиланинг қалтироқ овозини эшитиб ўтиради. Пол устига ўрнатилган Биби Марям ҳайкали олдига кўйилган шамчироқ хира нур таратади.

— Келади, келади, яхши хабарлар олиб келади, шу гапларим ёдингизда турсин... Буни қаердан билади деб ўйлайсизми? Юрагим сезиб туради, ҳаммаси худди рисолада ёзилгандай... Аслида у эркакларни... Сизга айтиб берсам ишонмайсиз... албатта, ҳар хил бўлишади... э, куриб кетсин, ҳаммаси бир гўр... Худди итнинг ўзи... Суяқ ҳидини олса бўлди, уймалашиб қолади...

Камила оловни пуллаб ёндираётган беканинг харакатларига бефарқ караб ётарди.

– Мұхаббат – музнинг ўзи. Сўра бошласанг – шириншакар, кейин қарасанг, биттагина чўп қолади!

Кўчада қадам товушлари эшишилди. Камиланинг юраги қаттиқ уриб кетди, иккала қўли билан қўксини чангаллади. Товушлар эшиқдан узоклашади ва аста-секин йўқ бўлди.

– У келаяпти деб ўйлагандим.

– Ҳозир келади!

– Менимча, у аввал қариндошларимни кига боради. Топдим, у Хуан амаким билан бирга келади...

– Пишт! Сутга мушук тегиб кўйди. Ҳайдаш керак...

Камила мушукка қаради, стуллардан бирида турган идишдаги сутни ича бошлаган мушук беканинг ҳайқириғидан кўрқиб, мўйловларини ялаб қочишга шайланди.

– Мушугингизнинг оти нима?

– Ладан...

– Мениям мушукчам бор эди. Капля деб чақирадик.

– Ана кимдир келаяпти! Балки...

У келган эди.

Бека эшикни очгунча, Камила соchlарини тартибга солиб улгурди. Юраги дукуллайди. Бутун кун бўйи (унинг адоги йўқдек туюлди) тинка-мадори қуриди, рухан эзилди, довдиради, ўзаро пицирлашиб гаплашашётган жарроҳлар хузурида турган оғир беморга ўхшаб шалпайиб қолди.

Кара де Анхел осто надан ўтиши билан юзидаги ташвиш ифодасини сидириб ташлаган эди. У очиқ чехра билан:

– Яхши хабарлар бор, сенъорита! – деди.

Камила каравот оёғига суюниб турар, юзи тахтадек қотиб қолган, кўзлари ёшга тўла эди. Мулозим уни кўлидан ушлади.

– Аввало, энг муҳими, отангиз ҳақида. – У бекага бир караб олиб, товуш оҳангини ўзgartирмасдан бошқа нарса ҳақида гапирди:



- Отангиз бу ерда эканингизни билмайди...
- Ўзи қаерда?
- Тинчланинг!
- У соғ-саломат эканини билсам бўлди!..
- Ўтирсангизчи, дон-н-н-н... – гапга аралашди бека унга курси қўйиб берар экан.
- Раҳмат...

Сизлар бемалол гаплашиб олинглар, ҳозир сизларга керагим йўққа ўхшайди, яхиси, мен бориб Лусиодан хабар олай, эрталаб чиқиб кетганича дараги йўқ.

Мулозим Камилани ёлғиз қолдириб ташқариға чиқманг демокчи бўлиб, оғиз жуфтлаганича қолди. Бека кийимларини алмаштириш учун ичкари хонага кириб кетди, унинг ўрнига Камила жавоб берди:

– Килган барча яхшиликларингиз худодан қайтсин, сеньора! Эшитяпсизми?.. У накадар меҳрибон камбағал аёл! Фақат олижаноб гаплар билан дилимни овутди! Сиз жуда бадавлатсиз, олижаноб, насли тоза одамсиз, у сизни кўпдан бери яхши билади...

– Ҳа, меҳрибон аёл экани кўриниб турибди, аммо, шундай бўлса ҳам унинг олдида ҳамма гапни айтиш мумкин эмас, у бизни холи қолдиргани маъкул. Отангиз ҳақидаги маълумот шуки, у хавфсиз жойда, то чегарадан ўтиб кетгунча бошқа ҳеч қандай маълумот ололмайсиз. Қани, айтинг-чи, бояги хотинга отангиз ҳақида бирон нарса дедингизми?

- Йўқ, у ҳаммасидан хабардор деб ўйладим.
- Шуниси маъкул, у ҳеч нарсани билмаслиги керак.
- Амакиларим нима дейишид?
- Отангиз билан бўлиб, уларникига боролмадим. Аммо эртага кириб ўтаман, деб уларни огохлантиридим.

– Ташвишга қўйганим учун кечирасиз. Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, уларникида тинчроқ бўламан. Айникса, Хуан амакимникида. У мени чўқинтирган отам, ўзининг қизидек бўлиб қолганман...

- Тез-тез кўришиб турардингизми?
- Деярли ҳар куни... Ҳа... Деярли... Агар боролмай қолсак, у бизникига ё бир ўзи, ё хотини билан келар-

ди... Дадам уни жонидан ортиқ сұярди. Дадам: «Мен йўқ бўлсам, Хуан билан қоласан. Сен уни ардоқлашинг ва отанг ўрнида кўришинг керак», деб кўп тақрорларди. Якшанба куни ҳар доим бирга тушлик қилардик.

– Нима бўлишидан қатъи назар, сизни полициядан яшириш учун бу ерга олиб келганимни билиб қўйганингиз яхши.

Пилиги тозаланмаган шамчироқ шабкўр одамга ўхшаб тебраниб, хира нур сочади.

– Нимани ўйлаб қолдингиз?

У содда ва хотиржам гапиради.

– Отамни ўйлаяпман, ҳозир унга қанчалик оғир, бегона жойларда... қоронғи... сизга қандай тушунтирсам... У оч қолган, ухлагиси, сув ичгиси келади... унга карайдиган ҳеч ким йўқ... Унга Биби Марям мададкор бўлсин!.. Унинг сурати олдида бугун кун бўйи шам ёниб турди...

– Ҳар хил хаёлларга бориб, бошингизга фалокатни чақирманг. Пешонага нима битилган бўлса, шу бўлади. Тақдир бизни учраштирди, отангизга ёрдам бераман, деб ким ўйлаб кўрибди? – Қизнинг қўлидан ушлади, у қаршилик қилмади, иккаласи Муқаддас аёл тасвирига узоқ тикилиб ўтириши.

*Самовот эгаси ушлаб калитин
Оппоқ қорга туширди илоҳий тасвир.
Осмонда нур сочган ёргу юлдузга
Бокира танингни қўйди муҳрлаб!*

Бундай осуда дамларда айтишга сўз топилмайди, беором юраклар эса бир хилда депсиб ура бошлайди.

– Менга айтинг-чи... Дадам ҳозир жуда узоқда бўлса керак... Биз буни тахминан қачон била оламиз?..

– Аниқ айтолмайман. Фақат вақт кўрсатади.

– Кўп кутамизми?

– Йўқ...

– Хуан амаким билса керак?

– Бўлиши мумкин...

– Уларни тилга олганимда менга нега фалати тикиласиз?



— Нималар деяпсиз? Асло ундей эмас. Аксинча, улар бўлмаса, зиммадаги масъулият янада оғирроқ бўларди... Улар бўлмаса, сизни қаерга олиб бораман?

У қариндошлар ҳакида бутунлай бошқа оҳангда гапирав эди. (Соқчилар генерални ҳайдаб келаётганини кўз олдига келтирганда уни даҳшат босарди. Балки қонга беланган танасини занжирга солиб олиб келишар?..)

Эшик қўққисдан зарб билан очилди. Бека ҳовликиб кирди. Тиргаклар полга тарақлаб тушди. Шам нури тебранди.

— Кечирасизлар, сизларни безовта қилдим... Менинг Лусиомни олиб кетишибди... Кўшним айтиб берди, ёнидан қофоз чиқиб қолибди. Турмага жўнатишибди. Ҳаммасига ана шу мишики Родас сабабчи. Куни билан мен ҳам юрагим дук-дук уриб, не ҳасратда ўтирдим. Бу битлики бўлса сиз билан Лусико бегойимни олиб қочди деб сотқинлик қилибди...

Мулозим уни тўхтатолмай қолди. Бир дунё сўз... ва бирдан портлаш... Бир дақиқа, балки ярим дақиқа ичидаги нарса: Камила, ўзи, баҳти қаро севгиси осмонга учуб кетди. У ўзига келганда Камила юзини ёстиқка босиб аччиқ кўз ёши тўқар, бека эса ҳар бир сўзи тўфонга айланиб, оламга ўт кўяётгани ва ўзини ҳам тириклай ўпконга тортиб кетаётганини ўйлаб ўтирмай, қизни қандай ўғирлашгани ҳакида тинимсиз сайрамоқда эди.

Камила узоқ йиглади. Сўнг ойпараст қизларга ўхшаб ўрнидан турди ва ўраниб олиш учун бирон нарса беришни бекадан сўради.

— Агар сиз олижаноб одам бўлсангиз, — деди у Мигелга бека узатган шол рўмолни олар экан, — мени амаким Хуаннинг олдига олиб боринг.

У ҳозир қизга бор ҳакиқатни айта олмаслигини, тақдир ўки юрагини тилка-пора қилиб юбораётганини, айтилмаган сўзлари эса кўзларига жойлашиб олиб умидсиз нола чекаётганини билдиришдан ожиз эди.

— Шляпам қаерда? — сўради у бўғиқ овозда.

Шляпасини кўлига олиб, барча орзу-умидлари барбод бўлган қовоқхона ичкарисига охирги марта назар солиш учун ўрнидан турди.

— Фақат, — деди у остоңада бир зум тўхтаб, — фақат кечикмадикми деб кўрқаман...

— Бегона жойга бораётганим йўқ-ку. Ўз тушиш ганларимнига бораман. У ер мен учун — ўз уйим.

Кара де Анхел унинг кўлинини оҳиста ушлади ва худди юрагидан узиб олаётгандек шафқатсиз сўзларни айтишга мажбур бўлди:

— Уларникига бориш мумкин эмас. Улар сиз ҳақингизда эшитишни ҳам хоҳлашмайди. Улар акасидан воз ке-чишди. Бугун эрталаб амакингиз Хуан буни менга айтди.

— Уларни кўрганим йўқ деб ўзингиз айтдингиз-ку! Фақат бораман дегансиз уларга! Гапларингиздан тона-диган бўлиб қолдингизми? Қариндошларимга бехуда тухмат қиласяпсиз. Кўлингизга тушган ўлжадан воз ке-чолмаяпсиз — мана, гап қаерда? Мен ҳақимда эшитишни ям хоҳлашмайди, мени қабул қилишмайди эмиш! Ақлдан озиб қолибсиз! Қани, кетдик!

— Ақлдан озганим йўқ. Хўрланишингизни кўргандан кўра — ўлганим яхши. Сизга ёлғон гапирдим... сабабини... билмайман. Сабаби, элдан бурун азобланишингизни хоҳламайман. Мен эртага тағин уларникига бормоқчи ва сизни кўчада қолдирмасликларини сўраб ялиниб-ёлбормоқчи эдим, энди бундай қилиб бўлмайди. Сабаби, ўзингиз бораман деб оёқ тираб олдингиз, энди ҳаммаси бекор.

Бека ҳайкалча олдидағи шамни кўтариб, уларни кўчагача кузатди. Кўчалар сахродек кимсасиз! Мўъжазгина аланга тебраниб, ўчиб қолди.

ЭШИКЛАР ОЛДИДА

Тўқ-тўқ! Тўқ-тўқ-тўқ!..

Дарвоза тақиллатадиган болғанинг қувноқ садолари ҳовли бўйлаб тарқалади. Роҳатланиб мудраётган ит уйғониб кетди. Ўрнидан сакраб туриб, хуришга тушди.

Камила мулозимга ўгирилиб қаради – бу ерда – амакисининг дарвозаси тагида ҳеч кимдан қўрқмас эди – унга ғуур билан хитоб қилди:

– У мени танимай турибди. Олмос! Олмос! – қичкирди итга қараб. – Олмос, мен келдим! Танимай қолдингми-а? Югур, уларга хабар бер.

Яна йўлдошига ўгирилди:

– Озгина кутамиз.

– Ҳа-ҳа, майли, мени ўйлаб ташвишланманг, кутамиз.

У ҳамма нарсасидан ажралган ва ҳеч нарсага умид килмайдиган одам сингари лоқайд гапиради.

– Эшлишмаяпти, шекилли. Қаттиқроқ тақиллатиш керак.

У тилла рангига бўялган, қўл шаклида ясалган болғачани кўп марталаб дарвозага уриб турди.

– Оқсоchlар ухлаб қолганга ўхшайди. Шу пайтгача очишлари керак эди! Дадамнинг гаплари бежиз эмас экан, биласизми, у ҳам уйқуси камлигидан қийналарди, – уйқусизликдан безор пайтларида: «Оқсоchlардек тўйиб ухлашни хоҳлайман!» деб қўярди.

Ит вовуллайди, ичкаридан бошқа садо чиқмайди. У гоҳ дарвоза олдидан, гоҳ ҳовлининг энг ичкарисидан тинмай акиллайди – ит ҳовлидаги тошларни шақиллатиб югуради.

– Ажабо! – деди қиз эшик олдидан қўзғалмай, жимжитлик уни рухан эзib ташламоқда эди. – Улар ухлаб қолишган. Қаттиқроқ тақиллатиб қўрай-чи...

– Тўқ! тўқ-тўқ! Тўқ-тўқ!-тўқ!

– Ҳозир чиқиб қолишади, эшлишмаяпти, холос.

– Кўшнилар чиқса яхши бўлмайди, – деди Кара де Анхел. Туман пардаси қуюқлашган. Аммо бошқа эшикларнинг очилиб-ёпилиши эшлистиб турарди.

– Чарчаб қолганингиз йўқми?

– Ҳечқиси йўқ, тақиллатинг! Яна бир дақиқа кутайлик, ҳозир чиқишади.

Камила вақт тезроқ ўтсин деб ичида санай бошлади: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн,

үн бир, үн икки, үн уч, үн тўрт, үн беш, үн олти, үн етти, үн саккиз, үн тўққиз, йигирма бир, йигирма икки, йигирма уч... йигирма уч... йигирма уч... йигирма тўрт, йигирма беш...

– Келишмаяпти!

... йигирма олти, йигирма етти, йигирма саккиз, йигирма тўққиз, ўттиз, ўттиз... ўттиз, ўттиз бир, ўттиз икки, ўттиз уч... ўттиз уч, ўттиз тўрт... ўттиз беш, – у элликача санашдан чўчимоқда эди, – ўттиз олти... ўттиз етти... ўттиз саккиз...

Ногоҳ, ҳеч кутилмаганда унинг хаёлига у Хуан амакиси ҳақида рост гапирган экан, деган фикр қуилиб келди. Нафасини ичига ютиб, эшикни қатъият билан қаттиқ тақиллата бошлади. – Тўқ, тўқ-тўқ-тўқ, – у болғани қўлидан қўймади. – Тўқ, тўқ, тўқ, тўқ, тўқ, тўқ – бўлиши мумкин эмас!.. тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ.

Жавоби оддий – ит тинмай акиллайди. Уларга нима ёмонлик қилган эди, нега очишмаяпти? Яна тақиллатди. Ҳар бир зарбадан кейин илинж пайдо бўларди. Эшикни очишмаса, ахволи нима кечади? Шу хаёлнинг ўзи уни вахимага соларди. У тақиллатди, тақиллатди. Ашаддий душманининг бошига болға билан ураётгандек тақиллатаверди. Оёқларидан мажол кетди, оғзи қуриб қолди, тили танглайига ёпишди, қўркувдан тишлари тақиллай бошлади.

Дераза ғийқиллади, овозлар эшитилди. Ҳаммаёқ илиб кетгандек бўлди. Келишмаяпти, худойимга минг қатла шукур! Ёнидаги одамдан тезроқ қутулиш керак, унинг кўзлари қоп-қора, аммо мушукникидек ёмон тикилади. У чиройли, фариштадек кўринганига қарамай, ёмон одам. Кўчалар ва уйлар олами дарвоза билан тўсилганига қарамай қорамтирир юлдузлар сингари тулашиб кетган. Уйда ҳеч кимга билдирамасдан яширинча нон ейиш мумкин – бекитиб ейилган нон ширин туюлади-да! Уй донишмандликка ўргатади, у ҳимоя қилади, мустаҳкам туради, у – худди оиласвий фотосуратга ўхшайди: отаси галстук тақсан, онаси қимматбаҳо

либосларга бурканган, болаларнинг сочи ҳақиқий атири билан хўлланган. Кўча эса қалқиб туради, хавфли, хатарли, ойна сингари алдамчи. Кўча – умумий кирхона, у ерда етти ёт бегоналарнинг чойшаблари ювилади.

Болалигига бу эшиклар орасида неча мартараб ўйнаган эди. Ўйинлар Хуан амакисини кўчага кузатиб чиккунича давом этарди, шу ердан туриб кўм-кўк осмон остида ярқираб турган томларни томоша қиласарди.

– Ойна очилганини эшилдингиз-а, тўғрими? Бизга эса очишмаяпти... Балки биз... бошқа жойга келиб қолгандирмиз?

У болғачани ташлаб ўйнинг пиллапоялари олдига чопиб борди. Йўқ, адашган эмас. Хуан амакисининг уйи. Тунука тахтачага: «Хуан Каналес. Инженер», деб ёзиб қўйилган.

Ўпкаси тўлиб, болаларча ҳўнграб йиғлаб юборди. Ақлининг энг теран жойларидан жажжи қора отларга минган қора фикрлар қайнаб чиқа бошлади. Кара де Анхел тўғри гапирган экан. Камила эшитишни ҳам хоҳламаган эди, аслида, у ҳақ бўлиб чиқди.

Кўчани қаймоқдек қуюқ, семиз ўтдек ўткир ҳидли лойқа туман босди.

– Мени яна озгина кузатиб қўйинг. Дастьлаб Луис амакимниги борамиз...

– Хоҳлаган жойингизни айтинг...

– Хўўп, кетдик бўлмаса, – кўз ёшлари ёмғирдек күюлди, – булар менинг киришимни хоҳлашмаяпти.

Улар юриб кетишиди. Қиз ҳар дақиқада орқасига қараб қўяр, ҳали ҳам умиди узилмаган эди; мулозим эса хўмрайиб, жим борарди. Бундай қилиқ дон Хуан Каналесга ярашмайди!

Бунақа ҳақоратни кечириш мумкин эмас! Улар кетишиди, ит акиллаб қолди. Умидлар узилди. Вовуллаш ҳам тинди. Зарбхона олдида сархуш хат ташувчига дуч келишиди. У ойпараст каби чайқалиб, хатларни йўл-йўлакай сочиб борар, қўлларини кўкка чўзиб, ғалати овозлар чиқаарди, узун сўлаги чўзилиб, хизмат курткасидаги тугмачага ўралиб қолган эди. Камила билан

Кара де Анхел бирданига унинг ёнига югуриб боришиди, хатларни йигиб, халтасига солишиди ва энди бундай қилманг, деб тайинлашди.

– Сиз-лар-га раҳ-мат!.. Кат-та раҳ-мат де-яп-ман...

Хат ташувчи зарбхона деворига суюнганча қийналиб гапирап эди. Улар кетишди. Хат ташувчи ҳам халтасини кучоқлаб, қўшиқ куйлаб йўлга тушди:

*Осмонга чиқмоқ учун
Зарурдир икки зина;
Узун бўлади бири,
Иккинчиси калтароқ.*

Кейин нақаротга ўтди:

*O, илоҳа, сен кўқдасан,
Айт-чи, қаерда манзилинг.
Ўз мамлакатинг сари
Борасан, борасан, борасан!*

– Авлиё Иоанн бармоғини чўзиб, хат ташувчилар орасидан мени... Гу... Гу... Гумерсиндо Соларесни кўрсатади...

Яна куйлайди:

*Ўлсам агар, айтинг-чи,
Тобутимни кўтаради ким?
Фақат роҳиба аёллару
Хизматга тайёр бир нон!*

– Оҳ-оҳ-оҳ-оҳ, ҳеч кимга, ҳеч кимга ке-ра-гинг йўқдир сенинг.

Қоқилиб, туман ичида ғойиб бўлди. Бўйи кичкина, калласи катта эди.

Айни шу дамда Хуан укаси Хосе Антониога телефон қилиб гаплашмоқда эди. Марказий тармоқ жавоб бермади. Гўшакдан тинимсиз шовқин ғувиллаб турди. Ниҳоят, ер остидан чиққандек овоз келиб қолди. У дон Хосе Антонио Каналеснинг уйини сўради, ҳеч кутилмагандага акасининг таниш товушини эшилди.

— Лаббай, ҳа. Мен ўзим, Хуанман... Танимай қолдингми, деб ўйлабман... Гап бундай, тасаввур килиб күр. Ана шу нусха билан, ҳа... Нимасини айтасан, нимасини айтасан! Ҳа, тушунарли... Ҳа... ҳа... Нима? Йў-ўқ, албатта очганимиз йўқ!.. Оқибатини ўйлаб кўргин... Бу ердан сеникига кетишгандир... Нима, нима? Ўзим ҳам шундай ўйлагандим... Ҳа, жуда кўркиб кетдик!.. Ҳа, сизлар ҳам шундай бўлдингларми?.. Хотинингга катта зиёни тегади... Меники очмоқчи бўлди, рухсат бермадим!.. Албатта, ўз-ўзидан маълум!.. Қўшнилар-чи... Албатта, албатта! Меники ундан баттар... Жони чиқаёзди... Сендан кейин Луисникига боришса керак... А, шундайми?.. Бориб бўлишибдими?

Тонг оқимтири, заиф, ҳар жой-ҳар жойда лимон ёки апельсин шарбатини эслатадиган журъатсиз ёруғ шуъла, гуриллаб ёна бошлаган гулхан алангасининг олтинранг жилоси – тонг. Улар дон Хосе Антонио дарвозасидан узоқлашиб бормоқдалар.


Камила ҳар қадам ташлаганда:

— Уларни худо жазолайди, – деб такрорлайди.

Унинг тишлари такиллайди. Нам босган қўзларига яшил ўтлоқлар маъносиз телмуради – тонгни бу даражада аччиқ қаршилашни у тасаввур ҳам қила олмасди. У тақдир зарбаси карахт килиб қўйган кишиларга ўхшаб гандираклайди. Оёги тушовлангандек. Хаёли жойида эмас.

Кушлар тонгни шаҳар боғидаги ёки кичик кулбалардаги сархуш қалин бутоқларда кутиб оладилар. Самовий садолар қалтираб тонг шуъласига қоришиб кетади. Атиргуллар уйғониб тангри таолога салом берадилар, гўшт дўқонидаги ўтмас болталар уларга жўр бўлади; хўрозлар қанот қоқиб, қичкириб қўшиқларини машқ қиласилар; катта саватлардан нон иси таралади; тунги дайдилар тентирайдилар, эшик ғийқиллайди – кампир черковга шошилади ёки дастёр қиз хўжайинини нонушта қилиб кетмоғи учун нон дўконига югуради.

Тонг ёришмоқда...



Құзғунлар ўлган мушук жасадини тортқилашади, қулуңлар оч күзларини ялтиллатыб, нафаси бўғилиб, биялар ортидан югуришади. Бир кўпак оқсоқланиб, думини қисиб, ҳадиксираб маъюс боқади ва тишларини ғижирлатади. Улар деворлару эшикларга кичик Ниагара шоввасини чоптирадилар.

Тонг ёришмоқда.

Туни билан марказий кўчаларни супуриб чиқкан, шарпани эслатадиган дағал кийим кийган ҳиндулар ти-зилишиб, қулбаларига қараб борадилар; уларнинг кул-гиси ва тушуниб бўлмайдиган сўзлари тонг сукунатида чирилдоқлар товушига ўхшаб таралади. Бошлари узра соябон ўрнига супургиларини кўтариб олишган. Бодомдек тишлари оппоқ. Гоҳо-гоҳо баъзилари тўхтаб, кўриқчиларга қаратиб бурнини қоқади. Ибодатхоналар олдидан ўтаётганда ҳаммаси шляпасини кўлга олади.

Тонг отмоқда...

Биринчи маросимхонадан қуюқ тутун кўтарилади. Олисда паровозлар ҳуштак чалади.

Қовоқхона бекаси улар бирга қайтганини кўриб, ниҳоятда шод бўлди.

У кечаси билан кўз юммай чиқди, улар келиши билан Васкесга овқат бериш учун турмага чопқиллаб кетди.

Кара де Анхел хайр-маъзур қилди, Камила эса баҳтсиз қисмати учун қуйиб йиғлади.

— Кўришгунча, — Мигель нега шундай деганини ўзи ҳам билмай қолди. Қайтиб келиши учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди.

Ташқарига чиқар экан, ҳозир онасининг ўлимидан кейин биринчи марта йиғлаб юборишини ҳис қилди.

ПРОКУРОР ШОКОЛАД ИЧИБ, ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛАДИ

Ҳарбий прокурор шоколадли қаҳвани ичиб бўлгач, бир томчиси ҳам қолмасин деб финжонни икки марта ағдариб қўйди. Кейин сичқон рангидаги мўйлабини енги билан артди, чироқ томонга энгашиб, кастрюлкани текшириб кўрди.

Индамас, бадбашара, узоқни кўролмайдиган бу очкўз қиши қоғозлар ва ёғ босиб кетган қонунлар орасига кўмилиб ўтирганда эркакка ҳам, аёлга ҳам ўхшамасди. У, хукуқ ҳимоячиси, герб босилган қоғозлар дараҳтига эгалик қилиб, камбағал табақаларнинг сувини сиқиб, сўриб ётарди. Гербли қоғозларга бу даражада муккасидан кетган бошқа одамни топиб бўлмайди. У бармоқлари билан кастриюлкани кавлаштириб чиқди, юқи қолган-қолмаганини текширди, сўнг нигоҳини эшик томон тиқди ва катта туфли кийиб, оёғини доим судраб юрувчи хизматкор аёл худди қўрқинчли шарпадек кабинетдаги ягона эшиқдан қараб турганини кўрди.

- Шоколадни ичиб бўлдингми?
- Ҳа, катта раҳмат. Ширин экан. Охирги томчисигача ичишни яхши кўраман!
- Финжонни қаерга қўйдинг? – сўради у столда қалашиб ётган китобларни у ёқ-бу ёққа суриб.
- Мана у! Кўрмаяпсанми?
- Яхиси ўзингга қара. Саватинг гербли қоғозларга тўлиб кетибди. Эртага бориб хабар олиб келаман, сотиб олишармикан?
- Фақат эҳтиёт бўл, ҳеч ким билиб қолмасин.
- Ақлимни еб қўйибманми? Бу ерда тўрт юз йигирма беш сентаволик, эллик сентаволик икки юзта қоғоз бор, кечкурун дазмол қизигунча уларни санаб қўйганман.
- Девор тақи́ллаб, ходима аёлнинг гапини бўлиб қўйди.
- Тинч қўйишмайди, тентаклар!.. – тўнғиллади прокурор.
- Ҳамма ерга бурнини тикишади... Бориб қарайчи, ким экан... Ҳатто ошхонада ўтирганингда ҳам тинч қўйишмайди!
- Ходима охирги сўзларини юриб кетаётиб айтди. У эски соябонга ўхшарди – боши кичкина, шалвираган юбкаси узун.
- Мен йўқман! – кичқирди прокурор хизматкорнинг орқасидан.
- Бир неча дақиқадан кейин кампир оёғини судраб қайтди. Қўлида хат бор эди.

– Жавобини кутишяпти...

Прокурор жаҳл билан хатжилдни очди, ёзувларга кўз ташлар экан, ходимага юмшоқ гапирди:

– Бориб айт, розиман.

Ходима жавобни етказиш ва бирваракай деразани ҳам ёпиб қўйиш учун оёгини судраб хат келтирган боланинг олдига кетди.

У узок вақт эшикни тозалади, ювилмаган финжон стол устида анчагача қаровсиз қолди.

Прокурор бўлса, оромкурсига ўзини ташлаб, хатни синчиклаб ўқиди. Ҳамкасларидан бири унга фойдали бир иш таклиф қилмоқда эди.

Донъя Чон – Олтин Тиш, Сенъор Президентнинг яқин дўсти ва фоҳишахона эгаси, юксак нуфузга эга бўлган инсон, бугун эрталаб идорамга кирди, – деб ёзган эди ҳуқуқшунос Видалитас, – «Янги уй»да ёш соҳибжамол аёлни кўрганини ва уни ёқтириб қолганини маълум килди. Ана шу аёл учун у 10.000 песо бермоқчи. Аёлни қамоққа олганинг билганим учун сени безовта қилишга ҳаддим сифди. Ана шу каттагина маблағ эвазига шу аёлни менинг мижозимга бера оласанми?»

– Яна нима керак экан, дарров айт, мен ухламоқчиман.

– Бошқа ҳеч нарса керак эмас, борақол. Яхши тушлар кўргин.

Аёл эшиклар орасида судралиб борар экан, прокурор рақамларни завқланиб ҳисоблар эди: бир... ноль... яна ноль, яна ноль... яна ноль... битта ноль. Ўн минг песо!

Кампир қайтиб келди.

– Ёдимдан кўтарилий депти, руҳоний ота эртага ибодатни барвақт бошлишга ижозат сўраган эди.

– Дарвоке, эртага шанба-ку! Мени вақтлироқ уйғот, эсингдан чиқмасин. Кеча ухлаганим йўқ, ўзим уйғонолмасам керак...

– Уйғотаман, уйғотаман.

– Хизматкор оёгини судраб чиқиб кетди. Яна қайтиб келди. Ювилмаган финжонни унутиб қолдирган экан. Ечиниб бўлганида эсига тушиб қолди.



— Эслаб қолганим учун худога шукур, — минғиллади у. — Агар бўлмасам... агарда... эслолмаганимда мен... — У туфлисини қийналиб кийди. — Агар эслолмаганимда... — чукур нафас олди. — Финжонни аввалроқ олганимда, ҳозир тўшакда бемалол ётган бўлардим.

Кампир келиб-кетганини прокурор сезмади. У сўнгги нодир асари — генерал Эусебио Каналес устидан ўtkазиладиган суд жараёни қораламасини завқланиб ўқимоқда эди. — Тўртта асосий жиноятчи: Федина Родас, Хенаро Родас, Лусио Васкес... — у тамшаниб қўйди, — яна бир одам — Мигел Кара де Анхел етишмаяпти.

Хужумга учраган кальмар қора булут чиқаради. Шунга ўхшаб генералнинг қизини ўғирлаш ҳам чалғитиш учун усталик билан тузилган режадан бошқа нарса эмас. Федина Родас берган кўрсатма ишнинг бу томонига ёруғ нур ташлайди. У келгунга қадар, яъни соат олтигача, уй бўшаб қолган эди. Аёл рост гапираётганини мен дарров фаҳмлаб олдим, салгина бураганимга сабаб, кўрсатмалари Кара де Анхелнинг жиноий ишларини батамом фош этиш учун рад этиб бўлмайдиган далилларни олиш эди. Эрталаб соат олтида уй кимсасиз эди, полиция берган бошқа маълумотга қараганда, генерал тунги соат ўн иккida уйига қайтган.

Ечилди, жиноятчи тунги соат иккida, яъни сохта ўғирлаш режаси амалга оширилаётган пайтда қочиб кетган...

Ха, Сеньор Президент ўзининг эркатои энг ёвуз душманини қочириб юборганини эшитганда қай аҳволга тушар экан?

Ана шу ҳолатни томоша қилиш бирам ғалати бўладида!

У ёд бўлиб кетганига қарамай, Ҳарбий кодексдаги жиноятни фош этиш бандини такрор-такрор ўқиб, ширин шарбат ялагандек кувончдан яшинади. Ҳар бир банд охиридаги «ўлимга маҳкум қилинсин» ёки «бир умр-

¹ Балиқнинг бир тури. (Тарж.)

лик қамоқ жазоси берилсін» каби хукмларни ўқиганда бўтакўз гулидек кўзлари ярақлар, кулранг баданига жон кириб, қизариб борарди.

Эй дон Мигелин Мигелито, ниҳоят, айни ўз пайтида қўлимга тушдинг-ку! Кечагина мени саройда мулзам қилганингда сен билан бунча тез ҳисоблашамиз деб, ўйламаган эдим. Мен қасос олишни биламан, жуда яхши биламан!

Эртаси куни соат ўн бирда у қўрғошиндек совук қалбida интиқом алангаси ловуллаб ёниб, сарой зина-пояларидан кўтарилиб борди. Қўлтиғидаги папкада му-лозимни қамоққа олиш ҳақидаги фармон бор эди.

— Хўш, сенъор прокурор, — деди Президент у маълумот бериб бўлгач. — Қоғозларингизни менда қолдиринг ва сўзларимни яхшилаб тингланг: сенъор Родас ҳам, Мигел ҳам айбдор эмас. Уларни тинч қўйинг. Буйруқни йиртиб ташланг. Ким айбдорлигини билишни хоҳлайсизми? Ҳаммаларингиз! Сиз ақлсиз телбалар айбдорсизлар, хеч нарсага арзимайсизлар!.. Қочишга салгина уриниши билан уни жойида отиб ташлаш керак эди! Мен шундай буюрган эдим. Хўш, улар очиқ эшикни хотиржам кузата олмасалар, кимни айблаш керак? Ўгрилар... лъянати телбалар! Алам қилса, бурнингизни кесинг: Кара де Анхел генерални қочишига ёрдам берган эмас. Уни ўлдиришга кўмак берган эди. Ҳаммаларингиз полиция ходими эмас, чўчқабоқарсизлар... Кетишингиз мумкин. Вассес ва Родас иккаласи билан шуғулланинг. Айниқса, Вассес билан. У керагидан ортиқ нарсаларни билади. Қорангизни учиринг!

БИР ДАРАХТ МЕВАЛАРИ

Хенаро Родас (у ҳали жонсиз телбанинг ёш тўла кўзларини унута олмаган эди) ҳарбий прокурор олдида тик турар, боши эгилган, уйдаги мусибатлар ва ҳар қандай матонатли одамни ҳам букиб ташлайдиган эрксизлик азоби уни адойи тамом қилган эди. Прокурор кишинларни ечишга буюриб, малайни чақиргандек ёнига чорлади.

— Хўш, қадрдон, — деди у айни хукмдек таассурот қолдирадиган узок жимлиқдан кейин. — Менга ҳамма нарса маълум. Гадо Муқаддас арк остида қандай ҳалок бўлганига доир маълумотларни ўз оғзингдан эшифмоқчи эдим...

— Бу шундай бўлган эди... — тез бошлади Хенаро ва айтаётган гапидан ўзи кўркиб кетиб, жим туриб қолди.

— Хўш, хўш, «бу шундай бўлган эди...»

— Марҳаматли сеньор! Худо ҳақи, мени қийноққа солманг! Марҳаматли сеньор! Бундай қила кўрманг. Мен сизга бутун ҳақиқатни айтиб бераман, фақат сиз, сеньор, Исо Масих ҳақи, мени қийноққа солманг!..

— Сен, дўстгинам, бекорга ҳаяжонланма, қонун ашаддий жиноятчиларга нисбатан қаттиқ турди, она сути оғзидан кетмаганлар бошқа гап!.. Ҳаяжонланмасдан тўғрисини гапир.

— Оҳ, фақат қийноққа солманг, кўряпсиз-ку, кўркиб кетаяпман!

У даҳшатли азоблардан ўзини асраб қолиш умидида ялиниб-ёлворар, эгилиб-букилар эди.

— Қани, бошла!

— Бу шундай бўлган эди... Кечаси эди... қай пайтдалиги ўзингизга яхши маълум. Лусио Вакес билан Арк ёнида — ҳиндулар маҳалласи томонида юрган эдим, Лусио деганимиз мени махфий хизмат бўлимига жойлаштириб кўйишига ваъда берганди. Демак, биз шартлашилган жойда учрашдик, сўзимиз сўз эди, у бир қадаҳдан ичайлик деб таклиф қилди, майдондан кўтарилишда «Уйгонган арслон» деган бир қовоқхона бор. Хўш, бир қадаҳ, икки, уч, тўрт, беш... ким санаб ўтириби...

— Шундай, шундай... — уни рағбатлантириди прокурор баённома ёзаётган котибига имлаб.

— Мана, кўряпсизки, у мени ишга жойлаштиргани йўқ. Мен, майли, зарари йўқ, дедим... У эса мени, эҳ, унунибман, ароқ пулени ўзи тўлади. Ташқарига чиқиб яна Арк олдига бордик... У менга хизмат вазифасига кўра шу ерда бир кутурган телбани кутиши кераклигини ва уни ўлдириш буюрилганини айтди. Шундай қилиб,

биз Арк олдига бордик. Күчадан охиста кесиб ўтдик, кейин у югуриб кетди! Шундай қилиб, мен орқасидан чопдим, уни кимдир қуваяпти, деб ўйладим. Соқов худди девор босиб қолгандек бўкирар эди. Лусио револьвери билан нишонга олди... Марҳаматли сенъор, мени айбим йўқ, мени қийнокқа солманг, уни мен ўлдирганим йўқ! Иш қидириб юргандим. Бу ерда эса мана шунақа ишлар... Дурадгорлигимни қилиб юравермайманми?! Шайтон йўлдан уриб, полицияни хоҳлаб қолдим!

Родаснинг кўзларига яна муз қотган Пелеле кўринди. Прокурор авзойини заррача ўзгартирмасдан тугмачани босди. Эшикдан турма бошлиғи ва ходимлар мўралашди.

– Икки юз дарра!

Прокурор овозини баландлатмади. Ўзини икки юз песо беришга имзо чекаётган банк бошлиғидек хотиржам тутди. Родас буни тушунмади. Бошини кўтариб, уни кутиб турган яланг оёқ турма ходимларига кўз ташлади. Уларнинг ҳайратланмасдан, хотиржам, ҳиссиз тургани ҳам унда ҳеч қандай шубҳа уйғотмади. Котиб сепкилли юзини буриб, локайд қараб қўйди. Турма бошлиғи прокурорга сўз қотди. Прокурор эса турма бошлиғига нимадир деди. Родас эшитмади. Родас тушунмади. Шунга қарамай, турма бошлиғи олдига келиб, ёнбошдаги куббали катта хонага ўтишга буюрганда ниҳоятда ожиз эканлигини англаш боради. Бошлиқ бор кучи билан унга мушт туширди.

Навбатдаги жиноятчи – Ваксесни олиб келишганда прокурор ҳали ўзига келмаган эди.

– Уларга яхшилик қилиб бўлмайди! Булар фақат даррани тушунади! Даррадан бошқа нарса ёқмайди!

Ваксес ўзини яқин одамлари даврасида, деб хис килса-да, сўнгги сўзларни эшитгандан кейин хушёр тортиб, ташвишланиб қолди. Ҳа, сен аҳмоқни генерал Каналес ишига ўралашибиршигандан кейин, айбинг йўқлиги билан ким ҳисоблашиб ўтиради.

– Исмингиз?

– Лусио Ваксес.

- Келиб чиқишингиз?
- Шу ерлик...
- Нима демоқчисиз? Турмаданми?
- Йўғ-э, пойтахтдан.
- Хотинингиз борми? Бўйдоқмисиз?
- Умрбод бўйдоқман.
- Тўғри жавоб беринг! Касбингиз, хунарингиз?
- Хизматда тураман...
- Нима?
- Давлат хизматчиси...
- Судланганмисиз?
- Ҳа.
- Қандай жиноят билан?
- Қотиллик. Босқинчилик қилганман.
- Ёшингиз?
- Мени ёшим йўқ.
- Буни қандай тушуниш керак?
- Неча ёшга кирганимни билмайман. Ёшим жуда зарур бўлса, ўттиз беш деб ёзаверинглар.
- Пелеленинг ўлими ҳақида нималарни биласиз?
- Прокурор жиноятчининг кўзига тик қараб, саволларни тўхтовсиз ёғдирмоқда эди. Аммо сўзлари нишонга аниқ тегмаётгани кўриниб турарди... Боплаб туширсанг – кейин қўлингни артишга ҳам арзимайди! – Вақес аниқ жавоб берди:
- Пелеленинг ўлими ҳақида шуни биламанки, уни мен ўлдирдим. – Янада аниқ бўлиши учун қўлини кўкрагига никтади: – Мен! Мен ўлдирдим!
- Бу нимаси? Биз билан ҳазиллашмоқчимисиз? – ўқирди прокурор. – Эсингизни еб қўйганмисиз? Бу гапнингиз учун қатл этилишингизни биласизми?
- Бўлиши мумкин...
- Нима бўлиши мумкин?
- Прокурор бир дақиқа талмовсираб қолди. Вақеснинг хотиржамлиги, чийилдоқ товуши, олазарак кўзлари уни ғазаблантира бошлаган эди. Вактдан ютиш учун котиба ўтирилди.
- Ёзинг...

Қалтироқ овозда қўшимча қилди:

– Ёзинг: Лусио Вассес Хенаро Родас иштирокида телба Пелелени ўлдирғанман деб, кўрсатма берди.

– Ёзим, – тишлари орасидан чиқариб таъкидлади котиб.

– Мен кўряпманки, – изоҳ берди Лусио. Унинг осо-йишта, мазах қилувчи оҳангда сўзлаши прокурорнинг ғазабини қўзғатди. – Ҳа, кўряпманки, сеньор проку-рор кўп нарсаларни ҳали билмайди. «Кўрсатма бера-ди», «кўрсатма беради!» Бу нима дегани? Менга қолса, она сути оғзидан кетмаган шу тентакка қўл кўтариб ўтирармидим...

– Судни ҳурмат қилинг, акс ҳолда ёмон бўлади!

– Мен дангал айтаяпман. Менга қолса, тентак билан тенглашиб ўтирармидим? Кўлимда сеньор Президент-нинг буйруғи бор эди.

– Жим бўл! Ёлғон гапирайпсан! Қанақасига!

Гапи чала қолди, чунки шу дақиқада турма ходимлари пайдо бўлишди; улар Родасни судраб келишарди; унинг латтадек шалвираб қолган гавдаси диёнатли Вероника Исо Масихни сочиққа туширган суратига ўхшаб полда чўзилиб ётарди.

– Нечта? – сўради прокурор. Турма бошлиғи бука пайидан тўқилган, маймуннинг думига ўхшаган даррани кўрсатиб котибга жилмайиб қараб турар эди.

– Икки юз.

– Шундай...

Котиб уни ноқулай ҳолатдан чиқарди.

– Мен унга яна икки юз қўшиш керак деяпман, – у бошқалар тушунмаслиги учун сўзларни қўшиб, тишлари орасидан чиқариб гапирди.

Прокурор илиб олди:

– Шундай. Мен буни тутатгунимча икки юз қўшинг.

«Ўзинг қаримсиқ баҳарасан! Эски эгар!» ўйлади Вассес.

Турма ходимлари қурбонни судраб кетишиди. Қийноқ-қа солинадиган бурчакда жазо столига ётқизишиди. Тўрт киши қўл-оёғидан ушлаб турди, бошқалари савалашга



тушди. Бошлиқ зарбаларни санаб турди. Родас ғужанак бўлиб, бутунлай ҳолдан тойди, савалашга киришганла-рида увиллаб фарёд чекиб, тўлфона бошлади. Эгилувчан, саргимтири яшил хипчинда олдинги савалашдан қолган, қота бошлаган қон юки қора доғга ўхшаб кўринарди. Унинг охирги илтижолари бўғизланган ҳайвоннинг жон ачифидаги ноласига ўхшарди. У юзи билан тахтага қапишиб қолган, овози ҳам, ҳаракати ҳам тобора суса-йиб борарди.

Сочларига чигал тушди, юракни ўртовчи нола тур-мачиларнинг ҳансираши билан алмашди, яхши уролмай қолганларни турма бошлиғи савалар эди.

— Сиз, Лусио Ваккес, оғир жиноят қилган ҳар бир фуқаро Сенъор Президентнинг буйруғини бажарганман деса, жазодан қутулади деб ҳисоблайсизми? Сенъор Президент ақлдан озган эмас. У шундай буйруқ берадими? Бахтсиз телбани бу даражада шафқатсизлик ва разиллик билан ўлдириш учун берилган буйруқни тасдиқловчи хужжатингиз қани?

Ваккеснинг ранги оқариб кетди. Жавоб тополмасдан қалтироқ қўллари билан шимининг чўнтакларини кавла-ди.

— Ўйлайманки, тергов пайтида сўзлар эмас, хужжат-лар зарурлиги сизга маълум бўлса керак. Акс ҳолда биз қандай ишлаймиз? Буйруқ қани?

— Биласизми, бу ерда... қандай тушунтирсам экан... буйруқ менда йўқ. Топширганман. Сенъор Президент буни билиши керак.

— Нималар деяпсиз? Нега қайтариб бердингиз?

— Унда буйруқ бажарилгандан кейин қайтариб бе-рилсин, деб ёзилган эди. Менда қолмаслиги учун... Мен шундай ўйлайман... Сиз биласизми?..

— Оғзингни юм! Мени лақилятмоқчи бўлдингми? Президент деб бошимни котирасан! Мен сенга мак-таб боласиманми?! Қонунда қайд этилган ҳоллардан ташқарида шахснинг оғзаки кўрсатмаси инобатга олин-майди. Бу ер жиноят кодекси ҳақида маъзура ўқиладиган жой деб ўйлайсанми? Бас қил! Бас қил деяпман!

— Агар менга ишонмаётган бўлсангиз, ўзидан сўраб кўринг. Балки унга ишонарсиз? Сиз гадоларни сўрок қилаётган пайтингизда ёнингизда турган эдим.

— Оғзингни юм! Ади-бади айтишма, даррани хоҳлаяпсанми? Сенъор Президентнинг олдига бориб сўраб келами? Ҳа, Вакес, очиқ айтиб қўя қолай, сен жуда кўп нарсани биласан! Кўзингга кара, бекорга нобуд бўлиб кетасан!

Прокурор айтган сўзлар Лусионинг боши устида гильотинага айланди. У бошини эгди. Дераза ташқарисида шамол ғувилларди.

АЙЛАНМА ЙЎЛ

Кара де Анхел жаҳл билан галстути ва ёқасини тортқилади. Бегоналарнинг ишини телбаларча қайта муҳокама қилиш ғирт аҳмоқлик, деб ўйлади у. Бегоналарнинг ишлари... Бегоналар! Аччиқ шубҳалар, таъналар... Яхшилар ҳақида тилингни тиясан, ёмонларга кўшиб-чатийсан... Қип-қизил бўхтон. Очик ярага тушган чўйиртакка ўхшаб ачитади. Йўқ, таъна – ниқобланган маккорлик билан берилган жазо, у жуда чуқур кириб боради. Дўйстона маслаҳатга ёки шунчаки ҳамдардлик билдиришга ўхшаб кўринади... Ҳатто оқсоchlар! Куриб кетсин бундай ифлос ғиди-бидиларнинг барчаси!

Кўйлагининг тугмалари тушиб кетди. Узилди! Худди кўкраги иккига бўлинib кетгандек бўлди. Хизматкор аёллар унинг севги саргузаштлари ҳақида кўчада нималар дейишаётганини оқизмай-томизмай сўзлаб беришади. Кўпгина эрқаклар шунинг учун ҳам уйланишни хоҳламайдилар. Улар битирув имтиҳонида ёдлаган нарсларини шариллатиб айтиб берадиган тиришқоқ қизларга ўхшаб кўчада ўзи ҳақида тарқалган гапларни уйида гапириб берадиган аёл билан яшашни ёқтирумайдилар.

Бундай аёллардан яхшилик кутиш амримаҳол. Борабора у – Кара де Анхел каби ўзи килган-килмаган ишларни оқсоchlаридан эшитадиган бўлади.

¹ Бошни кесадиган жоди. (Тарж.)

Хуллас, у кўйлагини ечмасдан дераза олдига бориб, кия очди-да, пардани ярим туширди. Ухлаш керак... майли, у қия очик ҳолда бугунги кун, айнан, мана шу кун ҳали тамом бўлмаганини, ҳали давом этаётганини билдириб турсин.

«Ухлайман, – деб такрорлади у каравот олдига бориб. Оёқяланг, ёқаси очик кўйлакда шимини еча бошлиди. – Эҳ, сени қара-ю, шайтон! Пиджакни ечишни унутибман-ку!»

Ялангоёқ совуқ цемент полни босмаслик учун товони билан юриб, стул олдига келди ва суюнчиғига камзулини илиб, бир оёқда ҳаккага ўхшаб, сакраб-сакраб яна тўшак ёнига қайтди. Ёқимсиз совуқдан қочиб каравотга ўзини таппа ташлади. Шими қоронғида улкан соат милларига ўхшаб кўринди. Цемент музни эслатади. Накадар расво бу! Туз солинган муз. Музлаган кўз ёши. Кўчаётган муз устида қолган одам кутқаришга келган қайиққа шундай сакрайди. Ҳаммасидан, ха, барча ҳодисалардан қутилмоқ керак, каравотда – оролда, соя ва қоронғилик ўртасидаги оппок оролда кукундеқ тўзгиб кетаётган воқеаларнинг ҳаммасини унутиб ухлаш, ором олиш керак...

Орзу! Орзу қилганинг ё сеники, ё сеники эмас. У худди қафасдаги олтин булбулга ўхшаб кафтингда турибди. Вужудингга малҳам бўлувчи ёмби уйқу ҳеч қандай ташриф қофозисиз деразадан кириб келади ва киприклар эшигидан чиқиб кетади. Аввалгиларга ўхшаб хотиржам, мириқиб ухлаш керак.

Зум ўтмасдан у ухлай олмаслигини англаб етди, уйқу шифтдан ташқарида, уйнинг устидаги оппок бўшлиқда, қайсар мангалик қучогига турибди. У қорни билан чалқанча ётди. Сўнг чап томонига афдарилди. Кейин ўнг томонига. Аввалги роҳатбахш уйқу кейинги бир неча соат ичиди қаергадир ғойиб бўлди-қолди. Ҳеч қандай ташвиш, фам-ғуссани билмас эди, ётарди-ю хотиржам уйқуга кетарди. Қизни зўрлаб бўйсундирмагани учун эҳтирослари уни тергашга тушди. Баъзан ҳаётдаги қора аждарлар борлиғингни шундай бўғиб оладики, ўзингни

ўлдиришга тайёр бўлиб қоласан. «Мен ҳаётдан кетаман...» – деди у. Аъзойи бадани қақшарди. Бир оёғи билан иккинчисини тутиб кўрди. У осилиб қолган дорда битта мих камлик қиларди. «Маст одамлар кўчада кетаётганда осилганларга ўхшайдилар», – ўйлади у. – Осиленлар эса шамол тебратганда мастрларга ўхшаб қолади. Туйгулар устун келди. Мастлар уруғи... Осиленлар уруғи... Сен, Кара де Анхел, ҳамон ғўрсан! Ҳа, абраҳамлар ўз шаҳвоний ҳисоб-китобларида адашган эмаслар. Мен ўзимни кўлга олиб, Камилага кўл тегизмаганимда вужудимнинг бир қисми бўм-бўш бўлиб қолди. Мен ана шу бўшлиқни сезиб турибман, нафратлана-япман, ажабланмоқдаман, қопқондан чиқиб кетишга ҳаракат қилмоқдаман. Хотинсиз эркаклар нотавондирлар. Нақадар ифлослик! Чойшаблар аёлларнинг узун орқа этагига айланиб қолган. Тердан ҳўл бўлган ярамас этаклар.

Кортес «Қайғу кечаси»¹ да йиғлаган пайтда дарахт тагида япроқлар шундай қаттиқ азоб тортган бўлса керак. «Оҳ, менинг асабларим!..» Соатнинг эринган товуши. Гарданидаги шойи гажаклар... «Ҳеч қачон». Қўшнисида фонограф бор, билмаган эканман!.. Биринчи марта эшишиб турибман. Нариги томонидагининг ити бор. Эҳтимол, иккитадир. «Фонограф трубаси билан хўжайиннинг овози келаётган томонда – икки ит орасида менинг уйим, менинг бошим ва ўзим. Олис ва ёнма-ён – мана «қўшни» деганлари. Фақат фонографини бурашни билади. Яна гийбат тарқатади. Мен ҳақимда нима дейишлари маълум. Тешик халталар! Мен ҳақимдагиси майли, агар уни чайнашса... Агар у ҳақида бир оғиз ёмон гап эшитсан, уларни Либерал ёшлар гурухига жўнатиб юбораман. Тавбасига таянишади! Шайтон малайлари, заррача виждони йўқ. Шундай иғво тарқатишади: «Кечаси баҳтсиз қизни кўлга туширди, қовоқхонага олиб бориб зўрлади. Махфий

¹ 1520 йил 1 июлда Кортес қўшинлари ҳиндулар томонидан тор-мор этилган тун назарда тутилмоқда.

полиция эшикни қўриқлаб турди». Бу лаънати тойхарлар уни қандай ечинтирганим, кўйлагини йиртиб ташлаганим, хонада қамалиб қолган қушча ўзини деразага уриб, қанотларини тўзғитгани ҳақида гапиришади. Бир оғиз эркаламасдан, кўзларини юмиб зўрлади, дейишиди. Шундай ўлдиришади ёки тинчлантирувчи ичимлик ичишади. Қанийди, бутунлай буни тескариси бўлгани, жувонмардлик қилганим учун афсусланиб ётганимни билишса эди! Ҳеч бўлмаганда бу гапларнинг ҳаммаси ёлгон эканини англашса эди! Чамаси, улар буни тасаввур ҳам қила олмайдилар... Йўқ, бу серафимларга¹ Либерал ёшлар партияси кам. Ҳар иккаласи ҳам бўйдоқ – шубҳасиз бўйдоқ!.. Икковига шундай хотин олиб бериш керакки... Сенъор Президентнинг меъдасига тегиб кетган иккитасини биламан. Ана шуларни! Ана шулар жуда бол! Тўғри, биттаси ҳомиладор... Заари йўқ, тешиб чиқмайди. Ҳатто яхши бўлади. Сенъор Президент буюргандан кейин... кимни ҳадди сифади? Қаппайган қорнига ким қараб ўтирибди... Уйлантириб қўяман деб, уйлантираман деб қўрқитиши керак уларни...»

У ғужанак бўлиб ағдарилиб, тиззаларини қучоқлаб ётди, ёстиқ билан бошини беркитди – миясини пармалаётган фикрларни қани энди тўхтата олса. Чойшабларнинг хўл бурчаклари, кутириб чопаётган ақлнинг лаҳзалик бекатлари. У оёқларини узатди ва бармоқларини каравотнинг бронза оёқларига тиради. Кўзларини оҳиста очди. Гўё киприкларнинг нафис тўрларини йиртгандек бўлди. Кўзлари – шифтнинг туйнуги... у туйнукда осилиб турибди, вазнсиз, нимқоронғиликка ўхшайди, суяклари йўқ, қовурғалари тоғай кемирчакларга ўхшаб юмшаб қолган, боши Ойпарастнинг пахтаванд кўли... эшик тақиллатадиган болғача. Уйлар – болғабоп дараҳтлар. Уйлар – болғабоп дараҳтлар ўрмони. Товуш япроқлари тўкилади... Эшикларнинг кўл тегмаган дасталари кўл тегмаган товушларни улоқтиради... Тақиллатмасдан бошқа

¹ Христиан афсоналарида олти қанотли фаришта.

нима қылсынлар? Аммо очишмайди! Хохласанг, эшикни бузиб ташла! Тақиллатасан, тақиллатасан, хохласанг эшикни бузиб ташла. Тақиллатасан, тақиллатасан – натижә йўқ. Хохласанг, эшикни бузиб ташла...

...Ким?.. Ким у ерда?..

Кимдир ўлгани ҳақида хабар келибди.

– Майли, фақат ичкарига кирманг, у ухляяпти. Мана бу ёққа, столга қўйинг.

«Сенъор Хоакин Серон ўтган кечаси вафот этди. Худо раҳмат қылсын. Марҳумнинг хотини, болалари ва қариндошлари бугун соат тўртда – қуннинг иккинчи ярмида ўтказиладиган марҳум билан видолашув маросимиға қатнашишга таклиф этишни ўзларининг азадорлик бурчи деб биладилар. Марҳумнинг манзили: Карросеро тор кўчаси».

Хоакин Сероннинг ўлими ҳақида оқсоч ўқиб берадиган хабарни хоҳламайгина эшилди.

Қўлинни узатиб, қоғозни олди ва ёстиғи тагига тиқиб қўйди. Пешонаси устидан пат кийимли дон Хуан Каналес юриб ўтди: унинг қўлида тўртта чиллик туз, Исо Масиҳнинг тўртта юраги – қайроқ тош бор. Бўйнига доня Худит илиб олган; улкан кўкракларини сикиб кўйган корсетни гижимлайди, корсет металл ва ўргимчак тўрларидан тикилган, қадимги замонга мослаб турмакланган сочига тож кийган, алвастининг худди ўзи. Бош остига қўйиб олган қўли оқиб ётибди; у худди чаён ёпишган қўйлакни авайлаб ушлагандек бармоқларини эҳтиёткорлик билан чўзди.

Аста-секин, аста-секин.

Лифт елкасига кўтарилиди, ичи тўла чумоли... Лифт тирсагигача тушиб келди, ичи тўла ғалати чумолилар. Коронғиликда қўли, билагигача труба бўйлаб калтироқ тушиб келди... Унинг қўли – дарё. Қўли – жуфт бармоқлар... У полгача чўзилган ўн мингта тирноғини хис килди.

Бечора, тақиллатади, тақиллатади, натижә йўқ!.. Ана абраҳамлар, хачирлар! Очишганда башарасига тупуради... Худди икки карра икки – тўрт... яна икки қўшилса

олти... ўн олти... ўн етти... башарасига тупурман. Дастралаб қойиллатиб тақиллатди, охирига борганда – кучсиз, худди түмшүғи билан ерни чўқиллагандек... Тақиллатгани йўқ – ўзларига гўр қазишид... Умидсиз ҳолда уйғониш! Эрталаб олдига бораман... Шундай қилиш мумкин... Отанг ҳақида хабар келди, дейишим мумкин... Бугун ҳам бориши мумкин, хабар... Ишонмаса ҳам... мумкин...

«Мен унга ишонаман! Бу аниқ нарса, жудаям аниқ, улар отасидан воз кечдилар ва унга мени танишниям хоҳламайман», деб айтдилар. Камила беканинг каравотида елкасидаги оғриқдан тиришиб, эски тахталар, расмлар ва пардалар орқасида қовоқхонадаги кунда-шундалардан генерал қочиб кетгани, қизини ўғирлашгани, арзанданинг жасорати... сингари ўтган кундаги муҳим воқеаларни эшитиб ётарди... Бека ўзини ҳеч нарса билмагандек тутар, ичидан нима ўтаётганини сездирмасди.

Боши айланиб кетди. Камила бирдан бу сассиқ ҳидли одамлардан узоқлашди. У ғалати бир сукунат ичига қулав тушди.

Қичқириш – мумкин эмас... индамай ётиш – даҳшат... У бакириб юборди. Лаънати совуқдан бадани увишиб, музлаган қушнинг танасига ўхшаб қолди... югуриб кирди.

– Сизга нима бўлди? – У қизнинг шишадек кўкариб кетганини кўриб ваҳимага тушди, тишини қисиб олган, кўзлари юмилган. Бека дўконга югорди, графиндаги ароқдан оғзига тўлдириб Камиланинг юзига пуркади. Саросимада мижозлари кетиб қолганини ҳам сезмади. У бутун авлиё-анбиёлар ва Биби Марям номини тилга олиб Камилани бу ердан тезроқ олиб кетсинлар, деб илтижо қила бошлади.

«Эрталаб хайрлашаётганимизда у йиғлаган эди... Энди нима қилиш керак... Ҳозир ишонмаётган одамлар бир куни асл ҳақиқатни билиб оладилар – улар қайғуда ҳам, шодликда ҳам фақат кўз ёши тўқадилар...»

Кара де Анхел ўз каравотида ўз ёғига ўзи қовурилиб ётарди. Секин-аста уйку элита бошлади, худди пардек ен-

гил, худди иссиқ ҳаводек жисмсиз, шаклсиз бўлиб қолди,
ўзининг нафаси аллалай бошлади...

Камила бўлса юксак, мафтункор ва даҳшатли бўшлиқда қабр устидаги хоч каби учиб борарди.

Қора денгиз бағрида учиб юрган Ҳукмдор уйқу уни ўз кемаларидан бирига чорлади. Қийма-қийма бўлиб кетган курбонни ютаман деб талашаётган оч тўлқинлар оғзидан кўзга кўринмас куллар сўнгги дақиқада уни кутқариб олди.

– Бу қанақа одам? – сўради Уйқу.

– Мигел Кара де Анхел, – деб жавоб беришди кўзга кўринмас хизматчилар. Уларнинг оппоқ, узун қўллари енгидаги қора соялардан чиқиб турарди.

– Уни кемага чиқаринглар... – Уйқу ўйланиб қолди, – хали бир-бирини севиб улгурмаган, аммо севаман деб ўзини ишонтириб юрганлар кемасига чиқаринглар.

Уйқу хизматчилари уни ҳаётий ташвишлар чангига кўмилиб қолган хаёлий кемага кўтариб бордилар; аммо тақиллаб турган узун қўл уни яна юлиб олди...

... Каравот...

... Оқсоч...

Йўқ, хат эмас... Болакай!

Кўркиб кетган Кара де Анхел кўзларини уқалаб, бoshини кўтарди. Каравот ёнида болакай пишиллаб турарди. Ниҳоят, у тилга кирди:

– Бу ерга...сизни олдингизга... қовоқхонадаги бека... юборди... сиз... у ёққа... тез борар... экансиз... сенъорита... ёмон...

Агар арзанда Сенъор Президент бетоблигини эшитганда ҳам бунчалик тез кийинмаган бўларди. У дуч келган шляпани бошига кўндириб, ботинкаси боғланмаган, галстук тақмаган ҳолда кўчага отилди.

– У қандай аёл? – сўради Уйқу. Сувда оқиб келган атиргулни эндиғина ушлаб олган хизматчилар:

– Камила Каналес, – деб жавоб бердилар.

– Шундайми? Бахтсиз ошиқлар кемасида жой қолган бўлса, уни ўша ёққа олиб боринглар...

— Хўш, доктор, аҳволи қандай? — Арзанда оталарча меҳрибонлик билан сўради.

— Ўйлайманки, ҳарорати яна кўтарилади. Ўпкаси шамоллаган.

ЖОНЛИ ҚАБР

Энди ўғилчаси йўқ... Федина иплари узилиб, яроқсиз бўлиб қолган латта қўғирчоқни ушлагандек мурдани қайноқ юзига босди. Узоқ ўпди. Чўккалаб ўтирди – сарғиши нур эшик тирқишлидан тушиб турарди. Ўғилчасининг жасадига тўйиб қараш учун полгача эгилди.

Юзлари салқиб, яранинг пўстлогидек юпқа бўлиб қолган, кўз атрофлари қорайиб, лаблари кўкариб кетган... Эмизикли чакалоққа эмас, чала туғилган ҳомилага ўхшайди!.. Уни нурли йўлакчадан тортиб олиб, сут тўла кўкрагига босди. У худога илтижо қилди, ўксисб ўйғлади, ғўлдиради. Баъзан юраги тўхтаб қолгандек бўлар ва ҳиқичоқ ичида сўзлари бўлинниб-бўлинниб чиқарди: «Бо...ла...жо..ним!.. Бо..ла..жо..ним!..»

Қотиб қолган юзларидан кўз ёшлари думалайди. У кучдан қолгунча йиғлади, эри хаёлига ҳам келмасди. Агар қўйилаётган айбни бўйнига олмаса, очдан ўлдирамиз, деб эълон қилишган. Аёл оҳакдан илма-тешик бўлган қўли ва кўкрагидаги оғриқни, шамоллаган кўзини, жазони ўйламас, тош, метин бўлиб қолган эди. Кўз ёшлари буткул адо бўлгандан кейин у болажонининг қабрига айланишини ҳис қилди, уни қайтадан корнига жойлаб олади ва ўлгунча ундан ажралмайди. Қалбидаги ниҳояси йўқ ғам-ғуссани қисқагина қувонч ўқотгандек бўлди. Ана шу фикр – ўз ўғлининг қабрига айланиш истаги юрагини малҳамдек мойлади. Суюкли эри билан қабрга бирга бораётган фароғатли Шарқ аёллари ана шундай севинадилар. Йўқ, у улардан кўра ортиқроқ қувонди, чунки у қабрга бормади, ўзи жонли қабрга – сўнгги бешикка, она бағрига айланди,

улар Қиёмат қунида сур чалинишини бирга кутадилар. Күз ёшларини артмасдан, худди байрамга бораётгандек соchlарини текислади ва камера бурчагига сиқилиб ўтириб, жасадни кўкрагига, қўлларига, оёқларига босди...

Қабр марҳумларни ўпмайди – у ўпиши мумкин эмас. Улар сикади, худди ўзига ўхшаб кучли сикади. Улар тинчлантирадиган кўйлакка ўхшайди, тинчлантириш ва севиш кўйлаги, унинг ичида чувалчанглар ғимирлаб, нафасинг қайтса ҳам жим ётишинг керак.

Нурдан қочган қора соялар чаёнларга ўхшаб деворда оҳиста ўрмалайди. Девор – суяқдан... Уятсиз расмлар қалаштириб чизиб ташланган. Федина кўзларини юмди – қабр ичи коронғи; сукут саклади, товушини чиқармади, қабр устида сукут сақлаш керак.

Кеча. Самовий сувлар билан ювилган сарвлар хид сочади. Қалдирғочлар. Ингичка ярим ой. Кўчалар ҳали ёруғ. Болалар мактабдан чопиб келишмоқда. Янги ҳаёт тўлкинлари шахарга интилади. Баъзилар сурбет пашшаларни ҳайдаб, беркинмачоқ ўйнашади. Бошқалар хўрзга ўхшаб уришаётгандарни ўраб олишган – бурунлардан кон, йиринг, кўз ёши оқади. Учинчилари эшикларни тақиллатиб, қочиб кетишади. Тўргинчилари ҳар хил ширинликлар еб, қарта ўйнашади, асал солинган кулчаларни, шакар аралаштирилган кокос ёнғоқларини, бодомли печенийларни пакқос туширишади ёки қароқчиларга ўхшаб мевали саватчаларни бўшатишади, орқадагилар юриб кетатуриб чайқовчилик қилишади, маркаларни кўришади, чекишади ва ким биландир муштлашишга ҳаракат қилишади.

«Янги уй» олдига извош келиб тўхтади. Ундан учта ёш аёл ва семиз кампир тушди. Кўринишидан кимлигини билиш қийин эмас. Калта қалин ип газлама кўйлаклари остидан кир босган тўр лозимлари кўриниб турибди, қизил пайпоқ, баланд пошнали сарик туфли, ёқаси очик кўйлаги киндигигача тушган. «Людовик XV» русумида турмакланган ва хурпайган соchlари, гажаклари сарик,

күкимтириленталар билан танғиб қўйилган. Қип-қизил юзлари фоҳишахоналардаги фонарни эслатади. Қора кўйлак устидан бинафшаранг рўмол ташлаб олган кампир жавоҳир узуклар тақилган семиз бармоқлари билан тутқични ушлаб, аравачадан зўрга тушди.

– Озгина кутиб туришсинми-а, Чанита? – сўради танноз хонимларнинг кичкинаси. Унинг ўткир овози кўчада ётган тошларни ҳам тешиб юборгудек эди.

– Майли, кутса-кутаверсинг, – жавоб берди кампир. Тўртовлон «Янги уй»га киришди; ходима уларни ўта эҳтиром ила қаршилади.

Қабулхонада кутиб ўтирганлар мум тишлаб қолаверишди.

– Ҳой, Чинта, котибларингиз келдими? – сўради кампир.

– Ҳа, доњья Чон, ҳозир келди.

– Сен унга кириб айт, мен жуда муҳим қоғоз олиб келдим.

Ходима чиқиб кетди. Кампир жим кутиб ўтирди. Ёши улуғ хонимлар бу турма бир пайтлар монастир бўлганини яхши эслашади. Авваллари бу ерга оёғи суюқ аёлларни келтиришарди. Аёллар, аёллар... Эски деворлар устидаги роҳибаларнинг майин овозлари кабутарлардек учиб юрарди. Бинафшалар ўрнига эрталабки хузурбахш ёқимли оппоқ ёғдулар чарақларди... Уларнинг ўрнига соқчилар ва занжирлар – қийноқ қуроллари – салб ҳамда ўргимчак тўри нишони остида гуллабяшнамоқда.

Ходима қайтиб келгач, доњья Чон котиб хузурига кирди. У бошликлар билан тил топишиб олган эди. Прокурор маҳбус Федина Родас шу дақиқадан бошлаб доњья Чон – Олтин Тишга қарашли «Лаззатлар олами» идорасига (фоҳишахона шундай номланарди) ўтказилиши ҳақида (ўн минг песо эвазига, аммо у бу борада сукут саклади) кўрсатма берганди.

Коронги камерада нимадир икки марта шарақлади. Бахти қаро Федина боласини кўксига босган ҳолда

ҳамон бурчакка тиқилиб кўзларини юмиб ўтиради. Қулоғи хеч нарсани эшиитмасди. Калитлар фарёд солди, эскирган илгаклар узоқ вақт инграб турди. Эшик очилди ва уни камерадан итариб чикардилар. Ёруғликка бардош беролмади, гўрдан чикқандек, кўзларини юмиб олди. Бебаҳо хазинасини кўкрагига қаттиқ босди, уни сошиб олинган ҳайвондек судраб олиб кетишиди.

- Хо-хо-хо, ўзини соқов қилиб кўрсатмоқчи!
- Кўзини юмиб олганини қаранг!
- Балки уялгандир!
- Ўғлим уйғонмасин деб кўркяпти!

Бутун йўл бўйи донъя Чон ва учта танноз шу алфозда гаплашиб боришиди. Фойтун чорасиз кўчалардан йўртиб борарди. Дон Кихотга ўхшаб кетадиган испан ҳайдовчи кечкурун катта майдонга тушадиган отларини жаҳл билан саваларди, чунки у буқалар жангидаги найзадорлик қилиши ҳам керак. У билан бирга кўзларини очмасдан, лабларини қаттиқ қимтиб, ўғлининг жасадини бағрига босиб олган Федина ҳам, қўшиқда айтилганидек, қамоқхона билан исловотхона орасидаги бир қадам йўлни босиб ўтишга мажбур эди.

Донъя Чон ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб қилди. Нозанин аёллар худди дугоналардек Фединани авайлаб ушлаб «Лаззатлар олами» эшигига олиб бордилар.

Бир неча мижоз – деярли ҳаммаси ҳарбий – меҳмонхонада майшат қилиб ўтиришарди.

– Хой, сен, соат неча бўлди? – донъя Чон кириши билан буфетчига қараб қичқирди.

Ҳарбийлардан бири жавоб берди:

- Еттидан йигирма дақиқа ўтди, донъя Чомпипа...
- Сен ҳам шу ердамисан, ҳарбий? Сезмай қолибман!..

«Янги меҳмон» ҳаммани қизиқтироқда эди. Ҳаммаси уни шу кечага сўрашарди. Ўғлининг жасадини кўксига босиб олган Федина соқовга ўхшаб жим турарди. У кўзини очмас, бадани музлаб, тошга айланниб кетган эди.

– Хой! – донъя Олтин Тиш бояги ёш таннозларга қараб қичқирди. – Уни ошхонага олиб боринглар. Мануэла яхшилаб боқсин. Қорни тўйгач, чўмилтириб, кийинтиринглар.

Кўккўз артиллерия капитани «янги меҳмон»нинг олдига келиб сонини ушламоқчи бўлди. Нозанинлардан бири ёрдамга шошилди. Кўзлари чақчайган бошқа ҳарбий (кўпракнинг худди ўзи!) тишларини ялтиратиб, ароқ ҳиди гупиллаб турган лаблари билан аёлнинг (кўз ёшлари қотиб, шўр бўлиб қолган) юзини чўлпиллатиб ялашга тушди. Эх, казарма билан фоҳишахона ораси бунча яқин! Ўқлар совуқ, аммо қизлар ҳамиша қайнок.

– Ўзингни бос, ҳарбий, шошилма! Унга тегма! – деди бека. – Яхши эмас, ҳали ювиниб-таранмаган.

Федина ифлос ҳаракатлардан ўзини ҳимоя қилмади, факат кўзларини қаттиқ юмиб олди, лабларини кимтиди, хаёлида кўкрагини чўлпиллатиб эмайтган ўғлининг жасадини бағрига босиб, ювош тортди ва ўзини гўрдек коронғи зулмат ичига кириб қолгандек ҳис қилди.

Уни қоронғи кеча қаърига сингиб кетган фавворали ҳовлидан олиб ўтишди. Аёллар инграшади; синиқ, ингичка садолар; беморлар ёки ўқувчи қизлар, маҳбуслар ёки роҳибаларнинг шивир-шивири; сохта кулги, қийчув; оёқларнинг енгил товушлари. Қайсиdir хонадан ташлаб юборилган қарта дастаси тош плиталарга елпифичдек ёйилди. Пахмоқ сочли аёл тунука остидаги деразадан энгашиб қарталарга қаради ва қисматини кўриб, юзидан оқаётган кўз ёшларини артди. Қизил фонар «Лаззатлар олами» қаршисидаги кўчани ёритди. У кўзлари шамоллаган улкан ҳайвонга ўхшайди; одамлар ва тошларни ваҳимали қиёфада кўрсатади. Фотолаборатория мўъжизаси. Одамлар юзларидаги чўтиризларини йўқотмоқчи бўлгандек қизил нур шуъласига бурканиб олишган. Улар худди қон ичаётганга ўхшаб (бировнинг кўзи тушиб қолмасин!) уялиб, юзларини нур остига яшираётгандек кўринадилар. Сўнг кўчадаги тиник нурлар ичига, чароғон шаҳарнинг оқ-сағиши нурлари орасига, уйлардаги юмшоқ чироқлар қучогига кириб бора-дилар.

Федина ҳеч нарсани кўрмас эди. У факат ўғли учун яшамоқда эди. Кўзлари қисилган, лабларини қаттиқ тишлаб, жасадни сут тўла кўкрагига босиб олган.

Танноз аёллар уни ошхонага олиб боргунча нималар қилишмади дейсиз! Бари бехуда кетди!

Ошпаз Мануэла Кальварио «Сеҳрли олам»даги кўмир ва ахлат қутилари орасида неча йиллардан бери чинакам хўжайиндек (фақат соқоли йўқ ва ишқорланган юбка кияди) яшаб келади.

Фединага кўзи тушган муҳтарам хонимнинг юzlари бир зумда шишиб кетди, унинг оғзидан шундай сўзлар отилиб чиқа бошлади:

– Яна битта шарманда келдими? Қаердан йўлиқди?
Нимани кўтариб юрибди?!

Таннозлар нима учундир сукунатни бузгиси келмагандек қўлларини панжара қилиб, турмадан чиқсан ишорасини қилдилар.

– Ҳой, сен, битлики то-вук! – вайсади ошпаз. Таннозлар кетгач, яна вайсади: – Бу кунингдан ўлганинг яхши-ку! Ҳой! Мана сенга тушлик! Мана сенга! Мана!

Қўлидаги сих билан Фединанинг елкасига бир неча марта туширди.

Кўзлари юмуқ, жasadни кўкрагига босиб олган Федина полга йиқилди. Энди бутунлай сезги туйгусини йўқотган эди. Ошпаз ошхонада айланиб чўқинар ва тинимсиз уни қарғар эди.

У қазноқдан катта тоғора кўтариб кирав экан, димоғи бадбўй ҳидни сезди. Қанака ҳидлигини суришириб ўтирмади. Фединани тепиб, бўкиришга тушди:

– Башаранг қурсин, сасиб кетибсан-ку! Йўқотинглар!
Қани, тез йўқотинглар! Топган матоҳини қаранглар!

Бақириқни эшитиб, доњая Чон югуриб келди, иккаласи дараҳт шохини синдираётгандек, Фединанинг қўлини зўр бериб тортқилашга тушдилар. Чакалоқни юлқиб олишаётганини сезган Федина кўзини очди ва даҳшат ичидаги қичқириб, хушидан кетди.

– Жасад уриниб қолибди! У ўлиб бўлган! Вой, қанжиғ-ей! – деди доњая Мануэла. Бека қўркиб, қотиб қолди, ошхонага қизлар ёпирилиб киргандан кейин керакли жойга хабар бериш учун телефонга ёпишиди. Аёлларнинг ҳаммаси чақалоқни кўрмоқчи бўлиб,

бир-биридан юлиб олишар, сўлиб, салқиган юзларига сўлакларини суртиб, бетўхтов ўпишар эди. Йифи-сиғи, дуо ўқиш бошланди. Майор Фанфар хабар бераман деб полицияга югурди. Энг катта хонани бўшатиши. Хушбўй гиёҳлар ёқиши, доњая Мануэла ошхонада қатрон тутатди, локланган кора патнисга юпқа ялтироқ мато ёзиб, гуллар солди ва устига хазон баргидек буришиб сарғайган чақалоқни ётқизиб, кўтариб чиқди.

Мана шу тунда ҳамманинг боласи ўлди. Тўртта шам ёқиб қўйилди. Хона пирог ва арақ, сигарета ҳамда одамларнинг ҳидига тўлди. Оғзидаги узун сигаретани сўриш ўрнига, чайнаб ташлаётган ярим сархуш аёл калта ич қўйлагидан ялангоч кўкрагини чиқариб йиғлар ва чақалоқ устига энганиб мунгли хиргойи қилар эди:

Ухла, жоним, қўзичоғим,
Токчадаги қовоқча ўҳиаб.
Сенга уйқу бермасдан ҳозир,
Очкўз бўри ямлаб ютади.
Ухла, жоним, ол ором,
Ишлар кутиб турмайди.
Онажонинг йўргакни
Ҳам ювиб, ҳам тараиди.

СЕНЬОР ПРЕЗИДЕНТГА МАЪЛУМОТНОМА

1. Браннинг беваси пойтахтда яшовчи Алехандра, «Эркин кит» тўшак устахонасининг эгаси маълум қилишича, унга тегишли устахона «Тустеп» қовоқхонасига туташ жойлашгани учун бу ерга кўпинча, аксари ҳолларда кечаси, номаълум кишилар насроний одатларини баҳона қилиб, бемор кўришга тез-тез келаётган экан. Браннинг беваси Сеньор Президентга етказишни лозим топадики, девор орқасида туриб эшигтан гапларига қараганда, тилга олинган қовоқхонада генерал Эусебио Каналес яшириниб ётибди. Бу ерга келиб-ке-таётган кишилар давлат ҳавфсизлигига ва Сеньор Президентнинг бебаҳо ҳаётига кўз олайтирган ёвуз ниятли шахслардир.

2. Пойтахтда вақтингча яшаб турған Соледад Балмарес маълум қиласы, унинг жамғармаси тамом бўлиб, ейишга хеч вақоси қолмаган, бу аёл хорижлик бўлгани учун танишларидан ёрдам сўраши мумкин эмас. Ана шу ҳолатларга мувофиқ у Сенъор Президентга илтижо қилиб, ўғли Мануэл Бальмерес ва күёви Федерико Орнеросни қамоқдан озод этилишини сўрайди. Айтишига қараганда, у фуқароси бўлган мамлакатнинг элчиси фақат ҳалол меҳнат қилиб, тирикчилик ўтказиш мақсадида бу ерга келган юқоридаги шахслар сиёсат билан шуғулланмаслигига кафолат беради. Уларнинг жинояти шундан иборатки, ишга жойлашиш осон бўлсин деб, генерал Эусебио Каналес берган тавсияномадан фойдаланган эканлар.

3. Полковник Пруденсио Перфакто Пас маълум қиласы: у яқинда чегара ҳудудларига саёҳат қилиб, қўшинларимиз ишғол этиши лозим бўлган ерлардаги маҳаллий шароит, йўллар ва сўқмоқлар ҳақида аниқ маълумот олиб келган. Полковник Инқилобий исён рўй берган такдирда стратегик жиҳатдан мухим нуқталарда харакат қилиш режаларини батафсил баён этади. У яна чегараларда шубҳали шахсларни ёллашаётгани ҳақидаги хабарлар тўғри эканлигини тасдиқлайди. Ёллаш ишлари билан қандайdir Хуан Леон Парада ва яна бошқа шахслар шуғулланмоқдалар. Уларнинг ихтиёрида қўл гранаталари, пулемётлар, милтиқлар, динамит ва ҳарбий харакатларда зарур бўладиган бошқа нарсалар бор. Инқилобчилар йигирма беш-ўттиз кишидан иборат қуролли гурухларга эга. Улар ҳукumat қўшинларига доимий равишда хавф солиб турадилар. Зарур маълумотлар етарли бўлмагани учун полковник исёнчилар бошида генерал Каналес турибди, ана шу шароитдан фойдаланиб, дипломатик шартномаларни писанд қилмасдан мамлакатимиз ичкарисига бостириб кирадилар, деган хабарларни тасдиқлай олмайди. Полковник кейинги ойнинг бошларида ўтказиш мўлжалланётган харакатларга раҳбар бўлишга тайёр эканини билдиради ва айни замонда милтиқлар етишмаслигини маълум



қилади. Полковник берган маълумотга кўра, қисмнинг шахсий таркиби, бир неча беморни ҳисобга олмаганда, яхши аҳволда, мазкур беморларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда; ҳар куни эрталаб соат олтидан еттигача унинг ўзи шахсан машғулотлар ўtkазади; аскарларга ҳар куни гўштили овқат берилади; мудофаа мақсадларини назарда тутиб портга қум солинган қоплар учун буюртма берилди.

4. Хуан Антонио Марес касаллиги пайтида шифокорлар юбориб кўрсатган эътибори учун Сенъор Президентга чукур миннатдорчилигини билдиради. Батамом согайиб кетган Хуан Антонио Марес ҳуқуқ ҳимоячиси Абел Карвахелнинг сиёсий фаолияти ҳақидаги ишончли маълумотларни шахсан Сенъор Президент эътиборига етказиш учун пойтахтга келишга рухсат беришингизни сўрайди.

5. Луис Равалес М. хабар берадики, касаллиги ва даволанишга маблағи йўқлиги туфайли Кўшма Штатларга қайтишни хоҳлайди ва Сенъор Президентга самимий садоқатини ҳисобга олиб, Республика консулхоналарининг биридан (Янги Орлеанддан бошқа ва аввалги шароитлардан ўзгача) иш беришини сўрайди. Луис Равалес маълум қиладики, январнинг охирида ўтказилган юксак қабул рўйхатига киритилиш шарафига ноил бўлган эди, аммо залда кутиш пайтида Бош штабнинг эътиборсизлиги оқибатида рўйхатдан ўчириб ташланган. Навбати келган пайтда қандайдир зобит уни кўшни хонага олиб кириб, олинган маълумотлар асосида иш кўриши лозимлигини билдирган. Гўё номи зикр этилган Равалес ҳуқуқ ҳимоячиси Абел Карвахелнинг топшириғи билан Сенъор Президентга суиқасд қилиш мақсадида саройга келган эмиш. Луис Равалес яна маълумот берадики, у залга қайтиб кирганда, навбати ўтиб кетган экан; шундан кейин у яна бир неча марта – аммо натижасиз – Сенъор Президент билан учрашиб, қофозга ҳам ишониб бўлмайдиган баъзи маълумотларни етказмоқчи бўлганини, аммо мақсадига эриша олмаганини билдиради.

6. Никомедес Асейтуно хабар беради: тижорат мақсадлари билан сафарга чиқиб, пойтахтга қайтиб келетганданда сув тақсимлаш минорасидаги Сеньор Президент номи ёзилган битикда катта хатолар борлигини күрган. Унда олтита ҳарф етишмайды, қолганларига ҳам шикаст етказилган.

7. Ҳарбий прокурорнинг буйруғига кўра, Марказий турмада сақланаётган Лусио Вассес учрашувга рухсат сўрайди.

8. Катарино Рохисио маълум қиласи: у ишбошилик қиласидиган генерал Эусебио Каналесга қарашли «Ер» мулкида, тилга олинган генерал ўтган йилнинг август ойида тўртта қадрдонини қабул қилган пайтида кайфи ошиб, инқилоб бўлиб қолса, икки батальонни жангга ташлаши мумкинлигини айтган эди. Батальонлардан бирига шу ердаги қадрдонларидан бири – майор Фарфанди раҳбарлик қилас экан, бошқаси қандайдир подполковник ихтиёрида бўлиб, номи айтилмаган эди. Инқилоб тайёрланаётгани ҳақида хабарлар кетма-кет келиб тургани туфайли Катарино Рохисо бу маълумотларни Сеньор Президентга ёзма ҳолда билдирамоқда, чунки зўр бериб уринишига қарамай, у қабулга эриша олмади.

9. Генерал Магадео Район черков бошлиғи, руҳоний ота Антонио Блас Кустодионинг мактубини жўнатмоқда. Унда ёзилишича, қандайдир руҳоний Урхико авлиё Кустодио сеньор архиепископнинг шахсий буйруғига мувофиқ тилга олинган руҳоний Урхико ўрнига авлиё Лука жомесига ишга тайинланди деб, ёлғон-яшиқ гапларни тарқатиб юрибди. Бу тухматомуз гаплар тақводор одамларни ғазаблантироқда. Бундан ташқари руҳоний ота Урхиконинг (у хуқук химоячиси Абел Карвахел-нинг яқин дўсти) ва унинг шериги қандайдир Аркадия де Аюдонинг хатти-харакатлари тақводор католикларни ранжитмоқда. Улар охир-оқибат ёмон ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Магедо Район Сеньор Президентни булар ҳақида огоҳлантириб кўйишни ўз бурчи деб хисоблади.

10. Пойтахтда яшовчи Альфредо Толедано хабар берадики, тунда уйқусизликдан азоб чекиб ётган пайтида Сеньор Президентнинг шахсий дўстларидан бири Мигел Кара де Анхел генералнинг укаси, хукуматга қарши хатти-харакатлари билан танилган дон Хуан Каналеснинг эшигини тақиилатганига гувоҳ бўлган. Альфредо Толедано бу ҳақда Сеньор Президентни огоҳлантириб қўйиш лозим деб билади.

11. Тадбиркор Никомедас Асейтуно қўшимча маълумот беради: сув тақсимловчи минорадаги Сеньор Президентнинг номи ёзилган ҳарфларга маст ҳолатда бўлган хисобчи Гильермо Лисас шикаст етказгани аниқланди.

12. Касимиро Ребеко Луна маълум қиласиди, полициянинг Иккинчи бўлими уни ҳибсга олганига яқинда икки ярим йил тўлади. Қашшоқлиги ва бадавлат қариндошлари йўқлиги туфайли у озодликка чиқаришини сўраб Сеньор Президентга мурожаат қилмоқда. Гўё у душман унсурларнинг топширигини бажариб, пономарь бўлиб хизмат қилаётган черковда осилиб турган Сеньор Президентнинг онаси ҳақидаги эълонни қасддан олиб ташлаганликда айбланмоқда; Касимиро Ребеко Лунанинг сўзларига кўра, бу айлов фирт уйдирмадан иборатдир. Сабаби, у саводсиз бўлиб, қайси эълонни олиб қўйганини билган эмас.

13. Доктор Луис Барреньо чет элга (илмий максадларда) бориши учун ўзи ва хотинига рухсат берилишини сўрайди.

14. Аделаида Пеньял «Лаззатлар олами» корхонасидан Сеньор Президентга маълум қиласиди: майор Модесто Фарфандик ҳолатида генерал Каналес бутун армиядаги энг яхши генерал ҳисобланади, деб айтди. Тилга олинган генералнинг бошига тушган кулфатларга сабаб шуки, Сеньор Президент билимдон ҳарбийлардан кўрқар эмиш. Айни замонда майор Фарфанинг таъкидлашича, инқилоб ғалаба қозонади.

15. Марказий касалхонадаги авлиё Рафаил палатаси, 15-ўринда даволанаётган Моника Пердомино хабар беради: бемор Федина Родас алаҳсираб генерал Каналес

номини тилга олган. Боши яхши ишламаётгани сабабли Моника Пердомино унинг сўзларини тўла тушунмаган; бошқа биронта одам бемор Родаснинг алаҳсирашларини тингламоғи зарур. Шунингдек, у Сенъор Президентга ожизона садоқатини изҳор қиласди.

16. Томас Хавели яқинда сенъорита Аркелино Суарес билан тузилган никоҳ аҳдини Республиkaning Сенъор Президентига бағишлади.

ИСЛОВОТХОНА

- Тум-па-тақ-ёв-па-во-па-йи-па! Қу-па-тир-па!
- Ў-па-зинг-па-қан-па-жик-па!
- Ман-па? Ҳой-сен-па-я-па-ра-па-мас!...
- Жим бўл ҳамманг! Каллаи сахарлаб «па-па-па!», «па-па-па!» Мунча итдек ириллаб қолдиларинг! – қичкирди донъя Олтин Тиш!

Қора кофта ва бинафшаранг юбка кийган зоти олиялари пештахта олдига қўйилган чарм оромкурсида ўтириб, кечки таомни чайнамоқда эди.

Бир муддат ўтгач, у корамагиз, ўрилган соchlари ялтираб турган хизматкор қизга мурожаат қилди:

– Панча, бориб манжалакиларни бу ёққа чақириб кел! Ўйнагиси келиб қолипти-да! Одамлар келишига ҳаммаси тайёр турсин! Доим ҳайдаб юрасан, итдан туғилганлар!

Туғлисиз, пайпоқ кийган икки қиз югуриб келди.

– Югургилаб юрибсанми? Ўйнагиларинг келяпти-ми? Ҳой сен,вой сен, моҳпариilar! Консуэло! Аделаида... Аделаида, кимга гапирайпман? – майоринг келса, қиличини олиб қол, қарзи кўпайиб кетди. Ҳой, тогора, қарзи қанча бўлди?

– Тўққиз юз... Кеча яна ўттиз олти олди, – жавоб берди буфетчи.

– Жим, қиличи қопламайди... тилла эмас... Ҳой, қўтирилар... Аделаида! Деворга гапирайпманми ёки сенгами?

Аделаида соchlарини тортқилаётган дугонасини нари итарди ва кулгисини яшириб:

— Эшитаяпман, доња Чон, эшитаяпман, — деб бидиллади.

«Лаззатлар олами» корхонасининг қизлари эски диванларда тизилишиб ўтиришарди. Баланд бўйли, пакана, бақалоқ, ингичка, қари, ёш қизалоқ, юввош, ўжар, оқбадан, малла, қора соч, кўзлари катта, ўйноқи, қизил танли. Хилма-хил, аммо ҳаммаси бирдек. Ҳаммасидан эркакларнинг иси келади. Чириётган чиганоқ ҳиди. Арzon шойи кофта остидаги кўкраклари диркиллайди. Қизлар диванлар устида ағанаб, бўлиқ ва таранг сонларини, хилма-хил боғичларини, турли-туман ленталар ва тўрлар билан безатилган калта лозимларини намойиш қиладилар. Кутиш жонга тегди. Улар худди вокзалда ўтиргандек кўзларини сузиб, ойналар олдида уймалашидилар.

Бири мудрайди, бири чекади, учинчиси музқаймоқ шимади, тўртингчиси шифтга ёпиширилган гулқоғоздаги саноқсиз чизикларни санашга уринади. Рақиблар фитна чиқаришга уринади, дугоналар ҳаёсизларча бир-бирларини силаб-сийпалайди.

Деярли ҳаммасининг лақаби бор. Шаҳло кўзники – Бойкуш, агар оёғи калта бўлса – Япалоқкуш, узунбурунлини – Искабтопар, корамағизни – Занжи, қизил танини – Колбаса, қисиқкўзлини – Хитой, оқ-сариқни – Зифирпоя, дудукни – Соқов дейишади. Бундан ташқари жайдари лақаблар ҳам кўп: Қарға, Чўчқача, Панжа, Ичак, Маймун, Ингичка, Каптарча, Насос, Гиламча, Бомба.

Кечга яқин бир неча эркак келади – улар бекор ўтирган қизларга суйкалишади, ялаб-юлқашади, силаб-сийпалашади. Улар олифта, башанг кийинган. Доња Чон жон деб уларни оstonадан улоқтириб ташлаган бўларди – чўнтаги мирқуруқлар кимга керак! Аммо «қирол»лар аччиқланмаслиги учун чидашга тўғри келади. Эркалатишга муҳтож бечора кироличалар ана шу шафқатсиз ошиқлар, очкўз ҳомийлар ҳисобига яшайдилар. Ҳар ҳолда ўз одаминг-да!

Ана шу паллада ўсмирлар пайдо бўладилар. Улар гап тополмай чайналадилар, матрабга тушган капалаклардай ўзларини ҳар ёкка урадилар, оёқда зўрга туродилар, фақат кўчага чиққандан кейингина ўзларига келадилар. Улар ҳам бир нави. Ювош, ўн беш ёшда. «Хайрли тун», – «Унутиб кетманг». Худди чувалчанг чайнагандек оғизда ифлос таъм (бу ерга келгунча жасорат ва гуноҳнигина билар эди), мириқиб кулганда ёки акробатика билан шуғулланганда пайдо бўладиган лаззатли хорғинлик. Ох, кўчада – бадбўй исловотхонадан узокда юриш нақадар роҳат! Улар ҳаводан мириқиб нафас оладилар ва ўз куч-ғайратларининг нури бўлмиш юлдузларга мафтун тикиладилар.

Кейин жиддий мижозлар кела бошлайди. Эътиборли, ишбилармон – юрагида ўти бор, дум-думалок (кетвортган қорин!) иш юритувчи – худди ипак ўлчаётгандек қучоқлайди. Шифокор – бамисоли юракни тинглайди. Газетачининг қарздан боши чиқмайди! Адвокат – бачкана, ваҳимачи, уйга ўрганган мушук ёки тувакда ўсган гулга ўхшайди. Нафаси сиқадиган буржуй Мўйнадўз, ундан тери хиди келиб туради. Ҳар дақиқада такинчоқлар, ҳамён, соат ва узукларга ўғринча қўл тегизиб кўядиган бой. Аптекачи эса сартарошга қараганда камгап ва камсуқум, аммо тиш докторидек кўзи ўткир эмас.

Тун яримлаганда тутун босиб кетади. Эркаклар ва аёллар лаблари ила бир-бирини ҳолдан тойдирадилар. Шаҳват қўзғатувчи ўпичлар, сўлак суркашлар – оғритмай тишлиш, самимий истаклар, очиқ интилишлар, табассумлар, хоҳолаш, тиқинларнинг отилиши, ростмана мардлар топилса, ўқ узишлар билан алмашади.

– Мана бу чинакам ҳаёт! – ҳайратини яширмайди столга суюниб турган бир қария. Унинг кўзлари чараклар, оёқлари чалишиб кетар, пешонасидағи кўк томирлари ўйнаб чиққан эди.

Борган сари жазаваси ошиб, ёнидаги ҳамшишасидан сўрайди:

– Ху анавини олиб кетсам бўладими?

- Албатта! У шунинг учун ўтирибди-да!
- Ёнида турганини-чи?.. Менга униси кўпроқ ёқаяпти!
- Ҳеч қандай муаммо йўқ, у ҳам кетаверади.
- Бир дақиқадан кейин қора сочли аёл ялангоёқ чопиб келди.
- Мана буниси-чи?
- Қайси? Мулат қизми?
- Исли нима уни?
- Аделаида, лақаби – Чўчқача. Фақат унга маҳлиё бўлманг, у майор Фарфанини. Айтишларича, улар ҳар доим бирга.
- Вой, Чўчқача-ей, мунча хушторлари кўп, – ғўнғиллади қария.

Қизалоқ Фарфани илондек ўраб олиб, сархуш қилиб кўйди, ёниқ кўзлари сеҳрлади, қучоқлаб, қалин лаблари билан бўса олди (у ўрганида марка ёпишираётганга ўхшарди), бўлиқ, иссиқ кўкраги, думалоқ қорнини йигитнинг баданига босди.

– Мана бу иркитни йўқот! – шивирлади у майорга. Жавоб кутиб ўтирасдан (тез ҳаракат қилиш керак!) қиличини сугуриб олди ва буфетчига узатди.

Туннел бўйлаб поезднинг қичқириғи эшитилди.

Битта жуфтлик рақс тушарди – бири оҳангга мос, бири билганича тебранарди, худди икки бошли ҳайвонга ўхшайди. Аёллар пардоз-андоз қилиб олган, эркак пианино чалади. «Мен нозик, ноёб одамман», – дер эди у агар нега атири-упа суркайсиз, деб сўраб қолишса ва аниқ бўлиши учун: «Дўстларим мени Пепе, болалар эса Виолетта деб чақиришади. Теннис ўйнамасам ҳам, гўзаллик учун кўкраги очиқ кўйлак кияман, орасталик учун монокль тақаман, эрмак учун фрак кияман. Пудра – нақадар ёқимсиз сўз! Ёғупа билан чўтирларимни беркитаман, менга барибир, яхши одамман», – деб қўшиб қўяди.

Қичқириқлар камайди. Эзгилаб ташланган, оппоқ оқариб кетган масти аёл қорни билан ётар, думалаб тушаётган кўз ёшлари юзидағи атири-упаларни ювиб ташламоқда эди.

– Вой, белим! Вой, бел-ги-на-а-ам! Вой, во-о-ой, бел...гина-а-ам! Белгинам! Вой белгинам! В-о-о-ой!..

Кайфи ошғанлардан бошқа ҳамма югуриб келди. Хотинли әрқаклар полиция келмасдан бурун қочиб қолиши учун ярадор бўлгани йўқми, деб гир айланиб суриштирир эдилар. Яна бир гурӯҳ меҳмонлар ҳеч нарса бўлмагандек бемалол гаплашиб турардилар. Аёл атрофидаги тўда кўпайиб борди, у эса тилини чиқариб, ҳамон тиришиб тўлғанарди. Оғзидағи ясама тишлари учиб тушди. Одатдаги тутқанок, одатдаги телбалик. Тишлари цемент полда думалаётганини кўрган бир киши хохолаб кулди.

Донъя Чон дарҳол тартиб ўрнатди. У жўжаларини ҳимоя қилаётган она товуқ каби қанотини ёзиб, хонасидан югуриб чиқди ва беморни қўлидан ушлаб, ошхона олдигача судраб борди, капгир ушлаган ошпаз аёл ёрдамида уни бурчакдаги латталар уюмига улоқтириб юборди.

Гала-ғовурдан фойдаланган Аделаиданинг қари хуштори ҳеч нарсани англамай кайфи ошиб қолган майор Фарфанинг қўлидан уни тортиб олди.

– Одамларда оқибат қолмади, шундайми, майор Фарфан? – хитоб қилди ошхонадан қайтиб чиқкан донъя Чон. – Итдек эзгилашгандан кейин думғазаси оғрийди-да! Жангта кираётган аскарларингиз бирдан додлаб қолиша, нима қилас эдингиз? Меникилар ҳам шундай, оғриб туради...

Маст-аластлар кулишади. Улар гиламлар устига тупуришади ва хохолашади. Бека шу аснода буфетчига гап қотади:

– Манави шилта ўрнига турмадан олиб келинган янги хурлиқони қўшмоқчи эдим. Ох, куйиб қолдим!

– Диркиллаб турган эди-я!

– Ҳимоячига очиқ айтдим, прокурор пулимни кайтариб берсин. Мен эсимни еб қўйибманми, итдан бўлғанга бекорга пул бериб...

– Албаттга-да! Ҳимоячингизни кўпдан биламан, латтадан баттар!

– Қанжиқ ит!
– Яна маълумотли эмиш!..
– Мени лақиллатиб бўпти! Ақлли бўлиб кетишибдида! Кети йўғон абллаҳлар, ҳали...

У гапини тамомламасдан дераза олдига йўналди. Кимдир тақијлатаётган эди.

– Биби Мария! Ё, худо, ўзинг етказдинг-а! – қичкирди у эшик олдида қизгиш фонарь ёғдусига беланиб турган меҳмонга имо қилиб. Унинг бош силкитганига жавоб бермай, оқсочга қичкирди:

– Ҳой, Панча, эшикни тезроқ оч! Э, худойим-ей, тез бўл! Дон Мигелито келди, кўрмаяпсанми?!

У плаши билан юзини тўсиб олган эди, аммо донья Чоннинг қора кўзларига нақ иблиснинг ўзидек кўриниб кетди! Бир қарашдаёқ уни адашмай таниди, юраги алдамади.

– Мана, мўъжиза!

Кара де Анхел хонага кўз югуртириди ва диванда оғзидан сўлаги оқиб, чўзилиб ётган майор Фарфани кўргандан кейингина хотиржам бўлди.

– Мўъжизани қаранг-а! Биз ғариблардан ҳазар килмасдан...

– Нималар деяпсиз, донья Чон!..

– Айни вақтида келдингиз! Мен ғам-ғуссага ўралиб колиб, барча азиз авлиёларга илтижо қилиб чиқдим. Мана, сизни худо етказди!

– Хизматингизга доим тайёрлигимни биласиз-ку...

– Сизга раҳмат. Бошимга катта ташвиш тушди, ҳозир айтиб бераман. Аввал бир қултумгина ичиб олинг!..

– Сиз ташвиш тортманг...

– Нимаси ташвиш бўларкан! Бир қултумгина, нимани ёқтирасиз, қараб кўринг-чи, сизга нима маъқул келаркин? Бизни маъзур тутасиз! Яхши виски хоҳларсиз. Яхшиси, меникига кира қолайлик. Мана бу ёқка, бу ёқка.

Үйнинг бир чеккасидаги хона донья Чонники бўлиб, алоҳида бир оламга ўхшарди. Столлар, қутилар, мармар курсиларнинг усти турли ҳайкалчалар, суратлар, ҳар хил илоҳий буюмларга тўла эди. Турли ҳажмдаги муқаддас

оилалар тасвири етук ишлангани билан ажралиб туради... Диний суратлардан кейин доња Чоннинг йигирма яшарлигига – ҳатто Республика Президенти ҳам унга шайдо бўлиб юрган ва Парижга, Францияга кетишига таклиф килган пайтида ишланган сурати, ундан кейин Олий суднинг иккита ҳаками ва ярмарқада бир-бирини пичоқлаб қўйган учта қассобнинг портрети қўйилган эди.

– Диванчага ўтилинг, дон Мигелито, бу ер сизга жуда кулай.

– Хонангиз чиройли экан, доња Чон.

– Кўп меҳнатим сингган...

– Худди ибодатхонанинг ўзи!

– Бунақа даҳрийлик қилманг! Илоҳий авлиёлар устидан кулиш яхши эмас.

– Сизга қандай фойдам тегади?

– Аввал вискини ичиб олинг!

– Сизнинг соғлиғингизга, доња Чон!

– Сиз қила оласиз, Мигелито. Сиз билан ича олмаганим учун кечиринг, шамоллаганга ўхшайман. Қадаҳни мана бу ерга қўя қолинг. Мана бу ерга, стол устига... менга бераколинг...

– Ташаккур...

– Сизга боя айтдим-ку, дон Мигелито, жуда калавами ийқотиб қўйдим. Ойимтилла қизларимдан бири бетбланиб қолиб, бошқасини излашга тўғри келди, бир танишимдан «Янги уй»да хушрўйгина қиз борлигини эшишиб қолдим, – прокурорнинг ўзи қамаган экан. Фирт аҳмоқ бўлдим денг. Ҳимоячим дон Хуан Видалитас – у менга қизларни етказиб туради, – сенъор прокурорга илтимосимни етказди ва шу аёл учун ўн минг песо ваъда қилди.

– Ўн минг песо? Нима деяпсиз ўзи?

– Энди бу ёғини эшигининг. Прокурор ҳам олдиорқасини ўйлаб ўтирмасдан пулни олди, ўзим столига қўйдим, – у ана шу қизни менга бериш ҳақида қофоз ёзисб берди. Менга сиёсий маҳбус дейишди. Айтишларича, у генерал Каналеснинг уйида...

– Нима?

Кара де Анхел Олтин Тишнинг гапларини паришон ҳолда эшилди; хаёли бутунлай бошқа ёқда – майор Фарфанд кетиб қолмасин деган хавотирда эди. Бу иш Каналесга алоқадорлиги қулоғига киргач, елкасида чумоли юргандек безовта бўла бошлади.

У баҳтиқаро аёл албатта Чабелона бўлса керак, Камила алаҳсираб бир неча марта уни тилга олган эди.

– Гапингизни бўлганим учун узр... У ҳозир қаерда?

– Ҳаммасини билиб оласиз, бир бошидан айтиб берай.

– Хўш, мен прокурорнинг буйругини олиб, унинг олдига бордим, ёнимда икки қиз ҳам бор эди. Акс ҳолда мушукни ким қопга жойлаб беради дейсиз? Савлатли бўлсин деб фойтун ёлладик. Етиб бордик, буйруқни кўрсатдим, улар ўқиб чиқишли, қаердалигини кўриб келишили, кейин олиб чиқиб менга беришили, биз уни бу ёққа олиб келдик. Ҳамма унга интизор эди. Ҳаммага ёқиб қолган эди. Кетвортган жонон, Мигелито, қараб тўймайсиз!

– У қаерда ҳозир?

– Ёкиб қолдими, а? Оҳ, бу ойимтиллалар! Келинг, бир бошдан айтай. У ердан чиқдик, унинг кўзлари юмук, оғзига қулф солиб олган эди. Гапга солай деб уриниб кўрдим. Қаерда дейсиз! Барча харакатларим бефойда. Деворга нўхат отгандек – бефойда... Очиғи, бунақа нарсларни жиним сўймайди. Яна бир нарсага кўзим тушди – кўксига босиб олган тугунчасида чақалоқ бор эди...

– Чақалоқ дейсизми?

– Худди шундай. Мени ошпазим – Мануэла Кальварио Кристалес, қўлидаги нима деб қараб кўрди – ўлик бола, сасий бошлаган экан. У мени чакирди. Ошхонага югуриб бордим, чақалоқни қўлидан зўрға ажратиб олдик. Мануэла қўлинин синдириб қўяёзди, шунда қиз кўзини очди – нақ Қиёмат куни дейсиз! – шундай фарёд солдики, бозордагилар ҳам эшилди шекили! Кейин ағдарилиб тушди.

– Ўлиб қолдими?

– Биз ҳам шундай деб ўйладик. Йўқ, омон қолди. Уни чойшабга ўраб авлиё Хуанга элтиб бердик. Мен кўришним хоҳламадим, капалагим учиб кетди. Кўзлари юмуқ бўлса ҳам кўз ёшлари сувдек оқди дейишди.

Донъя Чон жим бўлди, кейин яна гапира бошлади:

– Бугун қизларимиз уни кўришга боришиди, ахволи ёмон дейишаяпти. Мен ҳам ташвишдаман. Ўзингиз тушунасиз, ўн минг песони бекорга сувга оқизмайманку! Бирон етимхона ёки ибодатхонага садака қилганим яхши эмасми?

– Оқловчингиз пулни талаб қилиб олсин. Бахтиқаро масаласига келганимизда...

– Икки марта бориб келишиди, – кечирасиз, гапингизни бўлдим, – икки марта. Бир марта уйига, иккинчи марта ишхонасига, жавоби битта: қайтариб бермайман, гап тамом, дейди. Бу одамда зингирча виждан йўқ. Сигир ўлиб қолса, сотган одам эмас, олган одам айбдор дейди. У тилсиз хайвон, бу ерда эса жонли одам ҳақида гап кетаяпти!

Кара де Анхел индамади. Сотилган аёл ким бўлди экан? Ўлик бола кимники? Донъя Чон таҳдид билан тилла тишларини ярқиратди:

– Ҳали унга кўрсатиб қўяман! Пулларимни бекорга елга совурмайман, уларни меҳнат қилиб топганман! Қари туулак, ҳиндубашара аблах! Бугун эрталаб қабристонда унга гўр қазиб қўйинглар, деб буйруқ бердим.

– Болани кўмишдими?

– Туни билан уйда қолди. Қизларим жинни бўлаёзди. Қатламалар пиширишиди.

– Байрам қилишдими?

– Нималар деяпсиз ўзи?

– Полицияга хабар қилишдими?

– Куругидан узатдик – рухсат беришиди. Иккинчи куни дафн қилиш учун оролга бордик. Шундай ажойиб куттига солдикки, чиройли, қимматбаҳо, оқ атласга ўралган...

– Оиласи мурдани ёки қоғозни талаб қиласди деб кўркмадингизми?

– Шу етмай турган эди ўзи!.. Ким талаб қиласы дейсиз?! Отаси сиёсий айб билан қамоққа олинган. Фамилияси Родас. Онаси эса, ўзингиз эшитдингиз, касалхонада.

Кара де Анхел хаёлан қулимсираб қўиди. Кўнгли хотиржам бўлди. У Камилага қариндош эмас...

– Менга маслаҳат беринг, дон Мигелито, сиз олим одамсиз. Пулларим қари туллакда қолиб кетмаслиги учун нима қилишим керак? Ўн минг – ҳазилакам гап эмас. У кўчада ётгани йўқ.

– Менимча, Сеньор Президентга учрашганингиз маъкул. У сизни қабул қиласи, ҳамма гапни очиқасига айтинг. У ҳаммасини тўғрилайди. Ҳамма нарса қўлида-ку.

– Ўзим ҳам шуни ўйладим. Шундок қиласман. Эрталаб шошилинч телеграмма жўнатаман, мени қабул қилинг деб. У эски қадрдоним. Вазирлик пайтидаёк орамиздан қил ўтмасди. О, кўп сувлар оқиб кетди. Жудаям чиройли эдим у пайтларда. Худди анави суратдагидек. Онам билан қабристон орқасида турардик, жойи жаннатда бўлсин... Тўтиқуш чўқиб кўр қилиб қўиди. Мен, албатта, тўтини бўғиб ўлдирдим ва гўштини итга ташладим. Ит жигилдонига ургач, хуришга тушди. Шундай замонлар бўлган эди. Энг қизиги, уйимиз ёнидан тобутларни олиб ўтишарди. Кўтариб келишарди, кўтариб келишарди! Шу баҳона бўлиб Сеньор Президент билан ажрашиб кетдик. Дафн маросимидан қўрқарди. Бу менинг айбим эмас-ку! Хаёлпараст эди, ёш болага ўхшарди. Нима десанг, шунга ишонарди. Сал нарсага хафа бўларди, хушомадни яхши кўтарди. Олдинига унга жуда ўрганиб қолдим, ранг-баранг тобутларни ўйлайвермасин, деб ҳоли-жонига қўймай ўпганим-ўпган эди. Кейин меъдамга урди, худонинг ўзи қўлласин деб ўйладим. Ёдимда, бадбўй хидга тўла қулоғини ялашимни ёқтиради. Ҳозир сизни кўраётганимдек аниқ кўз олдимда турибди: бўйнига оппоқ дастрўмол боғлаган, соябонли шляпа, қизғиш тили ботинкада, кўк костюм кийган ҳолда олдимда ўтиради...

– Тўй куни руҳоний ота уни зўрлаб ёнингизга ўтказиб қўйган дейишади.

– Бекорчи гаплар. Марҳум эрим, худо раҳмат қилсин, уни ёқтириласди. Кўпинча шундай дер эди. Уйланайтган пайтида: «Бу итларга ота гувоҳларгина керак, улар тилини чиқариб, сўлагини оқизишдан бошқага ярамайди», дерди.

ЎЛИМ МАСКАНИ

Руҳоний узун ридо этагига ўралиб, ҳансираф чопиб боради. Бошқалар ҳам ўз тириклик ташвишлари билан тиним билмай югуриб юришади. «Дунёда жондан кўра азиз нарса борми?» – сўрайди у ўзидан. Бошқалар столда ястаниб ўтириб, учта ҳалқумдан ўтказиб тушириш керак бўлган жойда ҳам арзимаган баҳона топиб, ўрнидан туриб кетаверишади. Учта ҳал-қум!.. Уч хил сохта қиёфа ва фақат бир худогина ҳақиқий!.. Менинг қўргоним, менинг қўргоним, менинг қўргонимдаги ичагим кулдирайди...

Исо, сенинг қорнингдаги... Ёзилган стол, оппоқ дастурхон, тоза чинни идишлар, семиз бека қолиб кетди...

Руҳоний изидан томошаталаб қўшнилар ҳам хонага ёпирилиб киришди. Камиланинг бош томонида ўтирган Кара де Анхел зўрға ўрнидан турди, оёғи остидаги пол ғирчиллади. Қовоқхона бекаси руҳоний отага стул кўйиб берди – хона бирпасда бўшаб қолди.

– Мен, гуноҳкор банда, тавба қиласман... – деб ғулдирашарди кўчага чиқаётган аёллар.

– Парвардигоримиз ва ўғли номидан... Айт-чи, қизим, қаҷон тавба қилган эдинг?

– Икки ой аввал...

– Гуноҳларингга икрор бўлганмидинг?

– Ҳа, отажон.

– Қилган гуноҳларингни айтиб бер...

– Бир марта ёлғон гапирганман, отажон...

– Жиддий иш эдими?

– Йўқ... дадамнинг гапига кирмаганман...

(...Тиқ-тақ, тиқ-тақ, тиқ-тақ..)
– ...айбимга иқрорман, отажон...
(...тиқ-тақ...)

– ...ибодат қилишга бормаган эдим...

Рұхоний ота ва бемор худди сағана ичидә ўтиргандек гаплашмоқда әдилар. Шайтон, Жаброил ва Ўлим уларға қараб ўтиришарди. Камиланинг шишага айланған хира күзлари ичидән Ўлим қараб турарди; Шайтон боши узра ўргимчак түрини ўйнатар; Фаришта бурчакка қадалиб, бурнини тортиб йигларди.

– Тавба қиласман, ота, ётиш олдидан ҳам, ерталаб турғанимда ҳам тавба қилмасдим... яна, ота, тавба қиласман...

(...тиқ-тақ, тиқ-тақ...)

– Дугоналарим билан уришиб қолардим!

– Ўзингни ҳимоя қилибми?

– Йўқ...

– Қизим, сен худонинг қаҳрини кўзгайдиган ишларга қўл ургансан.

– Эркакларга ўхшаб от миниб юрганим учун тавба қиласман...

– Буни бошқалар кўриб қолиб жанжал қилишдими?

– Йўқ, у ерда фақат хиндулар бор эди.

– Сен кибру ҳавога берилиб, эркаклар билан тенглашишга урингансан, зеро, Аллоҳ таоло аёлни аёл қилиб яратган, шунинг учун у шак келтириб эркакликка даъво қилмаслиги керак; буни шайтонга ҳай бериш дейишади; худо бўламан деб катта кетгани учун шайтон ҳалокатга учради.

Хона чеккасидаги меҳроб ёнида – турли рангдаги шишалар қўйилган тўсиқ олдидаги Кара де Анхел, Бўғмаилон ва қўшнилар бирон сўз айтишга ҳам мажоли қолмай, бирбирига умид ва хавотир ичидаги тикилганча, энтикиб-энтикиб нафас олиб туришар; бу нафаслар оркестрини ўлим ҳақидаги ўйлар пасайтириб қўйгандек эди. Зич ёпилмаган эшиқдан ёруғ кўчалар, Мерсед майдони, ўйлар, галерея пештоқи кўринар; сийрак йўловчилар сирғалгандек ўтишар эди. Уларни ўлаётган Камила билан қанчалик иши бор, деб алам ичидаги ўйлар эди Кара де Анхел; тош-

лар қуёш нурини тўсадиган панжарарага айланган, соғлом фикрли соялар судралиб юрувчи ахлат фабрикалари...

Сукунат қўйнида рухонийнинг сўзлари тизилиб чиқади. Бемор йўталади. Ҳаво ўпка хужайраларини суғуриб олади.

– Ҳозир ёдимга келмаётган барча катта-кичик гуноҳларим учун, рухоний ота, тавба қиласман.

Гуноҳларини кечиришни сўраб лотинча ўқилган дуо, шайтоннинг жуфтакни ростлаб қочиши ва Камиланинг олдига худди нур каби кириб келган оқ, иссиқ қанотли фариштанинг енгил қадамлари кўчадаги йўловчиларни кўриб ғазаби қайнаган мулозимнинг қалбида ҳамма нарсага нисбатан пайдо бўлган нафратни камайтирди, яна табиатидаги болаларча майнинлик, юмшоқ қўнгиллик ғолиб чиқди. Бирдан у, ким билсин бу олижаноблик қаердан келди, ўлим ҳавф солиб турган қандайдир бир кишини кутқариб қолгиси келди; балки бунинг эвазига худо тиббиёт нуқтаи назаридан тузатиб бўлмайдиган Камилага шафқат кўрсатиб, дардан ҳалос қиласман...

Рухоний жимгина ташқарига чиқди, сигаретини тутиш ва оёғига ўралиб қолаётган ридосини тўғрилаш учун эшик олдида бир зум тўхтади – қонун кўчада ридога ўралиб юришни тақиқлайди. У бамисоли оқимтирик кулдан ясалган одамга ўхшарди. Орқасида шарпа эшитилди: bemornining жони узилдимикин? Ичкаридан кўни-кўшнилар ва Кара де Анхел чиқди. У қарорини амалга оширишга шошилмоқда эди.

Исо тор кўчаси, «Қизил от» ошхонаси, отлиқ аскарлар казармаси. Навбатчи зобитдан майор Фарфанди шу ердами деб сўради. Кара де Анхелга бир неча дақиқа кутиб тулинг, дейишди ва сержант овозининг борича:

– Майор Фарфанди!.. Майор Фарфанди!.. – деб қичкириб, уни излаб кетди.

Акс садо бутун ҳовли бўйлаб тарқалди; жавоб бўлмади. Титроқ товушлар олис уйлар орасига сингиб кетди: ...йор фан-фан!.. йор-фан-фан!..

Мулозим эшикдан бир неча қадам нарида туриб, атрофга лоқайд низар ташлади. Итлар ва қузғунлар кўча



ўртасида ётган ўлик мушукни ҳар томонга тортқилашар эди. Темир панжарали дераза орқасида турган комендант мўйловини бураб, бу ёвуз олишувни томоша қиларди. Иккита ойимқиз пашшалар ғужғон ўйнаётган дўконда шарбат ичиб ўтиришарди. Кўшни ховли эшигидан ҳомиладор сенъора ва ранги оппоқ, қиморвозга ўхшаган сенъор (ота-онаси) ҳамроҳлигига матросча костюм кийган бешта ўғил бола чиқди. Қассоб бир тўда болалар орасидан ўтиб бораётиб сигаретасини тутатди, унинг чоловорида қон доғлари, енги шимарилган, юраги остида – ўткир болта. Аскарлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришибди. Коровулхонанинг тош тўшамаларидағи ялангоёқ ҳўл излар илондек буралиб ичкарига кириб кетган. Темир стулда ўтирган навбатчи зобитдан салгина нарида турган кўриқчи осиб олган казарма қалитлари темир куролларга тегиб жаранглайди, атроф кўкимтирип пуфакчаларга тўлиб кетган.

Бир аёл шаҳдам қадамлар ташлаб, зобит олдига келди. Қуёшда ошланган мисранг юзларини йиллар давомида ажинлар босиб кетган. Қўлда тўқилган рўмолини оппоқ соchlари устига ташлаган, бу – зобитга ҳурмат белгиси. У илтико қилди:

– Мени кечирасиз сунъор, худойим сиҳат-саломатлик ато этсин, ўғлимни кўришга рухсат этсангиз, Биби Марям сизга ҳамиша мадад беради.

Зобит жавоб беришдан олдин йўталди ва балғам ташлади; кампирнинг димоғига тамаки ва тишларнинг қўланса ҳиди урилди.

– Ўғлингизни ким деб чақиришади, сенъора?

– Исмаел, сунъор...

– Исмаел, ундан кейин-чи?

– Исмаел Мойсин, сунъор.

Зобитнинг тишлари орасидан ипдек узун сўлаги кўринди.

– Мен фамилияси ким деб сўрайапман?

– Мой-син, сунъор.

– Ундей бўлса, бошқа куни келинг, бугун вақтимиз йўқ.

Кампир рўмолини қўлига олмасдан, худди қайгуарларини санаётгандек, аста қадам ташлаб, изига қайтди; йўлка чеккасида бир дақиқа ўйланиб турди-да, яна ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам ўтирган зобит ёнига келди.

– Мени кечиринг, сунъор, бу ерга қайта келишим гумон, эллик чақирим наридан келдим, бугун уни кўриб кетмасам, ким билсин яна қачон келаман бу ёқقا... Менга раҳмингиз келсин, чақириб беринг...

– Сизга айтдим-ку, биз бугун бандмиз. Жаҳлим чик масдан туриб қорангизни ўчиринг.

Бу манзарани кузатиб турган Кара де Анхел Камила учун худодан шифо тилаб, кампирга астойдил ёрдам беришни хоҳлаб қолди. У зобитга аста мурожаат қилди.

– Шу йигитни чақириб беринг, лейтенант, манавини олинг, сигарет пули...

Зобит нотаниш кишининг бетига қарамасдан пулни олди ва Исмаел Мойсинни чақириб келишни буюрди. Кампир осмондан тушган фариштадек пайдо бўлган маддкорига ўгирилиб қаради.

Майор Фарфан казармадан топилмади. Қулогига пат қадаб олган қандайдир котиб балкондан қараб, бундай пайтда уни «Лаззатлар олами»дан излаган маъқул деб айтди, зоро, Марснинг азамат ўғлони ўз вақтини хизмат ва муҳаббат орасида ўтказар экан. Баъзан уйидан хам тошлиб қолар экан. Кара де Анхел извошга ўтириди. Фарфан шаҳардан олисда, бир тубканинг тагида тураг эди. Ҳўл бўлиб қийшайиб қолган дарвозадан кириб, коронғи ўй олдига борди. Кара де Анхел бир неча марта чақирди. Уйдан садо чиқмади. У изига қайтди. «Лаззатлар олами»га боришдан олдин Камиладан хабар олиш лозим эди. Ташландик кўчалардаги кичкина кўпирликчаларга ётқизилган ходалар устидан гумбирлаб бораётган извош уйқуни келтиради. Туёқ ва ғилдираклар, ғилдирак ва туёқлар садоси.

Мулозим исловотхонага қайтганда Олтин Тиш Сеньор Президент билан ошиқ-маъшуқлиги ҳақида эртакларини айтиб тутатган эди. Майор Фарфани кўздан

қочирмаслик ва генерал Каналеснинг уйида қўлга олиниб, доғули прокурор томонидан ўн минг песога сотиб юборилган аёл кимлигини аниқлаш зарур.

Ўйин-кулги авжида, жуфт-жуфт бўлиб вальс тушишар, ўлгудек маст Фарфан эса хирқироқ овозда ашула айтишга уринар эди:

*Не учун бу жононлар,
Севишар мени жондан.
Чунки шўх қўшиқларим,
Уларга ёқар чунон...*

Бирдан у тик туриб, қўшигини тўхтатди – маст шуури билан залда Чўчқача йўқлигини идрок қилди – ҳиқичоқ тутиб бўкирди:

– Бу ерда Чўчқача йўқ, тўғрими, хой сўлаклар?.. У банд... тўғрими, сўлаклар?.. Хў-ўш, уни топаман... мар... ҳа...мат, то-па-ман... Мен кетдим... Нега бормаслигим кепрак? Марҳамат, мен бораман...

У столга таяниб, зўр-базўр ўрнидан турди, гандираклаб, қўли билан стуллар ва деворга таяниб, эшикка қараб юрди. Қизлардан бири югуриб келиб, эшикни очиб берди.

– Ҳа-а, мар-ҳа-мат, мен бора-ман... У мени қизимми, қайтиб келади, тўғрими, донъя Чон? Хўп, мен кетдим! Др-р... Биз, хизмат кўрсатган зобитларга ўлгунча ичишдан бошқа ҳеч нарса қолмаган, кейин бизни ёқишиади, йўқ, спиртга айлантириб сотишади! Яша¹син калла-по-ча, ичак-чавоқлардан тайёрланган чохин ... ва бошқа абллаҳлар!.. Уху-уху!..

Кара де Анхел уни қоралаб борди. Фарфан кўчага сифмай, гоҳ ўнг оёгини, гоҳ чап оёгини ҳавода ўйнатиб чайқалиб зўрга қадам ташларди. Йикилай деганда гандираклаб олдинга интилар ва: «Яхши нўхта хачирни сақлар!» деб ғўлдираб кўярди...

¹ Чохин (исп.) – чўчқанинг ичак-чавоги ва бошқа дориворлар қўшиб тайёрланган таом.

Фарфан кичик қовоқхона тўсиғи устида номаълум кишининг қўлида хушига келди; бегона одам уни худди мевалари пишган дарахтга ўхшаб силкитмоқда эди.

– Сиз мени танимадингизми, майор?

– Э... йўқ... ҳозир... бир дақиқа...

– Эслаб кўринг.

– А! Уфф! – эснади Фарфан ва узок йўл босган чавандозга ўхшаб, тўсиқдан сирғаниб тушди; аъзойи бадани мажақлаб ташлангандек эди.

– Мигел Кара де Анхел хизматингизга тайёр.

Майор қўлини чеккасига тегизди.

– Мени кечирасиз, дабдурустдан танимабман. Ҳа, ха, сиз доим Сеньор Президент билан бирга юрасиз-ку.

– Жуда соз! Сизни бу даражада қўполлик билан уйғотганимга ҳайрон бўлманг, майор...

– Ташвишланишга арзимайди.

– Казармага қайтадиган вақtingиз аллақачон бўлган, мен эса сиз билан яkkама-якка гаплашиб олишим керак: мана бу қовоқхона бекаси қаергадир кетди, ҳозир айни пайти. Кеча туни билан сизни изладим, йўқолган ингадек топиб бўлмайди, казармага ҳам, уйингизга ҳам бордим... Ҳозир сизга айтадиган гапимни мутлақо ҳеч ким билмаслиги керак...

– Қасам ичаман...

Мулозим майорнинг қўлини хайриҳоҳлик билан сиқиб қўйди ва эшиқдан қўзини узмасдан унга секин гапирди:

– Сизни йўқотиш ҳақида маҳфий буйруқ берилганидан хабарим бор. Казармага маст ҳолда келиб, ўринга ётишингиз билан сизга абадий тинчлантирадиган модда бериш ҳақида ҳарбий госпиталга кўрсатма берилган. «Лаззатлар олами»да сиз билан доим бирга бўладиган аёл «фарфарона» инқилобингиз ҳақида Сеньор Президентга маълумот берди.

Мулозимнинг сўзлари михга ўхшаб миясини тешиб кирмоқда эди, у бошини чангллади.

– Мегажин!

Қўллари билан кўксига урди, боши қуи эгилди.

- Эх, худойим, энди нима қиламан?
- Биринчи навбатда ортиқча ичманғ, хар қандай хатарли ишлардан нари юринг ва яна...
- Буни ўзим ҳам биламан, аммо иродам етмайди, жуда оғир. Нима қылсам экан?
- Казармада овқат емаслигингиз керак.
- Сизга қандай миннатдорчилик билдирсам экан?
- Сукут сақлаш билан...
- Бу-ку, ўз-ўзидан маълум, аммо бу камлик қиласди. Умуман, қачонлардир бирон-бир мушкулотга дуч келсангиз, ёнингизда тураман – шу гапимга ишонинг – сиз ҳаётимни сақлаб қолдингиз.
- Бир дўст ўрнида маслаҳат бераман: Сенъор Президентга ёқишга ҳаракат қилинг.
- Қўйинг-э, қандай қилиб?
- Унчалик қийин иш эмас.

Ҳар иккаласи ичидаги йўлар эди: «жиноятга қўл уриши» – сирасини айтганда хукмдорга ёқишнинг энг самарали йўли ёки «ҳимояга муҳтоҷ кишиларни халқ олдида ошкора ҳақорат қилиш» ёки «зўравонлик жамоатчилик фикридан баланд туришини исботлаш» ёки «давлат ҳисобига бойлик ортириш» ёки... қонли жиноят – энг ишончли восита; яқинларнинг қонини тўкиб жазолаш – Сенъор Президентга садоқатингни исботлашда бундан яхши йўл йўқ. Жамоатчиликни чалғитиши учун икки ой турмада ётасан, ундан кейин давлат хизматидаги энг ёғли жой сеники, садоқатли одамларга доим шундай муомала қилинади, бундан ташқари улар ўзларини билмай, катта кетиб қолса, қонун асосида яна турмага тикиб қўйишдан осон нарса йўқ.

- Унчалик қийин иш эмас...
- Сизга қандай миннатдорчилик билдираман?..
- Ҳожати йўқ, майор, миннатдорчилик керак эмас; мен жуда, жуда оғир бемор шифо топсин деб ҳаётингизни худо йўлига бағишиладим. Сизнинг саломат қолишингиз унинг ҳаёти эвазига тўлов бўлсин.
- У хотинингизми?..

Күшиқлар. Күшиғидаги әңг ёқимли бу сўзлар шу дақиқада мұйжизали нақшларга айланиб, гулга түлгап дараҳатлар устидан юксалди ва фаришталарнинг кулоғига етиб борди.

Майор кўздан ғойиб бўлди. Кара де Анхел – шу пайтгача юзлаб кишиларни ўлимга юборган киши – тонг шуълалари ичидаги кетаётган ва хозиргина бир тирик жонга ҳаётини қайтариб берган киши наҳотки мен бўлсам, деб ҳаёлан, ўзига яна бир бора мамнун назар солди.

ДАҲШАТЛИ ТУШЛАР

У эшикни ёпди – думбаси катта семиз майор кўчадан дум-думалоқ улкан гўнг бўлагини юмалатиб борарди – оёқ учидаги юриб дўкон орқасидаги хонага ўтди. Ўзини туш кўраётгандек хис қилди. Туш билан ҳақиқат ўртасидаги фарқ нисбий. Ухляяпсанми ёки хаёлинг жойидами – аҳамияти йўқ. Гира-шира қоронгиликда ер айланиб кетаётгандек туюлди. Мана шу тантанали юришда ярим ўлиқ Камилага соат ва пашшалар ҳамроҳлик қиласи. Соат – чик-чик, чик-чик – унинг абадиятга кетиши ва қайтишда йўлдан адашмаслиги учун гуруч доналарини ташлаб боради. Пашшалар совук ўлимни қанотларидан силкитиб ташлаб, деворда судралиб юрадилар. Ёки чарчаш нималигини билмай гизиллаб учадилар. У тўшак ёнига оҳиста келди. Бемор алаҳсираб ётарди...

...Парчаланиб кетган туш синиклари... камфара ёғининг кўлмаги... юлдузларнинг сокин сухбати... кўзга кўринмайдиган, шўртанг ва яланғоч бўшлиқнинг си-лаб-сийпалаши... кўлидаги қўш сиртмоқ... мажолисиз кўллар... «Рейтер» совунида... тўсиқлар ичидаги ўқиши китоблари... шкаф ичидаги йўлбарс... тўтиларнинг нариги дунёсида... Худонинг қафасида...

...Худонинг қафасида, маросим пайтида бир томчи ойни тожига қўндириб олган хўрозд... лентани чўқийди... ёнади ва ўчади, ёнади ва ўчади, ёнади ва ўчади... Черков

хори күйлайди... У хўроз эмас; аскарчалар қуршаб олган целлULOИD шиша бўғзида чақмоқ ёнади... «Оқ атиргул» ширинликлар дўконида муқаддас Розани шарафлаб чақинлар чакнайди... Маросимдаги хўроз олдида кўпикли пиво... Тантаналар учун...

*Ўликни манзилга элтамиз,
Шуни билгил ва ўлдир фақат.
Бу жуда ҳам ёқимсиз ҳунар,
Шуни билгил ва ўлдир фақат.*

...Ноғора янграйди, – у акса урмайди, мактабда шамолни майдалаб сочма ўқларга айлантиради бу ноғора... Тўхта! Бу ноғора эмас, у – эшик, уни рўмолча ёки биринч материалдан ясалган кўл билан уриб артадилар! Тараклаган товуш пармага ўхшаб уйдаги сукунатни илма-тешик қилиб юборади... Бум...бум...бум. Хонақи ноғора. Ҳар бир хонадонда яшайдиган одамларни чақирадиган ўз эшикноғораси бор, агар эшик очилмаса, бу ерда ўликлар бўлади... Уй олдида... дарвозада... бум-бум!.. Уй олдида... бум-бум!.. Эшикноғора овозини эшитган жом ичидағи сувлар ҳамма кўзлари билан йўлакка тикилади ва қўрқа-писа хизматкорни чорловчи товуш эшитилади: «У ёқда тақиллатишмоқда!» Такрор-такрор жаранглаган акс-садо девордаги оҳаклардан сирғалиб тушади: «У ёқда тақиллатишмоқда: очи-и-инг-лар!» «У ёқда тақиллатишмоқда, очи-и-инг-лар!» Турма панжараси тагига тўкилган куллар ҳаяжонланади, титраб-қақшайди, аммо кўлидан ҳеч нарса келмайди: каршисида доимий қўриқчи бўлган мушук мўлтираб ўтиради. Шафқатсиз тиканларнинг гуноҳсиз қурбонлари – атиргуллар хавотирга тушади, одамлар билан арвоҳларнинг жонсиз воситачиси – кўзгулар росмана тилга кирадилар: «Тақиллатишмоқда – очинглар!»

Уйдаги барча буюмлар эшикноғорани ким қоқаётганини билиш учун титраб-қалтираб ташқарига чикишга уринадилар; кострюолкалар тарақлашади; гул-

туваклар ўғринча мўралайдилар; тоғоралар – тарақатуруқ-такс! Талинка ва пиёлалар чинни йўтал садолари билан; ошхонадаги кумуш буюмлар шараклаб кулиб; кўпинча орка хоналарда шамдон вазифасини бажарувчи майда шишаҷалар – катта бўш шиша бошчилигига кўз ёши қилиб; диний китоблар, уйни ҳам кулфатлардан сақтаймиз деб ўзларини баланд олувчи табаррук новдалар, қайчилар, денгиз чиганоқлари, суратлар, ёғдонлар, картон кутилар, гугуртлар, калитлар...

...Фақат қариндошлари бемаҳалда уйгониб, жонланиб кетган буюмлар орасида, икки кишилик орол-каравотларида димиқиб, қўланса ҳид чиқараётган одеялларига совутдек ўралиб олиб, ўзларини ухлаётганга солиб ётадилар. Эшикногора оғир сукунатни парчалаб ташлашга бехуда уринади. «Ҳалиям тақиллатаяпти!» – тўнгиллайди амакиларидан бирининг иккисизламачи мунофиқ хотини. «Ҳа, лекин ким очса, балога йўлиқади!» – жавоб беради эри қоронғида. «Соат неча бўлди? Эй, худойим-ей, қандай ширин ухлаётган эдим-а! Ҳалиям тақиллатмоқда». – «Ҳа, лекин ким очса, балога йўлиқади!» «Қўшнилар нима дейишади?» «Ҳа, лекин ким очса, балога йўлиқади». «Ҳозир биронтаси чиқиб эшигини очса, биз ҳақимизда нималар дейишади, бир ўйлаб кўрсанг-чи!.. Ҳалиям тақиллатмоқда!» – «Ҳа, лекин ким очса, балога йўлиқади!» «Бу яхши эмас! Бу қаерда ёзилган? Оддий ҳурматсизлик, чўчқалик!» «Ҳа, лекин ким очса, балога йўлиқади!» Амакисининг хирилдоқ овози хизматкорларнинг ютинишлари билан алмашади. Ошхонадан чиқкан шарпалар хўжайнларининг ётоғига кириб шивирлашади: «Сеньор, сеньор! У ёқда тақиллатишмоқда!..» Кейин уйқусираб, кана талаган жойларини қашиб, ўз жойларига қайтадилар: «Ҳа-ҳа... лекин ким очса, балога йўлиқади!»

...Бум-бум, ноғора уйда... ана шу кўчаларда. Итларнинг хуриши юлдузларга, юраги қора одамларга ва ифлос кирюувчиларга бошпана бўлиб самога ёйлади; уларнинг кўлларида кумуш чақмоқларнинг кўпиги бор... – Дада... дадажон... дада!

У алаҳсираб отасини, касалхонада вафот этган бувисини, ҳатто ўлар ҳолатда бўлганида ҳам уйларига киритмagan амакиларини чақиради.

Кара де Анхел унинг пешонасига қўлини қўйди. «Тузалиб кетса, чинакам мўъжиза бўларди, – ўйлади бошини оҳиста силаб. – Қани энди кафтимининг ҳарорати билан касалини даволай олсан». Навниҳол вужуд кўз ўнгидаги сўлиб бораётгани сабабини яхши билгани унга азоб бермоқда эди, ҳиссиётлар тўлқини томоғини ёритди, судралиб бораётган ҳасратлари кўкрагига бориб ёпишди, – хўш, нима қилиш керак, нима қилиш керак? Миясидаги хаёллар илтижо билан қоришиб кетди. «Агар мен киприклари орасига кириб кўз ёшларини курита олганимда... қувғиндан кейинги меҳрибонлик... Кўз қорачигидаги гуллар умидимизнинг қанотларидир, худоё ўзинг мадад бер, биз, қувғиндилар, сенга сифинамиз... сенга топинамиз. Ҳозирги ҳаётимиз – жиноят... бугунги ва кейинги... Агар севсанг... Уни ўзинг қўлла, илоҳим...»

Кўз олдига ўз уйи келди; уни бегона уйдек эслади; ҳозир уйи мана шу ер – Камила ётган жой; бу ерда яйраб ёта олмайди; аммо Камила шу ерда – ёнида... Бирдан Камила йўқ бўлиб қолса-чи?.. Енгил оғриқ юрагига ёпишди. Бирдан Камила йўқ бўлиб қолса-чи?

Шовқин-сурон кўтариб файтон ўтиб кетди. Қовоқхонадаги шишалар, эшик ҳалқалари жаранглади, қўшни хонадонлар титраб кетди; Кара де Анхел тик турганча ухлаётганини сезиб, ваҳимага тушди. Ўтиргани яхши. Дорилар қўйилган стол ёнида стул турибди. Унга ҳоргин чўқди. Соат чиқиллаши, камфара хиди. Кудратли Исо де Мерсед ва Исо де Канделярия тасвири олдидағи шамларнинг ёғдуси, стол, сочиқ, дорилар, авлиё Франсиска хурматига қўйилган чилвир – қўшнилардан бири шайтонларни ҳайдайди, деб олиб келди – уларнинг ҳаммаси уйку олдидан бирданига дармонсизланиб, бир хил овоз чиқариб тўкила бошлади; улар йўқ бўлиб кетар, яна кўринар; тиниклашар, уйку олдидағи кўкимтири сояларга ўхшаб яна пайдо бўлар эди.

...Гитарани тинғиллатаётган ким бўлди?.. Номаълум тилда тез айтилаётган сўзлар... Гитара қоронғи ер қаъридан инженер-агрономнинг қўшиғини жўшиб куйламоқда... Совуқ қуюқ баргларнинг устараси... Ернинг ҳаммаёғи – тўрт томонидан хохолаган адоқсиз шайтоний садолар келади... Хохолашади, тупуришади, улар нима қилишаяпти ўзи? Ҳали қоронғи тушмаган, аммо зулмат Камилани улардан яширади, азадаги каллаларнинг хохолашлари зулматга айланади... тишлар орасидан қоп-кора аламзада кулги ажралиб чиқади ва ҳавога аралашиб, буғга айланади, булут бўлиб қолиш учун юкорига кўтарилади... Одамларнинг ичак-чавогидан ясалган тўсиклардан тупроқ пайдо бўлади, одам кўзларининг уфқларидан осмон яратилади... Отларнинг қовурғалари тор сингари довул қоқади... Мана, мотам маросими ўтказилмоқда, Камилани дағн этишмоқда. Қора фойтунларнинг ғилдираклари мажақлаб ташлаган кўзлари кўпиклар устида сузиб юради... Ўлик денгизда кўз пайдо бўлади!.. Унинг яшил кўзлари... Зулмат ичидаги аравакашларнинг оппоқ қўлқоплари ярқираб кўринади? Маросимдагилар орқасидан болаларнинг сұяклари қўшиқ куйлайдилар: «Оймомо, оймомо, берган ананасларингни ол, пўчоғини тоғорага сол!..» Ҳатто энг ушоқ сұяқчалар ҳам шундай куйлашади... нега ҳаёт одатдагидек давом этаверади?.. Нега трамвайлар тўхтаб қолмайди?.. Нега ҳамма-ҳамма бирданига ўлмайди? Камила дағн этилгандан кейин ҳеч нарса қолмаслиги керак, қолган нарсларнинг ҳаммаси сохта, ортиқча, аҳамиятсиз... Уларнинг устидан фақат кулиш лозим... Миноралар кулгидан қулашиб тушади... Хотираларни тиклаш учун чўнтакларингни титкилайсан... Камила яшаган даврлардан қолган чанг зарралари... Ҳар хил чиқиндилар... Соч... Чамаси, ҳозир Камила... Соч... Ифлос ташриф қофози... У колбаса ва консерваларни контрабанда йўли билан итальянларнинг дўконларида пуллайдиган дипломатика! Куйла, дунё... Кема ҳалокати... Кутқарувчи чамбаракларнинг оппоқ тожлари... Куйла, дунё... Унинг қучоғида Камиланинг харакатсиз танаси... Улар кўчалардан ўтиб боришмоқда.

Ҳаяжондан тиллари лол... У оқарыб кетган, гапирмайди, жисемсиз... Құлини сүраса бўлмайдими?.. Унинг ўргимчақдек вазнисиз баданини ушлайди, қўлларини излаб топади; у ерда кўл ўрнида бўм-бўш енг осилиб турди...

Телеграф симларида... Телеграф симларига қарангингда вақт сезгисини йўқотасан, аммо мана Яхудийлар кўчасидаги уйчадан қора кўзойнакли беш киши чиқиб келади, бешаласининг чаккасидан қон тизиллаб оқади... У жон-жаҳди билан уни кутаётган Камиланинг ёнига боришга уринади...

Кара де Анхел тушида қўлларини ёзиб, ракиблари билан жанг қиласди... Кўзи тинади... Йиглайди... Тишлиари билан уни одамлар тўдасидан ажратиб турган зулматнинг юпқа чойшабини йиртишга уринади. У ёқда – тепаликда каноп чодирда ўйинчоқлар, мевалар, елим гиламчаларни сотишади... У тирноқларини чиқаради... Аччиқланади... Кўпприкка ташланиб Камиланинг олдига ўтишга ҳаракат қиласди, аммо қора кўзойнакли беш киши йўлини тўсиб туришибди. «Қаранглар, уни бурдалаб ташлашяпти!.. – қичқиради уларга. – Мени ўтказиб юборинглар, ҳали бутунлай майдаланмаган!.. У ўзини ҳимоя кила олмайди, сабаби жони йўқ! Кўрмаяпсизларми?.. Қаранглар! Қаранглар, ҳар бир сояда мева бор, ҳар бир мева Камиланинг бир бўллаги! Наҳотки, ўз кўзингга ишониб бўлса? Уни қандай кўмишганини кўрдим, аниқ биламанки, бу бошқа одам, у мана шу ерда, мана шу қабристонда муаттар ҳид сочиб турган беҳи, манго, нок ва шафтолилар орасида, унинг танасида оппоқ капитарларга айланган бир дюжина, юзта паҳтадан ясалган капитарлар, бўйнига тақилган рангдор ленталарга «Сени унутмайман», «Ўлгунча севаман», «Ҳар доим ёнимдасан», «Абадий ёд эт», «Мени унутма» каби таъсирли сўзлар ёзилган...» Унинг сўзлари сурнайнинг чийилдок овози ва қуритилган ичакчавоқлардан ясалган ноғораларнинг гумбур-гумбурига кўмилиб кетди. Бир тўда одамлар, уларнинг орасида эски арава филдирағига ўхшаган катта оёқларини юкори

күттарған ёши катталар ҳам бор... бешта қора шарпа битта тери ичига жойлашган... Уйқусираган тутунлар орасыда сароб изгийди. Салгина нарида уларнинг шакл-шамойили чаплашиб кетади... Ҳаводан сув ичадилар. Құлларида байроқдай күтариլған ҳаво түлкінлари қалтирайди... Конкада учиб юрадилар... Күзга күрінмас конка учувчилар ичидә Камила ҳам сирғанади, күзгу ёнида на яхшилик, на ёмонликни фарқига бормайдигандар... У ўзини химоя қилиб ёқимли овоз билан жавоб қайтарғанда атир-упалар тараптандек бўлади: «Йўқ, йўқ, бу ерда эмас!..» – «Нега бу ерда эмас?..» – «Сабаби мен ўлганман!» – «Хўш, нима бўпти!» – «Ҳеч нарса!» – «Нима дединг менга, нима?..» Тўсатдан уларни бепоён осмондан келаётган совуқ ва чопиб кетаётган қизил чоловорли оломон ажратиб қўяди. Камила уларнинг орқасидан эргашади... Ўрнидан қўзгалиши мумкинлигини сезгач, изма-из югурди... Ноғоранинг сўнгги зарбасидан кейин саф қўққисдан тўхтаб қолади... Сенъор Президент келмоқда... Олтингранг жонзот... Омма орқага тисланади, қалтирайди... Қизил чоловорли кишилар бошларини ўйнатадилар... Қойил! Қойил! Яна бир марта! Такрорланг! Қандай моҳирлик билан бажаришади-я!.. Қизил чоловорли одамлар буйруқни эмас, омманинг овозини эшитадилар ва ўз бошларини юқорига отишида давом этадилар... Уч босқич!.. Бир! Калла олинсин!.. Икки! Юқорига отилсин! Юлдузлар соchlарини тараб қўйишишсин! Уч! Қўл билан ушлаб, жойига қўйилсин!.. Қойил! Қойил! Яна бир марта! Такрорлансан!.. Ана шундай! Такрорлансан!.. Боши узилган товукнинг гўшти қизаради... Аста-секин овозлар учади... Ноғора садоси эштилади... Ҳеч ким кўришни хоҳламаган нарсани ҳамма кўради... Қизил чоловорли одамлар бошларини кўлга олиб, осмонга отадилар, аммо тутиб ололмайдилар... Юқоридан қайтиб тушаётган бошлар қўллари орқасига боғланиб икки қатор териб қўйилған харакатсиз мурдалар устига тушиб, пачак-пачак бўлиб кетади.

Эшикни қаттиқ тақиљлаши Кара де Анхелни уйғотиб юборди. Қандай даҳшатли туш! Хайриятки, бу факат

туш. Дафн маросимидан қайтгандан кейин ҳар хил ха-
ёлларни унутиб, енгиллаша бошлаганини сезади. Ким
тақиилатаётганини билишга ошиқади. Генералдан ха-
бар келдимикан ё президент ҳузурига шошилинч
чақиришмоқдами?

— Салом...

— Салом, — жавоб берди мулозим баланд бўйли, кич-
кина юzlари қизғиши кишига. У Кара де Анхелнинг ово-
зини эшитиб бошини эгди ва узоқни кўролмайдиган
кўзларини қадаб, уни яхшилаб илғаб олишга уринди.

— Марҳамат қилиб кечиринг. Менга айтолмайсизми,
мусиқачилар тайёрлайдиган сеньора шу ерда турадими?
Мотам лиbosидаги сеньора?

Кара де Анхел унинг бурни тагида эшикни ёпиб
кўйди.

Кўзи ўтмас киши сухбатдошини таниб олиш учун
яна бир оз қараб турди. Олдида ҳеч ким йўқлигини сез-
гандан кейин қўшни уйга қараб юрди.

— Оқ йўл, митти Томасита, омадингиз келсин!

— Бозор айлангани кетаяпман!

Иккала овоз бир пайтда чиқди. Эшик олдига
яқинлашган Бўғмаилон гап қўшди:

— Бекорчилар.

— Ундай деманг...

— Эҳтиёт бўлинг, ўғирлаб кетишади!

— Рост айтасиз, ортиқча оғиз кимга керак!

Кара де Анхел эшик олдига келди.

— Ишларингиз қалай? — сўради у турмадан қайтган
Бўғмаилондан.

— Аввалгидек.

— Нима дейишияпти?

— Ҳеч нарса.

— Васкесни кўрдингизми?

— Йўқ, бўлмади, овқатни олишди, аммо сал-
дан кейин шундайлигича қайтариб беришди!

— Демак, у турмада эмас экан...

— Саватга қўл тегизилмаганини кўриб, оёқларим қалтираб кетди, аммо бир хизматчи сенъор уни ишга олиб кетишиган, деб айтди.

— Турма бошлиғими?

— Йўқ. Бу палидни олдимдан ҳайдаб юбордим, у билагимдан ушламоқчи бўлди. Камила яхшими?

— Ахволи ёмон... сўлиб бораяпти, бечора!

— Жудаям, жудаям ёмонми-а? Янаям баҳти бор экан; бизни аҳволимизга тушган одам тағинам нариги дунёга жўнаб қолмасинми?.. Сизга ҳам раҳмим келади. Сиз учун ҳам бориб Исо де Марседга илтижо қиласаммикин? Ким билсин, балки мўъжиза юз берар?.. Бугун эрталаб турмага бораётуб, муқаддас даргоҳга бир кириб чиқдим, шам ёқдим ва астойдил сифиниб, ялиниб-ёлвордим: «Кўряпсанми, жафокаш ота, сенга бош уриб келдим, сен бизнинг халоскор отамизсан, бизга мадад бер ва нолаи зоримизни эшит, маъсума қизнинг шифо топиши сенга боғлиқ — у ўлмаслиги керак. Мен бугун эрталаб, ҳали ўрнимдан турмасдан Муқаддас онамизга илтижо қилдим, ҳозир эса сени безовта қилиб, шу илтижони такрорлайман. Сенга атаб шам ёқаман ва бекиёс қудратингга ишониб орқамга қайтаман; яна бир куни хузурингга бош уриб келиш ва илтимосимни ёдингга солишдан умидворман.

Караҳтили тўла тарқалмаган Кара де Анхел ҳамон туш оғушида кезарди: қўзлари уккиникига ўҳшаган прокурор қизил чоловорли кишилар орасида имзосиз хатни ушлаб масхарабозлик қилар, уни ўпар, ялар, чеккаларини кемириб, қайта-қайта ўпид, яна кемиришга тушар эди...

ХАТАРЛИ ЙЎЛ

Генерал Каналеснинг терга ботган, хориб-толган оти сўниб бораётган ёруғлик қўйнида қоқилиб-суқилиб зўрға қадам ташлайди. Ивиб, шалвираб қолган чавандоз эгарда аранг ўтирганига қарамай, жиловни маҳкам ушлаб олган эди. Кушлар тўқайзорларга кириб кетди, бу-

лутлар тоғ устига ястанди; чавандоз юқоридан-пастга, пастдан-юқорига дам олмасдан, тұхтамасдан йўл босади. Ҳозирча уйқусизлик ва چарчоқ уни ҳолдан тойдиргани йўқ. Бошни айлантирадиган эниш ва құтарилиш; туби мудрок тошларга тўла серғалва дарёлар, отни ямлаб ютадиган шиддатли оқимлар; тик, сирғанчик ёнбағирлар, туёқ остидан кўчган тошларнинг гулдираб жарликка қулаши; одам қадами тегмаган чакалакзорлардаги тиканли маймунжонлар; миш-мишларга кўра жодугарлар ва қароқчилар макон тутган кийик сўқмоқлари – бари орқада қолди.

Тун узун тилини чикарди. Атроф шудрингдан хўл бўлган текислик. Қора шарпа чавандозни отдан тушириди, ёлғиз қаққайиб турган кулбага олиб кирди ва товуш чикармасдан ғойиб бўлди. Аммо тез қайтиб келди. У чирилдоқлар чир! чир!.. – чириллаб ётган кулбага бекорга қайтиб келгани йўқ. Шарпа кулбада кўп турмади, яна ғойиб бўлди. Мана, яна қайтди... Кетади ва қайтади. Киради ва чиқади. Кетгандা йўловчи ҳақида хабар берадими? Қайтганда у ҳалиям тургани ёки ғойиб бўлганини аниқламоқчи бўладими? Буниси номаълум...

Нихоят, у кулба олдига келиб тўхтади. Шамол дарахтлар япроғида сакрайди. Қурбақалар тунги мактабида юлдузларни санашга ўргатади. Ҳамма нарса овқатланиш вақти келганидан дарак беради. Чироқ нури бешта ҳиссиётни қитиқлайди... Кулба олдида жим ўтирган индамас тош-метин кишининг кўз ўнгидан нарсалар маълум шакл-шамойилга кирди; у сабр-тоқат билан тонгни кутар ва ухлаб қолган йўловчининг бир текис нафас олишига тикилиб ўтиради. У кечаси қора шарпа, кундузи – одам бўлиб қолади. Боя чавандозни отдан туширган эди. Нихоят, тонг ёриша бошлаганда гулхан ёқишига тутиндиган: тутундан корайган тошларни салб шаклида тахлаб чиқди, сочилган кулларни қарағай бутоғи билан супурди ва қуруқ шох-шаббалар устига йирик ғўлаларни кўйиб, олов ёқди. Ҳўл ўтин чирсиллаб ёнди, загизғондек чириллади, терлади, тўлғанди, йиғлади, кулди... Йўловчи уйғонди ва у ёқ-бу ёққа аланглаб, тах-

тадек қотиб қолди: у қаерга келиб қолганига ҳайрон эди. Қўлидаги тўппончасини маҳкам ушлаб, бир сақраб эшик олдига келди – осонликча таслим бўлмайди. Қора одам даҳшатли қуролдан заррача чўчимади, такаллуф қилиб ўтирмай, оловда шакиллаб турган идишга ишора қилди. Генерал унга эътибор бермай, эҳтиёткорлик билан кулба эшигидан бошини чиқарди, шубҳасиз, аскарлар қуршаб олган бўлса керак, аммо қархисида фақат қизғиши турун қоплаган кимсасиз текислик ястаниб ётарди. Поёнсиз текисликлар! Каптарлар ювиб қўйган осмон. Дараҳтлар. Бу-лутлар. Чириллаган ўткир товушлар. Амата га боғланган оти мудрамоқда. Қўраётгандари туши эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун нафасини ичига ютиб, атрофга қулоқ солди; қушларнинг жарангдор овози ва отиб келаётган тонг сокин аллаётган серсув дарёнинг эриниб шовуллашидан бошқа ҳеч қандай садо йўқ. Пиёладаги қайнок қаҳвага тизиллаб тушаётган қумшакарнинг овози деярли эшитилмасди.

– Йўқ, сен бошлиқларга ўхшамайсан... – дўриллаб сўз қотди уни отдан тушириб олган киши. У орқа томонига тахлаб қўйилган кирк-эллик боғ маккажўхори поясини кўрсатмасликка ҳаракат қиласди.

Йўловчи ҳамхонасига синчиклаб қаради. Пиёладан лабини узмай бошини силкитиб қўйди.

– Татита!²... – деди номаълум киши хурсандчилигини яширишга уриниб. Дайди итдек бесаранжом кўзларини генералга тикди.

– Мен – қочқинман...

Нотаниш киши маккажўхориларини унутиб, йўловчига қаҳва қуйиб бериш учун яқинроқ келди. Ғамдан қадди букилган Каналес гапира олмади.

– Мен ҳам, суньюр; мен маккажўхориларни олиб кетиш учун бу ерга қочиб келдим. Аммо мен ўғри эмасман, бу мени еrim, униям, хачирларимният мендан тортиб олишди...

¹ Амата – ҳамиша яшил бўлиб турувчи дараҳт.

² Татита (тата) – катталарга хурмат кўрсатиб, эркалаб айтиладиган сўз.

Генерал Каналес ҳиндуниң сүзларига қизиқиб қолди:
үғри бўлмай туриб, қандай ўғирлик қилиш мумкин?

— Кўряпсизми, татита, мен ўғирлик қилдим, аммо
үғри эмасман, сабаби мен, ха, ха, мен бу ерга яқин бўлган
жойдаги ерни эгаси эдим, саккизта хачирим бор эди.
Уйим, хотиним, ўғилларим бор эди, мен сизга ўхшаган
ҳалол одам эдим...

— Хўш, ундан кейин-чи...

— Уйга бир йил бурун маҳаллий бошлиғимиз муқаддас Сенъор Президент номидан келиб, унга қарагай тах-
таларини ташиб берасан, деди. Мен хачирларимда та-
шиб бердим, сунъор, бошқа нимаям қила олардим... У
хачирларимни кўргач, мени қамоққа олишни буюрди,
бу муттаҳам алькальд¹ билан тил бириктириб, хачир-
ларимни бўлиб олишди. Мен ўз молимни ва бажарган
ишларим хақини талаб қилдим, бошлик бўлса, сен иф-
ло² ҳайвонсан, агар тилингни тийиб юрмасанг, сени се-
по га солиб ўлдираман, деб дўқ урди. Жуда яхши, сунъор
бошлиқ, деб жавоб бердим унга, мени нима қилсанг
қилавер, аммо бу хачирлар менини дедим. Бошқа ҳеч нар-
са дея олмадим, сабаби, у бошимга урди, мен ҳушимдан
кетиб, ағдарилиб тушдим.

Мусибатга учраган кекса жангчининг оппоқ мўйло-
ви остида аччиқ истехзо пайдо бўлди. Ҳинду овозини
кўтармасдан бир оҳангда давом этди:

— Касалхонадан чиққанимдан кейин ўғилларингни
армияга олишмоқчи, агар уч минг песо берсанг, кутулиб
қолади, деган хабар келди қишлоқдан. Ўғилларим ҳали
жуда ёш эди, мен комендантурага югурдим, еримни гаров-
га бериб, уч минг песо тўлагунимча ўғилларимни армияга
жўнатмай туринглар деб илтимос қилдим. Пойтахт-
га бордим, у ерда хорижлик адвокат сунъор билан гап-
лашиб, битта қофоз ёзиб берди ва еринг эвазига уч минг
peso берамиз деб айтди. Улар менга шундай дейишиди,

¹ Алькальд – дастлабки пайтларда испан тилини биладиган ҳинду;
кеиничалик ҳакам (судья).

² Сепо – киshan; Лотин Америкасидаги қийноқ усуулларидан бири.

аммо қоғозга бутунлай бошқа нарса ёзилган экан. Күп ўтмай суддан бир одам келиб: бу жой эди сеники эмас, уни сен хорижлик суньорга уч минг песога сотгансан, ҳозироқ бўшатиб кўй деб буюорди. Мен худо номига қасам ичиб, бу нотўғри гап, бундай бўлмаган деб айтдим, аммо менга эмас, адвокатга ишонишди, энди мен ўз еримдан чиқиб кетишим керак. Мендан уч минг песо олишганига қарамасдан ўғилларимни армияга жўнатишиди. Биттасини чегарани қўриқлаётган жойида ўлдиришиди, иккинчи си бедарак кетди, у ҳам ўлган бўлса керак: уларнинг онаси – хотиним терламадан ўлди. Шунинг учун, тата, мен ўғирлик қилсам ҳам ўғри эмасман, майли, мени ўласи килиб урсинлар, сепода бўғиб ўлдирсинлар.

– ... Мана биз, ҳарбийлар, кимларни ҳимоя қиласиз!

– Нималар деяпсиз, тата?

Ўта адолатсизликни қўриб азобланган ҳар бир вижонли одам сингари кекса Каналес қалбида ҳам ғазаб бўрони жўш урди. Ҳаммаёқда қон оқиб ётгандек туюлди, ватанида кўрганларининг ҳаммаси мислсиз азобга айланди. Бутун вужуди – бадани ва мияси, соchlарининг илдизи, тирноқларининг остида, тишлари орасида чидаб бўлмайдиган оғриқ турди. Атрофида нима бўляяпти ўзи? Илгари у ҳеч қачон боши билан эмас, факат фуражкаси билан ўйлар эди. Ҳарбий бўлиб ватан сотқинлари томонидан кўкка кўтариладиган юлгичлар тўдасини, золимлар ҳокимиютини қўриқлаш, кувгинда сарсон-саргардон бўлиб очликда ўлгандан кўра разиллик эмасми? Эзгу орзу-умидларни, қадрдан юртини, халқини сотганлар тузумини қўриқлашни қайси шайтонлар биздан талаб қилишмоқда?

Ҳинду ғалати мавжудотни кўргандек, ҳеч нарса тушунмай генералга анқайиб қолди.

– Кетайлик, татита... бўлмаса отлик полиция бостириб келиб қолади.

Каналес хиндуга бирга кетишни таклиф қилди; дарахт ўз илдизидан ажралгандек, ерсиз қолган ҳинду таклифга рози бўлди, бу муносиб эхсон эди.

Улар оловни ўчирмасдан кулбадан чиқиб кетдилар. Катта машаққатлар билан чангальзорлардан йўл очиб бордилар. Қоплонлар сўқмоғидан юрдилар. Соя. Нур. Соя. Нур. Нақшинкор япроқлар. Орқага қараб, кулба учар юлдуздек чараклаётганини кўрдилар. Туш пайти. Ҳаракатсиз булатлар. Ҳаракатсиз дараҳтлар. Умидсизлик. Кўзни оладиган шуълалар. Тошлар ва яна тошлар. Майда чивинлар. Ҳозиргина дазмол қилинган ички кийимдек тоза, иссиқ қуруқ суюклар. Гулгула. Қўрқоқ қушларнинг шовқин солиб учиши. Сув ва ташналиқ. Жазирама. Манзараларнинг ўзгариши ва абадият каби, иссиқлик каби ҳаракатсиз вакт...

Генерал бўйини дастрўмол билан ўраб олди. Ҳинду оти билан ёнма-ён пиёда бораради.

– Ўйлайманки, тун бўйи юриб борсак, эрталаб чегарага яқинлашамиз. Энди таваккал қилиб катта йўлга чикамиз; мен «Лас Альдеас»га – танишларим олдига боришим керак...

– Тата! Катта йўлгами? Нималар деяпсиз? Бир зумда отлиқ полиция тутиб олади!

– Қўрқмасдан орқамдан юравер. Таваккал қилмаган одам ютқазади, у ердаги танишларим биздан ёрдамини аямайди.

– Эй, бўлмайди, тата!

Қўрқиб кетган ҳинду яна қўшимча қилди:

– Эшитяпсизми? Эшитяпсизми, тата?..

Отлиқ гурух яқинлашиб келарди, аммо туёклар товуши тезда узоқлашиб, йўқолиб кетди, гурух гўё орқага қайтгандек туюлди.

– Жим!

– Отлиқ полиция, тата, сизга нима деяётганимни ўзим яхши биламан, «Лас Альдеас»дан чиқишимиз учун катта доира қилишга тўғри келади, лекин узоқ бўлсаям эски йўлдан кетаверганимиз маъкул.

Ҳиндунинг изидан генерал бошқа томонга бурилди. Шошилиш зарур эди, отнинг жиловидан етаклашга тўғри келди. Дара уларни борган сари ичига ютар, улкан

чиғаноқ ичидан кетишаётгандек туюларди. Бир кучайиб, бир пасайиб турган шамол дараҳтларни силкитиб, гүё хавф-хатардан дарак берадиган сирли қушларни қўрқитиб учириб юбормоқда эди. Қизғиш булатчалар юлдузлар билан бирга сузишади – буларнинг ҳаммаси илгари турган жойларида қолиб кетди. Ҳозир у ердан отлик полиция ўтиб борарди.

Туни билан йўл юрдилар.

– Тепага чиқсак бўлди – «Лас Альдеас»га етамиз, хўжайин...

Ҳинду отни етаклаб олдинда кетди. Каналес келаётгани ҳакида яқинлари – уч опа-сингил – қариқизларга хабар бериш лозим эди. Улар осойишта, тинч ҳаёт кечиришарди: троицадан – томоқ оғриғигача, хотира маросимидан – шамоллашгача, тиш йиринглашидан – бикин санчишигача барчасини бирга баҳам кўришарди. Улар янгиликни эшитдилар. Ҳушдан кетишлирига бир баҳя қолди. Генералга ётокхона ажратдилар. Мехмонхона тўғри келмас эди. Бу қишлоқларда шундай одат ҳукмрон: келган меҳмон овозининг борича «Аве Мария! Аве Мария!» деб қичкириши керак эди. Генерал тутила-тутила, ҳорғин товушда бошига тушган кулфат ҳакида гапириб берди, кизини эслаганда кўз ёши тўқди. Қариқизлар аччиқ-аччиқ йиғлаб, бир нафас бўлса-да, ўз ғамларини, яқинда вафот этган онаси учун мотам тутаётгандарини унуддилар.

– Биз, албатта, нима бўлганда ҳам қочишингизга кўмак берамиз. Мен бориб, кўшниларим билан гаплашиб келаман... бундай пайтда контрабандистларни эсламай бўладими?.. Оҳ, яхши биламан! Барча кечувларни полиция кўриклайди.

Каттаси шундай деб, сингилларига савол назари билан тикилди.

– Синглим тўғри гапирипти, генерал, қочишингизга ёрдам берамиз. Йўлга озгина озиқ-овқат ола кетсангиз, халақит бермайди, мен овқат тайёрлайман.

Қўрқанидан тиш оғригини ҳам унутиб қўйган кичик сингил ўртанча опасига қўшилди:

— Сиз бугун кун бўйи шу ерда қоласиз, зерикмаслигингиз учун мен ёнингизда бўламан.

Генерал қаттиқ таъсиrlаниб, опа-сингилларга қарди. Улар қалтис ишга кўл урмоқда эдилар. Сокин овозда азият етказгани учун узр сўради.

— Нималар деяпсиз, генерал!

— Ундан деманг, генерал, кераги йўқ!

— Қадрдонларим, менга самимиy меҳрибонлигингиzни кўриб турибман, аммо ўзингизни қанчалик хавфхатарга қолдираётганингиз ҳам менга маълум...

— Бу дўстлик бурчи... Сиз, генерал, онамиз вафотидан кейин бизга қанчалик оғир бўлганини тасаввур ҳам қила олмайсиз..

— Онажонингиз қандай дард билан оғриган эди?

— Буни сизга синглимиз айтиб беради, биз эса бориб ишимизни битираЙлик...

Катта сингил шундай деб хўрсиниб қўйди. Кейин ошхона томон юрди, кўйлаги остидаги корсет оҳистағириллади. Ўртанча сингил товуқхона ёнидаги эски аравалар орасида озиқ-овқатларни халтачага жойлаш билан банд эди.

— Онамизни пойтахтга олиб боролмадик, бу ерда эса касалини аниқлай олишмади; сиз, генерал, бунақа ишларни яхши биласиз-ку. Оғриб ётди, узок ётди... Жуда қийналди! У кўз ёши тўкиб, йиғлаб-йиғлаб кетди, бу ёруғ дунёда бизни ёлғиз ташлаб кетиш унга кўп оғир эди. Шундай бўлди... Энди бизнинг ҳозирги аҳволимизни тасаввур қилинг: даволаган шифокор билан қандай ҳисоблашишни билмай ўтирибмиз, у ўн бешта ташрифи учун мана шу уйимизни баҳосига teng келадиган пул, бунинг устига отамиздан мерос қолган ҳамма нарсани талаб қилмоқда. Кечирасиз, бир дақиқа, йигитингиз нимани хоҳляяпти – хабар олиб келай-чи...

Кичик сингил чиққач, Каналесни уйку босди. Кўзлари юмилиб, бадани пардек енгил тортди...

— Нима излаяпсиз?

— Кечирасиз, қаерга ўтирсам бўлади?..

– Анави ерга, күряпсизми? Аравани орқасига...

Соат ўн иккода генерални уйғотиши да тушликка таклиф этишди. Чипилин¹ баргларига ўралган гуруч. Қайнатма шўрва. Косидо². Қовурилган товуқ. Ловия. Банан. Қахва.

– Аве Мария!

Сиёсий бошлиқнинг³ овози тушликни бузди. Ранги оқарган сингиллар нима қилишни билмай қолишида. Генерал эшик орқасига беркинди.

– Бунчалик қўрқиш ярашмайди, азизаларим, мен етти шохли шайтон эмасман-ку! Мехмонни бунчалик илтифотсизлик билан қаршилаганингизни тушуниб бўлмаяпти, мен сизларга ниҳоятда яхши муомала қиласман-ку! Буни ўзингиз жуда яхши биласиз!

Бечораларнинг тили калимага келмай қолди.

– Ҳатто... кўнгил учун ҳам ичкарига таклиф қилмайсизлар, стул келтириб қўймадингиз, полга ўтири, десангизлар ҳам майли...

Кичик сингил қишлоқнинг олий мартабали раҳбари учун стул келтириди.

– Катта раҳмат! Дарвоке, сизлар билан яна ким тушлик қиласапти? Кўриб турибманки, уч кишига мўлжаллаб дастурхон ёзилган. Тўртинчи тарелка кимники?

Учала сингил баравар генералнинг тарелкасига қарадилар.

– Буми? Наҳотки... – чайналди катта сингил, каттиқ сиқилган бармоқлари қарслаб кетди.

Ўртанча сингил ёрдамга шошилди:

– Сизга қандай тушунтиришниям билмайман, гап шундаки, онам ўлгандан кейин ҳам ҳар доим тарелкаси ни столга қўямиз, рухи ёлғиз қолмасин деймиз...

– Ўлай агар, бу ахволда ҳаммангиз спиритка⁴ бўлиб қоласизлар...

¹ Чипилин – овқатга ишлатиладиган хушбўй ўсимлик.

² Косидо – гўшт ва сабзавотлардан тайёрланган таом.

³ Сиёсий бошлиқ – ҳукумат томонидан қўйиладиган масъул раҳбар.

⁴ Спиритка – ўлганлар рухи нариги дунёда яшайди ва улар билан сўзлашиш мумкин, деган мистик таълимотга ишонувчи аёл.

— Тушлик қилған эдингизми, майор?

— Худога шукур, ҳозиргина хотиним түйдириб юборди, тушлиқдан кейин дам олишга улгурмасымдан бурун ички ишлар вазиридан телеграмма келди. Агар шифокор билан ҳисоб-китоб қилмасанғызлар, иш судга оширилади...

— Аммо, майор, бу адолатсизлик-ку, адолатсизлик эканини ўзингиз ҳам кўриб турибсиз...

— Адолатсизлик, аммо иложимиз қанча? Худонинг ўзи хоҳлаб тургандан кейин шайтонга сўз йўқ...

— Тушунарли! – кўзда ёши билан хитоб қилди учала сингил.

— Сизларни асло ранжитмаган бўлардим... демак, ўзингизга маълум – тўққиз минг песо, уй ёки...

У ўрнидан туриб эшик олдига борди ва уларга улкан, жуда улкан елкасини дағаллик билан ўгириб хайрлашиди. Унинг авзойидан ифлос режа амалга ошадиган кун яқинлашгани англаш қийин эмасди.

Генерал опа-сингилларнинг йиғисини эшитиб эзилди. Улар майор яна қайтади, деб ҳадиксираб эшикни тамбалааб, занжирни илиб қўйишди. Кўз ёшлари қовурилган товуққа томар эди.

— Яшаш оғирлашиб кетди, генерал! Сиз бу мамлакатни ташлаб кетаяпсиз, нақадар баҳтиёрсиз!

— Сизларга қандай таҳдид солади у?.. – катта опа-нинг сўзини бўлди Каналес.

У булоқдек оқаётган кўз ёшларини артар экан, сингилларига мурожаат қилди:

— Сизлар айтинглар...

— Онамизни қабрдан чиқариб ташлайман деб таҳдид солди... – шивирлади кичик сингил.

Каналес кавашашдан тўхтаб, опа-сингилларга жиддий тикилди:

— Қандай қилиб?

— Мана бундай, генерал: онамизни гўрдан чиқариб ташламоқчи...

— Сира эшитилмаган гап-ку бу...

— Мана шундай, генерал; онамизни гўрдан чиқариб ташлайман деб қўрқитаяпти у...

– Нимани даъво қиласяпти?..

– Ҳа, сиз билмайсиз, генерал, қишлоғимиздаги шифокор учига чиққан муттаҳам экан; бизни бу ҳақда огоҳлантиришган эди, аммо, барибир, то бошимизга тушмагунча бу гапларга эътибор бермаган эдик. Сиз нима қилмоқчисиз?! Қандай ифлос одамлар борлигини тасаввур қилиш жуда қийин...

– Редискадан олинг, генерал...

Ўртанча сингил тарелкани узатди, генерал редиска ни олаётганида кичик сингил гапни охирига етказди:

– Биз унинг тузогига илиндик... унинг муттаҳамлиги шундаки, ўсал бўлиб ётган беморларни аввалдан билиб, даҳма тайёрлаб қўяр экан; қариндошлар гўр ҳақида ўйлаб ўтиришмайди ҳам... Вақти келиб, бизда айнан шундай бўлди – онамизни қуруқ зах ерга қўймаслик учун унинг даҳмасидан жой олишга рози бўлдик, бошимизга қандай фалокатлар олиб келишини билмас эдик...

– Мададга муҳтож, муштипар аёллармиз, – гап қўшди хиқиллаб йиғлаб турган катта опа.

У юборган ҳисоб-китоб қоғозини қўриб, эсимиз оғиб қолди: ўн беш марта келгани учун тўққиз минг песо, мана шу уй, чамаси, у уйланиш ниятида ёки... ёки агар пулни тўламасак, синглимнинг айтишига қараганда – буниси жуда даҳшатли! – даҳмадан «ўлакса»ларингизни олиб кетасиз, деб талаб қилипти!

Каналес столни муштлади:

– Ярамас!

У столга яна бир мушт туширди – тарелкалар ва қадаҳлар жаранглади; бармоқларини ёзиб муштга айлантирди, гўё у фақат дипломли битта муттаҳамни эмас, ҳар қадамда уни шармандалик устунинг михлаб ташлаётган бутун ижтимоий тузумни бўғиб ташламоқчига ўҳшарди. «Буларнинг ҳаммаси учун, – хаёлидан ўтказди у, – барча абллаҳларнинг қилмишларига чидаш учун бечора одамларга фаровон турмуш ваъда қилинади. Йўқ, етар! Муҳташам салтанатни қачонгача кутиш керак?! Юқоридан пастгача, пастдан юқоригача тўла ўзгариш қилишга қасам ичаман; халқ бундай ўлаксахўр, унвонли

маишатпаастлар тўдасига қарши кўтарилиши керак, бу ишёқмасларни ер хайдашга жўнатиш лозим. Тошни тош билан кесиб бўлмайди».

Қочиш соат ўнга белгиланди, шу уйга дўст контрабандачи ёрдам беришга кўнди. Генерал бир неча кишига – биринчи навбатда қизига хат ёзди. Ҳинду ҳаммол қиёфасида катта йўл бўйлаб чегарагача борадиган бўлди. Хайрлашувга кўп вақт ажратилмади. Туёги ўраб кўйилган отлар товуш чиқармасдан йўл босди. Опа-сингиллар коронги тор кўчада деворга суюниб йиғлашди. Катта кўчага чиқишаётганда зулмат қўйнидан бир кўл чўзилиб, генералнинг отини тўхтатди. Шитир-шитир товушлар эшитилди.

– Кўркитиб юбординг-ку, – ғўлдиради контрабандачи. – Ўтакам ёрилаёзди. Бахтимизга, хавотир оладиган ҳеч нарса йўқ, бу одамлар доктор ишқий кўшиқлари билан маъшуқаси кўнглини қандай овлашини кўришга кетишаяпти.

Кўча охирида ёнаётган елим машъала олов тиллари билан уйлар, дараҳтлар ва дераза остига тўпланган беш-олти кишини гоҳ яқинлаштириб, гоҳ узоқлаштириб кўрсатар эди.

– Кайси бири табиб?.. – сўради генерал тўппончасини қаттиқ сиқиб.

Контрабандачи отини тўхтатиб, қўлини кўтарди ва бармоғи билан гитарали кишини кўрсатди. Ўқ овози ҳавода янгради, гитарали одам шохидан узилган банаң сингари ерга ағдарилиб тушди.

– О-xo-xo!.. Нима қилганини қаранглар!.. Тезроқ қочайлик. Бизни ушлашади... отни... чоптирамиз!

– Ҳам-ма-миз... ҳам... мам-ла-кат-да... тартиби... ўрнатиш... учун... мана... шундай... қилишимиз... керак, – деди Каналес отга сакраб минар экан.

Отларнинг чопиши итларни, итлар товукларни, товуклар хўрзларни, хўрзлар одамларни уйғотди. Улар эриниб, эснаб, керишиб, кўрқа-писа ҳаётга қайтадилар...

Полиция гурухи шифокорнинг жасадини олиб кетди. Кўшни ҳовлилардан фонаръ кўтарган одамлар чиқишидиди.

Ишқ қўшиқларини куйлаётган бир тўда одамлар кўз ёши тўкиб ўтирмади, аксинча, қўрқувдан довдираб, яримяланғоч, оқарган қўлларида чироқ ушлаган кўйи жинояткор тун қўйнига тикилганча бақрайиб қолдилар.

– Дарёга етиб келдиқ, генерал; аммо биз ўтадиган жойга факат ҳақиқий эрқаклар тушади, олдиндан очик айтиб қўяй... Ох, ҳаёт, кани абадий бўлса...

– Йўқолсин қўрқув! – хитоб қилди жийрон отда изма-из бораётган Каналес.

– Жуда соз! Бу ерда шундай маҳлуқлар борки, одамнинг ҳидини олса бас, ҳужумга ташланади. Орқада қолмасдан мен билан изма-из юринг!

Чаплашиб кетган мавҳум манзара: ойнага ўхшаган, гоҳ иссик, гоҳ совуқ ҳаво оқими. Оқаётган дарё шовқини, эгилган қамишлар.

Жарлик орқали қирғокка пиёда тушдилар. Контрабандачи қайтишда олиб кетиш учун отларни кўринмайдиган жойга боғлаб қўйди. Қора соя босмаган жойларда юлдузли осмон акси жилваланади. Ғалати ўсимликлар, яшил чечаклар қопланган, оқимтирик кўзли, оқимтирик тишли дараҳт шохлари сузуб боради. Қурбақа ҳиди келиб турган сув қирғоқдан-қирғоққа шалоплаб урилади.

Қуролини қўлда ушлаган контрабандачи билан генерал овоз чиқармай, оролчадан-оролчага сакраб ўтишади. Ўз соялари баҳайбат тимсоҳларга ўхшаб изма-из эргашади. Баҳайбат тимсоҳлар уларнинг сояларига ўхшайди. Майда чивинлар тўдаси юзни талайди. Шамол учирган қанотли заҳар. Ўз балиқлари, юлдузлари, чуқурликлари, оқимлари билан ўрмон тўрига тушган денгиз, денгиз ҳиди уфуради... Уларнинг боши узра моҳ тебраниб, узун, шилимшиқ саккизоёклари билан ҳайтнинг сўнгги колдиқларини ушлагандек пайпаслаб кўради. Улар ўтиб бораётган жойлардан ҳатто ҳайвон юришга ботинолмайди... Баҳайбат тимсоҳ – қачонлардир инсон гўштини татиб қўрган, шекилли, контрабандачига кутилмаганда ташланиб қолди. У бир сакраб чеккага чиқишига ултурди. Генерал хатардан сакланиш учун ўзини орқага

олмоқчи бўлди, аммо бурилиши билан яшин ургандек қотиб қолди: бу томонда бошқа махлук тумшуғини катта очиб ютишга тайёр туар эди. Қалтис ҳолат. Елкасида совук нарса ўрмалади, оёқ-кўлига кишан урилгандек, бошидаги ҳар бир соч толаси тиккайиб кетгандек бўлди, тили танглайида қотди. Бармоклари ўз-ўзидан сиқилди. Кетма-кет учта ўқ отилди, акс-садо такрорланди; йўлини тўсган махлук яраланиб қочганидан фойдаланиб, соғу-саломат яна олдинга сакради. Контарбандачи ҳам бир неча ўқ узди. Кўркув ўтиб кетгач, генерал унинг қўлини сиқиб қўймоқчи бўлди, қизиб кетган милтиқ бармоғини куидирди.

Осмонга шуълалар тарағандан улар мақбара ёнида видолашдилар. Паррандаларнинг мусиқа қутисига айланган зумрад далалар, қуюқ чангальзорлар орасидаги тоғлар ҳамда ёввойи ўрмонлар устида баҳайбат тимсоҳларга ўхшаган булутлар нур хазинасини елкасига ортиб, сузиб борарди.



УЧИНЧИ ҚИСМ
ХАФТАЛАР, ОЙЛАР, ЙИЛЛАР

ЗУЛМАТДАГИ СУХБАТ

Биринчи овоз:

– Бугун қандай кун?

Иккинчи овоз:

– Дархәқиқат, бугун қандай кун?

Учинчи овоз:

– Тұхтанглар... Мени жумада қамоққа олишганди: жума... шанба... якшанба... душанба. Ҳақиқатан ҳам мен неча кундан бери бу ердаман? Сирасини айтганда, бугун қандай кун ўзи?

Бириңчи овоз:

– Менга шундай туюлди... Сизларда қандай?.. Назаримда, биз жуда узоқдамыз, дахшатли даражада узоқда...

Иккинчи овоз:

– Бизни ташландик гүристонға ташлаб, унугиб кетишди...

Учинчи овоз:

– Бундай демант!

Иккала бириңчи овоз:

– ...май-миз!

Учинчи овоз:

– Аммо сира жим тұра күрманглар; мен сукунатдан күркәман; худди зулмат ичидан бир күл чиқиб, мени ушлаб бўғаётгандек туюлади.

Иккинчи овоз:

– Жим турманглар, жин урсин! Шаҳарда нима қилишяпти, ахир сиз энг кейин келдингиз-ку; у ёқда, умуман, халқ нималарни гапирмоқда? Баъзан менга бутун шаҳар бизга ўхшаб зулмат ичига кўмилиб

қолгандек, улкан деворлар билан ўралган күчалар ўтган қишдан қолган ўлимтик лойларга тўлиб кетгандек туюлади. Сизларда қандайлигини билмадим-у, қиш охирланда бутун шаҳарни лой босиб кетади, деган ўй мени қийнайди. Шаҳарни эслаб гапирганимда иштаҳам жуда очилиб кетади: қанийди, хозир биттагина калифорния олмаси бўлса...

Биринчи овоз:

— Апелсинларни хоҳламайсизми? Йўқ, бир пиёла қайноқ чой ича олганимда ниҳоятда баҳтиёр бўлардим!

Иккинчи овоз:

— Шаҳарда ҳеч нарса ўзгармаган, бу-ку, маълум гап: ҳаммаси аввалгидек, гўё биз қамалмаганмиз. Трамвайлар катнаб турибди. Хўш, соат неча бўлди?

Биринчи овоз:

— Тахминан шундай...

Иккинчи овоз:

— Тасаввур ҳам қилолмайман...

Биринчи овоз:

— Чамамда...

Учинчи овоз:

— Тўхтаманглар, гапираверинглар, азиз-авлиёлар ҳаки, тўхтаманглар, гапираверинглар... Сукунат мени кўрқитади: мен кўрқаяпман; худди зулматдан бир қўл чикиб, томофимдан ушлайди ва бўғаётгандек туюлади!

Тутилиб, зўрға давом этади:

— Бу ҳақда гапирмасам бўларди, аммо бизни бўғизлашади, деб кўрқаман...

Биринчи овоз:

— Тилинг танглайнинг ёпишсин! Калтаклашганда жуда даҳшатли бўлса керак.

Иккинчи овоз:

— Жазога дучор бўлганларнинг эваралари ҳам бу мудхиш кунни унута олмайдилар.

Биринчи овоз:

— Доим шаккоклик қиласизлар, яхшиси, жим бўлинглар!

Иккинчи овоз:

– Рұхонийлар учун дунёдаги ҳамма нарса шаккоклик...

Биринчи овоз:

– Аҳмоқлик! Каллангизни еб қўйибсизлар!

Иккинчи овоз:

– Айтаяпман-ку, рұхонийлар доим бирорни кўзига караганда ҳам кир кидирадилар.

Учинчи овоз:

– Тўхтаманглар, гапираверинглар; азиз авлиёлар ҳақи, тўхтаманглар. Жимжитлик мени қўрқитади, мен қўрқаман; худди зулмат ичидан чиққан қўл томогимдан тутади-ю, бўғиб ўлдиради!

Ўша тунда қўлга олиниб тор қоронги камерага ташланган гадолар орасига талаба билан ҳуқуқ ҳимоячиси Абел Карвахел ҳам қўшилган эди.

– Менинг қамалишим, – деган эди Карвахел, – жуда қайгули ҳолатда амалга оширилди. Шу куни тонгда оқсочимиз нон олиб келгач, хотинимга аскарлар уйимизни куршаб олишганини айтди. Хотиним бу хабарни шу заҳотиёқ менга етказди, аммо мен бунга унчалик эътибор бермадим, ўзимча спиртли ичимликлар сотадиган қандайдир контрабандачини қамоққа олишмоқчи деб ўйладим. Хотиржам соқолимни олдим, ваннага тушдим, нонушта қилиб кийиндим. Президентни табриклиш учун боришим керак эди. Режаларим пуфақдек ёрилиб кетди... эшигим олдида расмий форма кийиб, савлат тўкиб турган ҳарбий прокурорни кўриб: «Салом, ҳамкасб, сизни кўрганимдан хурсандман!» – деб саломлашдим. «Сизни олиб кетишга келдим, – жавоб берди у. – Тез бўлинг, ке-чикиб қолдик!» Биз биргаликда бир неча қадам юрдик, уйимни куршаб олган аскарлар нимага келганини биласизми, деган саволига «йўқ» деб жавоб бердим. «Ундей бўлса, мен айтаман, исёнчи, – хитоб қилди у. – Улар сизни қамоққа олишга келишди». Мен унинг юзига қараб ҳазил қилмаётганини англадим. Шу пайтда бир зобит келиб қўлимдан ушлади ва сокчилар куршовида шалвираган танамни мана шу зиндонга ташлади. Фрак ва цилиндрда.

Озгина сукунатдан кейин у қўшимча қилди:

– Энди сизлар гапиринглар; мен сукунатдан қўрқиб қолдим, қўрқиб кетаяпман.

– Бу нимаси? – бакирди талаба. – Пономарнинг боши музлаб қолибди, тегирмон тошининг ўзи.

– Қаердан била қолдингиз?

– Туртиб қўрдим, у ҳеч нарсани сезмайди.

– Мени туртмай гапиринг, саволингизга жавоб бериб турибман-ку...

– Унда мен кимни туртдим? Сизнimi, ҳуқуқшунос?

– Йўқ...

– Демак... Демак, ёнимизда мархум ётибди!

– Йўқ, мархум эмас, бу мен...

– Сиз кимсиз ўзи? – талабани йўтал тутди. – Музлаб кетибсиз-ку!

Жавоб зўрга эшитилди:

– Сизларнинг шеригингизман.

Учаласидан баравар нидо чиқди:

– А-а-а?

Пономар ҳуқуқшуносга ўз қисматини сўзлаб берди.

– Тўхтаманглар, гапираверинглар! – деди Карвахал узок сукутдан кейин. – Нимани бўлсаям гапираверинглар...

– Келинглар, эркинлик ҳақида гаплашамиз, – шивирлади талаба.

– Қандай мантиқсизлик, – шартта гапни бўлди Пономар, – турмада эркинлик ҳақида гапириш?..

– Беморлар-чи? Улар касалхонада тузалиш ҳақида гаплашмайди дейсизми?

Бўғиқ, қийналиб айтилган тўртинчи овоз эшитилди:

– ... Эркинлик деб умид қилманглар, дўстларим; худо ярлақаган бир кун келгунча бу ерда азоб чекишдан бошқа иложимиз йўқ. Ватанимизга чинакамига баҳт келтиришни истаган фуқаролар ҳозир узокда. Бири ёт эшиклар тагида тиланчилик қилиб юрибди, бошқалари совуқ қабристонларда чириб ётишибди. Шундай кун келадики, ҳозирги ваҳшийликлар туфайли кўчада ҳам юриб бўлмай қолади. Даражтлар аввалгидек мева бермайди. Маккажўхори битмай қолади. Сувлар тозаламайди. Уйқу

тетиклаштирумайди. Ҳаводан нафас олиб бўлмайди. Яралар юқумли касалликларни тарқатади, бутун дунёда қиёмат-қойим бошланади. Буни биз кўзимиз билан кўрамиз, сабаби, биз лаънат остида қолган халқмиз! Са-мовий садолар момақалдироқ бўлиб бизга хитоб қиласди: «Эй, ифлослар! Аблаҳлар! Ёвуз кирдикорларга ҳамтовок ялакилар!» Ваҳший ўқлар юзлаб одамларнинг мияси билан турма деворларини бўяб битирди. Саройдаги мармарлар бегуноҳлар қони билан ювилди. Эркинлик истаб, бошингни қаерга урасан?

Пономар:

– Факат қодир худога!

Талаба:

– Нима учун? У жавоб бермайди!

Пономар:

– Демак, бу унинг илоҳий иродаси...

Талаба:

– Минг афсус!

Учинчи овоз:

– Тўхтаманглар, гапираверинглар; азиз авлиёлар ҳаки, тўхтаманглар. Сукунатдан қўрқаман, қўрқиб кетаяпман: зулмат ичидан чиққан кўл томоғимдан бўғиб ўлдиради!

– Ибодат қилиш керак...

Яна талаба аралашди:

– «Ибодат қил» деганинг нимаси?! Биз ибодат қилиб ўтирумаймиз! Келинглар, мана бу эшикни бузиб, инқилоб сари борамиз!

Кимдир икки қўли билан – ким экани номаълум – уни қаттиқ қучоқлади, унинг кўз ёшидан ҳўл бўлган соқоли юзига тегаётганини хис қилди.

– Коллежнинг кекса ўқитувчиси Сан Хосе де Лос Инфантес, сен хотиржам ўлишинг мумкин: ёшлар мана шу сўзларни дадил айтмоқда. Мамлакатда ҳали ҳамма нарса йўқолиб кетмаган экан!

Учинчи овоз:

– Тўхтамасдан гапираверинглар, гапираверинглар!

ХАРБИЙ ТРИБУНАЛ

Каналес билан Карвахелни исён күтариш ва хиёнатда айблаб қўзғатилган иш барча оғирлаштирувчи ҳолатлар асосида қаппайиб борар эди; айбни исботловчи ҳужжатлар шунчалик кўп тўпландики, уларни бир ўтиришда ўқиб тугатиш мумкин эмасди. Бошқа бошпанаси йўқлиги туфайли Муқаддас арк остонасида ётиб юрадиган ўн тўрт киши бир овоздан қасам ичиб, генерал Эусебио Каналес ҳукуқшунос Абел Карвахел билан биргаликда ҳарбий полковник Хоше Парралес Сонриентега ташланиб, уни бўға бошлаганига бевосита гувоҳ бўлганини тасдиқладилар; полковник ўзини арслондек ҳимоя қилиб, охирги нафасигача олишганига қарамай, қўққисдан ҳужумга ўтган ва сон жиҳатидан кўп бўлган рақибларига кучи етмади. Гувоҳлар яна шуни тасдиқладиларки, қотиллик содир бўлгач, ҳукуқшунос Карвахел генерал Каналесга қуидагича ёки шунга яқин сўзлар билан мурожаат қилган: «Биз Чавандозни йўлдан олиб ташлаганимиздан кейин казарма бошликларининг ҳаммаси куролларини ташлаш ва сизни, генерал, Олий бош қўмондон сифатида тан олишдан бошқа иложи йўқ. Тез ҳаракат қиласи, ҳадемай тонг отади, мени уйимда кутиб ўтирганлар билан бирга республика Президентини қамоқقا олиш ва йўқ қилиш, сўнг янги ҳукumat тузиш лозим.»

Карвахелнинг қойил қолишдан бошқа иложи йўқ. Ишнинг ҳар бир вараги унга кутилмаган янгилик «ҳадя» этар, тўғрироғи, кулгисини қўзғатарди. Аммо ахвол жиддий, қуладиган вақт эмас. У ўқишида давом этди. Ним қоронғи хонага деразадан тушган кундузги ёруғликда ўқишига тўғри келди, ўлимга ҳукм этилгандарга мўлжалланган бу хонада ҳеч қандай жиҳоз йўқ эди. Бугун тунда юксак лавозимли арбоблар иштирокида ўтадиган ҳарбий трибунал ҳукмни эълон қиласди; уни бу ерга иш билан танишиб чиқиш ва ўз ҳимоясига тайёрланиш учун олиб келишган. Вақт ўтиб борарди. Уни қалтироқ босди. У ўқир, ҳаяжон ичидаги бетларни

вараклар, мисралар зулмат оғушида ғойиб бўлиб борар эди. Буюк ижод намунасини охиригача ўқий олмади. Қуёш нурини етаклаб олиб кетди. Қайфу-аламлар булути само ёритгичининг кўзини ўради. Охирги бет, икки оғиз сўз, сарлавҳа, йил, варак... У варакдаги рақамни аниклаш учун беҳуда харакат қиласларди, тун саҳифаларни кора сиёҳ доғи билан бўяди. Ҳолдан тойиб, қоғозлар устига бошини қўйди. Қоғозлар уюми жарликка улоқтиришдан олдин бўйнига осилган тошдек бўлиб туюлди. Турма ичидаги тор йўлаклардан оддий жиноятчилярнинг оёғига урилган кишанларнинг жаранглаши, олислардаги шахар кўчаларидан эса ғилдиракларнинг бўғиқ шовқини эшитилди.

– Ё, худойим, музлаб бораётган баданим иссиқ бўлишини хоҳлайди, кўзларимга ҳозир қуёш нурига ғарқ бўлган нариги ярим шардаги барча одамлардан кўра кўпроқ ёргулик ва ҳарорат керак. Агар ана шу одамлар мени мусибатларимни билганда, э, худойим, сендан кўра кўпроқ меҳр-шафқат кўрсатган ва менга кўшни қайтариб берган бўларди ва мен охиригача ўқиб чиқардим...

У қанча бет қолганини чамалаб кўрди, қайта санаб чиқди. Тўқсон бир бет. У бармоқ учлари билан катта ҳарфларда ёзилган сарлавҳаларни пайпаслаб чиқди, ғам-ғуссага ботиб, ўқишга уринди.

Кеч кирганда уни ёпиқ фойтунда кучайтирилган кўриқчилар қуршовида Иккинчи полиция бўлимидан Марказий турмага олиб ўтишди; у яна кўчага чиққанидан, ундаги шовқинларни эшитиб кетаётганидан беҳад хурсанд бўлди, ҳатто уйимга олиб кетишяпти-микин, деган ширин хаёлга ҳам борди. Аммо кўнглидаги сўзлар ғамгин сиқилган лаблари ва кўз ёшлари ичидаги йўқ бўлиб кетди.

У кўлида иш солинган папка, полициячилар тўдаси томон юриб борди, лабларида кўчадаги нам ҳаво таъми. Полициячилар қоғозларни тортиб олишиб, бир оғиз сўз айтмасдан уни қурратли ҳарбий трибунал ўтаётган хонага итариб киргизишиди.

— Жаноб раис, ўтинаман, эшитинг, — деди Карвахел шоша-пиша минбарда раислик қилаётган генералга қараб. — Мен қандай қилиб ўзимни ҳимоя қила оламан — ҳатто тергов материалларини охиригача ўқишига ҳам имкон беришмади...

— Ҳеч қандай ёрдам беролмаймиз, — жавоб қайтарди у, — тергов муддати қисқа, вақт ўтиб кетаяпти, кечиктириш мүмкін әмас. Бизни бу ерга қофозбозликни йўқотиш учун чакиришди.

Ундан кейинги воқеалар Карвахелга даҳшатли туш ичида кўринаётган ярим маросим, ярим гаройиб комедияга ўхшаб туюлди. У асосий қаҳрамонга айланди ва ҳаммани шафқатсиз рақиблари томонидан осиб қўйилган ўлим сиртмоғига солиб томоша қила бошлади. Аммо заррача кўркув сезмади, ҳеч нарсани ҳис қилмади, ҳаяжонлари жонсиз парда орқасида қолиб кетди. У ўзини мардлар қаторида санаши мумкин эди. Трибунал столи устига йўриқномада кўрсатилгандек, байроқ ёпилганди. Ҳарбий мундирлар. Баённома билан танишиш. Баённомалар ҳаддан ташқари кўп. Қасам ичиш. Столда, байроқ устида ҳарбий кодекс – тошдек турибди. Гувоҳлар ўриндиғида... гадолар ўтиришарди.

Тергов материаллари эълон қилингач, қораловчи – юзи кичкина, сочи калта, боши катта мундири ёқасидан диккайиб чиқиб турган зобит минбарга кўтарилиб, жиноятчига ўлим жазоси берилишини талаб қилди. Карвахал яна трибунал аъзоларини кўздан кечирди: улар бирон нарсани англашга қодирми? Кўзига биринчи ташланган кимса ғирт маст эди. Қишлоқ байрамларида қарта ўйнайдиган дэҳқонларникига ўхшайдиган қоп-қора кўлларини байроқ устига тираб олган. Ёнида кўкимтирик юзли зобит ўтирап; у ҳам сархуш эди. Ўлгудек ичган раис оёқда аранг турарди.

Карвахал ўзини ҳимоя қилиб гапира олмади. Оғзидан зўрга бир-икки сўз чиқди, аммо шу дақиқада ёқ булар ҳеч нарсани англамайди, деган оғир изтироб вужудини камради. Сўзлари томоғида ёпишқоқ хамирга айланди.

Аввалдан тайёрланиб ёзиб қўйилган ҳукм «қоғозбозликни йўқотиш» учун келган бу дағал жазоловчиларга заррача таъсир қиласлиги кўриниб турибди. Қоқланган гўштдан тайёрланиб, олтин рангига бўялган бу қўғирчоклар, бақакўз ювинидхўрлар, фуражка тасмасини чайнаб тош қотган соқов аскарчалар бироннинг уйида жиноят содир бўлаётганда қаққайиб турадиган мебелларга ўхшайди.

– Ҳукмга норозилик эълон қиласман!

Карвахалнинг овози даҳмадан чиқаётгандек бўғик эди.

– Бекорчи гапларни йиғиширинг! – ўшқирди прокурор.

– Ҳеч қандай шикоят ва такрорий аризалар қабул қилинмайди; энди мақру ҳийлаларингиз кетмайди!

Муқаррар ўлим даҳшати, умри тамом бўлаётганини хис қилиш, ўқ мажақлаб ташлайдиган суюклари, ҳали совимаган, қонга ботган бадани, шишага айланган кўзлари, муз қотган кийимлари, совуқ ер – буларнинг ҳаммасини онг-шууридан бутунлай чиқариб ташлаш истаги ниҳоят, сув тўлдирилган оғир стаканни кўтаришга мадор бағишилади. Саросима ичиди уни бўшатди, столга уриб, синдириб қўймаслик учун қалтироқ турган қўлларини зўрга мувозанатга келтирди. Таклиф қилинган сигаретни рад этди. Титраётган бармоқлари билан бўйинини қашлади, деворни пайпаслаб эмаклади.

У чалажон эди, оғзидан бодринг хиди анқир, кўзи тўла ёш, оёғида аранг туради. Шу ҳолда шамол гувиллаб ётган йўлакдан судраб олиб кетдилар. Турна кўзли лейтенант унга хитоб қилди:

– Ҳукуқшунос, сўнгги марта бир томчи ич...

У улкан шишани оғзига келтириб иди.

– Лейтенант, – зулмат ичидан овоз келди, – эртадан батареяга жўнайисиз. Сиёсий маҳбусларга ҳеч қандай имтиёз берилмасин, деган буйруқ бор.

Яна бир неча қадам, сўнг уни ер остидаги узунлиги уч метр, эни икки ярим метр бўлган – ўлимга ҳукм этилган ўн икки киши консерва қутисидаги балиқларга

ўхшаб қалашиб ётган камерага ташладилар. Улар табиий эҳтиёжларини тик туриб бажаришар, бўшанишар ва нажасларини оёғи билан босиб, эзгилашар эди. Карваҳал ўн учинчи бўлди, аскарлар чиқиб кетишгач, бадбўй ҳид ичида жон талвасасида қолган одамлар орасига даҳшатли сукунат тушди; бу жимликни тириклай кўмилган бир маҳбуснинг олисдан келаётган фарёдигина бузар эди.

Карваҳал ташналиқ билан ўлдиришга ҳукм этилган баҳтсиз маҳбуснинг нолаларини ўзи билмаган ҳолда ҳисоблаётганини сезиб қолди: отмиш икки!.. Отмиш уч!.. Отмиш тўрт!..

Оёқлар орасидан чиқаётган сассик ҳид ва хаво этишмаслиги туфайли у ўзини идрок этолмай қолди, бир ўзи тубсиз дўзах азобига тушган умидсиз одамлар тўдасидан юқори кўтарилиб, ташнанинг фарёдларини санаган кўйи айланниб юра бошлади.

Тирноқлари ва кўзлари қуриган аргувон япроғидек сарғайиб кетган Лусио Вакес қўшни хонада маҳбуслик азобини тортмоқда эди. Вакти келиб бошига тушган барча мусибатлар учун айбдор, деб билган Хенаро Родасдан ўч олиш туйғуси уни ушлаб турарди. Юрагини ана шу қора ният – зулматда судралаётганчувалчанг бутунлай эгаллаб олган, фақатгина рақиби корнини ёриб ташлайдиган пичоқ зарбасини кўриш истаги ёвуз юрагига оз бўлса-да, тасалли берар эди. Сариқ лой ичидан чиққанчувалчанг – Вакес қўлларини мушт қилиб, қасос алансасида ёниб-ўртанаарди. Уни ўлдириш керак! Ёриб ташлаш керак! Худди рақиби ёнгинасида тургандай соясини ушлар, кафтида пичоқнинг совуқ дастасини ҳис қилас ва кутурган шарпа сингари хаёлан Родасга ташланар эди.

Тириклай кўмилган маҳбуснинг фарёди уни титраб-қақшатарди.

– Per Dio, per favori¹... сув! Сув! Тинетига² сув беринг! Сув, сув! Per Dio, per favori... су-у-ув, су-у-ув, сув!

Ўлимга маҳкум ташқаридан ғишт уриб ташланган эшикни тақиллатар, полни, деворни тепар эди...

ШОШИЛИНЧ НИКОХ

– Кўшнимиз жон беряпти.

Ҳар бир эшикдан қари қизлар чиқиб кела бошлишди.

– Кўшнимиз жон беряпти.³

«Икки юзинчи уй» дан қош-кўзи попукдай, қўхликкина, муомаласи ширин Петронила хоним ютуриб чиқди. У Берта деган чиройли исмга эга бўлишни орзу қиласарди. Эски русумдаги қора кўйлак кийган, кўриниши бесунақай, чўқинтириш вақтида Сильвия деб ном олган Петрониланинг дугонаси ҳам пайдо бўлди. Корсет кийган, туфлиси оёғини уриб ташлаган, соат занжирини бўйнига осиб олган Сильвиянинг таниши Энграсия ҳам дахлизда кўринди.

Кўшнимиз жон бермоқда! Қандай хурсандчилик!..

Бўғмаилон уларни кутиб олди.

– Сингилларимиз хизматга тайёр, – таъкидлашди ортиқча гап-сўзларга ўрин қолдирмасдан «Икки юзинчи уй»дан келганлар.

– Агар кўйлак тикиш керак бўлса, бажонидил, менга кўйиб беринг, – эслатди Сильвия.

Корсет сиқиб, яримjon қилиб қўйган Энграсия қийнала-қийнала қўшимча қилди:

– Мен, ҳозир сал ўзимга келиб олай, қийналмасдан жон берсин деб дуо ўқийман.

Хонимлар хонадаги пештахта орқасида туриб, беморнинг тўшаги устида доривор гиёҳларнинг тутуни каби сукунатни бузиб қўймаслик ва кечаю-қундуз ёнида ғамга ботиб ўтирган сеньорга халақит бермаслик учун

¹ Худо ҳақи, шафқат килинг. (*итал.*)

² Тинети – президент Эстрада Кабрера томонидан сувсиз ўлдиришга маҳкум этилган италиялик.

³ Ёлғиз кекса аёллар яшайдиган уйнинг номи.

паст овозда гаплашар эдилар. Сенъор жуда ёқимтой эди. Улар киприклари узун, бўйни ингичка, соchlари чигил бўлиб ётган шарпа – Камиланинг аҳволини билишдан кўра, кўпроқ сенъорни яхшилаб кўриш учун оёқ учида юриб каравотга яқинлашардилар... Улар майхона эгасидан сенъор кимлигини сўраб-билиб олмагунча тинчимадилар... У қизнинг куёви экан! Унинг севимли куёви! Буни қаранглар-а! Демак, унинг куёви! Сильвиядан бошқа ҳамма бу тиллага тенг сўзни такрорлашга тушди, у эса Камила генерал Каналеснинг қизи эканини эшитгандан кейин, ниманидир баҳона қилиб йўқолиб қолди ва шу кетганича қайта кўринмади. Ҳукумат душманлари билан ўйнашиб бўладими? Сенъор уни жуда яхши кўрар экан, ўзича гапирди у, яна Президентга ўта содик одам. Аммо мен акамнинг синглисиман, акам – депутат, обрўсини тушириб қўйишим мумкин. Худо сакласин!..

У кўчада ҳам бир неча марта «худо сакласин!» деб такрорлади.

Кара де Анхел шафқат ҳамшираси вазифасини бажариб, касалнинг аҳволини сўраш баҳонасида кўнглини кўтаришга уринаётган қизларга аҳамият бермади. Нима дейишаётганини англамаса-да, миннатдорчиллик билдириди, у Камиланинг алаҳлаб, бир хил шикоятомуз оҳангда айтиаётган сўзларини бутун вужуди билан тушунишга интилар, кари қизлар қўлини қанчалик меҳр, харорат билан сиқишаётганини билмас, жавоб қайтармас эди. Қизнинг бадани музлаб бораётганини алам билан ҳис килди. Назарида ёмғир ёғар, оёқ-кўллари ишламас, кўзга кўринмас шарпалар уни чексиз, худудсиз: ҳаво – ўзича, нур – ўзича, соя – ўзича, ҳамма нарсалар – ўзича ҳаракат қилаётган фазода айлантираётгандек туюларди.

Шифокор келгач, хаёли жойига келди.

– Шундай қилиб доктор...

– Ҳамма умид худодан!

– Сиз бу ерга ҳар куни келасизми?

Қовоқхона бекаси бир дақиқа тинч ўтиrmайди, шунга яраша ҳамма ишлари саранжом-саришта. Қўшиларининг кирларини олади, тонг қоронғусида уларни

ивитиб қўяди, кейин Васкесга нонушта олиб, турмага чопади – ундан ҳамон бирон дарак йўқ, – қайтиб келиб кир ювишга тутинади, чойшабларни сиқиб, дорга ёяди. Улар қуригунча уйга югуради, хўжалик ишларига улгуриши керак. Зиммасига бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилган: беморни овқатлантиради, азиз-авлиёларга атаб шам ёқади, Кара де Анхелга ахволни тушунтириб, уни бирон нарса еб олишга кўндиради, шифокорни кутиб олади, дорихонага бориб келади, «роҳиба»ларнинг хархашалариға – кари қизларни шундай атайди – тоқат билан чидайди ва тўшак устахонасидаги бека билан талашиб-тортишади. «Бунака тўшакда ҳаммаёғингни кўкартирмасдан ётолмайсан! – худди паща кўриётгандек қичқиради у остона хатламасдан туриб. – Бундай тўшакларни семиз одамлар ҳам олишмайди!»

– Ҳамма умид Худодан!

Кара де Анхел шифокор сўзларини такрорлади. Қанийди бир мўъжиза юз берса! У овози борича худога илтижо қилиб, мадад тилагиси келди, зеро, ихтиёридаги барча имкониятлар кўлидан сирғалиб чиқиб кетди, фойдасиз, ёт, ортиқча, қадрсиз нарсаларга айланиб бўлди.

Ҳаммалари дақика санаб, энди нима бўлади деб кутиб ўтиришибди. Итларнинг хуриши, Мерсед ибодатхонасидаги кўнфироқларнинг қаттиқ жаранглаши кўшниларни чўчитиб юборди. Улар салб сурати солинган байроқ остига ғуж бўлишиб: «Роса қийналди!.. Ҳа, вақт-соати етди. Куёвга жабр бўлди-да!.. Кўлимиздан нима келарди! Ҳаммамиз бир куни шундай ахволга тушамиз!» – деб тавалло қилишга тушдилар.

Петронила бўлаётган воқеалар ҳакида кексалигига қарамай, болаларча соддалигини сақлаб қолган инглиз тили ва бошқа гаройиб мўъжизаларни ўргатиб юрадиган яқин танишига сўзлаб берди. Уни оддийгина қилиб Тичер деб аташарди. Петронила Камилани сехру жоду йўли билан тузатса бўладими, деб сўради ундан. Тичер бундай усулдан хабардор, чунки у инглиз тилини

¹ Тичер – ўқитувчи (инг.)

ўргатишдан ташқари бўш вақтларида теософия¹, спиритизм, сехргарлик, мунажжимлик, гипноз қилиш, хурофий илмлар билан шуғулланади деб ўйларди қари қиз. Дарҳақиқат, у «Арвоҳ кириб олган уйларга яширилган кимматбаҳо хазиналарни қидириб топувчи» сехрли асбоб яратган эди. Тичер бундай тажрибалари ҳакида бирорвга гапиришга ботина олмасди. Ёшлигига черковга беришганди, аммо руҳоний бўлишига бир баҳя қолганда ёши катта бир хотин уни йўлдан урди. Диндорлик жуббасини қозиққа илишга тўғри келди, аммо у олийжаноблигини йўқотмади, одамови, телбасифат бўлиб ўси. Диний мактабдан савдо билим юртига ўтди, агар ҳисоб илмини ўргатувчи муаллима уни севиб қолмагандан ўқишини муваффакият билан битирган бўларди. Техника жонига оро кирди, темирчилик ҳунарини ўрганди, устага шогирд тушиб, кун кўрди. Лекин бу ердаям узоқ туролмади, ҳам оғир меҳнат, ҳам соғлиғининг заифлиги бу машғулотни тўхтатишга мажбур этди. Орага бой аммаси тушди, у жияни черков хизматини давом эттиришига тарафдор эди. «Муқаддас даргоҳга қайтиб бор, – деди хоним, – бу ерда вақтингни бехуда ўтказма; ҳар хил ишларга ўзингни уриб кўрдинг, аммо бирон нарсага эриша олмадинг, ақлинг жудаям баланд эмас, бунинг устига янги туғилган қўзичокқа ўҳшайсан – ҳаёт сени эркалаб ўтирамайди, кувватинг, ҳарбий ишга, мусиқага лаёқатинг йўқ... Агар руҳоний бўлишни хоҳламасанг, ўқитувчилик қилиб кўр, масалан, инглиз тилидан дарс бер. Худо сени қўлламаган бўлса, сен болаларни қўллаб-кувватла; инглиз тили лотинга қараганда анча осон, керакли тил; бунинг устига ўқувчилар инглиз тили дарсида бирон нарсани тушумай қолса, ўқитувчимиз инглиз тилида гапиряпти, деб ўйлашади».

Петронила ҳар галгидек овозини пасайтириб, чин юракдан гап бошлади:

¹ Теософия – дин тарихи.

– Куёв уни астайдил яхши кўради, унга сажда қилади, Тичер. У Камилани ўғирлаб келганига қарамай, черковда никоҳ ўқитиб, тақдир ипларини абадий боғлайдиган кунни сабр-тоқат билан кутмоқда. Бундай одамлар хар куни дуч келавермайди.

– Айникса, бизнинг кунларимизда, болагинам! – бир кучоқ атиргул кўтариб хонага кирган «Икки юзингчи уй»даги энг баланд бўйли қиз гапга қўшилди. У зинанинг энг тепасига чиқиб олгандек кўринарди.

– Куёв, Тичер, куёв шундай меҳрибонки, агар қиз нобуд бўлса, у ҳам ўлишга тайёр... О!

– Петронила, – оҳиста мурожаат қилди Тичер, – шифокорлар уни ўлим чангалидан кутқариб бўлмайди деб айтишиди дедингми?

– Ҳа, сенъор, мумкин эмас, деб уч марта очиқдан очиқ айтишиди.

– Яна сиз, Нила, уни фақат мўъжиза кутқаради деб ишонасизми?

– Тасаввур қилинг... Бечора куёвнинг юраги эзилиб кетади...

– Ундай бўлса, мен бунинг чорасини биламан; бир ажойиб иш қиласиз. Фақатгина чинакам севги ўлимга бас келиши мумкин. Қўшиқлар Қўшиғида айтилганидек, уларнинг кучи бир хил, агар сиз куёв уни жонидан ортиқ севади, деб тўғри гапирган бўлсангиз, мен ҳам шуни айтаманки, агар севгиси астайдил бўлса, иккисизламачилик қилмаса, унга уйланса – никоҳ ўқитишига рози бўлса, уни кутқариб қолса бўлади. Ана шундагина менинг илоҳий муолажаларим мадад беради.

Петронила севинганидан, ўзини йўқотиб қўяёзди. У барча дугоналарини оёққа турғизиб, хушхабарни етказди, Бўғмаилонни ишга солди – роҳибни чакириб келишга жўнатди. Оёқда зўрға турган Камила билан Кара де Анхел шу куни никоҳдан ўтди. Мулозим узун, ингичка, филнинг тишидек совук кўлни қайноқ кафтига олди, роҳиб шу заҳотиёқ илоҳий лотин битикларини ўқиди.

«Икки юзингчи уй» қизлари ҳамда тўй кийимлари кийган Энграсия ва Тичер хозир бўлдилар. Маросим тамом бўлгач, Тичер хитоб қилди:

– Make thee another self, for love of me!..¹

МУЗ ҚЎРИҚЧИЛАР

Турма эшигидаги қўриқчиларнинг найзалари ярақлади. Улар икки қатор бўлиб, поезднинг арzon вагонидаги йўловчилар каби бир-бирига қарама-қарши ўтирадилар. Турнакатор тизилиб бораётган извошлардан бири тўдадан ажralиб чиқди. Ҳайдовчи орқага тисарилиб, тизгинни силтаб тортди ва gox у, gox бу томонга эгилиб, сўкиниб, извошни аранг тўхтатди. У қийшайиб, ағдарилиб кетишига сал қолди. Филдиракларнинг тақиртуқури эшитилди. Извошдан қорин қўйган, оёқлари калта киши чиқди-да, зинани босиб зўрга ерга оёқ қўйди. Ҳарбий прокурорнинг оғирлигидан извош силкиниб кетгани ҳайдовчининг энсасини қотирди, у қуруқшаган лабидаги учеб қолган сигаретни қаттиқ қисди, фақат отлар билан бир ўзи қолгани қандай яхши! У тизгинни силкитиб, отларнинг бошини кўркувдан қотиб қолган боф панжараларига қаратиб бурди. Худди шу дақиқада қандайдир бир хоним баланд овозда шафқат тилаб, прокурорнинг оёғига ўзини ташлади.

– Тулинг сенъора! Мен бу ерда сиз билан гаплашолмайман; йўқ, йўқ, марҳамат қилиб ўрнингиздан туринг... Мен сизни танимайман...

– Мен хуқуқшунос Карвахелнинг хотиниман...

– Тулинг...

Аёл сўзини кесди:

– Кечаю-кундуз тиним билмай сизни изладим, сенъор, сизни уйингиздан, онангизнинг уйидан, идорангиздан тополмадим. Эримга нима бўлишини фақат сиз биласиз, фақат сиз у қаердалигини айта оласиз. У қаерда? Унга нима бўлди? Менга айтинг, сенъор, у тирикми? У тирик эканини менга айтинг, сенъор!

¹ Севгим номидан айтаман, бошқа киёфага кир... (инг.)

— Айни шу бугун, сеньора, харбий трибунал мажлиси чакирилган, у ерда хукуқшуноснинг иши ҳам кўрилади.

— А-а-а-а!

Кувончдан аёлнинг лаблари асабий қалтиради, хаяжон босиб ўзини идора қилолмай қолди. Тирик! Хабар орқасида умид бор эди. Тирик!.. Ахир унинг ҳеч қандай айби йўқ-ку, демак, уни озод этишади...

Аммо прокурор совуқ оҳангда кўшимча қилди:

— Мамлакатимиздаги сиёсий аҳвол шундайки, хукумат ўз душманларини ҳеч қачон аяб ўтирамайди, сенъора. Сизга факат шуни айта оламан. Сенъор Президентга учрашиб кўришга харакат қилинг, эрингизни авф этишини сўранг — у қонунга мувофиқ ўлим жазосига хукм этилиши ва йигирма тўрт соат ичида отилиши мумкин...

— ... Учун, учун, учун...!

— Қонун одамлардан юқори туради, сенъора, факат Сенъор Президентгина авф этиш хукуқига эга...

— Учун, учун учун...!

Аёл гапиролмай қолди, тош қотди, жонсиз бармоқлари билан қаттиқ ғижимлаб, тишлаб олган дастрўмолидек ранги бирдан оқариб кетди.

Прокурор наизалар орасидан ўтиб, ичкарига кирди. Севимли сайлгоҳларидан шаҳарга қайтаётган аслзода хонимлар ва хушторлари тушган фойтуналар харакатга келиб, бир лаҳзада жонланган кўчалар бўм-бўш қолиб, мудрай бошлади. Қайсиdir жинкўчадан хуштак чалиб, учқун сачратиб чиқкан митти поезд рельслар устида тебраниб ғойиб бўлди.

...Учун, учун, учун...!

У гапиролмай қолди. Муз исканжалар — улардан ким куткаради? — томогини бўғди, танаси гўё елкасидан ажralиб, пастга сирғаниб кетди. Куруқ кўйлаги, боши-қўли ва оёқларигина жойида. У қўчада ўзига қарама-қарши келаётган фойтун ғилдираги овозларини эшилди. Уни тўхтатди. Кўпчиб кетган отлар бўйинини эгиб, орқа оёғига тиравиб аранг тўхтади. У аравакашга зудлик билан Президентнинг шаҳар ташкарисидаги

үйига элтишни буюрди. Унинг сабр-тоқати тугаган, бутунлай тамом бўлган эди, отлар ўқдек учиб бораётган бўлса ҳам у зўр бериб «тез юринг» деб талаб қиласар, «аямай қамчиланг», деб буюрар эди... у тез етиб бориши керак... Ҳа тезроқ... У эрини қутқариши керак... Янада тезроқ... тезроқ... У аравакашдан қамчини юлиб олди... Эрини қутқариши керак... Дўлдек ёғаётган шафқатсиз қамчилар отларнинг яғринларини куйдиради... Эрини қутқариши керак... Тезроқ у ерга етиши лозим... Аммо фойтун кўзғалмайди... ғилдираклар харакатсиз ўқ атрофида айланади, олдинга силжиммайди, улар жойидан қимиirlамайди... У эса эрини қутқармоғи лозим... Ҳа... ҳа... ҳа... ҳа... – соchlари ёйилиб кетди – уни қутқариши керак... – кўйлаги йиртилди, – уни қутқариш керак... Аммо фойтун қимиirlамайди... қимиirlамайди... факат олдинги ғилдираклари айланади; унинг назарида фойтуннинг орқа қисми қолиб кетган, фойтун фотоаппаратнинг бурма пардасига ўхшаб чўзилиб қолган, отлар бўлса тобора кичиклашиб бормоқда... Кучер қамчини тортиб олди. Бундан ортиқ ҳайдаб бўлмайди... Ҳа, ҳа, ҳа, ҳа... Ҳа... Йўқ... ҳа... йўқ... ҳа... йўқ... Нега йўқ бўлсин?.. Йўғи нимаси?.. Ҳа... йўқ... ҳа... йўқ... У зирагини, тақинчоқларини, узугини, билагузугини юлиб олиб, отларни аямасин деб аравакашнинг чўнтағига солиб кўйди. Эрини қутқариши шарт. Аммо улар ҳамон етиб боришолмаяпти. Етиб бориш, етиб бориш, етиб бориш шарт. Аммо йўлнинг адоги кўринмайди... Етиб бориши, ялиниб-ёлбориши, эрини қутқариши керак, аммо йўл адо бўлмайди. Улар телеграф устунлари сингари ер остига кириб кетган ёки аникроғи, телеграф устунлари тиканли яшил кўралар, экилмаган ерлар, кунботишдаги тилларанг шафақлар, чўлдаги кимсасиз чорраҳалар, ялқов буқаларга ўхшаб орқага чопиб кетмоқда. Нихоят, қалин дарахтлар орасига сингиб кетган йўлга – Президент қароргохи томонга бурилдилар. Унинг нафаси қайтди. Улар кимсасиз қишлоқни эслатадиган ҳувиллаб ётган уйлар ёнидан ўтдилар. Олдиларидан бирин-кетин пре-

зидент мулкларидан қайтаётган ландо¹, икки ғилдиракли арава, фойтунлар кўрина бошлади, унда ранг-рўйи ҳам, кийган кийимлари ҳам бир хил одамлар ўтиришарди. От туёкларидан чиқаётган шовқин кучая бошлади... Аммо йўлнинг адоги кўринмайди, адоги кўринай демайди.

Фойтунларда қайтаётганлар орасида қаппайган қоринчаларини қимматбаҳо кийимлари орасига яширган истеъфодаги тўралар, ҳарбийлар кўринди, қишлоқ одамлари – бир неча ой олдин Президент томонидан шошилинч сафарбар қилинган кишилар пиёда келишарди; дехқонлар теридан тикилган оёқ кийимлари кийишган; бир нафас хордик олай деб ўтирган мактаб ўқитувчилари – уларнинг юз-кўзларини чанг босган, ағдарма терили ботинкалари йиртиқ, кўйлаклари остидан ички кийимлари чиқиб туради; яна маҳаллий раҳбарлар жўнатган бир тўда хиндулар – улар бўлаётган воқеалар билан кўпда қизиқмайдилар. Ҳаммасига худо ёр бўлсин, ха, ха, ха, ха, аммо йўлнинг охири борми? Муҳими, қабул вақти тамом бўлмасдан олдин етиб бориш, илтимос қилиш, уни куткариб қолиш шарт... Аммо йўлнинг ниҳояси йўқ!.. жудаям яқин қолди, факат қишлоқдан ўтилса бўлди. Шу пайтгача етиб бориш керак эди, қишлоқ нега бунчалик чўзилиб кетди?

Фойтун ҳазрати олийлари қароргоҳи остонасида тўхтади. Карвахалнинг хотини қалин дараҳтлар олдидаги хиёбон бўйлаб ҳашаматли уйга чопиб кетди. Қандайдир зобит йўлини тўсади.

– Сеньора, сеньора...

– Мен Президент ҳузурига келдим.

– Сеньор Президент қабул қилмайди, қайтинг...

– Йўқ, йўқ, қабул қиласи, йўқ, у мени қабул қиласи, мен ҳукуқшунос Карвахелнинг хотиниман... – У зобитнинг кўлидан чиқиб, олдинга югуриб кетди. Зобит тўхтанг деб буюрганча орқасидан чопди. Аёл окшом шафағи хира ёритиб турган кичкина уйча олдига етиб борди.

¹ Ландо – тўрт кишилик, усти очиқ аравача.

– Эримни отишай деяпти, генерал!

Күғирчоқ уйчага ўхшаган бу иморат айвонида ба-ланда бўйли, қорамағиз, кийими бошдан-оёғигача зар ипаклар билан безатилган киши қўлларини орқасига чалиштирганча хона бўйлаб танда кўярди. Аёл ҳаяжон ичидаги унга хитоб қилди:

– Эримни отишай деяпти, генерал!..

Орқасидан югуриб келган ҳарбий Президентни кўриш мумкин эмас деб, тинимсиз такрорларди.

Салобатли қиёфада ярқироқ кийимлар кийган гене-рал кўполлик билан:

– Сенъор Президент қабул қилмайди, хурматли хо-ним, марҳамат қилиб тез жўнаб қолинг, – деди.

– Ох, генерал! Генерал! Эрим бўлмаса, мен нима қиласман? Энди ахволим нима кечади? Йўқ, йўқ, гене-рал! У қабул қиласди! Кўйиб юборинг, кўйиб юборинг! Мен ҳакимда хабар беринг! Эрим отилиш арафасида ахир!

Юраги дук-дук ураётгани эшитилиб турарди. Тиз чўкишига йўл қўйишмади. Илтижоларига қулоқ солиши-мади.

Қоронғиликда қуруқ барглар шивирлашади, гўё юлиб, учирив кетадиган шамолдан қўрқиб қалтирашади. У қандайдир харракка йиқилиб тушди. Музюрак одам-лар, юлдузларнинг совук милтираши. Сўлаги энтикиб, титраб-қақшаб турган энгагига ёпишади. У йиқилиб тушган харрака кўз ёшлари билан хўл бўлди, ўриндиқ гўё қайроқтошга айланди. Уни Президент турган ҳовлидан туртқилаб ҳайдаб чиқаришади. Қоровулларнинг ово-зидан қўрқиб, сакраб туриб кетди. Колбаса, ачиған шароб, карагай елимининг ҳиди таралди. Харрака ден-гиз оқизиб кетган тахтадек қоронғуликда йўқ бўлди. У харракка ўхшаб чўкиб кетмаслик учун, тирик қолиши учун зулмат қўйнида тўхтовсиз гандираклаб юрди. Уни дараҳтлар орасида турган соқчилар тутиб олдилар. Қўпол сўкиниб тўхтатдилар, қўндоқ билан туртдилар, яна юрмоқчи бўлгандаги милтиқ ўқталдилар. Ўнг томон-дагилар ялиниб-ёлборишига қулоқ солмаганда, чап то-

монга қараб қочди. Тошларга қоқилди, тиканли буталар орасидан ўтди. Бошқа муз қўриқчилар йўлини тўсди. У шафқат сўради, олишди, тиланчига ўхшаб қўлини чўзди ва сўзларига ҳеч ким қулоқ солмаётганини кўргач, яна бошқа томонга қараб қочди...

Дараҳтларнинг сояси фойтун йўлига тушиб турибди; зинапояга зўрга етиб борган соя баҳтини яна бир марта синамоқчи бўлган телба сингари орқага қайтади. Ҳайдовчи уйғонди ва жиловни тортиш учун чўнтағидан қўлини чиқарар экан, аёл берган тақинчоқларни тушириб юборишига сал қолди. Назарида, бир умр шу ерда тургандек туюлди; қачон келгани эсида йўқ. Зираклар, узуклар, билагузуклар... Аёл тихирлик қилиб ўтираҳиди! У бир оёгини иккинчисига ишқалади, шляпасини бостириб кўйди ва тупурди... Карваҳалнинг хотини ҳушини йўқотганча гандираклаб фойтун олдига келди. Ўриндиққа ўтирап экан, кучерга яна бир оз кутишни буюрди, балки үйдагилар эшикни очиб қолар. Ярим соат... Бир соат...

Фойтун товуш чиқармай қўзғалди; у ғилдираклар овозини эшитмадими ёки ҳамон жойида турибдими?..

Қиялаб кетган йўл жарлик ичига олиб тушади, кеийин у шаҳарни излаб, ракета сингари юқорига интилади. Биринчи қора девор. Биринчи оқ уй. Қайсиdir девор тешигини «Онуфриев» деб ёзилган таҳтача билан тўсиб кўйишибди... Ҳамма нарса қайғуси атрофида айланаштаганини сезди... Ҳаво... Ҳамма нарса... Ҳар томчи кўз ёшида юлдузлар олами. Қирқ оёқли шабнамлар томлардан тор йўлакларга томади. Томирларида қони қотиб бормоқда... Энди нима бўлади?.. Тобим қочмоқда... Аҳволим оғир... оғир!.. Эртага унга нима бўлади? Кеийинчи? Индинига-чи? Ҳеч нарса ўзгармайдими?! Ўзидан сўрайди, ўзи жавоб беради... Индинига ҳам аҳвол шу...

Барча ўлганларнинг оғирлиги ерни тунги зулмат кўйнига судрайди, тириклар эса кундузги ёруғликка... Ўликлар сони тирикларникидан ортиб кетса, абадий тугамайдиган тун бошланади, тириклар кунни орқасига қайтариб келолмайдилар...



Фойтун тўхтади. Чўзилиб кетган кўча унинг учун шу ерда тамом бўлди, у турма олдида турибди, бунга шубҳа йўқ... У деворга қаттиқ қапишиб олди... Эгнида мотам либослари йўқ, аммо унда кўршапалак сезгиси пайдо бўлди... Кўрқинчли, совук, жирканч; у деворга ёпишганча ҳеч нарсани ҳис қилмай қолди, мана, мана, ҳозир девордан акс садо чиқади. У мана шу ерда туриб, худди эрига ўхшаган, кўзи, лаби, оёқлари, боши, сочи, бармоқларида тирноқлари, оғзида тиши, тили, томоғи, ҳалқуми бор одамлар ҳеч нарса бўлмагандек бемалол милтиқдан ўқ отиб ўлдиришлари мумкинлигига сира ишонгиси келмасди. Терисининг ранги, овозидаги оҳанглар эриникидек бир хил бўлган, кўрадиган, эшиладиган, ухлашга ётадиган, турадиган, севадиган, эрталаб ювинадиган, овқатланадиган, куладиган, юрадиган, ўйладидиган, шубҳаланадиган одамлар отиб ташлашларини хаёлига сифдириш нихоятда оғир эди...

СЕНЬОР ПРЕЗИДЕНТ

Кара де Анхел Президентнинг шаҳар ташқарисидаги уйига тез етиб келиши ҳақида буйруқ олди. У Камиланинг қизиллашиб бораётган юзи ва тиниклашаётган шиша кўзларига синчиклаб боқар экан, барча кўрқоқ судралиб юрувчиларга хос шубҳа остида қолди: борсаммикин ёки йўқми? Сенъор Президент ёки Камила, Камила ёки Сенъор Президент...

Яна у орқасида турган қовоқхона бекасининг бармоқларини қирсиллатаётгани ва илтижо оҳангига тўла овозини эшигти. Ахир Васкеснинг гуноҳидан кечишни сўраш имконияти пайдо бўлди-да. «Бораверинг, беморга ўзим қараб ўтираман...» Кўчага чиқиб оғир нафас олди. Фойтунга ўтириб президент ҳузурига жўнади. От туёклари тош йўлда тарақтайди, ғилдираклардан бир хил товуш чиқади. «Қи-зил уй-ча», «А-сал-а-ри», «Вулқон»... У магазинлар номини бўғинларга бўлиб, дикқат билан ўқиб борди; улар кундузгига қараганда кечаси яхшироқ кўринади. «Эл Гуа-да-ле-те»... «То-вуқ-лар ва

жў-жа-лар»... Баъзан кўзи шарқона номларга ҳам тушиб қоларди: «Лон Лей Лон ва Ко»... «Хван Се Чан»... «Фу Хван Ен»... «Чон Чан Лон»... «Сей Ен Сей»... У генерал Каналес ҳақида ўйлаб кетди. Балки ундан бирон хабар келиб, шунга чакиришгандир? Бўлиши мумкин эмас? Нега мумкин эмас? Уни кўлга тушириб, ўлдиришгандир ёки... ўлдиришмагану, тутиб олишгандир?¹.. Ногоҳ чанг булути кўтарилди. Тореро² буқани ўйнатгани каби шамол фойтун билан ўйнашарди. Ҳар нарса бўлиши мумкин! Шаҳардан чикқандан кейин фойтун худди қаттиқ ҳолатдан суюқликка ўтган модда сингари силлиқ кетди. Кара де Анхел тиззаларини қучоклаб, хўрсиниб кўйди. Фойтун шовқини қадимий тангаларини сочиб оҳиста, хотиржам келаётган туннинг ҳисобсиз шовқинлари ичидаги кўмилиб кетди. У күшларнинг қанот қоқишини эшигандек бўлди, қуён думидек кичкина уйлар қаторидан ўтишди. Яримжон кўпрак хуриб қолди...

Ҳарбий вазирнинг ёрдамчиси ўз кабинети эшиги олдидаги қаршилади, бир кўлини узатиб кўришар экан, иккинчиси билан чакмоқтошда сигаретини тутатди ва ҳеч нарса демай уни Сенъор Президент ётоғига етаклади.

— Генерал, — Кара де Анхел вазир ёрдамчисини кўлтиқлади, — хўжайнин мени нимага чакирганини билсангиз керак?..

— Йўқ, дон Мигелито, хабарим йўқ.

Бир дақиқадан кейин гап нимадалигини тушуниди. Ичкаридан чиқаётган бўғик қиқирлашни эшитиши биланоқ вазир ёрдамчиси жавобдан нега ўзини олиб қочганини англаб етди. Эшикдан мўралаб, думалоқ стол устидаги шишалар ўрмони, совук газаклар, агуакате салати ва қизил қалампирларни кўрди. Тартибсиз турган оромкурслар манзарани янада тўлдиради. Қизил нақшлар билан безатилган хира дераза ойналари боғдаги чироқлардан тушаётган нур билан ўйнашади. Бошидан-оёғигача қуролланган зобитлар ва аскарлар

¹ Тореро – буқа уриширувчи киши.

² Агуакате – нокка ўхшаган мева.

күриқчиликда туришибди – ҳар бир эшик олдида зобит, ҳар бир дараҳт тагида аскар бор. Сенъор Президент хона ичкарисидан гандираклаб сузиб чиқди: оёғи остида ер рақсга тушади, боши узра шифт гурсиллади.

– Сенъор Президент, – гап бошлади мулозим хизматга тайёрлигини билдириб қўйиш учун; у шартта тўхтатди.

– Ми-ни-стер... ва!

– Маъбуда ҳақида гапирмоқчимисиз, Сенъор Президент?

Ҳазрати олийлари ҳаккалаб столга яқинлашди ва мулозим хозиржавоблик билан тилга олган Минерва сўзига эътибор бермай бўкирди:

– Мигел, ароқни ўйлаб топган киши умрни узайтирадиган малҳам излаганини биласанми?..

– Йўқ, Сенъор Президент, мен буни билмайман, – шоша-пиша жавоб берди мулозим.

– Ажабо, шунинг учун у дунёдаги энг яхши нарса...

– Сенъор Президентдек юксак заковатли киши буни билмаса жуда ғалати бўларди, сиз адолат юзасидан айтганда, дунёдаги энг машҳур замонавий давлат арбобларидан бирисиз; мен билмасам, хижолатли жойи йўқ.

Ҳазрати олийлари атрофида рақсга тушаётган нарслар ўз жойида турсин деб бир дақиқа қўзини юмди.

– Жим-м, мен кўп нарсани биламан.

Шу сўзлардан кейин қўли вискиларнинг қалин ўрмонига оғир йиқилди; у Кара де Анхелга қадаҳ тутқазди.

– Ич, Мигел... – томогига бир нарса тиқилиб, гапиролмай тўхтаб қолди. Мушти билан кўкрагига урди – йўғон бўйни ва пешонасида қон томирлари бўртиб кўринди, мулозим чаққонлик билан узатган сувдан бир-икки хўплагандан кейин пишиллаб, ҳиқичоқ тутиб зўрга тилга кирди.

– Ха-ха-ха-ха! – бирдан хохолади у бармоғи билан Кара де Анхелни туртиб. – Ха-ха-ха-ха! Ўлим иси келади. – Яна жўшиб хохолади. – Ўлим иси келади... Ха-ха-ха-ха!..

Мулозим оқарыб кетди. Қўлидаги қадаҳ тўла виски чайқалди.

– Сенъ...

– Пр-р-резидент ҳаммасини билади, – ҳазрати олийлари гапини бўлди. – Ха-ха-ха-ха... Ўлим иси келаётганини сезади ва барча спиритларга ўхшаб телба-тескарилар айтган гапларга ишонади... Ха-ха-ха-ха!

Кара де Анхел бақириб юбормаслик учун қадаҳни лабига олиб борди ва вискини хўплади; бир дақиқа олдин кўзларида олов бор эди, бир дақиқа олдин хўжайнинг ташланиб, томоғидан ғиппа бўғишига, тилка-пора қилиб юборишга тайёр эди. Ҳозир елқасидан поезд босиб ўтса енгил бўларди. Ўзидан нафратланиб кетди. Яна аввалгидек ювиндихўр итга айланди, ҳаётини яна асраб қолган туғма зийраклигига қойил қолди. Ғазабини яшириш учун сохта жилмайди, заҳар ичгандек юзлари шишиб кетди, ўлим эса қора духоба кўзларига тикилиб турарди.

Ҳазрати олийлари паشا овлар эди.

– Мигел, паشا тутишни биласанми?..

– Йўқ, Сенъор Президент...

– Эҳ, ҳа, ҳали се-е-ен... талвасага тушаяпсанми?.. Ха-ха-ха-ха!.. Хи-хи-хи-хи!.. Хо-хо-хо-хо!.. Хе-хе-хе-хе!..

У кулишни тўхтатмай паشا қувишда давом этди: кўйлаги шимидан чиқиб, осилиб қолди, тугмачалари, ботинка боғичлари ечилиб кетди. Сўлаги оқиб, кўзининг оқи сариқ тусга кирди.

– Мигел. – У овозини пастлатиб, ҳарсиллаб гапирди:

– Мигел, «паша овлаш» ёқимли, аммо оддий нарса; фақат сабр-тоқат керак. Мен қишлоқда – болалигимда шу ўйинни ўйнаб, пул ишлар эдим.

Қадрдон қишлоғини тилга олар экан, қошларини чи-мирди, пешонасига соя тушди, орқасида турган Республика харитасига ўгирилиб, қишлоғининг номи ёзилган кора нуктани мушти билан урди.

Хотирасига болалигига юпун, ниҳоят даражада юпун кийиниб чопиб юрган кўчалари, ўсмирлигига бир бурда нон учун ишлаган кезларида бадавлат оиласлардаги тенгдошлари майшат қилиб, давру-даврон суроётганини

кўриб эзилганларини эслади. У ҳамқишлоқлари – майдада одамлар орасида ботқоқка ботиб, шамол ғириллаб турган хароб кулбада ҳаёт кечиргани, тунларда хира шам ёруғида ўқигани, онасининг ғариб қиёфасини эслади. Яна у учинчи тоифали адвокат хонасида катта ишларни бажариб юрган ҳамкаслари нафратланадиган сотқин аёллар, қиморбозлар, олибсотарлар, от ўғрилари даврасида ўтирган кезларини эслади.

У шахт билан бир неча қадаҳни бўшатди. Қизарган, халтадек осилган юзида билан нуқтага тикилиб қолган кўзлари, кичкина қўлидаги тирноқлари ялтиради.

– Аблаҳлар!

Мулозим уни қўлтиғидан тутди. Сенъор Президент адашган нигоҳлари билан хонага назар солди – атрофи мурдага тўла эди ва: – Аблаҳлар! – деб бакирди. Сўнг овозини пасайтириб қўшимча қилди:

– Мен Парралес Сонриентени яхши кўтарар эдим, ҳамон яхши қўраман, уни генерал қилмоқчи эдим, чунки у ҳамюртларимнинг жиловини тортиб қўйди, ҳаммасини бўғиб ташлади, елкаларида қамчи ўйнатди, агар онам бўлмаганда менга қилган зуғумлари учун битта қўймай кириб ташларди. Ҳаммасига чидаб келдим. Сабаби, ўзимга маълум. Аблаҳлар!.. Мен кечирмайман, ҳаётимга ҳар томондан таҳдид бўлиб турган кунларда, якин дўстларим ташлаб кетаётган, душманларим кўпайиб турганда уни ўлдиришганини кечира олмайман... Йўқ, йўқ, Арк пештоқидан ном-нишон қолдирмайман...

Сўзлари тойғоқ йўлдан кетаётган фойтун сингари лабидан сирпаниб чиқарди. У қорнини чангллаб, мулозимнинг елкасига суюнди – томирлари зарб билан урар, шамоллаган кўзлари ёнар, аранг нафас оларди – шу лаҳзада оғзидан пўртахол рангидаги суюқлик оқиб тушди. Вазир ёрдамчиси тоғора қўтариб югуриб келди (унинг тагига Республика герби зарб килинган эди). У қайт қилиб бўлгандан кейин – мулозимнинг эгнида куруқ жой қолмади – иккаласи Президентни қўлтиғидан ушлаб, ётар жойига олиб бордилар.

У йиғлаб:

– Аблахлар!.. Аблахлар! – деб тақрорларди.

Ташқарига чиқиши билан вазир ёрдамчиси ши-вирлаб хушхабар еткәзди:

– Табриклайман, дон Мигелито, табриклайман. Сенъор Президент сизнинг никоҳингиз хақида газетада мақола чиқаришни буюрди. У биринчи күёвжўрангиз бўлишга розилик билдири.

Улар даҳлизга чиқиши. Вазир ёрдамчиси овозини кўтарди:

– Дастлаб у сиздан қаттиқ хафа бўлди. Парралес Сонриентега дўст бўлган киши, деди у менга, Мигелга ўхшаб иш қилмас эди; нима бўлгандан ҳам у рақибимнинг қизига уйланишдан олдин мен билан маслаҳатлашиши керак эди, деди. Уни олдида сизни қоралашга кўп харакат қилишди, Мигелито. Мен доим ёнингизни олдим, севги одамни мафтун қиласди, йўлдан чиқаради, телбага айлантиради, адаштиради деб ишонтирдим.

– Сиздан миннатдорман, генерал.

– Шумтакани қара-я, – вазир ёрдамчиси ҳазил оҳангиди гапирав экан, хоҳолаб кулди ва дўстларча елкасига қўйл ташлаб, ўз хонасига етаклади.

– Қани, бу ёққа келиб, газета билан танишиб кўрингчи!

Сенъоранинг суратини Хуан амакисиникидан олдик. Жуда яхши чиқди, дўстим. Жуда яхши!

Мулозим газета сахифасини столга ёзди. Күёвжўралар рўйхатида Ҳазрати олийларидан ташқари инженер дон Хуан Каналес ва укаси дон Хосе Антонио ҳам бор эди.

«Юқори жамиятда тўй. Кеча кечқурун соҳибжамол сенъорита Камила ва сенъор дон Мигел Кара де Анхелнинг никоҳ кечаси бўлиб ўтди. Кўл кўювчи ҳар икки томон... – у таклиф этилганлар рўйхатини кўздан кечирди, – ... Олий қароргоҳда ўтказилган тўйда күёвжўра, Республиканинг Қонуний раҳбари, Сенъор Президент ҳамда сенъорлар, давлат вазирлари, генераллар (у рўйхатни тўла ўқиб ўтиrmади) ва келиннинг қариндошлари дон

Хуан Каналес ва шу фамилиядаги дон Хосе Антониолар қатнашди. «Эль Националь» бугунги сонда янги күёв-келинні табриклаб, сеньорита Каналес суратини босиб чиқаради ва уларга улкан баҳт-саодат тилайди». У күзини қаерга яширишни билмай қолди. «Верден остонасида жанглар давом этмоқда. Бугун кечкүрун немис қүшинлари ашаддий хужумга ўтиши кутылмоқда...» У телеграф хабарлари босилган саҳифадан нигохини узиб, Камила сурати тагидаги қайдларни ўқый бошлади. Дунёдаги ёлғиз суюклиси қўпол майнавозлик қурбонига айланиб рақсга тушар, атрофидагилар эса сакраб ўйнашарди.

Вазир ёрдамчиси газетани олди.

– Караб кўзингга ишонмайсан, шундай эмасми, баҳтиёр бола?

Кара де Анхел жилмайди.

– Аммо, ошнам, кийимингизни алмаштирмасангиз бўлмайди, мени фойтунимни олинг...

– Бениҳоя миннатдорман, генерал.

– Аравакашга айтинг, сизни тез олиб бориб, зудлик билан олдимга қайтиб келсин. Табрикларимни қабул қилинг, хайрли тун. Э, тўхтанг! Газетани олиб кетинг, сеньора ҳам кўриб қўйсин, рафиқангизни садоқатли дўстингиз номидан табриклашни унутманг.

– Ҳаммаси учун катта раҳмат, хайрли тун.

Мулозим ўтирган икки шарпа – от қўшилган фойтун товуш чиқармасдан соя сингари учеб кетди. Қалампиргул ҳиди анқиб ётган экин экилмаган далалярда чирилдоқларнинг хониши бошланган, иссиқ оқшом қўйнида маккажўхорилар, шудринг қўнган ўтлоқлар, жасмин ўсиб ётган қўралар билан ўралган боғлар хорғин мудрайди.

– ... Ҳа-а, агар яна мени мазах қилса, бўғиб... – хаёлида жонланган қўкрагига президент лентаси осилган совуқ жасад, рангпар япалоқ юз, қайрилган оппоқ енгидан чиқиб турган бармок учлари, қонга ботган лакланган ботинкани ёнида ўтирган ҳайдовчи ҳам кўриб қоладигандек қўрқиб кетди.

Фойтуннинг тебраниши исёнкор фикрларини бўғиб кўйди... У ўзини турмада ҳаракатсиз ўтирган, қотиллик манзарасини хаёлида жонлантириб, миясида жунбушга келган бўронни жиловлашга уринаётган маҳбус ўрнига қўйиб кўрди. Томирларида қон гупирди. Тоза тун ҳавосига юзини тутиб, тер ва кўз ёшидан хўл бўлиб кетган дастрўмоли билан баданидаги хўжайнинг қусугини артишга тутинди. Уни ичида лаънатлар ва ғазаби қайнаб йиглар эди. «Оҳ, қани энди юрагимга ёпишиб қолган таҳқирловчи хохолашларни сидириб ташлай олсан!..»

Шиддат билан чопиб ўтган фойтун уларни босиб кетишига сал қолди. Унда бир зобит ўтиради. Отлар чанг булувларини кўтариб шаҳарга қараб қуюндек учмоқда. «Қироличага шоҳ!» – ўйлади Кара де Анхел ўзича. Фойтун юлдуз учиб ғойиб бўлган томонга қараб елиб боради. Зобитга Сенъор Президентнинг маъшуқаларидан бирини олиб келиш топширилган. У ўзини худо юборган элчидек тутади.

Марказий вокзалда шовқин тинмайди: вагонлардан яшикларни бўшатишади, қизиб кетган локомативлар акса уради. Кўчаларда маст-аластлар гандираклайди, айвонда яшил панжарага таяниб турган занжи кўриниади, гижирлаб бораётган фойтунда юzlари мағлубиятдан кейин совиб, тўнгиб қолган замбаракни эслатадиган паришон, афтодаҳол киши жим кетиб боради.

ЖУМБОҚНИНГ ЕЧИМИ

Карвахалнинг беваси уйма-уй дайдиб юради, ҳамма жойда уни совуқ каршилашади, эрининг ўлими мунносабати билан икки оғиз ҳамдардлик билдиришдан қочишади, бир балоси чиқиб, хукуматга ёмон кўринмайлик, деб қўрқишади, аҳён-аҳёнда оксоч аёллар деразадан қараб дағаллик билан қичкиришади: «Сизга ким керак? А-а! Жаноблар кетишган...»

Бундай ташрифлар пайтида баданига ёпишган музлар уйига қайтгандан кейин эрийди. Эрининг су-

ратини олдига қўйиб ҳўнграб йиглайди. Уйида кичкина ўғли ва карқулоқ энага бор. Энага ҳар дақиқада ўғлига: «Энг муҳими, отангни унутма, қолганлари тухум пўчоғига арзимайди», – деб гап уқтиради. Хонадаги тўтиқуш тинмай жаврайди: «Яхши тўти, Португалиядан келтирилган, патлари яшил, ҳеч қандай тақинчоғи йўқ! Кўлингизни беринг! Салом, ҳукуқшунос! Тўти, кўлингни бер! Кузгуналар яқинлашмокда. Куёнди хиди келади!.. Вой-й!» У эримнинг жасадини беришсин деб Президентга мурожаатнома ёзиб, имзо тўплашга уриниб кўрди, аммо бу ҳақда бировга гапиришдан кўрқди; ҳамма ерда маънодор йўталиб совук қаршилашди... Қора рўмолига ўралиб, ўз имзосидан бошқа ҳеч нарсаиз қуруқ қайтди.

Саломлашмаслик учун ундан кўзларини олиб қочишарди, оstonада қаршилашар, одатдагидек: «Марҳамат, ичкарига киринг», деб таклиф қилишмасди; унга даволаб бўлмайдиган, вабодан, сариқ иситмадан, қашшоқлиқдан ҳам оғир дардга чалинган кишидек муомала қилишар вабуни онгигасингдиришга ҳаракат қилишарди, шунга қарамай, «имзосиз хатлар» йиглашарди, карқулоқ оқсоч ҳар гал коронги ва ташландик ошхона эшигига қистириб кетилган хатни топиб келганда шундай дер эди. Қингир-қийшиқ ҳарфларда ёзилган қофозлар тун коронфисида пайдо бўлиб қоларди, улар орасида биронта ҳам уни «муқаддас», «жрафокаш», «айбизз қурбон» деб улуғлаган, баҳтиқаро эрини кўкларга кўтарган ва полковник Парралес Сонриенте амалга оширган даҳшатли жиноятлар батафсил қайд этилган хатлар йўқ эди.

Эрталаб эшик тагида яна иккита имзосиз хат топилди. Оқсоч уларни ҳўл қўллари билан ифлос қилмаслик учун этагида олиб келди. Биринчи хатда шундай ёзилганди:

«Сеньора, мен мен жудаям ёқимли бўлмаса ҳам сизнинг мусибатзада оиласингизга чуқур эҳтиромимни билдириб, сизнинг эрингиз, фидойи фуқаро, ҳукуқшунос Абел Карвахел сиймоси менда қанчалик чуқур таассурут қолдирганини маълум қилмоқчиман. Аввало, буни

эхтиёткорлик юзасидан, ҳар қандай қоғозга ҳам ишониб бўлмайди, амалга оширишга ижозат бергайсиз. Вақти келиб сизга ҳақиқий исм-шарифимни маълум қиламан. Менинг отам ҳам полковник Парралес Сонриенте томонидан йўқ қилинган одамлардан биридир. У дўзахда ёнишга лойик, лаганбардор, мунофиқ кимса бўлиб, бунақа нусха тарихда кам топилади. Қилмишларини қачонлардир ёзишга кўл урган киши перосини илон заҳарига ботириб олиши даркор. Менинг отам бундан кўп йил илгари йўлда ёлғиз кетаётган пайтда бу разил қўркоқ қўлида ўлган. Биз, табиийки, бу ҳақда ҳеч нарсани билган эмасмиз. Агар бир номаълум киши имзосиз хат йўллаб, даҳшатли қотиллик ҳақида хабар бермаганда, бу иш ёпиқлигича қолиб кетар эди. Мен эрингиз, олийжаноб инсон, қаҳрамон, ўз фуқаролари қалбида ҳайкал ўрнатган одам Парралес Сонриенте йўқ қилган қурбонлар қасоси учун (бу борада турли тахминлар бор) курашган деб аниқ айта олмайман, аммо ҳар ҳолда сизга тасалли берадиган бир неча сўз айтишни ўз бурчим деб биламан ва сенъора, сизни ишонтира оламанки, биз, ҳаммамиз эрингизнинг ўлими учун биргаликда мотам тутамиз, чунки у шимолий америка олтинига сотилиб, ватанимизни қон ва балчиққа қораётган погон таққан кўп сонли қароқчилардан бирини йўқ қилди. Кўлингизни ўпаман. Крус де Калатрава».

У рұксиз, мажрух, ҳамма нарсага лоқайд, тўшакда ўликдек чўзилиб ётар, факат кичик столчадаги биронта буюм керак бўлганда қўлини узатар, эшик гичирлаб очилса, хона супурилса ёки бошқа биронта тиқ этган товшүш эшитилса, чўчиб тушарди. Зулмат, сукунат, бўшлиқ ўз ёғида қовурилиб, ёлғиз қолиш истагига жуда мос келар, эри ўлганидан кейин нариги дунё ҳақидаги ўйлар юраги ва бутун вужудини эгаллаб борар эди.

«Мухтарам сенъора, – иккинчи имзосиз хатни овоз чиқариб ўқий бошлади, – дўстларимдан бирининг ҳабар беришича, эрингиз отилган куни сиз турма деворига қулоғингизни қўйиб, ўқ овозларини санаб турган экансиз. Тўққизта ўқ узилди, аммо сиз уларнинг қайси

бири худо ярлақагур ҳукуқшунос Карвахални тириклар дунёсидан юлиб олганини билмайсиз. Мен ўзга ном билан – бизнинг кунларимизда қоғозга ишониб бўлмайди – дилингизга озор етказмай деб, узоқ иккиланишлардан кейин ўзим билган нарсаларни сизга маълум қилишга қарор қилдим, сабаби, мен ана шу қонли жиноятга гувоҳ бўлган эдим. Эрингиз оппоқ оқарган сочлари кенг пешонасига тушиб турган озгин, қорача кишидан кейин борар эди. Мен шу пайтда ҳам, ҳозир ҳам бу кишининг исмини била олмадим. Ич-ичига ботиб кетган, ёш тўла қўзлари шунча азоблардан кейин ҳам мулоийим ва ювош бокар эди. Ҳукуқшунос оёкларини судраб, қокилиб, қўзларини ердан узмай изма-из борар, чамаси у ҳеч нарсани кўрмасди, пешонасидан тер чиқиб кетган; худди юраги отилиб чиқиб кетадигандек бир қўли билан қўкрагини чанглаб олганди. Ҳовлига чикиб, қаршисида бир тўда аскарни кўргач, яхшилаб билиш учун бўлса керак, қўлининг орқаси билан қўзларини ишқалади. Эгнида ранги ўнгиб кетган калта костюм бор эди; камзулининг енги тирсагигача келар, шими эса зўрға тиззасига етарди. Ҳукм қилингандар энгил-бошларини турма каталакларида қолганларнинг уринган, эски, йиртиқ кийимлари билан алмашиб олишар ёки бағрикенглик қилиб турма назоратчиларига беришарди. Ёқасиз йўл-йўл қўйлакларга биттагина тугма қадалганди. Ҳаммаси оёқяланг. Ярим яланғоч шерикларини кўриб анча тетиклашди. Ўлим ҳукми ўқилгандан кейин у бошини кўтариб, найзаларга ғамгин назар солди ва нималардир деб аста пицирлади. Ёнида турган қария гапирмоқчи бўлди, аммо зобит қиличи билан таҳдид қилиб, сўзлашга йўл қўймади.

Шу аснода турма деворларидан акс-садо қайта бошлади: «Миллат номи билан!..» Бирин-кетин тўққизта ўқ овози янгради. Мен беихтиёр бармоғим билан санаб турдим. Шу пайтдан бери ғалати туйғудан кутула олмаяпман: битта бармоғим ортиқча экан. Кўзлари юмуқ маҳкумлар жон талашиб типирчилашар, ўлим чангалидан қутулишга уринишарди. Тутун пардаси бизни бир

тўда одамлардан ажратиб қўйди; улар йиқилаётib у дунёга ёлғиз кетмаслик илинжида беихтиёр шеригини ушлашга ҳаракат қиласади. Яраланганларни тинчилиш учун кечикиб отилган ўқлар хўл коэтильо ғунчасига ўхшаб жимгина ёриларди. Эрингизнинг омади бор экан – биринчи ўқдаёқ қийналмай ўлди. Тепамиздаги қўл етмас кўм-кўк осмон аранг эшитилаётган қўнғироқлар жарангига тўлди. Ҳарбий прокурор мурдаларни кўмишга буюрганини эшиш...»

Қаттиқ ҳаяжон ичида у қўлидаги қофознинг орқасига қаради: «эшиш...» Бошқа ҳеч нарса ёзилмаган эди, бошқа бетда ҳам хат қўққисдан узилиб қолганди. Бир неча марта ўқиб чиқди, конвертга қаради, тўшагини ағдариб кўрди, ёстиқлари остини титкилади, полдан, стол устидан қидирди, эри қаерга кўмилганини билиш умидида қайсарлик билан қайта-қайта излади.

Хонада тўтикуш чириллар эди: «Португалиядан келган яхши тўти, патлари яшил, тақинчоқлари йўқ! Мана, хукуқшунос келяпти! Ур-ра, яхши тўти! Ёлғон гапирсанг, билиб гапир! Йиғламайман, эслаб юраман!»

Ҳарбий прокурорнинг оқсочи бевани эшик олдида колдириб, бутун хонани бошига кўтариб вагиллашаштган икки аёл ёнига қайтди.

– Ҳей, яхшилаб эшиш, – қичқирди улардан бири, – ортиқ кутиб ўтирамайман. Билиб қўй, ўзиdek совуқ ҳарракда музлаб кутиб ўтирадиган хуштори эмасман! Кирриб айт, «Янги уй»даги аёл учун олган ўн минг песони яхшиликча қайтариб берсин. Уни текингаям олмас эдим, гапига учиб, олиб келишим билан ўликдек ағдарилди. Унга айт, охирги марта огоҳлантираяпман; энди тўғри Президентга шикоят қилиб бораман.

– Юринг, донъя Чон, қизишманг, шу қари ювиндихўр билан гап талашиб ўтирасизми?

– Сенъорита... – эътиroz билдиримоқчи бўлди оқсоч, аммо сенъорита уни шартта тўхтатди:

¹ Коэтильо – дуккаклилар оиласига кирадиган гул.

— Жим-м, сенга гап борми?

— Мен айтганимдай етказ; кейин нега огоҳлантирамдинг деб валдираб юрмасин; доњя Чон бир қиз билан келди, кутиб ўтириди, ўтириди, кейин кетиб қолди, пулни тахт қилиб қўйсин, деб буюорди, бўлмаса ўзидан кўрсин деди, деб айт...

Ўз ғамига ботиб ўтирган Карвахалнинг беваси бу машмашани пайқамади.

Қора мотам лиbosидан факат юзи кўринарди, холос. Оқсоч елкасига туртиб ичкарига чорлади. У хонага кирди. Бева гапга тушди, у зўрға тутилиб-тутилиб сўзларди, гапи худди ўлгудек толикқан нотиқнинг бир маромдаги ғулдирашига ўхшарди.

— Яхши сенъора, ёзиб келган хатингизни менга қолдиринг. У келиши билан қўлига тутқазаман, ҳозир келиб қолиши керак. Ҳамма гапларингизни айтаман; балки бир натижа чиқиб қолар.

— Барча азиз авлиёлар хурмати...

Каноп шим ва кўйлак кийган бир киши елкасига милтиқ осган, белига ханжар ва ўқдон осган қўриқчи-аскар ҳамроҳлигида эшик олдига келди, у ташқарига чиқаётган Карвахалнинг бевасига урилиб кетаёзди.

— Кечирасиз, — мурожаат қилди у оқсочга, — шафқатпаноҳ уйдами?

— Йўқ, ҳали келмади.

— Уни қаерда кутсам бўлади?

— Анови томонга ўтиринг; аскар ҳам ўтириши мумкин.

Маҳбус ва қўриқчи оқсоч хушламайгина кўрсатган темир хараккаб индамай бориб ўтирилар.

Хонада хушбўй ҳидли гуллар кўп эди. Шийпонда мушук изғиди. Қафасга қамалган майна тиним билмай ўзини симга уради. Тўхтовсиз оқаётган сувнинг шариллаши эштилиади.

Прокурор калитларини жаранглатиб эшикни очди, уларни чўнтағига яшириб маҳбус билан аскарнинг ёнига келди. Иккаласи ўрнидан турди.

— Хенаро Родасми? — сўради у ва бурнини жийирди.
Ҳар гал кўчадан кирганда мушукнинг хиди урилгандай туолади.

— Худди шундай, сеньор.
— Кўриқчи испан тилини тушунадими?
— Жуда ёмон, — жавоб берди Родас ва аскарга ўгирилиб сўради:

— Кастилия тилини биласанми?
— Оз-моз.

— Унда, — буйруқ берди прокурор, — сен яххиси, шу ерда қол, бу сеньор билан ўзим гаплашаман. У чиққунча кутиб ўтирасан; унда ишим бор.

Родас кабинет эшиги олдида имирсилаб қолди. Прокурор киришга рухсат берди; курол-яроғлари — револьвер, ханжар, кассет ва қўйма қўрғошинни китобу қофозлар уюлиб ётган стол устига қўйди.

— Ҳукмдан хабаринг бўлса керак?
— Ҳа, сеньор, энди...
— Агар адашмасам, олти йилу саккиз ой.

— Аммо, сеньор, мен Лусио Ваксесга шерик эмасман: бу ишга аралашганим йўқ, қасам ичаман! Кўз очиб-юмгунимча Пелеле Арк зинапояларидан ағанаб тушаётган эди, ҳаммаёғи қон, жони ҳалқумида. Мен нима қилар эдим! Кўлимдан нима келарди?! Шундай буюрилган экан. Шундай буюрилган, деди у.

— Худо уни жазолади.

Родас бошини кўтариб, прокурорга қаради, эшитгандарига ишонмасдан, унинг юзидан уқиб олмоқчи бўлди. Жим қолдилар.

— У ёмон одам эмасди... — овозини пасайтириб, хўрсинди Родас. Икки оғиз сўз билан дўсти хотирасини ёд этмоқчи бўлди; юраги зарб билан тепиб, совуқ хабарга муносабатини билдириди, энди тақдирга тан беришдан бошқа илож йўқ... Нима қила олардинг?!

— Духоба лента деб атардик биз уни, бўйи паст, омадли, ёқимтой эди, одамларга фойдаси тегарди...

— Тергов материаллари уни асосий айбдор, сени шерик деб исботлади.

- Аммо ҳимоячи умуман гапирмади-ку.
- Бу иш ҳақида Сенъор Президентнинг фикридан хабари бор эди. Васкесга ўлим ҳукми, сенга оғир жазо беришни сўраган киши аслида шу ҳимоячи эди.
- Бечора Васкесни омади юришмади, худога шукур, ҳар ҳолда мен валаклаб юрибман.
- Ҳатто чиқиб кетишинг мумкин; сенга ўхшаб сиёсий жиноятга шерик бўлгани учун қамоққа олинганлар Сенъор Президентга керак. Яқин дўстларидан бирини кузатиб юриш лозим, у Президентга хиёнат қилаётгани ҳақида маълумотлар бор.
- Хизматга тайёрман...
- Сен дон Мигел Кара де Анхелни танийсанми?
- Йўқ, фақат исмини эшитганман. Генерал Каналес-нинг қизини шу олиб қочган, дейишади.
- Худди ўзи. Уни адашмай таниб оласан, у жуда чиройли, баланд бўйли, қадди-қомати келишган, кўзлари қора, юзлари оппок, соchlари ипакдек, Иблиснинг ўзи. Ҳукумат у қандай ишлар билан шуғулланаётганини, кимниги боргани, кўчада кимга таъзим қилгани, эрталаб кундузи, кечқурун қаерда бўлганини билиши керак.
- Хотинини ҳам кузатасан. Йўл-йўриқ ва пулни ўзим бераман.
- Эсини йўқотиб қўяёзган маҳбус прокурорнинг қўлини ўпишга интилди, у эса гапириб бўлгач, столдан ручка олди ва маъбуда Фемида тантанали равища рағбатлантириб турган сиёҳдонга ботириб, унга узатди.
- Бу ерга кўл қўй: эртага озодликка чиқараман. Нарсаларингни тайёрла, эртага чиқасан.
- Родас қоғозга кўл қўйди. Қувонч олов оқимга айланниб баданига ёйилди.
- Ўла-ўлгунимча сиздан миннатдорман, — деди у хонадан чикар экан. Аскарни туртди, бўйнига туширишига сал қолди, эшикка қараб юрар экан, жаннатга кираётгандек яйраб қадам ташлади.
- Прокурорнинг қувончи уницидан кам эмасди. У Родас кўл қўйиб кетган хатга хузурланиб қаради. Унда шундай ёзилган эди:

“Мен фоҳишахона эгаси, Олтин тиш деб аталувчи Консепсьон Гамусинодан менга етказган маънавий ва моддий зарарни қоплаш учун берилган ўн минг песони олдим. У менинг хотиним, сеньора Федина де Родасни йўлдан уриб, уни ва ҳокимиятни алдаган. Ишга қабул қиласман деб ишонтирган ва ҳеч қандай розилигини олмай туриб, фоҳишага айлантироқчи бўлган. Хенаро Родас».

Эшик орқасидан оқсоchnинг овози эшитилди:

- Кирсан бўладими?
- Киравер...

– Бирон нарса керак эмасми, деб сўрагани келдим.

Шам олай деб дўконга бормоқчи эдим, сенга айтиб қўяй, икки аёл келиб қолди, анови суюқ оёқлар уйидан, менга дўқ қилишди, айтиб қўй, агар ўн минг песони қайтариб бермасанг, Президентга бориб шикоят қиласиз, дейишди.

– Хўп, яна нима гап бор?.. – прокурор хоргин қиёфада полга эгилиб почта маркасини олар экан, чўзиган гапириди.

– Яна мотам либоси кийган сеньора келди, анави отилганинг хотини бўлса керак...

- Қайси бириники?
- Сеньор Карвахал...
- Нима керак экан унга?

– Бечора мана бу хатни қолдирди. Эри қаерга кўмилганини билмоқчи бўлса керак...

Прокурор истар-истамас чеккаларига қора ҳошия ўралган қофозга кўз югуртириди. Оқсоқ давом этди:

– Сенга ростини айтсам, мен унга билиб қўяман деб ваъда бердим; унга ачинаман, бечора кўнгли тўла умид билан кетди.

– Сенга минг марта айтдим: дуч келган одам билан йигламсираб муомала қилаверма деб, бу менга ёқмайди. Одамлар бекорга умидвор бўлмасин. Қачон сен одамларни умидвор қилиш ярамайди деган фикрни миянгга куйиб оласан? Ҳамма билиб қўйсинки, бундай лавозимда фақат буйруқни бажарган одам узоққа боради. Сеньор Президент амал қиласиган биринчи қоида – ҳеч қандай



умидга ўрин қолмасин, босиш, янчиш, йўқ қилиш керак.
Ўша сеньора яна келганда қофозни қайтариб бер: афсус,
эри қаерга кўмилгани номаълум...

— Майли, майли ҳаяжонланаверма, ўзингга ёмон
бўлади, мен унга шундай деб айтаман. Уларга ҳам, сени
ишлиарингга ҳам худо ёр бўлсин.

У хатни кўтариб, оёғини судраб босганча, узун эта-
гини шилдиратиб чиқиб кетди.

Ошхонага киргач, шафқат сўраб ёзилган қофозни
ғижимлаб оловга ташлади...

КЎР КЎЗЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ

Камила эрини ушлаб ва хассага таяниб хона ўртаси-
гача келди. Мушуклар ва кўкнори ҳиди сезилиб турган
уйга катта эшиқдан кирилади. У тузала бошлагандан ке-
йин баъзи-баъзида кўчага қараган дераза олдига ўтказиб
кўйишади, кичкина эшиқчадан ичкари хонага кирилади.
Қорачигида қуёш жилоланади ва ўпкаси қўроғшиндек
огир ҳавога тўлади, Камила ўзидан сўрайди: наҳотки юра-
ётган ўзи бўлса? Товонлари ўзиники эмас, йириқ, оёклари
худди ясад қўйилгандек. Худди бошқа дунёда юргандек
қадам босади, кўзлари очик, аммо ўзига тегишли экан-
нини сезмайди, дунёга янги келган чақалокқа ўхшайди.
Ўргимчак тўри шарпалар изини бекитди. У ҳаётдан кет-
май туриб ўлди, унутилиб кетгандек бўлди, мана энди
қайта жонланмоқда, тушлари ўнгига кўраётгандари
билан қоришиб кетди, қаттиқ уйкусирамоқда. Отаси,
қадрдон уйи, кекса Чебелино «аввалги умри»да қолди.
Эри, вақтинча кўчиб келган уйи, хизматкорлар янги-
дан бошланган ҳаётига дахлдор. Хонада ўзи ҳаракат
қилаяпти, айни замонда у ўзи эмас. Бошқа бир дунёдан,
бошқа бироннинг ҳаётидан чиқиб келгандек туюлади. У
гапирганда олис ўтмиш хассасига таяниб турган одамга
ўхшайди. Бир пайтлар ҳаёлларига ҳамроҳ бўлган, ҳозир
йўқолиб, кўринмай кетган буюмларнинг кўпчилиги ёлғиз
қолган пайтларида олдинги «мен»ига қўшилиб, ғойиб
бўлади; боши музлайди, кўллари шалвираб қолади.

Кун сайин у қувватга кириб боради, аммо касаллик давом этарди, түғрироғи, эрининг бўсасидан бошқа – бир марта юзидан ўпган эди – оламдаги ҳамма нарса-га лоқайд, бефарқ қарайди. Бу бегона дунёда факат у ёлғиз мададкори бўлиб қолган, уни бир лаҳза ёнидан узоклатгиси келмасди.

У ерга ёғду сочадиган ой нурини ва юлдузлар орасида сайр этиб юрадиган ойнинг ўзини, вулқондек қайнаб чиқадиган олтин булутларни жуда ёқтирап эди.

Кара де Анхел юпқа оқ матодан кийим кийган хотининг қалтираётганини сезиб қолди. У совуқдан қалтираётган одамга эмас, фариштага ўхшар эди – уни хар қадам босганида авайлаб, аста-секин тўшагига олиб борди... Нақш ўйилган фаввора... Осуда беланчак... Со-кин беланчакдек жилдираётган жилға... Хўл гултувак-лар... Мумга ўхшаган гуллар... Ой ёғдуси ёритган сурат-лар...

Улар девор орқасидан гаплашиб ётдилар. Ёндош хоналарни кичкина эшик туташтириб туради.

Кара де Анхел устара, чўтка, сочиқ осиладиган ил-гич ёнидаги столга терилган атир шишачалар ҳақида гапирап ва ҳамон кимсасиз оролдек туюлаётган уйга сокин оиласвий хотиржамлик, яқинлик, ишонч руҳини олиб киришга ҳаракат қилас, қўшни хонага кирилади-ган кичкина эшикча борлигини сездирмасликка уринар эди.

Кейин оғир кийимларини ечиб, ўзини тўшакка ташлади ва ҳар иккаласини ўз қаърига тортиб кетаёт-ган сирли қисмат тўлқинлари ичида гарқ бўлиб, узок вақт қимирламай ётди. У дастлаб қизни куч билан бўйсундирмоқчи эди, аммо ҳеч кутилмагандан юра-гига севги бостириб кирди. У ниятидан қайтди. Уни қариндошларига олиб борди, аммо улар ўз жиянлари-ни қабул қилишмади. Чорасиз қиз яна унинг ихтиёри-да қолди, агар матал тўғри бўлса, кесилган калладаги соч учун йиғлашмайди – уни осонликча ўзиники қилиб олмоқчи бўлди, Камила буни сезиб, қочиб кетишга уринди. Касаллик панд берди. Бир неча соатдан кейин

аҳволи бутунлай оғирлашди. Ҳаёт-мамот қураши бошланди. Ўлим сиртмоғи сиқиб келарди. Дастьлаб тақдирга тан бермоқчи бўлди, аммо бу оний ҳолат тез ўтиб кетди, у табиатнинг қаттол кучларига қарши тура олди. Айнан ана шу ўлим таҳликаси туфайли ўзини мардона тутди, хотиржамликка эришди, нихоят, қисмат уларни бирлаштириб, бир-бирига каттиқ боғлаб қўйди.

Камила чақалоққа айланди – ўзи юролмай қолди; кейин гўдак сингари ўрнидан туриб илк қадамларини ташлади. Бора-бора оз-оздан юзига қизил югуриб, баданига куч-қувват кирди, ҳар гал йигитни кўрганда саросимага тушар, вужуди қизиб, ўзини йўқотиб қўярди; чунки у йигит вақти келиб эрига айланиши мумкинлигини асло хаёлига келтирмаган эди.

Кара де Анхел каравотдан сакраб турди. Камила билан уни битта хато иш ажратиб турганини ҳис қилди, бунда иккаласи ҳам айбсиз, ўртадаги никоҳ учун иккаласи ҳам розилик билдирмаган эдилар. Камила кўзларини юмди. Йигит ойна томонга ўтди.

Ой паст учайдиган булутлар орасида бир кўриниб, бир ғойиб бўлар эди. Кўча оқ суюклар дарёсига гарқ бўлган, уларнинг устида кора соялар кўприкдек осилиб туради. Ҳамма нарса рангсиз, бўёғи ўчган эски суратга ўхшайди. Сўнг яна олтин бошоқлар сочилди. Ва ногоҳ бир катта кўз қобоги бошқа қобоқлар ўйинини тўхтатиб қўйди. Унинг вулқондан ажралиб чиқсан улкан киприги илонга ўхшаб тунукалар қалқони устидан секин судралиб ўтди; ҳамма нарса мотам зулмати кийимини кийди. Тун қушлари саросимага тушиб, нола кўтариб сарвдан-сарвга учиб-кўндилаар, соатлар чиқиллаб занг чалди. Ой осмонга бўй чўзган вулқон орқасига беркинди, зулмат келинларнинг шолрўмолига ўхшаб уйни ўраб олди. Кара де Анхел деразани ёпди. Камила ётоғида энтикиб-энтикиб, секин нафас олар, гўё бошини буркаб олган ёки ёмон туш кўраётгандек эди.

Ажойиб кунларнинг бирида улар чўмилгани йўл олдилар. Елкасида катта сопол хум, супурги, тўқима сават, кўмир, ўтин, маккажўхори богини кўтариб бораётгандек

дэхқонларнинг оппоқ кўйлакларига дараҳтлар соя ташлаган. Улар тўда-тўда бўлиб юришади, оёкларида шиппак, товони ерга тегар-тегмай енгил қадам ташлашади. Қуёш уларнинг терларини сиқиб чиқаради. Қўллари қадамига мос тебранади. Кушларга ўхшаб тез ғойиб бўлишади.

Камила бир чорбоғ олдида тўхтаб, қаҳва қандай терилишини томоша қилди. Ишчиларнинг қўллари ёввойи ҳайвончаларга ўхшаб бир юқорига, бир пастга қараб жуда тез югуришар, дараҳтни қитиқлаб, кўйлагини ечаётгандек тинимсиз ҳаракат қиласади.

Кара де Анхел хотинини белидан кучоклаб дараҳтларнинг барглари тўкилган соя-салқин сўқмоқ йўлга бошлади. Улар фақат бошлари ва елкаларини; қўли ва оёкларини сезишар, бошқа аъзолари орхидеялар ва ялтироқ қалтакесаклар, ўрмон ичига кириб борган сари қуюқлашаётган нур ва соялар билан бирга кезар эди. У Камиланинг юпқа кўйлак остидаги маккажўхори думбулидек юмшоқ, нозик, хушбўй баданини яйраб хис қиласади. Шабада соchlарини тортқилайди. Улар яшил кампанила гуллари орасидан ўтиб, чўмиладиган жойга тушишди. Сувда куёш мудрайди. Қалин қирқбўғимлар орасида жажжи қушчалар учеб-кўниб ўйнашади. Тунука томли уйдан оғзи тўла ловия чайнаб бир қария чиқди. У ютинар экан, бош силкиб меҳмонлар билан сўрашди. Икки киши чўмиладиган жойга буортма беришди. Қария калит олиб келишга кетди. Калитларни келтириб, тахта девор билан тўсилган икки хонани очиб берди. Ҳар бири ўз хонасига кирди. Аммо ажралишдан олдин бир-бирининг қучоғига ташланиб, бўса олишди. Қоровул, кўзим тегмасин дегандек, юзини бекитиб, тескари қаради. Улар ўрмон шовқин-суронига тўлган алоҳида-алоҳида хоналарга киргач, ўзларини ғалати сезишди. Икки бўлакка бўлинган ойна Кара де Анхел ёшлиқ шиддати билан қандай ечинганини кўрди. Дараҳт ёки булат ёки капалак ёки сувдаги пўфак ёки колибрига айлангандан кўра, одам бўлиб яшаган нақадар яхши!.. Оёги совук сувга теккан Камила қичкириб юборди,

иккинчи тогорани босгандан яна чийиллади, учинчи ва тўртинчисида янада кучли кичкирди, сўнг шалоп этиб ўзини сувга ташлади, кўйлаги шарга айланиб шишиб чиқди, сўнг бир дақиқа ичидәёқ очиқ қўк сариқ, яшил, ивиган мато баданига ёпиши: кўкраги, қорни, сонлари, ориккина елкаси бўртиб кўринди. Сувга шўнғир экан, Камилани бирдан кўркув босди. Сувда яшайдиган, териси капалакдек товланадиган ғалати рух Сигемонта – илон мана хозир ўраб оладигандек туюлди. Бахтига шу пайт эрининг овози эшитилди, у киришга рухсат сўраб, эшик олдидা туарар эди; кўркув бутунлай ғойиб бўлди...

Коровул эшикдан бош сукиб Лос-Кебрадитасдан улов чақирган эдингларми, деб сўради. Сувдан чиқиб кийинадиган вақт бўлган эди. Камила хўл соchlарини тараётгандан кийими нам бўлмасин деб елкасига ташлаб олган сочикда курт ғимирилаётганини сезиб қолди. Бақиргиси, Кара де Анхелни чақиргиси, барча ифлос нарсалар сингари куртни ҳам бир лаҳзада йўқ қилгиси келди. Аммо бирдан ҳафсаласи пир бўлиб, ҳаммасига қўл силтади...

Аматага боғланган отлар боши ва думларини силкитиб, чивин кўришарди. Уларни олиб келган йигит шляпасини кўлига олиб Кара де Анхелга салом берди.

– Э, сенмисан, салом! Бу ўлкаларда нима қилиб юрибсан?..

– Ишлаяпман. Сиз казармадан озод қилганингиздан бери шу ерлардаман, бир йил бўлиб қолди.

– Ҳа, йиллар тез ўтаяпти...

– Шунга ўхшайди, соҳиб, қуёш жудаям тез кетаяптими, деб ўйлайман, асакуанлар¹ ҳам қувиб етолмайди.

Кара де Анхел Камиладан йўлга чиқаверамизми, деб сўради ва коровул билан ҳисоб-китоб қилиш учун тўхтади.

– Сен хоҳлаган вақтда қайтамиз...

– Қорнинг ҳам очиб қолгандир? Бирон нарса еб оласанми? Балки коровул бирон нарса берар!

¹ Амата – дарахт.

² Асакуан – америка калхатларининг бир тури.

— Менда тухум бор, — гапга қўшилди йигит ва курткасининг чўнтағидан учта тухум ўралган рўмолчани чиқарди.

— Ташаккур, — деди Камила, — улар жудаям янгига ўхшайди.

— Арзимайди, бегойим, тухумлар ҳақиқатан ҳам янги, бугунги, эрталаб хотинимга «Учтасини туғиб бер, Анхелга олиб бораман!», деган эдим.

Улар ҳамон ёмон кўздан чўчиб, ловия чайнаб турган коровул билан хайрлашдилар.

— Мен астойдил айтаяпман, — йигит яна гап қўшди, — сеньора тухумларни ютса яхши бўларди, бу ердан уйинглар жуда узоқ, йўлда очиқиб қоласиз.

— Йўқ, хом тухумни ёқтирумайман, улар мени қийнаб кўяди.

— Менимча, сеньора жудаям тортинаяпти!

— Мен ҳали жудаям... яқингинада тўшакдан турганман ахир.

— Тўғри, — деди Кара де Анхел, — у жуда қаттиқ оғриди.

— Ундей бўлса, энди тез тузалади, — таъкидлади йигит тортмаларни қаттиқ тортар экан, — аёллар гулга ўхшайди, суғориб турмасанг сўлиб қолади; эри ёнида бўлса ял-ял ёнади!

Камила қизариб, киприкларини туширди, у бами-соли барг ўрнига факат кўз ўсадиган навниҳол бутокка ўхшарди; кейин эрига қаради. Ҳар иккисини кўзида ҳеч қандай сўзсиз имзоланаётган орзулар шартномаси алган-галанарди; бундай ҳолат илгари сира кўринмаган эди.

ҚЎШИҚЛАР ҚЎШИФИ

Улар кўпинча: «Бахтсиз ҳодиса бирлаштирганда...» дейишни яхши кўришарди. Бошдан ўтган хавфхатарларни эслаганда эса даҳшатга тушишарди. Бир дақиқа ажралишга ҳам токатлари йўқ эди. Дарров бирбирини излаб қолишарди. Бирга бўлган кезларида дунёдаги энг бахтли одамга айланишарди — қучоқлашишар,

кучоқлаб туриб ўпишишар, ўпишиб туриб бир-бирига боқишар ва шу қадар яқин, ҳамнафас эканликларидан масти мустағриқ бўлиб, роҳат-фароғат қўйнида ҳаёт нашъу намосини сурар эдилар.

Аммо илонлар ҳам тинч ётмасди. Агар бахтсиз ходиса бирлаштирганда бахтиёр бўлишармиди?.. Туман пардаси ичига ўраниб олган ҳасадгўй рақиблар ўргимчакка ўхшаб иғво тўрини тўқишар, уларни обрўсизлантиришга уринишар, соядек таъқиб этишар эди.

Камила ҳам, Мигел ҳам Президент шаҳар ташқарисидаги ўтказадиган кечага бормаслик чорасини топишолмади.

Улар бу ерда – мутлақо бегона жойда, ёт одамлар даврасида қолишлирини хис қилиб, ўзларини қўйишга жой тополмас, ойналар, диванлар ва бошқа мебеллар орасида адашиб юргандек, лаззатли дамлардан бутунлай маҳрум бўладигандек бир-бирига хомуш термулишарди.

Ошхонадаги соат занг чалди, улар гўё дунёнинг нариги чеккасида – жуда узоқда юргандек; ошхонага келиш учун кемада сузиш, ҳаво шарида учиш лозимдек туюлди. Аммо орадаги масофа бир қадам...

Ҳар бир келиши оқшомги дақиқаларни яқинлаштираётган соат капгирига қарамасдан тушлик қилдилар. Кара де Анхел ўрнидан туриб, фрак кийгани кетди. Қўлини енг ичига узатар экан, аъзойи бадани музлаб, банан япроқларига ўралиб қолгандек бўлди. Камила қўл сочиқларини тахлаб қўймоқчи бўлди, аммо бармоқлари унга сира бўйсунмади, у асира аёлдек стол билан стул орасида қаққайиб туриб қолди, қадам бошишга мадори етмаётгандек эди. Амаллаб оёқларини қимирлатди, бир қадам босди. Кара де Анхел соатга қаради ва қўлқопини олиш учун хонасига кириб кетди. Қадамининг товуши ер остидан чиқаётгандек туюлди. У нимадир деди. Овозида хижолат оҳангисизиларди. Бир дақиқадан кейин у хотинининг елпигичини ушлаб ош-

хонага қайтди, хонага нима учун кирганини унугиб, яна орқасига бурилди... Нихоят эслади, аммо қўлқоп қўлида эди.

Камила эшиккача кузатиб келган оқсоч аёлларга тинмисиз тайнинларди:

– Яхшилаб қаранглар, чироқлар ёниқ қолмасин, учиреб, эшикни қаттиқ ёпиб қўйинглар... Кейин бемалол дам олинглар...

Нўхтаси, эгар-жабдуқларига тангалар қадалган вазмин отлар йўргалааб кетди. Камила ўриндиққа чўкиб, бир ҳолатда тебраниб борар, кўзларида кўччанинг ўлимтик ёғдуси акс этарди. Кара де Анхелнинг рақиблари анчадан бери мулозим энди тамом бўлди, деб гап тарқатишган ва «Сенъор Президентнинг хос кишилари» даврасида исмини айтмасдан «Мигел Каналес» деб чакиришадиган бўлганди. Филдираклар оҳангига қўшилиб тебраниб бораётган Кара де Анхел баъзилар уларни байрамда кўриб довдираб қолишларини кўз олдига келтириб завқланиб ўтиради.

Фойтун тош ётқизилган кўчаларни ортда қолдирив, қиялик бўйлаб қумлоқ йўлдан филдиракларини тарақлатиб кета бошлади. Камилани ваҳима босди; чексиз кенгликлар зулмат кўйнида, фақат юлдузлар кўринади, шудринг қоплаган ўтлокларда чигирткалар чириллайди. Кўрқиб кетган Камила қалтирашга тушди, файтоннинг бир томони тубсиз жарлиқ, иккинчи томонида эса гўё Азройил қора қанотларини ёзид келарди.

– Сенга нима бўлди? – сўради Кара де Анхел уни авайлаб елкасидан ушлаб бағрига тортар экан.

– Кўрқиб кетаяпман...

– Жим, секин...

– Бу одам бизларни хароб қиласди. Унга айт, бунчалик тез ҳайдамасин, айт унга! Қандай бефаросатсизлик! Сенга барибирга ўхшайди! Айт унга! Нега индамай ўтирибсан?..

– Бундай файтонларда... – Кара де Анхел оғиз жуфтлади-ю, бирдан жим бўлиб қолди: хотини безовталаниб пинжига тиқилди, рессорлар қаттиқ тарақлади.

Фойтун жарликка ағдарилиб кетаётгандек туюлди. – Ҳаммаси тамом, – ўйлади ичида. – ҳаммаси тамом бўлди... филдирак зовурга тушиб кетдимикан?..

Шамол қоятошлар устида ғувиллаб, йиртиқ елкандек нола чекарди. Кара де Анхел эшикчадан бошини чиқарип, кучерга секинроқ юр, деб қичқирди. Ҳайдовчи қорамтири, чўтири юзини ўгириб қаради, отлар секинлаб бориб, мотам маросимида кетаётгандек оҳиста қадам ташлашга ўтди.

Бир қишлоққа кираверишда фойтунни тўхтатишиди. Плашга ўралган зобит шпорларини жиринглатиб юриб келди ва уларни таниб, кучерга ҳайдайвер, деб буйруқ берди. Шамол синган қуруқ жўхориپоялар орасида фигон кўтаради. Кўтон ичида йўғон сигирнинг шарпаси кўринади. Қишлоқ уйқуда. Йўловчилар икки юз метрча юрмасидан икки зобит дуч келди, фойтун секинлашди. Президент чорбоининг остонасида меҳмонларни рўйхатга олаётган учта полковник уларни қаршилади.

Кара де Анхел Бош штаб зобитлари билан саломлашиди. (У чиройли ва иблисдек маккор эди.) Атрофда сокин сукунат хукмрон, гёй у абадий давом этадигандек. Уфқда ёниб турган чироқ Республиканинг Сенъор Президентини қўриқловчи замбаракчилар қисми қаерга жойлашганини кўрсатиб туради.

Камила юзлари Мефистофелникideк шафқатсиз, қисиқ кўзлари ёвуз, букчайган, эгри оёқлари узун киши каршисида бошини эгди. Уларнинг ёнидан ўтиб кетаётганда бу киши қўлини аста кўтарди ва муштини қисди. Гўё гапиришга эмас, кантар учирашга чоғлангандек эди.

– Британиялик Парфениос, – деди у – Митридат билан урушда енгилиб, Римга келтирилган эди, бу ерда у римликларни александрийча шеър билан таништириди. Ундан кейин бу санъатни Проперций, Овидий, Вергилий, Гораций ва мен эгаллаганман.

Президент меҳмонларни қабул қилаётган зал эшиги олдида икки кекса хоним ўзаро гаплашишарди.

– Ха, ха, – дер эди бири турмакларини тўғрилаб, – мен унга айтдим, у хеч шубҳасиз қайта сайланиши керак.

– Унинг ўзи-чи? Ўзи сизга нима деди? Мана шу мени жуда қизиқтиради...

– Фақат жилмайиб кўйди, барибир мен биламан, у қайта сайланади. У биз учун энг муносиб номзод. Шу пайтгача бунақа Президентни кўрган эмасмиз. Бир ўйлаб кўргин, у ҳокимиятга келганидан бери эрим Мончо яхши мансаблардан тушгани йўқ.

Хонимлар орасида Тичер дўстларини сўз ўйинига маҳлиё қилмоқда эди...

Меҳмонлар орасида пайдо бўлган ҳарбий прокурор тоҳ ўнг, тоҳ чап томонга бош эгиб тинмай гапиради:

– Сенъор Президент сиз билан қизиқди. Сиз билан Сенъор Президент қизиқди, сиз билан Сенъор Президент қизиқди...

– Ўта миннатдорман! – жавоб берди Тичер.

– Ўта миннатдорман! – муносабат билдириди қийшиқ оёкли, тилла тишли қорамағиз от ўйнатувчи.

Камила кўзга ташланмасликни жуда хоҳларди. Аммо, хай хот! Бекиёс гўзаллик, тиник кўм-кўк кўзлар, тор оқ шоҳи кўйлак ичидаги яшина турган навниҳол қомат, жажжи кўкраклар, латиф қиёфа ва ҳаммасидан ҳам гаройиби – генерал Каналеснинг қизи экани ҳаммани маҳлиё қилиб кўйди.

Кичкина даврада ўтирган сенъоралардан бири баҳо берди:

– Арзидиган ҳеч нарсасини кўрмаяпман. Корсет киймаган аёл... Қишлоқи эканлиги шундокқина кўриниб туриди.

– ... никоҳ кийимларидан байрам либоси тикириб олганини қаранг, – тишларини гижирлатиб ғўлдиради бошқаси.

– Фақат қоматнинг ўзи билан соҳибжамол бўлиши кийин, – гапга кўшилди сийрак соchlарини жингалак қилиб олган хоним.

– Оҳ, мунчалар тилимиз заҳар! Кўйлаги ҳакида нега гапирдим мен? У билан камбағаллигини яшириб бўлмайди.

— Гапингиз рост. Ҳамма камбағаллар шундай, — маъқулади сийрак сочли хоним ва овозини пасайтириб қўшимча қилди: — Мана шу хонимчага уйлангандан ке-йин у Сенъор Президент назаридан қолди дейишяпти.

— Кара де Анхел Сенъор Президентнинг энг содиқ кишиси-ку...

— Энди «содиқ кишиси эди » деб гапиринг! Мен фақат эшитганимни айтаман. Мана шу Кара де Анхел поли-цияни чалғитиб бўлажак қайнотаси генерал Каналесни қочириб юбориш учун уни ўғирлаган деган гап юрипти. Бундан фойдаланган генерал ими-жимида қочиб кетган!

Камила билан Кара де Анхел тўда-тўда меҳмонлар ёнидан ўтиб Президент турган залга яқинлашдилар.

Ҳазрати олийлари руҳоний, доктор Иррефрагабле билан гаплашмоқда эди. Хонимлар хўжайинга яқинлашган заҳоти гапини йўқотиб, худди ёниб турган шамни ютиб юборганга ўхшаб нафас олишга ҳам, оҳ уришга ҳам журъат қилолмай туришарди. Гаровга чиқарилган банк хо-димлари, қуруқ сафсата сотувчи маддоҳлар Сенъор Пре-зидентдан кўзларини узолмас, хўжайн уларга караганда саломлашишга, бошқа ёққа қараганда ундан нари кетиши-га журъат этолмай қотиб қолишган; юрагидаги маърифат машъаласи аллақачон сўнган, аммо бир томчи инсоний қадр-қимматини сақлаб қолган, бир вақтлар «қишлоқдаги биринчи» бўлган, ҳозир эса «шаҳарнинг охиргиси» га ай-ланиб қолганини ҳис қилиб яшашга маҳкум келгиндилар Президент атрофини қуршаб олишган эди.

Камила билан Кара де Анхел саломлашиш учун Президент олдига яқинлашдилар. Мулозим хотинини таништирди. Хўжайн Камилага кичкина қўлини узат-ди, қўли муздек совуқ, важоҳатида «Кимлигимни кўриб қўйинглар!» дегандек викор бор эди... Улар кўришаётган вақтда руҳоний Гарсиласонинг Альбани севган қизга бағишланган машҳур шеърини ўқиб турди...

Хизматкорлар шампань шароби, сомсалар, шўр бодом, конфетлар, сигаретлар олиб келишди. Шароб рўйхат бўйича чақирилган меҳмонларнинг томирини оловсиз аланга билан ёндириди.

— Генерал... — Президентнинг овози эшитилди, — сеньорларни бу ердан олиб кетинг. Мен фақат хонимлар билан овқатланмоқчиман...

Сокин тун қўйнига олиб чиқадиган эшикда эркаклар уймалаша бошладилар: баъзилар хўжайнинг буйруғини бажариш, бошқалари норозилигини яшириш илинжида тез чиқиб кетишга ошикар эди. Хонимлар стол тагидаги оёқларини йигиштиришга ботинолмай бир-бирига савол назари билан тикилиб ўтиришарди.

— Шоир қолиши мумкин... — хитоб қилди Президент.

Зобитлар эшикларни ёпдилар. Шоир шунча хонимлар орасида қаерга ўтиришни билмай қаққайиб қолди.

— Ўқинг, шоир, — буюорди Президент, — фақат яхшисидан бўлсин; Кўшиқлар Кўшиғи...

Шоир Сулаймон матнларидан ёдига келган мисраларни ўқишига тушди:

*Сулаймон ёзган Кўшиқлар Кўшиғи.
Оҳ қани у лабларидан менга бир бўса берса!
Қораман мен Қуддуснинг қизи,
Аммо мен худди Сулаймонни кутган
Чодир каби ташнаман сенга.
Севгилим, мирана япроғи каби
Менинг кўкрагимда хотиржам ухла...*

Президент ғамгин, маъюс ҳолатда ўрнидан турди. Қадам ташлаши қуриган дарё ўзанидаги тошлар устидан чопиб кетаётган қоплонни эслатарди. У эшик орқасидаги пардани шахт билан юлқиб чиқиб кетди.

Шоир ва хонимлар ҳайрат ва хаяжон ичida қолдилар, табиатда бундай ҳолат қуёш ботиши арафасидагина юз беради. Ёрдамчилардан бири зиёфат давом этишини маълум қилди. Эшиклар очилиб, базм кечасини йўлакда ўтказишига мажбур бўлган кавалерлар қўрқа-писа яна зални тўлдиришиди. Шоир Камила олдига келиб, уни столга таклиф қилди. У ўрнидан тураётib, узатилган қўлга таянмоқчи бўлганида кимдир тирсагидан ушлади. Қичқириб юборишига сал қолди. Кара де Анхел парда

орқасида уни кузатиб турган экан, яширинган жойидан қандай чиқиб келганини ҳамма кўрди.

Ўз қутиси-қабрларига қамалиб, маъюс садо чиқаришга маҳкум этилган мусиқа асбоби нола таратди.

ИНҚИЛОБ

Олдинда ҳеч нарса кўринмайди. Орқада узун, баҳайбат тимсоҳлар товуш чиқармасдан изғийди, жўяклар бир-бирига чирмашиб кетган, уларнинг ичи силлиқ, совуқ сувга тўла. Саёз қўлтиқларда ҳолдан тойтган ернинг қовурғалари кўринади. Иссик. Оқимтири, қалин чирмовуқлар эркин нафас олиш илинжида дарахтларнинг тепасига чирмашади. Гулханларнинг шуъласи ҳорғин отлар кўзида акс этади. Аскарлар ҳафсала билан милтиқларини аёлларнинг ҳиди сақланиб қолган латта-луттгалар билан мойлашади. Ўлим одамларни тез-тез етаклаб кетади, очлик силласини қурилади, уларнинг интизор болалари ҳеч нарсадан бехабар қолаверади. Фақат таваккалу зўр бериб уринишларидан нима чиқади – сабр билан кутиш керак. Одамнинг баданини тешиб ўтаётган ўқ ҳеч нарсани ҳис қилмайди, у гўштни иссиқ ва ширин ҳаво деб билади, фақат бу ҳаво одатдагидан кўра қалин. Ўқлар ҳам чумчук полапонларига ўхшаб чийиллашади. Нега бу хақда ҳеч ким қизиқмайди? Сабаби: ҳамма темир-терсаклар магазинидан олинган металларни чархлаш билан овора, кейин ёқиб юборишади. Баъзи-баъзида найза тиғлари ҳабаш юзидағи кулги сингари ярақлаб қолади. «Куйла, қадрдон! – деб бақиради кимдир. – Кўпдан бери бу ашулани мен яхши биламан!»

Үйда-ку хотининг ўтирап кутиб,
Нега парвонасан ёнимда доим?
Менга озор берма, тараша каби
Ботқоқзорга ташлаб кетавер.
Куйла, қадрдон!
Бугун кўлда бўлади байрам,
Бошимизга ёғилади гам:

*Нега күкда күринмайди ой,
Одамлар ҳам келмас ҳойнахой?
Куйла, эй ошна!
Ёдингдами түгилган кунинг?
Түгилганман мен ҳам ўша кун.
Самоларда қилишган байрам,
Хатто Тангри ичган дам-бадам!*

Куйла, қадрдон, куйла!.. Дараҳтларнинг барглари шитирлайди, ўрмон ой ёғдусида. Ҳужум ҳақидаги бўйруқни интизор кутишади. Итларнинг хуриши олисда кишлок борлигидан дарак беради. Тонг ёришмоқда. Ҳужумга ўтишга тайёр турган биринчи батальон харакатсиз, гўё қандайдир яширин қудратли куч уларни жонсиз қилиб, тошга айлантириб кўйгандек. Ёмғир ҳамма ёқни ёпишқоқ лойга айлантириб кўйди. Ёмғир аскарларнинг юзлари-ю, яланғоч елкаларидан оқиб тушади. Кўз ёши тўкаётган осмон остида даҳшатли хабар тарқалди. Дастреб бир-бирига зид хабарлар, мишишлар етиб келди. Ҳеч ким очик-ойдин гапирмас, эшитганларини бир-бирига шивирлаб айтишарди. Кўргошин ўқ оғир суюкка айланиб аскарларнинг юрак-юрагига қадалиб, туриб қолди. Бутун ҳарбий қароргоҳ қонли жароҳатдан тўлғанди: генерал Каналес ўлган эмиш. Совук хабардан ҳамма саросимага тушади. Ҳарфлар ишга тушади. Расмий хитоблар бош кўтаради. Порох ҳиди, қайғули ундовлар сигарет ва маҳорка тутунига қоришиб кетади. Хабар тўғри бўлса-да, ҳеч ким ишонмайди. Қариялар сукут сақлаб аниқ маълумот келишини интизор кутишади; баъзилар қоқкан қозиқдек қаққайиб қолади; кимдир ерга чўзилиб, кимдир шляпасини ёнига ташлаб, кафтлари билан чаккасини ушлаб чўққайиб ўтиради. Йигитлар нима гаплигини билиб келгани пастга, дарага югуришади. Қуёш шуълалари кўзни қамаштириб, мияни гангитади. Узокда кушлар галаси булат каби гужғон ўйнайди. Аҳён-аҳёнда милтиқ овози эшитилади. Ниҳоят, қуёш чиқади. Йиртилган булатлар орқасидан қонталаш осмон кўринади.

Қароргоҳдаги гулханлар сўнди, осмон, ер, жониворлар, одамлар – ҳамма-ҳаммаси чекинаётган қора зулмат ичи-га сингиб, коришиб кетди. Сукунатни от түёқларининг «така-так, така-так, така-так!» товуши ҳамда дарадан қайтаётган акс-садо бузади. Машъум хабар ҳаммаёққа тез тарқалади. От чоптириб келган чопарнинг гапини эшитган соқчилар ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, туш кўраётган одамга ўхшаб қотиб қоладилар. Генерал Каналес кечки овқатдан кейин юришни бошлаш учун ҳарбий қисмга отланяётган пайтида тўсатдан ва-фот этади. Кутиш ҳақида буйруқ берилди. «Унга нима-дир бериб қўйишган: заҳарли қалампирми ё бирон бир ўсимлик илдизиними – у ҳеч қандай из қолдирмасдан одамни ўлдиради. Айни шу пайтда ўлиб қолиши бежиз эмас!» хўрсинди бошқаси. Нима-а-а?.. Бирдан ҳамма жим бўлиб қолади; даҳшатли хабар юракдан ўтиб тонгача, ялангоч товонгача етиб боради ва ерга кириб кетади... Унинг қизи?..

Маълум муддатдан кейин – ёмон кунларда ҳар доим тақрорланадиган учинчи товуш қўшилди: «Агар хўп десаларинг, уни лънаттайман; мен бир қарғишни биламан, уни менга кекса сеҳргар ўргатган; шу пайтда бизнинг тогларда жўхори тансиқ эди. Бозордан оламан деб пастга тушган эдим; шунда ўргангандман!... Хоҳлайсизларми?..» «Сенга айтайми? – коронфилик орасидан бир товуш эшитилди. – Мен гапингга қўшиламан, у отасини ўлдириди-ку ахир!»

От түёқлари секинлашиб боради: «тўқ-тўқ, тўқ-тўқ, тўқ-тўқ, тўқ-тўқ». Соқчиларнинг қичқириғи эшитилади, яна сукунат хукмрон, қаердадир ит ойга қараб, маъюс улийди; белига катта гардиш боғлаган ой анча кеч кўринади. Салдан кейин момақалдироқ гумбирлади. Генерал Каналес қабрдан чиқиб, миш-миш тарқатаётган ҳар бир кишига қандай ўлим топганини қайта-қайта тақрорлаб бераётгандек туюлар эди. У керосин чироқ ёритиб турган ғариб дастурхонга ўтирди; ёрдамчи-нинг қадам товушлари эшитилди; идишлар, тақсимча шарақлади, қадаҳга қуилаётган сув шилдиради, газета

шитирлади ва... бошқа на бир шарпа, на бир нидо... Уни жонсиз холатда күришди; «Эль-националь» газетасини юзига босганча, стол устига бошини қўйиб ётар, шиша-га айланган чала юмуқ кўзларида ҳаёт акси йўқ эди.

Одамлар истар-истамас кундалик ишларига қайтдилар, улар энди тиним билмай ишлашни хоҳламас эдилар, улар Эски мундир билан бирга – уни эркалаб шундай аташарди – инқилоб қилишга, ҳаётни ўзгартиришга отланган эдилар. Эски мундир уларга жамоани тарқатиш баҳонасида тортиб олинган ерларини қайтаришга; сувни адолат билан тақсимлашга, адашган молларни пул тўлаб қайтариб олиш тартибини йўқотишга, мамлакат учун ниҳоятда зарур галлани четга чиқаришни тақиқлаш ва маккажӯхори майдонларини кенгайтиришга, машиналар, яхши навли уруғлар, зотдор моллар, ўғитлар, техника сотиб олиш учун қишлоқ хўжалик кооперативлари тузишга; транспортдан фойдаланишни тартибга солиш ва нархларни камайтиришга, матбуотни халқ сайлаб қўйган одамлар қўлига топшириш ва фақат халқ олдида ҳисоб берилишини таъминлашга, хусусий мактабларни йўқотишга, солиқларни камайтиришга, дори-дармонларни арzonлаштиришга, шифокорларнинг фаолият майдонини кенгайтиришу диний бағрикенгликни тикишга вайда берган эди.

Камила отаси вафот этганини анча кеч эшилди. Қандайдир нотаниш овоз телефонда бу хабарни етказди.

– Республика Президенти тўйингизда куёв жўра бўлганини отангиз газетада ўқиб, бу хабарни кўтаролмади, ўлиб қолди.

– Ёлғон гапирайпиз! – бақирди у.

– Наҳотки ёлғон бўлса?! – масхараомуз овоз эшилди.

– Бу ёлғон! У куёв жўра бўл... Алло! Алло! – гўшакни осиб қўйишиди, алоқа бирданига узилмади, кимдир се-кин-аста узоқлашаётгандек туюлди. – Алло!.. Алло!..

У тўқима ўриндиққа хушсиз йиқилди. Сўнг атрофга аланглади, кўзига кўринган нарсалар ўзгариб кетгандек, аввалги бўёклар, аввалги ҳаво бошқача бўлиб қолгандек



туюлди. Ўлди! Ўлди! Ўлди! Ҳаво етмай, қўлларини силкитди, томогига сув тикилгандек энтикли, тишила-ри такиллаб ингради, яшил кўзларида мисли йўқ қайгу, ҳасрат намоён эди.

Тош йўлдаги сув ташиладиган ёғоч хум ғулдиради, жўмрак кўз ёши тўқди, металл бидонлар ҳорғин қулим-сиради.

ТОИЛ¹ РАҚСГА ТУШАДИ

- Сенъорлар нима ичишади?
- Пиво.
- Йўқ, менга бўлмайди, менга виски...
- Ҳаммаси шунча...
- Бир финжон пиво...
- Бир мартасига виски ва битта конъяк...
- Яна икки жуфт бутерброд!..
- Ҳаммаси: демак, бир марта – пиво, битта виски, битта конъяк ва бутербродлар...
- Мен битта қадаҳни шайтонларга узата...ман, – Кара де Анхелнинг овози эшитилди, у шимининг тугмаларини қадаганча биз томон пешвуз келарди.
- Нима ичишни хоҳлайсиз?
- Менга барибир... маъданли сув беринг...
- Эшитаман... демак, ҳаммаси: пиво, виски, конъяк ва маъданли сув.
- Кара де Анхел бўйи икки метр, оқ бўлса ҳам негрга ўхшаб кетадиган кишининг ёнига сурилди, унинг елкаси темирйўл изидек кенг, икки қўли олдинда иккита болғага ўхшаб осилиб тураган, оқарган қошлари орасига чандик тушган эди.
- Салгина сурилинг, мистер Женжис, – деди Кара де Анхел, – мен сизни ёнингизга ўтироқчиман.
- Марҳамат қилинг, сенъор...
- Ишиб бўлгач, тез туриб кетаман, мени хўжайин кутмоқда.

¹ Тоиль – Майя-кичи асотирларида ёмғир худоси; унинг шарафига одамларни қурбон қиласидилар.

– А, – давом этди мистер Женжис, – агар Сеньор Президент олдига борадиган бўлсангиз, хузурида сўлагингизни оқизиб ўтирмасдан очиқчасига айтинг, сиз ҳақингизда айланиб юрган миш-мишлар аҳмоқликдан бошқа нарса эмас, қип-қизил аҳмоқлик.

– Бу кундек равshan нарса-ку, – гапга қўшилди конь-як сўраган тўрт сухбатдошдан бири.

– Сиз буларни менга ўргатмоқчи бўляяпсизми? – Кара де Анхел мистер Женжис томонга бурилаётib сўради.

– Хўш, нима бўпти? – хитоб қилди гринго зарб билан мармар столни муштлаб. – Албатта! Мен кеча шу ерда бўлдим ва ҳарбий прокурор сизни қайта сайловга қарши биринчи душман деб атаганини ўз қулогум билан эшитдим. Яна у инқилоб тарафдори генерал Каналесни катта душман деб айтди.

Кара де Анхел босиб келаётган ғазабини тўхтатолмай қолди. Шу аҳволда Президент хузурига бориш даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Ичимликларни кўтарган ресторон ходими бу томонга келарди. Қизил ипаклар билан «Gambrinus» деб ёзилган ок дастрўмоли яраклайди.

– Мана виски... пиво...

Мистер Женжис ширин сув ичаётгандек қўзларини юммасдан бир кўтаришда қадаҳни бўшатди, сўнг трубкани олиб, тамаки тўлдирди.

– Эҳ, дўстим, бу гаплар аллақачон хўжайнининг қулоғига етиб борган, вақтингизни кетказиб бу ерда хурсандчилик қилиб ўтирманг. Ҳозироқ бориб, хузурига киринг ва қайси гап тўғри-ю, қайси бири нотўғрилигини очиқчасига айтинг, бу имкониятдан фойдаланинг, баҳтингиз очилади.

– Маслаҳатингиз қабул қилинади, мистер Женжис, яхши қолинг, вақтида улгуриш учун извош оламан. Миннатдорман, ҳозирча сиздан ажралишга тўғри келади.

Мистер Женжис трубкасини ёндириди.

Столда ўтирганлардан бири сўради:

— Бир ўтиришда қанча виски ичасиз, мистер Женжис?

— Ўн шак-кис-та! — оғзидан трубкасини олмасдан жавоб берди гринго; бир кўзи қисилиб, иккинчи кўм-кўк кўзи ёнаётган гугуртнинг сарик алансига тикиларкан.

— Ха, гапингиз рост, виски яхши нарса-да!

— Худо шоҳид, мен бундай демаган бўлардим, буни ичмаган одамлардан сўраб кўринг, мен, факат аламимдан...

— Нималар деяпсиз, мистер Женжис?

— Мен ҳис қилсан айтаман, ҳис қилмасам йўқ! Мени ватанимда ҳамма ҳис қилганини айтади. Факат шундай.

— Буюк фазилат...

— Э, йўқ, менга бу ер ёқади, сизлар ҳис қилганингизни эмас, ҳаммага ёқадиган нарсани гапирасизлар!

— Демак, у ёқда кўзойнақ артилмас экан-да...

— Э, йўқ, мутлақо; «кўзойнак артиш» илоҳийлашиб «Таврот»дан ҳам жой олган!

— Виски қайтарилиснми, мистер Женжис?

— Ха, яна виски ичаман! Худди шундай!

— Қойил! Бу менга ёқаяпти. Сиз ўлсангиз ҳам таслим бўлмайсиз!

— Comment!¹

— Дўстим айтаяптики, сиз ўлганда ҳам...

— Тўғри, мен тушундим, ўлса ҳам таслим бўлмайди демоқчисиз. Мен яшаб қоладиган ва таслим бўлмайдиганлар тоифасиданман. Факат яшаб қоладиган, агар ўладиган бўлсам, ёлғиз худога таслим бўламан.

— Мистер Женжис, виски ёмғирдек ёғишини хоҳлайсизми?

— Йўқ, йўқ. Нима кераги бор? — Ўтирганларнинг барчasi хохолаб кулаётганда у бир муддат тўхтаб турди, трубкасини сўриб, тутунни ичига тортди-да, сўнг оғзидан паға-паға пахта қилиб чиқараркан: — Ях-ш-ши йигит бу Кара де Анхел, аммо мен айтган ишни қилмаса, унда фурсатни бой беради ва ўзига қийин бўлади!

¹ Изоҳлаб, тушунтириб беринг. (ингл.)

Кичик ресторан аста-секин индамас одамлар билан түлди, ичкарига киришни хохлаганларнинг кўпчилиги эшик олдида уймалашиб қолди. Одамлар столлар орасида, тўсиқ ёнида тўда-тўда бўлиб тик туришарди. Ўтиришдан маъно йўқ эди. «Жим бўлинглар!» – деди хирилдоқ товушда, кекса, сочи оқарган, пак-пакана ғалати, кийимлари ирkit бир одам кўлидаги узунчок хитобномани ёзар экан; икки киши эса хитобномани ойналадардан бирига қора олтингугурт бўлаги билан ёпиширишга ёрдамлашиди.

«Ватандошлар!

Республикамизнинг Сензор Президенти номини тилга олиш тинчлик машъали билан Миллатнинг муқаддас интилишларини ёритиш демакдир. Халқимиз унинг доно раҳбарлиги остида ҳамма соҳада тараққиётнинг юксак чўққиларига кўтарилиб бормоқда!!! Ўз тақдиди Ватан тақдидидан ажралмаслигини чуқур англаган ва ҳар қандай тартибсизликларнинг душмани бўлган онгли фуқаролар сифатида эълон қиласиз!!! Республикализнинг гуллаб-яшнаши ўзимизнинг Улуғ Президентимизни қайта сайланиши, ҳа, фақат унинг қайта сайланиши билан боғлиқ! Давлат кемасини замонамизнинг энг буюк давлат арбоби бошқарив бораётган бугунги кунда таваккалчилик килишга ҳаққимиз йўқ. Тарих уни буюкларнинг Буюги, доноларнинг доноси, эркинлик Курашчиси, Мутафаккир ва Демократ сифатида тилга олади! Мана шу юксак ўринга уни эмас, бошқа бир кишини муносиб деб ўйлашнинг ўзи миллат манфаатларига қарши жиноятдир, чунки у бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қиласи; агар кимдир шундай таклиф билан чиқса, у ким бўлишидан қатъи назар жамиятга қарши хавфли душман сифатида панжара орқасига олинмоғи лозим, агар у ақлдан озган бўлмаса, Ватан хиёнатчиси сифатида ўз қонунларимизга мувофиқ жазога тортилиши керак!!! Ҳамюртлар, сайлов қутиси сизларни кутмоқда!!! Ўзимизнинг!!! Муносиб!!! Номзодимиз!!! Халқ!!! Томонидан!!! Қайта!!! Сайланиши!!! Учун!!! Овоз беринглар!!!»

Хитобнома ресторандагиларга күтаринки рух бағишилади; «ура» деб қичқиришди, қарсаклар чалишди, ва күпчиликнинг талаби билан ўзига ярашмаган костюм кийган аллақандай бир шахс хира кўзларини ишқалаб сўзга чиқди:

– Кадрли ҳамюртлар, ўз она тилимизда гапиравчи бир шоир сифатида, фукаро сифатида фикримни билдираман! Шоир – осмонни кашф этди; мен сизларга ана шу кераксиз, аммо осмон деб аталадиган нарсани кашф этувчи сифатида мурожаат этаман. Келинг, мунофиқликдан бегона сўзларимга қулоқ солинг! «Германияни тушуммаган немислардан бири – у Гёте ҳам, Кант ҳам, Шопенгауэр ҳам эмас, – аъло одам ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз ота – коинот ва она табиат ер юзида яратган кудратли одамларнинг энг кудратлиси, энг мукаммали Американинг юрагида туғилишини башорат қилган эди. У, сеньорлар, тонг шафағини хиралаштирадиган, Ватаннинг энг Муносиб фарзанди, Партия Доҳийси ва ёшлар Ҳомийси ҳақида гапирган эди; мен Республика-нинг Конституциявий Сеньор Президентини назарда ту-таётганимни ҳаммангиз англаб турибсиз; ҳеч шубҳасиз у Нитше айтган энг аъло одамларнинг аълосидир. Мен буни юксак минбарда туриб такрор-такрор айтаман!.. – шундай дер экан, у муштини тўсиққа уриб қўйди. – Юртдошларим, сиёsat менинг касбим эмас, мен карра жадвалини ёдлаб олиб, женъшенни кашф этган одамман дейдиганлардан ҳам эмасман, сизларга ўз фикримни тўғридан-тўғри, очик ва вижданан айтаман: ҳозир орамизда ундан бўлак энг ўта аъло одам – суперфуқаро йўқ, агар биз бошқарув жиловини ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам Ватанимизни шонли йўлдан олиб борадиган энг ёркин, энг аъло одам қўлидан олиб, бошқа бир ватандош фуқарога берсак, ҳатто у кўп фазилатлар эгаси бўлганда ҳам – ҳаммамиз тўғридан-тўғри ақли паст, сўқирларга ўхшаб қоламиз, чунки унга ҳеч кимни тенгглаштириб бўлмайди. Демократия императорлар, қироллар билан бирга кекса ва заиф Европада аллақачон йўқ бўлиб кетган, аммо биз шуни эътироф қиласизки, у Америкага

олиб келингдана ўта аъло одамни пайдо бўлишига ва бошқарувнинг янги шакли – супердемократиянинг вужудга келишига замин ҳозирлайди. Шунинг учун, сенъорлар, мен камоли эҳтиром билан сизларга тарғиб қиласманки...»

– Тарғиб қил, шоир, – кимнидир овози эшитилди, – фақат қасида бўлмасин...

– Мен ўқиган ноктюрн ва де мажор суперғаройиб аъло одамга бағишлиданади!

Шоирдан кейин ҳам ҳиссиётга тўла чиқишлиар бўлди, янада оташин нотиклар ифлос газандаларнинг ёвуз кирдикорларини фош қилдилар, ҳавода сохта ҳақиқатлар, маъносиз баландпарвоз гаплар сузуб юрди. Иштирок этувчилардан бирининг бурни қонаб кетди, у вақти-вақти билан қонни тўхтатиш учун қўлидаги дастрўмолчасини хўллаб беришни илтимос қилиб, нутқини бўлиб турди.

– Шу дақиқаларда, – деди мистер Женжис, – Кара де Анхел девор билан Сенъор Президент ўртасида турибди. Шоирнинг гаплари менга ёқди, аммо мен ўйлайманки, шеърлари анча зерикарли бўлса керак; дунёда хуқуқшунос бўлишдан кўра зерикарли иш йўқ. Мен яна виски ичишни хоҳлайман, виски келтиринг! Виски келтиринг! – деда бақирди у.

Кара де Анхел «Gambrinus’га»дан чикиб ҳарбий вазирга дуч келди.

– Қаерга шошиляпсиз, генерал?

– Хўжайнининг олдига...

– Унда бирга борамиз...

– Сиз ҳам шу ёққами? Озгина кутамиз, ҳозир мени файтоним келади. Сизга нима десам экан, бир беванинг иши билан кетяпман...

– Қувноқ бевалар сизга ёқишини биламан, генерал...

– Йўқ, уларни ўйнатиб бўлмайди!..

– Ўйнатмасангиз, «Клико»га ўхшаб пишасиз!

– «Клико» ҳам, шайтон ҳам эмас, суюк ва теридан иборат эски латта!

– Карамба!

Файтон товуш чиқармай кетиб борарди. Чорраҳаларда жандармларнинг «Ҳарбий вазир кетяпти, ҳарбий вазир кетяпти, ҳарбий...» – дея огоҳлантириб чалган хуштаги эшитилади:

Президент кабинетда охиста қадам босиб юрарди. Шляпасини пешонасига тушириб олган, сюртугининг ёқаси бўйнидаги орден тасмасидан юкори қўтарилиган, нимчасининг тугмалари қадалмаган эди. Қора костюм, қора шляпа, қора ботинка...

- Бугун ҳаво қандай, генерал?
- Салқин, Сеньор Президент...
- Мигел нега пальто киймабди?
- Сеньор Президент...

– Жим тур, ўзинг қалтираб турибсан-у, яна менга совуқ эмас дейсан. Сен жуда ўжарсан. Генерал, ҳозироқ пальтосини олиб келиш учун Мигелнинг уйига одам жўнатинг.

Ҳарбий вазир честь бериб, тезда чиқиб кетди; қиличини тушириб юборишига сал қолди. Президент диванга ўтириб, Кара де Анхелга ёнидаги оромкурсини кўрсатди.

– Кўраяпсанми, Мигел, ҳамма нарсани ўзим қилишимга, ҳамма нарсага аралашибимга тўғри келади, чунки ҳалқни бошқариш қисмати пешонамга ёзилган, ҳалқ эса «у йўқ, бу йўқ» деб такрорлашни билади, – гап бошлиди у оёғини узатиб, – ўзим бажариб улгуролмаётган ишларга дўстларимни тортмоқчиман. Ҳа, ҳалқ «бўлса эди», – озгина тўхтаб турди. – Айтмоқчиманки, энг яхши ниятлар билан яшаб, қуришга ва бузишга уста ҳалқ иродаси заифлигидан ҳеч нарсани курмайди ҳам, бузмайди ҳам – у худди ўлган тўтикушга ўхшаб на сасиди, на чирийди. Шу туфайли биздаги саноатчи умри бўйи фабрикани ишга солиш керак, янги ускуналар олиш керак, яна у керак, яна бу керак деган хом хаёл ичida яшайди; заминдор сеньор янги навларни яратиш керак, маҳсулотларни четга чиқариш керак, деб таъкидлайди; ёзувчи китоб ёзиш керак дейди; ўқитувчи таълимни янгилаш керак дейди; ишбилармон янги фирма очиш керак дейди; газе-

тачи мамлакатда турмуш даражасини кўтариш керак деб, ноғора чалади. Аммо, сенга айтганимдек, ҳеч ким ҳеч нарса қилмайди ва табиий, мен, Республика Президенти ҳаммасини ўзим бажаришим керак; бунинг учун эса бўйингдан юқорига сакрашинг лозим. Гапнинг қисқаси, агар мен бўлмасам, мамлакатда баҳтдан ном-нишон қолмайди. Ҳатто мен лотерея ўйинида кўр ҳакам ролини ўйнашга ҳам мажбурман...

У оппоқ мўйловини, бармоқларининг учи билан силади ва бошқа оҳангда гапини давом эттириди:

– Хулоса шуки, бундай шароитда мен дўстларнинг ёрдамига муҳтожман ва айникса, Республикадан ташқарида менга кўмак берувчиларни жуда қадрлайман, у ёқдаги душманларимнинг хийла-найранглари, фитналари ва тухматдан иборат ёзувлари қайта сайланишимга халақит бериши мумкин...

Унинг кўз корачиклари қондан маст бўлган исқабтопарлар каби пастга сирғалиб тушди, чакаги тинмасди:

– Мен Каналес ва унинг ҳамтовоқларини назарда туваётганим йўқ; ўлим менга ҳамма вақт ва бундан кейин ҳам энг яқин йўлдошим бўлиб қолади. Мигел! Мен шимолий америкаликларга таъсир кўрсатиб, Вашингтонни менга қарши қайраётганлар ҳақида гапирайман. Гўё қафасдаги ҳайвонни силаб-сийпалашади, у эса оққа бўяшларини хоҳламайди. Жуда яхши! Гўё мен қариб, мияси айниб қолганман, юрагим маталисгуате дан ҳам қаттиқ эмиш. Аблаҳлар! Майли, улар валдирайверишин. Мамлакатимиз фуқаролари мен ўз сиёсатимни юргизиб, Ватанни ана шу итваччалар ҳужумидан сақлаб қолганим қанчалик фойда етказганига холис баҳо берсинлар. Ҳозир бу ҳақда гаплашмаймиз. Мени қайта сайланишим хавф остида, шунинг учун сени чақирдим. Сен Вашингтонга боришинг ва у ердаги ёвузлик уясида нималар бўлаётгани ҳақида менга батафсил маълумот беришинг керак.

– Сенъор Президент, – ғулдиради Кара де Анхел, у мистер Женжиснинг хўжайин билан чин юракдан гап

¹ Маталисгуате – ёғочи ниҳоятда қаттиқ дарахт.

лашиб олиш ҳақидаги маслағатини эшигандек бўлди, айни замонда эҳтиётсизлик қилиб сафарни йўққа чиқаришдан ҳадиксиради. У кутулиш йўли айни шу ерда эканини бир зумда англааб етди. – Сенъор Президент, мен бутунлай ихтиёрингиздаман, буни яхши биласиз, шундай бўлса-да, Сенъор Президентдан икки оғиз сўз айтишга рухсат сўрамоқчиман – мен унинг энг садоқатли хизматкори бўлишга ҳаракат қилиб келганиман, агар Сенъор Президентга малол келмаса, менга бундай юксак масъулиятли вазифани топширишдан аввал ҳарбий прокурор томонидан мени Сенъор Президентнинг дўсти эмас деб қўйилаётган айбловни текшириб кўришга буйруқ беришингизни сўрайман...

– Бундай бемаъни гапларни ким эшигади?

– Сенъор Президент шахсан ўзига ва ҳукуматига қанчалик содиқлигим ҳақида ҳеч қандай шубҳага бормаслиги керак, аммо прокурорнинг даъволари асосли ёки асоссизлиги аниқланмай туриб, менга янада юксак ишонч билдиришингизни хоҳламайман.

– Нима иш қилишимни сендан сўраб ўтирумайман, Мигел! Бу масалага тўхталмаймиз! Мен ҳаммасини биламан, ҳатто сенга кўп гапларни айтиб беришим мумкиндиндир: кўлимда Каналес қочиб кетгандан кейин ҳарбий прокурор сенга қарши тўплаган маълумотлар ётибди, сени ишонтириб айтаманки, ҳарбий прокурор сени ёқтирумай қолганига бошқа сабаб бор, балки буни сен билмасанг керак. Ҳарбий прокурор полиция билан келишган ҳолда ҳозир сенинг аёлинг бўлмишни ўғирлаб, бир исловотхона бекасига сотмоқчи бўлган; ундан ўн минг песо накд пул олган, сен буни эшигтансан; бунинг жабрини тортган бошқа бегуноҳ аёл у ёқда бутунлай ақлдан озиб қолган.

Кара де Анхел хўжайнининг гапларини хотиржам эшиитди; юзи тошдек қотиб тураверди. Кўзларини зулмат қоплади, ранги бўзарди, кўнглидан кечётган барча хиссиётлар қотди-қолди.

– Сенъор Президент, ёнингизда қолиб, ўз қоним билан сизни ҳимоя қилишимга рухсат берсангиз...

– Нима деганинг бу? Буйруқдан бош тортмоқчимисан?

– Ҳеч қачон, Сенъор Президент...

– Унда гапни тўхтатамиз, бундан фойда йўқ; эртага газеталарда зудлик билан жўнаб кетганинг ҳақида хабар босилади; ҳарбий вазирга бугун буйруқ берилди: саёҳат давомида қилинадиган сарф-харажатлар учун сенга маблағ ажратилган. Пул ва йўриқномани ўзим вокзалга жўнатаман.

Кара де Анхел мана шу машъум соатда – жангда мағлуб бўлганини нишонлади. У бир табақаси ланг очик деразага тасодифан назар ташлади, қорамтир-яшил сарвлар остида, кулранг девор қаршисида – тун зулматига чўмган уйлар орасида – қўриқчилар ва минглаб юлдузлар жилва қилаётган жойда ловулаб ёнаётган оловни кўрди. Илоҳий элчиларга ўхшаган тўртта соя, мохга ўралиб, сариқ эмас, яшил курбақа терисини кийган тўрт кўлли, юзининг бир томонидаги кўзлари очиқ, иккинчи томондаги кўзларини зулмат еб битирган тўртта жодугар ўй бурчагида яшириниб турар эди.

Бирдан ёғоч ногора гумбирлади: гум... гум... гум... гум... ва афти-башарасига ҳар хил бўёклар чаплаб, турли ҳайвонлар қиёфасига кирган одамлар тўдаси пайдо бўлди; улар қатор тизилишиб, ўйнаб келишарди. Ноғоранинг ён томонидаги илмоқчаларга осилган ўргимчаклар қулоқни қоматга келтирувчи товушга қўшилиб титрар, чувалчанглар оловдек ялтираб пастга чопишар эди. Одамлар ногора товушлари уларни ерга киритиб юбор-маслиги ёки кўкка учириб юбормаслиги учун рақс тушишар, пешонасига тизилган мум томчилари билан гулхани озиқлантиришар эдилар. Яшил гўнг рангидаги соялар ичидан юзлари бужмайган, тили осилган, қулоғи йўқ, пешонасида тиканлар ўсган, белига боғланган паҳмок арқонга калла суяклари ва қовоқ идишларни тизиб олган бадбашара одамча чиқиб келди. У пулфлаб алангани

учиришга уринди, таукасин¹ ларга ўхшаб, қувноқ рақсга тушар экан, оловни оғзига олди, куйиб қолмаслик учун у лунжидан бу лунжига ўтказди. Кимдир фарёд солди, у коронгилик қаърига сингиб кетди, дараҳтларга тармашди; узок-яқиндан келган, туғма күр бўлишга маҳкум тоифанинг ноласи эшитилди, улар норозилик маъносида бири дарранда – очлик; бири парранда – ташналиқ рамзига айланган эдилар. Ўз эҳтиёжи, талаби, қисматига яраша рамзий қиёфа танлаган бу одамлар Тоил – Олов хукмдоридан ёнар машъалини қайтариб бер, деб илтижо қила бошладилар. Тоил қантарлар кўкрагидан пайдо бўлган, сут томиб турган дарёга миниб келарди. Буғулар сув оқими тўхтаб қолмасин, деб қочишади, шоҳдор буғуларнинг ингичка оёқлари, юмшоқ кумни босгандек ҳавода учишади. Сувнинг ҳаракати тўхтаб қолмасин, деб қушлар парвоз қиласидилар. Қушлар худди патлари каби нозик. Ребан-бан! Ребан-бан!.. – ер остидан садо келади. Тоил қурбонликка одам сўрайди. Қабила унга энг яхши овчилигини олиб келган, уларнинг қўлида ҳар доим сербатана² тайёр туради, бошқасида сопқони бор. «Улар одамлар-ку, одамларни овлашадими?» – сўради Тоил. Ребан-бан! Ребан-бан! – ер остидан нидо келди. «Ха, агар сен талаб қилсанг, – жавоб берди қабила. – Аммо сен бизга оловни қайтариб беришинг керак, сен Олов хукмдорисан, бизнинг баданимиз, тирноқларимиз, тилимиз, соchlаримиз ҳеч қачон, ҳеч қаерда музламайдиган бўлсин! Бундан кейин орамизда ҳаёт ўлмасин, афсуски, биз ўлим яшасин деб қанчадан-қанча дўстларимизни ўлдириб юбордик!» – «Мен розиман!» – жавоб берди Тоил. Ребан-бан! Ребан-бан! – ер қаъридан гулдурак келди. «Энди хотиржам бўламан. Одамларни овлайдиган инсонларга таяниб хукмронлик қиласераман. Чинакам ўлим ҳам, чинакам ҳаёт ҳам бўлмайди. Эгилган бошлар рақс тушаверсин!»

¹ Таукасин – Жанубий Америкада яшовчи халтали сут эмизувчи жонивор.

² Сербатана – пуфлаб отиладиган милтиқ.

Овчилар бошини чангаллаб қолди, қайноқ нафаслар юзларга урилди, күзлар бўлса ноғора, бўрон ва сағаналар садосига муқом қилиб, Тоил олдида рақсга тушди.

Галати шарпалар ғойиб бўлгандан кейин Кара де Анхел президент билан хайрлашди. Эшик олдида ҳарбий прокурор уни тўхтатиб, бир даста пул ва пальтосини узатди.

– Уйингизга кетмайсизми, генерал? – деган сўзлар оғзидан зўрга чиқди.

– Қани иложи бўлса... Яххиси, сизни кейин кузатарман, балки бошқа пайтда учрашиш мумкин бўлар; кўряпсиз-ку, шу ерда кутиб ўтиришим керак... – У хўжайнинг овозини эшишиб, бошини ўнг елкасига энгаштириди.

САЁХАТ

Улар жомадонларни ҳозирлаётган пайтда тунука томдан оқаётган дарё уй атрофида қуриб қолмасдан узоқузоқларга – уфқдан нарида дengизларга туташадиган худудсиз кенгликларга қараб оқди. Шамол мушти билан деразани очди, ёмғир бостириб кирди, гўё ойна майдаланиб, мингта бўлакка бўлинниб кетгандек бўлди; пардалар ва коғозлар чириллаб айланди, эшиклар тарақлади, аммо Камила буларни сезмади. Оғзи очик, бўш жомадонлар уни дунёдан ажратиб қўйганга ўхшарди, сочларини безатаётганини сезмас, жомадонларни тўлдириб бўлмайдигандек, ҳамма нарса ўзига ўхшаб бўм-бўш, маҳзун, танасиз, қалбсиз бўлиб қолгандек туюлади.

– ... Шу ерда яшайвериш керакми ё бу маҳлукдан узоқдами? – такрорларди деразаларни ёпаётган Кара де Анхел. – Сен нима дейсан?.. Буни билишим шарт. Ҳали кеч эмас, ундан кутулиб қолиш мумкин!

– Кеча кечкурун уни уйида бир тўда иблис рақсга тушаётганини ўзинг айтиб бердинг-ку...

– Буларни ўйлагандан маъно чиқармиди?! – Момакалдироқ гулдурашидан овози эшитилмади. – Бундан ташқари, айт-чи, бирон нарсадан шубҳаланиш мумкин-

ми? Марҳамат: Вашингтонга ўзи жўнатаяпти, саёҳатга ҳам ўзи пул бераяпти... Ана шундай, жин урсин! Энди, мен узоқда юрганимда ҳамма нарса ўзгариши, ҳар нарса бўлиши мумкин: мени ёки ўзингни касалга чиқариб, олдимга келасан, ундан кейин худо пошшо, билганини қилсин...

– Бу ердан чиқишимга рухсат бермаса-чи?..

– Унда ҳеч нарса бўлмагандек, мен қайтиб келаман, ёниғлиқ қозон ёниғлиқ қолаверади, шундай эмасми? Дарё тагидаги тошни сув оқизмайди...

– Сен учун ҳамма нарса осон...

– Унда хоҳлаган жойимизда яшаймиз, иккимизга етарли маблағимиз бор; росмана ҳаёт кечирамиз, ҳар соатда «Мен Сенъор Президент фикрлари билан фикрлапман, токи яшар эканман, Сенъор Президент фикрлари билан фикрлайман!» деб такрорлашга ҳожат қолмайди.

Камила ёш тўла кўзларини кўтариб унга қаради, оғзига қум тўлиб қолгандек гапира олмади.

– Нега йиғлайсан?.. Йиғлама...

– Сенингча, нима қилишим керак?..

– Бу масалада ҳамма хотинлар бир хил!

– Ўз ҳолимга қўй!..

– Худо ҳақи, йигини бас қилмасанг, касал бўлиб қолласан!..

– Йўқ, ўз ҳолимга қўй!..

– Мени ўлимга кетаяпти ёки тириклай кўмишади, деб ўйлайсанми?

– Ўз ҳолимга қўй!

Кара де Анхел уни авайлаб бағрига босди. Юзларидан, йиғлашга ўрганмаган эркакнинг юзларидан, суғуриб олиб бўлмайдиган қийшиқ михга ўҳшаган икки томчи қайнок ёш буралиб-буралиб оқди.

– Хат ёзиб турасанми?.. – шивирлади Камила.

– Албатта...

– Буни сендан илтимос қиласман! Бир-биримиздан сира ажралмагандик. Менга хат ёз, ҳар куни ёз; сен ҳақингда ҳеч нарса билмай кун санағ вақт ўтказиш менга жуда оғир... Ўзингни эҳтиёт қил! Ҳеч кимга ишонма, эшитяп-

санми? Ҳаммага ишонаверма, айниңса, ҳамюртларингга, уларга ишониб бўлмайди... Сендан шуларни илтимос қиласман... – Эрининг бўсалари гапиришига халақит берди... – сендан... илтимос... сендан... сўрайманки... менга... кўпроқ хат ёзиб тур!

Кара де Анхел жомадонларни ёпди ва хотинининг туманлар орасида чараклаб турган мулойим кўзларига тикилди. Ёмғир чеълаклаб қуярди. Сув кўпириб тарновлардан шариллайди. Яқинлашиб келаётган, жуда яқин қолган эртани ўйлаб ваҳимага тушадилар. Буюмлар тўла сукут ичиди жойланди, сўнг ечиниб, айрилиққача қолган вактни ўтказмоқ учун чиккиллаётган соат садоси ва бир лаҳза ором бермайдиган исқабтопарлар ғинғиллаши остида уйкуга ётишди.

– Эшикни исқабтопар кирмасин деб ёпиб қўйишар экан-да. Шу фикр ҳозир миямга келди. Эй, худойим, қандай тентакман-а!

Кара де Анхел жавоб ўрнига уни бағрига босди; Камила ўзини ғарип кўзичоқдек ҳис этди.

Чироқни ўчириб қўйиш, кўзни юмиш, сўзлашиб даҳшатга солади. Сукунат ва ёруғлик қўйнида ўзларини бир-бирига жуда яқин ҳис қиласидилар, товуш эса орадаги масофани узайтиргандек бўлади, юмилган киприклар уларни ажратиб қўяди... Қоронғи уларни бир-биридан узоқлаштираётгандек, бундан ташқари сўнгги кечада айтадиган гаплари кўп, қанча узоқ сўзлашмасин, телеграмма сатрлари каби қисқа туюлади.

Ховлидан жўёжани қувиб юрган оқсоchlаринг шовқини эшитилади. Ёмғир тинган, тарновдан томаётган томчилар сув соатига ўхшаб бир хил овозда чиқиллади. Жўжа қочади, ерга эгилиб чопади, кўкка сакраб, жон саклашга уринади.

– Азизам... – Кара де Анхел қулогига шивирлаб, Камиланинг нозик елкаларини силайди.

– Севгилим... – жавоб қайтаради уни бағрига босар экан...

Оқсоchlар қувишдан тўхтамайдилар, зир югурадилар. Қичқириқ. Жўжа кўлдан чиқиб кетади, ҳансираиди,

күркүвдан күзлари отилиб кетгудек ялтирайди, бўйнини чўзади, қанотлари хоч шаклига айланади ва оғзини очиб, тоза ҳавони каппа-каппа ютади.

Улар сийнани-сийнага қўйиб, ўликлар ва ухлаёт-ганлар орасида, табиат қўйнида, иссиқ макон ичидаги бармоқлари учидан тизиллаб оқаётган меҳр билан бирбирини эркалааб ётадилар.

«Севгилим!» – дейди Камила унга... «Кувончим!» – жавоб қайтаради у. «Кувончим!» – такрорлайди суюклиси ҳам.

Жўжа деворга урилади ёки устига девор ағдарилади... Иккиси ҳам юракка бир хил таъсир қиласиди. Бўйнини бурашади. Қанотларини қоқади, ҳатто жони чиққандаги ҳам учишга уринади... «Ифлос бўлиб кетди, бечора!» – бақиради ошпаз аёл ва этагига ёпишган патларни силкиб қўлини ювиш учун ёмғир сувига тўлган тоғора олдига боради.

Камила кўзларини юмади... Оғир... Қанотлар силкинади... Енгил доғ...

Соат юришини секинлатади: чиқ-чиқ!.. Чиқ-чиқ!
Чиқ-чиқ!

Кара де Анхел Президент зобит орқали вокзалга жўнатган қофозларни шоша-пиша кўздан кечирди. Ҳужжатлардан хотиржам бўлди. Бу одамдан нари кетаётгани, биринчи тоифали вагонга жойлашгани, барча қуляйликлар, ҳамёнидаги чек дафтари; жосуслар – «думли кулоқлар»дан қутулгани қандай баҳт! У хаёлида кезаётган нарсаларни кўрмаслик учун кўзларини юмидаги олди. Поезд тезлигини оширди, далалар орқада қола бошлиди, нихоят, улар болаларга ўхшаб шитоб билан бирин-кетин, бирин-кетин, бирин-кетин югуришга тушдилар, улар билан бирга дараҳтлар, уйлар, кўприклар харакатга келди.

... У одамдан нари кетаётгани, биринчи тоифали вагонга жойлашгани нақадар баҳт!..

... Бирин-кетин, бирин-кетин, бирин-кетин... Уйдан кейин – дараҳт, дараҳт – қўра, кўрадан кейин – кўприк,

күйприқдан кейин – йўл, йўлдан кейин – дарё, дарёдан кейин – дехқон, дехқон хачир орқасида...

... Қулайликлар ичида, жосуслардан холи...

...Хачир – уй орқасида, уй – дараҳт орқасида, дараҳт – тўсиқ орқасида, тўсиқ – йўл орқасида, йўл – дарё орқасида, дарё – тог орқасида, тог – булат орқасида...

Кара де Анхел тўқима ўриндиқقا бошини қўйиб суюниб ўтириди. Мудроқ қўзлари текис, иссиқ, бир хил манзарали қирғоқ бўйларида кезади; миясида фикрлари айқаш-уйқаш: у поездда кетаяпти, кетаётгани йўқ, у поезд орқасидан чопади, қийналиб чопади – поезд кетаяпти, қийналиб чопади – поезд кетаяпти, қийналиб чопади, қий-на-либ, қий-на-либ, қий-на-либ чопади, мур-да би-лан, мур-да би-лан, мур-да би-лан, мур-да би-лан, мур-да би-лан, мур-да би-лан, мур-да би-лан...

У чўчиб қўзини очди – уйқу билан уйғоқлик орасидаги туши – чопиб кетаётгани тугма хавотир хиссини қўзғатади, ҳатто нафас олаётган ҳавога ишониб бўлмайди – ўтирган жойида ҳам ғалати туйғудан қутула олмади: гўё у поезддан қандайдир тубсиз ўпқонга сакраган эмиш; қаншари оғрир, юзидан тер қуилар, пешонасида исқабатопарлар ғужғон ўйнарди.

Яшил ўсимликлар устида денгиздан сув ичиб қўтарилиган ва ўткир тирнокларини беҳисоб кулранг дуҳоба булатлар орасига яширган баҳайбат осмон юксалган.

Ногоҳ бир қишлоқ шўнғиб чиқди, ёнлаб ўтди ва ғойиб бўлди, қуруқ экинзор ўртасида, черков билан қабристон орасида жойлашган қишлоқнинг гугурт кутисидек уйлари бўум-бўш, кимсасиз кўринади, зотан, умид ва марҳумлардан бошқа ҳеч нарса қолмаган! Жўнаб кетаётганидан кувониш туйғуси кўз ўнгида сўниб борди. Баҳористон бўлган бу ерлар уники эди, унинг севгилиси, унинг онаси эди, қадрдан қишлоқларини ташлаб кетар экан, ўзини қанчалик янгидан туғилгандек ҳис қилмасин, у энди бир умр тириклар орасида ўлик сингари яшайди,

бегоналар билан қайғу-ҳасратларини баҳам күролмайды, кадрдон қишлоқларини эсласа-да, қабрига хоч йўниб, тош ташиб келадиган ҳамюртлари ёнида бўлмайди.

Бекатлар бирин-кетин алмашинади. Поезд тўхтамасдан яхши мустаҳкамланмаган рельслар устида чайқалиб боради. Унинг хуштаги, тормозларнинг ғижирлаши, кора тутунлари коронғи тепаликларда қолади. Йўловчилар шляпалари, газеталар, дастрўмоллар билан елпинишиб, иссиқ ҳавода димиқиб, терлаб-пишиб ўтирадилар; уларнинг бадани йиғлайди; қаланғи-қасанғи ўриндиклар, шовқин, ҳашоратларнинг оёғидан тикилганга ўхшаган кийимлари қийнайди; улар терисида ўрмалаб найза санчади, ўз бошлари азоб беради, қичишади, соchlари юлиниб кетаётгандек бўлади; сурги дори ичгандек ташналик қийнайди, ўлаётган одамдек ғам-ғуссага ботади.

Жазира мақаласи кун ўтиб, кеч кира бошлайди, ёмғир томчилааб ўтади, ниҳоят, уфқ ёришиб, олис-олисларда чироқлар кўринади.

Назоратчи келиб, вагон чироқларини ёқди. Кара де Анхел ёқаларини, галстугини тўғрилайди, соатига қарайди... Портга етиб боришга йигирма дақиқа қолган – бу гўё абадий чўзиладигандек туюлади, саноқли сониялар ўтади – ниҳоят соғ-саломат, зиён-заҳматсиз кемага ўтиради. У дераза олдига келиб, коронғида бирон нарсани кўришга интилади. Салқин ҳаво димогига урилди. Дарё устидан ўтаётганини сезди. Йўлнинг давоми дарё ёқалаб кетди...

Беланчакка ўхшаган шаҳар кўчаларидан ўтаётган поезд тормоз бериб, оҳиста тўхтади, иккинчи тоифа йўловчилари – эски пояфзал кийиб, латта-луттага ўралган одамлар тушиб қолди, филдираклар яна ҳаракатга келди ва тўсиклар олдигача секинлашиб борди. Денгиз тўлқинининг тушуниксиз шовқини эшитилди, коронғилик қўйнида божхона биноси қорайиб кўзга ташланди, у ердан катрон ҳиди келарди, яна англаб бўлмайдиган миллион хил аччиқ-чучук ҳидлар димокқа урилди...

Кара де Анхел истиқболига чиқиб, перронда турган порт комендантига узокдан салом берди – майор Фарфанды!.. Шундай оғир дақиқада ўзи қутқарып қолган, ундан бир умр қарздор дүстини күрганидан қувониб кетди – майор Фарфанды!..

Фарфандын унга узокдан честь берди ва дарча орқали хозир аскарлар келиб, юкларни кемага элтишларини билдириди. Поезд тұхтагандан кейин Фарфанды күтарилиб, хурмат-әхтиром билан қўлини узатди. Бошқа йўловчилар шоша-пиша вагондан туша бошладилар.

– О, омадингиз келганини қаранг!.. Қандай яшаяпсиз?..

– Ўзингиз-чи, қимматли майор? Умуман, сўрамасам ҳам бўлади, юзингиздан кўриниб турибди, сиз...

– Сенъор Президент сизни ихтиёргизда бўлишимни айтиб, телеграмма йўллади, сенъор, сиз заррача азият тортмаслигингиз керак.

– Фоятда миннатдорман, майор!

Вагон бир неча сонияда бўшаб қолди. Фарфандарчадан бошини чиқариб қаттиқ қичқириди:

– Лейтенант, жомадонларни олиб кетишин. Нимага имилляяпсизлар?

Шу сўзлардан кейин эшикда қуролланган аскарлар пайдо бўлди. Кара де Анхел уларнинг ниятини жуда кеч англади.

– Сенъор Президент номи билан, – деди Фарфанды, кўлидаги тўппончани ўқталиб, – сиз қамоқقا олиндингиз!

– Тўхтанг, майор! Сенъор Президентнинг ўзи... Бўлиши мумкин эмас!.. Юринг, марҳамат қилиб мен билан бирга юринг, телеграмма жўнатишимга рухсат беринг...

– Буйруқ қатъий, дон Мигел, бўйсунишингизга тўғри келади!

– Нима деяпсиз? Майли, бу сизнинг ишингиз, аммо мен кемага кечикишим мумкин эмас; мен маҳсус топшириқ билан кетаяпман, мен бундай қилолмайман...

– Секин, секин! Марҳамат қилиб, оғирроқ бўлинг, ҳани, ёнингиздаги ҳамма нарсани менга беринг-чи!

- Фарфан!
- Нарсаларингизни менга беринг деяпман!
- Йўқ, майор, кулоқ солинг!
- Қаршилик кўрсатманг, такрорлайман, қаршилик кўрсатманг!
- Гапимни эшитинг, майор!
- Ғиди-бидини йиғиштиринг!
- Мен Сеньор Президентнинг маҳфий ҳужжатларини олиб кетаяпман... сиз ҳали жавоб берасиз!
- Сержант, уни тинтиб чиқинг!.. Кўрамиз, кимга қўп хукуқ берилган экан!

Юзини рўмол билан тўсган қандайдир шахс коронғилик қўйнидан чиқиб келди; Кара де Анхелга ўхшаган баланд бўйли, Кара де Анхелга ўхшаган оқ юзли, соchlари Кара де Анхелнига ўхшаган оқ-сариқ. У ҳақиқий Кара де Анхелдан сержант тортиб олган ҳамма нарсани (паспорт, чек дафтарчаси, никоҳ узуги – хотинининг номи ёзилган олтин гардишни бармоғидан силтаб сугуриб олди – илматугмалари, дастрўмоллар...) киссасига жойладида, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Анчадан кейин кема гудоги эшитилди. Маҳбус қўллари билан қулогини беркитди. Кўз ёшлари дарё бўлиб оқди. Эшикни бузиб ташқарига чиққиси, қочиб кетгиси, учгиси, дengизни кечиб ўтгиси келди, бу ерда қолаётган одам эмас, у ёққа кетаётган, ўзининг исми – юкларини ўзлаштириб, ўн еттинчи ракамли кема бўлмасига жойлашиб олган ва Нью-Йоркка йўл олган одам ўрнида – ўз ўрнида бўлиб қолишни бутун вужуди билан хоҳлар, аммо иложи йўқ эди.

ПОРТ

Денгиз суви кўтарилишидан олдин хўл қанотлари доим зулматни ёритадиган маёқ нурида товланадиган чирилдоқ ва тор хонада тўхтамасдан юраётган, соchlари тўзгиган, энгил-бошига қараб бўлмайдиган маҳбусдан бошқа ҳамма нарса толиқиб, сукунатга чўккан. У ниҳоятда танг аҳволга тушган эди; тинмай оҳ тортар, қўлларини

силкитиб нималарнидир ғўлдирад, ҳамма жойда тўлиб ётган бегуноҳ маҳбуслар сингари фақат тушидагина қаршилик қўрсатиши мумкин эди, улар қайғу-ҳасратлар, ногаҳоний ўлим ва ёвуз жиноятлар учунгина керак; улар ўлик ҳолда уйғонишга маҳкум тутқунлар эди.

«Ягона илинж – Фарфаннынг шу ердалиги! – ўзича такрорлади у. – Нега деганда у комендант. Ҳеч бўлмаса, хотини хабардор бўлади-ку; ёлғиз ўзини судраб туширдилар, икки ўқ билан саранжом қилдилар, кўмиб ташладилар ва ҳамма нарса жойида!»

Вагоннинг поли болға – бир жуфт оёқлар зарбидан титрайди, йўлда қозикдевордек қўриқчи аскарлар тизилишган, маҳбус эса жуда олисда кезади, у кечагина ёнидан ўтган қишлоқларни, ўзининг ифлос адашув дақиқаларида, қўзини кўр қилган қуёшли кунларида черков билан қабристон орасида, кўрқув хукмронлиги остида юрган кезларини эслайди. Энди имон ва марҳумлардан бошқа тириклар йўқ!

Комендантура биносидаги соат занг чалди. Ўргимчаклар қалтирашди. Зарбалар бўғиқ эштилади – катта мил чоракам ўн иккини кўрсатади. Майор Фарфандаринчилик билан аввал ўнг қўлини, сўнг чап қўлини мундир енгидан ўтказади, ҳеч шошилмай киндингидан юкорига қараб тугмачаларини қадайди, хонадаги буюмларга: очиқ оғизга ўхшаган Республика харитасига, қасмоқ босиб, пашшалар, тошбақалар ўтириб кетган сочиққа, милтиққа, дала сумкаларига бефарқ назар ташлайди... Тугмачалар бўйнигача ўрмалаб боради. Бўйнига етганда бошини ёнига буради ва ногоҳ кўзи Сенъор Президент портретига тушиб, ҳайкалдек тик қотади.

Тугмалар қадалгач, шимини тўғрилайди ва чирокқа энганишб сигаретасини ёндиради, қамчини олиб... ташқарига йўл солади. Аскарлар қадам товушларини эшитмайдилар: улар панчоларига ўралиб, мўмиёдек қотиб ухлаб ётадилар. Милтиқ ушлаган қўриқчилар салом берадилар, навбатчи зобит кўкарган лабларига ёпишиб қолган қулранг сигарет қолдигини пуллаб ташлашга уриниб, ўрнидан сакраб туради ва қўлини чеккасига

тегизиб, майорни ҳарбийчасига «Ҳамма нарса жойида, сенъор!» деб қаршилашга зўрга улгуради.

Дарёлар денгиззага қўйилади, улар тарелкадан сут яла-ётган мушукнинг мўйловига ўхшайди.

Дараҳтларнинг соялари, калтакесаклар, қайноқ бот-коқликларнинг иссиқ нафаси ҳам бир-бирига қўшилиб денгиззага интилади.

Вагонга чиқаверишда қўлида фонарь ушлаган бир киши Фарфандга қўшилди. Улар орқасидан маҳбусга мўлжалланган арқонни чийлаб икки барваста аскар борар эди. Фарфанднинг буйруғига кўра уни боғладилар ва боя вагонни кўриклаб турган аскарлар қуршовида ҳайдаб кетдилар. Кара де Анхел қаршилик кўрсатмади. Майор сурбетлик билан маҳбусга шафқат кўрсатмасликни талаб килар, аскарлар бусиз ҳам уни аямай турткилаб боришар эди. Унинг бундай муомаласи тагида комендантурадагилар олдида ўзини кўрсатиш, амал пиллапояларидан тезроқ кўтарилиш истаги ётганини маҳбус дарҳол сезди. Аммо уни комендантурага олиб бормадилар. Вокзалга кираверишда бурилиб, асосий темир йўлдан чеккада турган, ахлатга тўла юқ вагонига қараб юрдилар, елкасига уриб вагонга зўрлаб киритдилар. Уни ҳеч қандай сабабсиз уришар, чамаси, шундай муомала қилиш олдиндан буюрилган эди.

— Мени нега уришаяпти, Фарфанд? — сўради инграб майордан. У кўриклилар билан бирга келган ва фонарь туттган киши билан гаплашмоқда эди.

Жавоб ўрнига қўндоқ зарбаси тегди ва у қўланса ахлат устига ағдарилиб тушди; бу гал елкасига эмас, бошига уришди, қон оқиб, қулогига кирди. Йўтал тутиб, тупурди — оғзи қонга тўлган эди, қон томчилари кўйлагини бўяди — у ғазаб алангасида ўрнидан турди.

— Майор Фарфанд! — жон аччиғида бақирди Кара де Анхел, у оғриқдан тўлғанар эди. Ҳавода қон хиди анқиди.

— Оғзингни юм! Жим бўл! — бўкирди Фарфанд камчинни силкитиб. У маҳбус ҳозир айтиб юборадиган сўздан кўрқиб, қамчи билан қаттиқ урди. Тиззалаб

ўтириб қолган бахти қаро йигит орқасига боғлиқ қўлини бўшатиш учун зўр бериб уринар эди.

– ...Тушунарли... – деди у ўзини тўхтата олмай қалтироқ, инграган товушда, – ... тушунарли... бу зарбалар... сизга яна битта латта беради...

– Оғзингни юм, бўлмаса... – Фарфан ўшқириб, яна қамчи кўтарди.

Фонарли киши қўлини ушлаб қолди.

– Ураверинг, аяб ўтирунг, қўрқунг. Мен чидайман, мен эркакман, қамчи – бичилган ахталарнинг қуроли!

Ҳар сонияда тушаётган икки, уч, тўрт, бешта қамчи зарбаси маҳбуснинг юзини дабдала қилиб юборди.

– Майор, тинчланинг, тинчланинг!.. – яна аралашди фонарли киши.

– Йўқ, йўқ! Мен бу итнинг боласига тупроқ едира-ман... У армияни ҳақорат қилди, буни шундоқ қўйиб бўл-майди... Босқинчи... Аблаҳ!.. – У титилиб кетган қамчинни ташлаб, тўппонча дастаси билан уриб, маҳбуснинг юзи, бошидан сочи аралаш қўшиб терисини шилиб тушира бошлади; ҳар бир урганда бўғиқ овоз билан: – ...армия-ни... ташкилотни... аглаҳ... уни шундай... – деб такрорлар эди.

Пойтахтга қайтиб кетадиган юк поезди тайёр бўлгун-ча ахлат устига йиқилиб тушган қурбоннинг жонсиз жа-садини шу ерда қолдирдилар.

Фонарли киши ҳам шу вагондан жой олмоқчи бўлди, аммо Фарфан уни ўзи билан олиб кетди. Улар коменда-турода поезд жўнашини кутиб, кетма-кет қадаҳ қўтариб, сухбатлашиб ўтирдилар.

Фонарли киши ҳикоя қиласи эди:

– Мени маҳфий полиция хизматига биринчи марта бир жосус ўртоғим, уни Лусико Вассес – Духоба дейи-шарди, таклиф қилган эди...

– Бу номни эшитганга ўхшайман, – деди майор.

– Аммо у пайтда мен ҳали ёлланмаган эдим, ўртоғим эса уларнинг ўз одамига айланиб кетганди – бекорга уни Духоба дейишмаган, биласизми, – мен бўлсан турмага

тушиб қолдим ва жуда күп пулимдан ажралдим, хотиним билан – у пайтда хотиним бор эди, – кичик бир иш қиламиз, деб жамғарыб юргандик. Бечора хотиним эса «Лаззатлар уйи»га ҳам тушиб чиқди.

Фарфан «Лаззатлар уйи» номини эшитиб сеска-ниб кетди. Ҳожатхона ҳиди анқийдиган семиз мегажин Чүчқачани эслаганда жунуни кўзиб қоларди, аммо бу гал жазавага тушмади: ҳозир у сув тагида сузаётган одам кўли ва оёгини типирлатгани сингари Кара де Анхел қиёфасини кўз олдидан кетказа олмас ва кулоғи остида «...Яна битта латта!.. яна битта латта!..» сўзлари такрорланиб тургандек бўлмоқда эди.

– Хотинингизнинг исми нима эди? Мен, ростини айтсам, «Лаззатлар уйи»дагиларни жуда яхши биламан...

– Исми нимага керак? У ерда бир кун ҳам турмади; уни турмадан олиб келишган экан, шу заҳотиёқ жўнатиб юборишган. Ана шу уйда ўғилчамиз ўлиб қолди, хотиним ақлинини йўқотди. Биласизми, худо бир асрэди-да!.. Ҳозир у роҳибалар билан бирга касалхонада кир ювади. Виждони йўл бермади, исловотхона қизи бўлишни хоҳламади!

– Ҳой, мен уни, чамаси, аниқ кўрганман. Болани кўмишга рухсат олиш учун полицияга мен борганди. Доњя Чон ва бошқалар жаноза ўқишган. Сизни ўғилчангиз эканини шунда ким билипти дейсиз!..

– Тасаввур қилинг, мени ўзимни қамоқхонада роса калтаклашди, чўнтағимда сариқ чақа йўқ денг... Агар орқага қайтишни иложи бўлса, жуфтакни уриб, қочиб қолган бўлардим!

– Менинг ҳолимга маймунлар йиғларди. Ҳе йўқ, бе йўқ, бир ярамас хотин мени Президентга роса қоралапти...

– Кейин ана шу Кара де Анхел генералнинг қизига ошиқ бўлиб қолипти, ниҳоят, унга уйланди, айтишларича, у хўжайнинг буйругини бажаришдан бош тортган экан. Буни аниқ биламан, сабаби, Васкес – Духоба уни генерал қочишидан бир неча соат олдин «Тустеп» қовоқхонасида кўрган экан.

– «Тустеп»... – тақрорлади майор эслашга уриниб.

– Бурчакда ана шу қовоқхона жойлашган эди. Хайр энди, қадрдан қўналға; уни икки ёнида эркак билан аёл сурати бор эди: аёл қўлини кўксига қўйиб, сўзлариям эсимда: «Рақс тушамизми, азизим», – деб турипти. Шиша кўтарган эркак: «Ташаккур!» – деб жавоб қайтарди...

Поезд қўзғалиб, тезлигини ошириб борди. Тонгнинг пушти шуъласи мовий денгизда чўмилди. Шаҳарнинг қамиш уйлари, олисдаги тоғлар, майда савдогарларнинг ғарибина қайиклари ва ҳарбий кийимли қора чигиртка-ларга тўла гугурт кутисига ўхшаган комендатура биноси коронгилик қаъридан сузид чиқди.

КЎР ТОВУҚ

«...Унинг жўнаб кетганига неча соат бўлди?» Хайрлашган куни соатларни санар эди. Кейинчалик кунларнинг саноги қўшилди: «Жўнаб кетганига неча кун бўлди!» Аммо икки ҳафта ўтгач, кунлар ҳам йўқолди: «Жўнаб кетганига неча ҳафта бўлди!» Бир ой. Сўнг ойларнинг ҳисоби йўқолди. Улар йилларга айланди. Кейин йилларнинг саноги ҳам йўқолиб кетди.

Камила кўчадагилар кўриб қолишмасин деб меҳмонхонада парда орқасига беркиниб, хат ташувчининг йўлига кўз тикади; у ҳомиладор, боласига атаб жажжи кийимлар тайёрлайди. Хат ташувчи кўринишидан олдин тақиллаган товуш эшитилади, у телба кишига ўхшаб ҳамма эшикларни тақиллатганидан хурсанд. Тўқ-тўқлар яқинлашиб, ойнадан кириб келади. Камила хат ташувчининг овозини эшитиб, тикаётган нарсаларини бир чеккага суреб қўяди, уни кўрганда юраги қафасидан чиқиб кетаёзади, шодлигини бутун дунёга улашгиси келади. Мана у – жуда узоқ кутилган мактуб!

«Мени суюклим Камилам. Ундов белгиси».

Аммо хат ташувчи тақиллатмади... Эҳтимол... Балки кейинроқ... Яна бичиши-тишишга ўтиради, қайғусини тарқатиш учун ўзича мингирлаб қўшиқ айтади.

Хат ташувчи кечқурун яна кўринади. У ойна олдидан эшикка келгунча қанча вақт кетади? Музлаб, нафасини ичига ютиб, вужуди қулоққа айланиб, эшик тақиллашини кутади ва ҳеч ким уйдаги сукунатни бузмаганига ишонч ҳосил қилгач, ночор кўзларини юмиб олади, бутун бадани жимиirlаб, томоғига тошдек тиқилган бехузурлик қайнок нафас, аламли ингрокни ичига ютади. Нега йўлига чиқиб турмади? Эҳтимол, хат ташувчи шунчаки унутгандир. Одамда ҳар хил ҳолат бўлади-ку, эртага албатта хабар олиб келади...

Эртаси куни у эшикни шиддат билан тараклатиб очади. Хат ташувчини қаршилаш учун югуради, унтиб ўтиб кетишидан хавотирланганидан эмас, бу гал омад келишига астойдил ишонганидан югуради. Аммо хат ташувчи бу сафар ҳам унинг унсиз саволларига эътибор бермасдан ўтиб кетади. Мана у: яшил костюмда, одамлар айтганидек, умид рангида: бақақўз, тиржайгандан сўйлок тишлари, анатомия хонасидаги мўёмиёнинг айни ўзи.

Бир ой, икки ой, учинчи, тўртинчи...

Оғир ғамга ботган Камила деразалари ташқарига қараган уйдан кўчага чикмай қўйди, хонанинг энг коронғи бурчакларига беркиниб олди. У ўзини гоҳида эски латтага, гоҳида ўтинга, гоҳида кўмирга, гоҳида эски кўзага, ҳатто ахлатга ўхшатар эди. Дуохон сифатида танилган оқсоч аёл: «У тантиқлик қилаётгани йўқ, соғинади», деб тушунтиради қўшниларига. Улар бу аёлдан бирон доривор гиёҳ олиш учун эмас, кўпроқ ғийбат қилиш учун йигилишади, даволаш масаласида эса бирбиридан қолишмайди: авлиёларга атаб табаррук шамларни кўтариб келишади ва ўз навбатида, хонадоннинг юкини енгиллатиб, қимматбаҳо буюмларни ташиб кетишли.

Ниҳоят, ажойиб кунларнинг бирида бемор кўчага чиқди. Мурдалар оқимга қўшилиб сузади. Танишлар кўзига ташланмай деб, фойтуннинг бурчагига тикилиб олди, аёллар эса у билан саломлашмаслик учун тескари ўтирилдилар – у Президент хузурига йўл олди. Кўз ёшлиари хўл қилган рўмол унга ҳам нонушта, ҳам тушлик

бўлди. Қабулхонада кутиб ўтириб рўмолини бутунлай ғажиб ташлади. Арзга келган одамларнинг саноғи йўқ. Дехқонлар зарҳал стулларнинг чеккасида омонатгина ўтиришар, шаҳарликлар bemalol суюнчикларга суюниб олишган. Хонимларни юмшоқ ўриндиқларга таклиф қилишади. Кимлардир эшик олдидаги гаплашмокда. Президент! Уни ўйлаши билан қалтироқ босди. Қорнида боласи қимирлади, гўё у: «Бу ердан кетайлик!» деб тикилинч қилаётгандек эди. Одамлар увишган қўл-оёқларини уқалашади. Эснашади. Пичирлаб гаплашишади. Бош штаб зобитлари ўтиб туришади. Аскар бола деб раза ойналарини артади. Пашибалар ғинфиллайди. Юрагининг остида боласи қимирлади. «Эҳ, сен тўполончи! Нимага аччиқ қиласан? Биз Президентдан сенъор қаерда, деб сўраймиз. У ҳали сени борлигингни ҳам билмайди; у қайтиб келгандан кейин сени бошида кўтаради! Ҳадемай, сен ҳам хаёт деган қозонда қайнайдиган бўлиб қоласан... Йўқ, мен бунга умуман қарши эмасман, аммо сенга мана шу ердан кўра яхши жой топилмайди!»

Президент уни қабул қилмади. Кимдир хат ёзиб кўринг, деб маслаҳат берди. Телеграммалар, гербли қоғозга ёзилган хатлар... Нафи тегмади; ундан жавоб қайтмади...

Кўчалар бўм-бўш, одамлар черковда ибодат қилишади, у эса идорама-идора юриб вазирларни қоровуллайди, қовоғи уюлган кекса эшик оғалари билан қандай гаплашишни билмайди, улар бирон саволига жавоб беришни хоҳламайдилар, ичкарига киришга уриниб кўрса, уриб-туртиб, аъзойи-баданини кўкартириб ҳайдаб чикарадилар...

У Нью-Йоркдаги консулга, Вашингтондаги элчига, дугонасининг танишига, танишининг қайнағасига хат ёзиб, эрини суриштиргди. Бир савдогар жуҳуд Америка элчихонасидаги мўътабар котиб, изқувар ва дипломат Кара де Анхел Нью-Йоркка етиб борганини аниқ билади деб айтди. Уни портга тушгани порт рўйхат дафтарида, қайси меҳмонхонага жойлашгани меҳмонхона рўйхати дафтарида ҳамда полиция маълумотномалари-

да қайд этилган, бу ҳақда газетада хабарлар чиқкан, у ёқдан яқинда келгандар ҳам буни тасдиқлади. Ҳозир уни қидиришмоқда, – деди жуҳуд, – у хоҳ тирик, хоҳ ўлик бўлсин, топилади; у бошқа бир кемада Сингапурга сузуб кетган деган миш-мишлар бор. «Сингапур қаерда?» – деб сўради у. «Қаерда бўларди – Ҳиндихитойда», – ясама тишларини гижирлатиб жавоб берди жуҳуд. «У ёқдан хат қанча вактда келади», – суриштирди яна. «Аниқ айтолмайман, уч ойларда келиб қолар». У бармоқларини букиб санади. Кара де Анхел Сингапурга жўнаб кетганига яқинда тўрт ой бўлади.

Нью-Йоркда ёки Сингапурда... Елкасидан тоғ ағдариғандек бўлди! Олисда юрса ҳам тирик! Одамлар валдирагандек, портда ўлдирилмаган экан! Нью-Йорк ёки Сингапурда – узок-узоқларда, аммо хаёлан ёнида.

У йикилиб тушмайин деб жуҳуднинг пештахтасига ҳорғин суюнди. Севинганидан боши айланди, сўнг ҳавода – зар қофозларга ўралган тансиқ таомлар, тўр саватли Италия шароблари, консерва қутилари, шоколад ўрамлари, олмалар, селёдкалар, зайдун мойлари, шимол балиқлари, узумлар орасида учеб юргандек бўлди – ниҳоят, эри қайси юртлардан қўним топганини билди! «Тентак, ўзингни шунчалик қийнашни нима кераги бор эди? Нега хат ёзмаётгани ҳам маълум – у комедияни охиригача ўйнамоқчи. Энди рашик ўтида ёниб, ташлаб кетилган хотин қиёфасига кириши ёки оғир тўлғок дамларида эри ёнида бўлиши учун уни излаб топиши керак».

Фойтунга буюртма берилди, юклар саранжомланди, сафарга керакли нарсалар таҳт қилинди, аммо паспорт олишига рухсат берилмади. Оғиздаги никотин корайтирган тишлар очилиб ёпилди, очилиб қайта ёпилди, сўнг юқоридан паспорт берилмасин, деган буйруқ келганини айтиш учун яна очилди. Камиланинг лаблари қалтиради, оғзини юмди, кейин қулогига яхши етиб келмаган сўзларни такрорлаш учун яна очди. Президентга қайта-қайта жўнатилган телеграммалар бехуда кетди. Уларга катта бойлигини сарфлаб қўйган эди. У жавоб қайтармади. Вазирлардан гап чиқмади. Хонимларга

ўта илтифотли бўлган ҳарбий вазир ёрдамчиси ҳадеб оёғингизни тираб олманг, ҳатто катта армия келиб саройни қамал қилганда ҳам фойдаси йўқ, сабаби, эрингиз Сенъор Президентни қаттиқ ранжитган, деб айтди.

Унга бир ҳожатбарор попдан ёрдам сўраб кўринг, деб маслаҳат беришди. У Президентнинг ге-мор-рой бўлиб қолган маъшуқасини ва яна унга яқин бир неча хонимни даволаган экан. Аммо айни шу кезларда Кара де Анхел Панамада безгакка чалиниб, вафот этди, деган миш-мишлар тарқалди, бу хабарни спиритлар орқали текшириб кўриш керак, деб маслаҳат беришди.

Спиритларни топиш унча қийин бўлмади. Фақат башоратчи хотин бир оз тихирлик қилди. «Сенъор Президентга душман одамнинг руҳини чакириш менга тўғри келмайди», деб туриб олди. Унинг хунук кийимидан чиқиб турган қоқсүяк қўллари ва оёқлари қалтирас эди. Ялиниб-ёлворишлар, мўмай пул олдида тош ҳам эриб кетади, шундай, порани олгандан кейин башоратчи хотин рози бўлди. Чирокни ўчиришди, Камилани кўркув босди, Кара де Анхелнинг руҳини чакириша бошлишганда хушини йўқотиб, оёқда туролмай қолди, уни зўрға бошқа хонага олиб чиқдилар, у очик денгизда ҳалок бўлган – Кара де Анхел шундай деб айтди, эрининг овозини эшилди. Ҳозир ўша ерда, энди қайта туролмайди, чиройли сув тўшагида ётиби, денгиз туби унинг момиқ ёстиғига айланган.

Йигирма ёшида юзлари сўлиб, қоқсүякка айланган, фақат яшил кўзлари-ю, шаффоф кўз косасигина сўппайиб колган Камила кўзи ёригандан кейин оёққа туриши биланоқ ёзни қишлоқда ўтказиш учун жўнаб кетди. Оғир камқонлик, сил, телбалиқ, тушкунлик ичидаги афтодаҳол бўлган, боласини ингичка сим устида кўтариб юрганга ўхшаб, эридан ҳеч қандай дарак тополмасдан, фақат сувга чўкканларни кўрсатадиган ойналарга боқиб, уни ё ўғли, ё ўзининг кўзида кўришдан умидвор бўлиб, у тирик, Нью-Йоркда ёки Сингапурда юрибди, деган хаёлда овуниб кун ўтказиш жуда оғир эди...

Қарагайларнинг қуюқ соялари орасида, текисликдаги мевали дараҳтлар ва боғлар аро, булутлардан ҳам жуда баландда, зулматларни ёритиб, янги кун яркираб кўринадиган муқаддас якшанбалардан бирида ўғлига туз, ёғ, табаррук томчилар қўшилган жом тўла сув тутқаздилар ва Мигел деб исм бердилар. Турналар бор овозда сайдилар. Бир тутам пат ва ниҳоятда жарангдор наво. Кўйлар қўзичоқларини меҳр билан ялади. Мана шу якшанба кунида онасининг қўли баданини силаб-сий-палагани чақалоқка накадар роҳат, қувонч бағишлади; у она меҳрини, эркалашларини ҳис этиб, кўзларини юмиб, роҳатланиб ётар эди. Тойчоқ нам кўзларини узмасдан тикилиб турган она биянинг ёнида шўхлик қиласди. Бузоқча сўлаклари оқиб ётган тумшуқчаси билан сут тўла елинни туртиб, баҳтиёргидан яйраб маърайди.

Кўнғирок жаранглаб, чўқиниш маросими ўтказилгани маълум қилингандан кейин Камила ўзи сезмаган ҳолда вужудида ҳаёт нашъаси уйгонаётганини ҳис қилиб, ўғилчасини бағрига маҳкам босди.

Кичкина Мигел эркинликда ўсиб, қишлоқ одамига айланди, Камила шаҳарга бошқа қайтиб бормади.

ҲАММА НАРСА ЖОЙИДА¹

Ўргимчак тўридан ўтган нур ҳар йигирма икки соатда ер остидаги ертўлани ёритади, ҳар йигирма икки соатда чириган арқонга боғланган тугунда занглаған идишда у ердаги маҳбусларга овқат туширадилар. Йигирма еттинчидағи маҳбус чирк босган идишни ва ювинди устида сузиб юрган ёғ бўллаги-ю, бўтқани кўриши биланоқ, кўнгли айниб, юзини четга бурди. У очдан ўлса ўладики, аммо овқатга кўл тегизмайди. Кейин чидағ бўлмайдиган очликдан силлалари қуриб, кўзлари нурсизланади, кўз соққаси катталашиб кетгудек тутқаноқ тутгандек тўлғаниб баланд овозда ўзи билан ўзи гаплашади, ертўлада у томондан бу томонга гандираклаб бориб-кела бошлайди,

¹ Мазкур бобни бироз қисқартиришга журъят этдик. – Тарж.

бармоқларини тишлайди, музлаган қулоқларини ушлаб тортади, ниҳоят, бир куни занглаган идиш юқоридан пастга тушганда, бирор күлидан юлиб оладигандек, идишга ташланади ва овқатни кўрдим демай хузурланиб чайнайди, эзғилаб ютади. Овқатни паққос туширади. Арқон тортила бошлаганда идиш орқасидан қорни тўйган жониворга ўхшаб мамнун қараб қолади, бармоқларини сўради, лабларини ялайди... Аммо бу роҳатдан кейин қаттиқ азоб бошланади, овқатнинг хузури ингроқ ва лаънатлаш билан адо бўлади, ёғ ва чандирлар ичагига ёпишади, корин оғриғидан букилиб қолади, деворга суюниб, энтикиб ўқчииди ва тубсиз бўшлиққа йиқилиб кетаётгандек ҳис этади ўзини, ниҳоят, оғриқ ўтиб кетади, боши чир айланади, хўл соchlарини силайди, кўли шалвираб иягига тушади. Кулоги шангиллайди. Юзидан совук, тер қуйилади. Нур ғойиб бўлади, ёруғлик бир ёқдан кўриниб ва шу захотиёқ йўқола бошлайди. Бир вақтлар бадан деб аталган аъзосини силайди, ўзи билан ўзи олишаётгандек аста ўтиради, оёгини узатади, бошини деворга тираб, афюн ичган одамдек киприкларини кўтаришга мажоли етмай, бўшашиб қолади. Аммо тинчгина ухлай олмайди; ҳаво сийраклигидан нафаси қайтади, титраётган кўлини тинимсиз юқорига, пастга узатади, аввал бир оёгини, кейин иккинчисини узатади, яна йигиштиради; бармоқ учлари беихтиёр томоғига ёпишади: ичини ёндираётган кекирдагини юлиб олмокчи бўлади, уйку элитади, қумдаги балиққа ўхшаб куруқшаган тилини чиқариб, совук ҳавони ютади, кичқиришга уринади ва бутунлай уйгониб кетади, ҳали тўла ўзига келмаган, бу азоблардан кичкира бошлайди, овози эшитилсин деб бор бўйича тик туради, оёқ учида чўзилади. Камера акс-садоларни ҳам ютиб юборади. У деворни муштлайди, полни тепади, овози бора-бора итнинг улишига ўхшаб қолади... Сув, суюқ ош, туз, ёғ, сув, суюқ ош...

Кўллари эзib ташланган чаённинг қонига тегди... жуда кўп чаёнлар... совук томчилар тўхтамасди... ёмғир ёғсин деб осмондаги барча чаёнларни эзib ташлаганлар... У итга ўхшаб шалоплатиб чанқофини қондиради,

кимга миннатдорчилик билдиришни билмайди, аммо яна даҳшатли азоб бошланди. Кўлмак сувда оёгини шамоллатиб кўймаслик учун ёстик ўрнида ишлатадиган тош устига чўққайиб ўтиради; қишида камерани сув босганди шундай қиларди. Ана шу алфозда соатлаб қалтираб ўтиришга тўғри келади, хўл кийимларидан сув тома бошлияди, суяқ-суягигача совуқ ўтиб, музлаб кетади. Қорни оч, темир кути кечикмокда эди. У бўридек очкўзлик билан овқатланади, тушида қорни тўйишига умид қилиб, сўнгги луқмадан кейин ўтирган жойида ухлайди. Анчадан кейин ёлғиз маҳбуслар ҳожатини чикарадиган кутини туширишади...

Икки соат ёруғлик, йигирма икки соат кора зулмат, овқат учун занг босган идиш, яна бири бўшаниш учун, ёзда ташналиқ, қишида тошқин; ер ости маҳбуси шундай кун кўради.

... Кундан-кунга вазни енгиллашиб боради – йигирма еттинчидаги тутқун ўз овозини танимай қолди, агар шамол ундан хабар топганда, қайтишини интизор кутаётган Камила олдига олиб борган бўларди. Балки у кута-кута ақлдан озиб қолгандир?! Кўз илғамайдиган, ушоқкина бўлиб қайтиб боради. Кўллари қорайган бўлса нимаси ёмон... Кўксидаги ҳарорат унга куч-кувват беради!.. Ифлослиги-чи?.. Уларни кўз ёшлари билан тозалайди...

У Камилани доим ёнида бирга деб билади, бағрига босади, қайноқ баданини, ташналигини сезади, бармоқлари билан силайди, титрок қўлларига қовургалари тегади...

Йиллар ўтиб, йигирма еттинчидаги маҳбус қариди, йиллар эмас, шўр қисмат уни адо этди. Юзини сонсаноқсиз чуқур ажинлар бужмайтирди, соchlари чумоли қанотига ўҳшаб оқарди. Аввалги қиёфа, қадди-қоматдан ном-нишона қолмади. Энди у йўқ, жасад ҳам уники эмас... Ҳавосиз, нурсиз, харакатсиз, ичбуруғ азоби, бод, асаб бузилиши, хидалашган кўзлари... Хотинига бўлган улкан муҳаббат, у билан қайта кўришиш умиди юрагига мадор, куч-кувват бағишлаб турган ягона ва охирги суюнч тоғи, сўнгги юпанчи эди.

Махфий полиция бошлиғи ўриндиқ билан бирга олдинга сурилди ва ботинкасини полга тираб, тирсагини кора стулга қадади; перони чироққа яқинлаштириб, икки бармогининг учи билан унга ёпишиб қолган соч толасини тортиб олди – у ёзишга халакит бериб, харфларни мўйловли қисқичбақага айлантириб қўймокда эди. Тишларини бир оз кавлаб ўтириб, ёзишда давом этди: «... ва кўрсатмага мувофиқ, тилга олинган Ходим йигирма еттинчи камерадаги тутқун билан сўнгги икки ой давомида дўстона алоқа ўрнатишга эришди: тинимсиз йиглади, нола чекди, бўкирди ва жонига қасд қилмоқчи бўлган одам ролини қойилмаком килиб бажарди. Дўстона сухбатларда йигирма еттинчидаги маҳбус ундан Сенъор Президентга қарши қандай жиноят содир этганини ва одам ҳар қандай умид-ишенчидан маҳрум бўладиган бу ерга қандай тушиб қолганини сўради. Тилга олинган Ходим жавоб бермади ва бундай холатда тавсия этилганидек, бошини ерга уриб, ҳаммани лаънатлашга тушди. У суриштиришини¹ қўймади, Ходим ноилож тилга кирди: «Полиглотлар¹ мамлакатида полиглот бўлиб туғилдим. Полиглотлар йўқ мамлакат борлигини билиб қолдим ва бу ерга келдим. Хорижликлар учун қулай мамлакат экан. Ҳамма ерда танишлар, дўстлар орттиридим, пул, ҳамма нарса бор. Бир куни қўчада нотаниш сенъорани қўриб қолдим: орқасидан бир неча қадам юрдим, иродасизлик қилдим, қатъият етишмади... Эри бормикин... қизми... бевами? Ягона билганим шу бўлдики, изидан боришим керак! Кўзлари нақадар гўзал! Лаблари ширин олма! Қадди қомати! Айни орзудаги хилқат!.. Эргашиб бордим, танишишга муваффақ бўлдим, аммо ана шу учрашган пайтимииздан бошқа уни кўрмадим, қандайдир нотаниш одам, унга ҳеч қаерда кўзим тушмаган эди – унинг изидан соядек эргашиб юра бошлади. Дўстимикин?.. Аммо гап нимада?.. Дўстлари ундан юз ўгирди. Кўчадаги тошга айланишди... Аммо гап нимада? Қадам босса – тошлар қалтирайди. Уйларнинг деворлари... Аммо гап нимада?

¹ Полиглот – кўп тилларни билувчи.

Унинг овозини эшитганда уйларнинг деворлари титрайди. Ҳаммаси эҳтиётсизлиги сабабли: у... Сенъор Президентнинг маҳбубаси бўлган хонимга – буни ана шу эркак анархизмда айбланиб, турмага қамалгунча билиб олган эдим – кўнгил қўйган экан. Хоним генералнинг қизи бўлиб, уни ташлаб кетган эридан ўч олиш мақсадида шу йўлни тутган экан...» Тилга олинган Ходим маълум қиладики, ана шу сўзларни айтганидан кейин қандайдир шитирлаган товушни эшитади – илонлар тунда шундай юришади, – маҳбус унинг ёнига келиб ниҳоятда паст овозда – балиқлар сузгичларини шундай тебратадилар, – бояги хонимнинг исмини такрорланг деб илтимос қилган, Ходим хонимнинг исмини иккинчи марта тилга олган... Шунда маҳбус бирдан – худди жонига теккандек, – тирноқлари билан баданини юла бошлаган, аммо у баданини ҳис этмас эди, юзларини тирнаб ташлаган, кўз ёшларини артган, – фақат териси қолган, бармоқларини кўкрагига қўйган, уни ҳам тополмагандан кейин ерга гурсиллаб қулаган...

Кўрсатмага мувофиқ мазкур маълумотномани тўлиқ кўчириб олдим ва бир нусхасини маҳбус қамоқда сақланган вақтда кўлида бўлган саксон етти доллар ҳамда кийилган жун костюмни билетга ажратилган пул билан бирга тилга олинган Ходимга шахсан ўзим топширдим. Йигирма еттинчидағи маҳбуснинг вафот этган санаси: № ... ўткир дизентерия.

Мазкур маълумотномани Сенъор Президент эътиборига етказишни ўз бурчим деб биламан...».

ХОТИМА

Талаба умрида ридо кийган кишини кўрмаганга ўхшаб, йўлка чеккасида қоққан қозикдек туриб қолди. Аммо уни эски ридо эмас, қулогига пономар шивирлаб айтган гаплар ҳайратга солган эди. Эркинликда учрашиб қолганларидан хурсанд бўлиб, кучоқлашиб кўришдилар.

– Мен бу кийимни ҳазарати олийларининг рухсати билан...

У кўча ўртасида аскарлар қуршовида кетаётган занжирбанд маҳбусларни кўриб тўхтаб қолди.

– Бечоралар, – шивирлади пономар, талаба эса йўлкага ўтиб олди.

– Аркни бузиб чарчаб қолишган! Шундай нарсалар борки, кўриб кўзингта ишонмайсан!

– Кўрганинг кифоя эмас, – хитоб қилди талаба, – яхшиси, бундай деб айтинг: қўлинг билан ушлайсан, аммо ишонмайсан! Мен шаҳар бошқармасини айтаяпман...

– Мен ридо хақидами деб ўйладим...

– Аркни туркларга майдалатгандари камлик қилганми? Полковник Сонриетени ўлими эвазига шунча бино ер юзидан супуриб ташланганига ҳеч ким шубҳаланмайди...

– Нималар деб валдираяпсиз, эшитиб қолишади. Худо ҳақи, жим бўлинг! Ҳали нима бўлиши номаълум...

Пономар яна нимадир демоқчи эди, аммо майдонда чопиб юрган бошяланг пакана киши уларнинг олдига югуриб келиб куйлай бошлади:

*Олифта, бадбашара,
Сени ким ясатди?
Руҳоний кийимларин
Мукофотга берган ким?*

– Бенхамин!.. Бенхамин!.. – йиглашдан бери бўлиб кичкириб келарди хотини. – Эътибор берманглар, сенъорлар, унга қараманглар – у аклдан озган; Арк нега йўқолганини ҳеч тушуна олмаяпти!

Кўғирчоқбознинг хотини пономар ва талабадан узр сўраётган пайтда дон Бенхамин қўшигини ҳоргин жандармга охиригача куйлаб беришга ҷоғланган эди:

*Олифта, бадбашара,
Сени ким ясатди?
Руҳоний кийимларин
Мукофотга берган ким?*

*Бенхаминнинг қўлидан
Чиққан эмассан-ку сен.
Терингни латта билан
Алмаштириб қўйган ким?*

– Йўқ, сеньор, унга тегманглар, у ёмон ниятда бундай қилмаяпти, ишонинглар, у ақлдан озган! – жандармдан шафқат сўрарди дон Бенхаминнинг хотини, қўғирчоқбозни ҳимоя қилиб.

– Кўрмаяпсизми, у телба, унга тегманг... йўқ, йўқ, уни урманг!.. Ўйлаб кўринг, бутун шаҳарни Аркка ўхшаб бузиб ташлашганини кўрдим, деб гапириш даражасига етди!

Маҳбусларнинг кети узилмайди... Одамлар уларнинг қаторида эмаслигига шукр қилиб у ёқдан-бу ёкка жимгина ўтадилар. Турнақатор бўлиб кетаётгандар изидан оғир белкурак кўтарган ва замбилғалтак судраган кишилар гурухи боради, энг охирида яна бир гурух маҳбуслар занжирларини шиқирлатиб, илондек судраладилар.

Хизматчилик магазинларини бекита бошладилар. Трамвайлар кетма-кет қатнайди. Гоҳ фойтун, гоҳ автомобиль, гоҳ мотоцикл гуриллайди... Қайноқ ҳаёт ичига ғарқ бўлган пономар билан талаба гадоларга бошпана ҳамда на уруғи, на шажарасининг тайини йўқ одамлар масканига айланган Ибодатхона устунлари орасида, архиепископ саройи остонасида хайрлашдилар.

Талаба Аркдан қолган тош-шагаллар ва ахлатларни яшириш учун қоқилган тахталар ёнидан ўтар экан, ғазаб билан кулимсиради. Совуқ шамол эпкини қуюқ чанг булутини осмонга кўтарди. Оловсиз тутун – ернинг тутуни. Олис вулқонлардан бирининг қолдиги. Бошқа йўналишда эсган шамол ҳозир йўқ бўлиб кетган ташкилот – шаҳар ҳокимиятининг мажлислар зали ўрнида қолган қоғозларни учириб, ёмғирдек ёғдиради.

Бузилган деворларга осилиб қолган латталар шамолда байроқдек ҳилпираиди. Ногоҳ қаердандир супургига миниб олган қўғирчоқбознинг сояси пайдо бўлади, унинг

елкаси устидаги күм-күк осмонда юлдузлар чарақлайды, оёғи остида – бешта майда тош ва шағал вулқони.

– Бум-блум!.. Роппа-роса кечки соат саккизда – сукунат күйнида құнғироқ товуши сувни лопиллатади... Бум-блум!.. Бум-блум!

Талаба берк күча охиридаги уйига етиб келди ва эшикни очиб, ибодатхонага тайёрланаётган оқсочнинг йўтал аралаш товушини ва тасбех ўгириб ўтирган онасининг илтижосини эшилди:

– Э, худо, барча азоб тортаётганлар ва мусофиirlарни ўзинг паноҳингда асрагин... Барча ҳукмдорлар ўртасида ўзинг тинчлик ва осойишталик ўрнатгин... Адолат ҳукмига муҳтожларни ўзинг қўллаб-қувватлагин... Покиза эътиқодларимизни ўзинг асра, худойим!

Kyrie eleison...



¹ Худойим, ўзинг мадад бер. (юнон.)



МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ


Кўхна арк харобаларида	3
Искабтопарнинг ўлими	8
Пелеленинг қочиши	13
Фаришта	18
«Мана бу ҳайвон»	24
Генералнинг боши	31
Архиепископ илтижо қилади	38
Муқаддас арк зиналаридаги қўғирчоқ театри	45
Шиша кўз	49
Армия сардорлари	55
Қочиш	60

ИККИНЧИ ҚИСМ

Камила	68
Қамоққа олиш	77
Тантана қил, замин!	85
Амаки ва холалар	90
«Янги уй»да	98
Мұхаббат жафоси	110
Эшиклар олдидә	115
Прокурор шоколад ичиб, ҳисоб-китоб қилади	121
Бир дараҳт мевалари	125
Айланма йўл	131
Жонли қабр	138
Сеньор Президентга маълумотнома	144
Исловотхона	149
Ўлим маскани	159
Дахшатли тушлар	167
Хатарли йўл	175

УЧИНЧИ ҚИСМ

Зулматдаги сухбат	189
Ҳарбий трибунал	194
Шошилинч никох	199
Муз қўриқчилар	204
Сенъор Президент	210
Жумбокнинг ечими	217
Кўр кўзларнинг очилиши	226
Кўшиклар кўшифи	231
Инқилоб	238
Тоил рақсга тушади	242
Саёҳат	253
Порт	260
Кўр товук	265
Ҳамма нарса жойида	270
Хотима	274



Адабий-бадиий нашр

МИГЕЛ АНХЕЛ АСТУРИАС

СЕНЬОР ПРЕЗИДЕНТ

Роман

*Рус тилидан Ортиқбой
Абдуллаев таржимаси*

Мухаррир И. Аҳмедов

Бадиий мухаррир Д. Мулла Охунов

Техник мухаррир Т. Харитонова

Кичик мухаррирлар: Д. Холматова, Г. Ералиева

Мусаххих Д. Маҳмудова

Компьютерда саҳифаловчи С. Азизтоева

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08. 2009.

Босишига 2016 йил 23 августда руҳсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}.

«Газетная пухляя» қофози. «Times New Roman» гарнитурасида

офсет усулида босилди. Шартли босма табоби 14,7.

Нашр табоби 14,12. Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-513.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz